

АСҚАР ЗУННУНОВ

# ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

*Олий ўқув юртлари учун дарслик*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2004

Тақризчилар:

- Қ. Назаров** — фалсафа фанлари доктори, профессор.  
**У. Маҳкамов** — педагогика фанлари доктори, профессор.  
**А. Маврулов** — тарих фанлари доктори, профессор.  
**Х. Абдикаримов** — педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
(қайта ишланган II нашр)

**А. Зуннунов** 1-бобни, 2-бобдан ўрин олган «Исломда таълим-тарбия», Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар аз-Замаҳшарий, Маҳмуд Қошгарий, «Тасаввуф таълимоти», Аҳмад Ясавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги маълумотларни, 3-, 6- ва 7-бобларни, 8-бобда **М. Очилов**, **Ш. Қурбонов** ҳақида берилган маълумотларни, хорижий мамлакатларга доир 1- ва 2-бобларни ёзди;

**М. Хайруллаев** — VIII—XIII, XIV—XV, XVI—XIX асрнинг биринчи ярми, XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий ҳаётга доир шарҳларни, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ҳақидаги маълумотларни ёзди;

**Б. Тўхлиев** — 4- ва 5-бобдан ўрин олган мутафаккирлар ҳақидаги маълумотларни ёзди;

**Ш. Қурбонов** — 8-бобдаги шарҳни, **А. Зуннунов**, **М. Қуронов** ҳақидаги маълумотларни ёзди;

**Х. Масудов** — 3-бобдаги Оврупа мутафаккирлари ҳақидаги маълумотларни ёзди;

**М. Қуронов** — 4-бобдаги Ривожланган мамлакатлардаги таълим-тарбия ҳақидаги шарҳни ёзди.

## СЎЗ БОШИ

«Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки,— дейилади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида,— ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.»<sup>1</sup>

Асрлар оша омон қолиб, бизга етиб келган миллий қадриятларимиз, маънавий ва маърифий маданиятимиз, илм-маърифат, шунингдек, педагогика фани мустақиллик шарофати ила янгидан ривож топа бошлади.

Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг истиқболи фан-техника, илм-маориф тараққиёти ҳамда баркамол миллий кадрларни тарбиялаб вояга етиштириш билан боғлиқдир. Шу боис ҳам мустақил давлатимиз илм-фан ҳамда маориф ривожига, салоҳиятли миллий кадрлар етиштиришга жиддий эътибор бермоқда.

XX асрга қадар бўлган даврлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихидан шу нарса маълумки, маънавиятли, маърифатли баркамол ёшларни тарбиялаб етиштириш халқ педагогикасининг моҳияти бўлган ва у минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб, миллий педагогика тарихининг замини ҳисобланган.)

Ислом Каримов Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилиши маросимида сўзлаган нутқида биз бутун дунёдаги барча халқлар билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилар экан-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон». 2000, 271-бет.

миз, айна пайтда, юртимиз ёшлари қадимий илдизларимизни, аждодларимизнинг ким эканини, улар жаҳон тамаддуни тараққиётига қандай бебаҳо ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармасликлари лозимлигини таъкидлади. «Улмас ва ноёб асарлари билан башарият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аждодларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу беқиёс маънавиятимизнинг инсоният қўлга киритган илғор билим ва тажрибалар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз ва айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олга боришимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилажак»<sup>1</sup>, — деди.

Маълумки, умуминсоният тарихида Амир Темур асос солган салтанат даврида ижтимоий ҳаётда юксалиш, илм-фан, маданият гуркираб ривожланган. Бу даврда яшаб ижод этган ал-Бухорий, ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошгарий, Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар жамият тарихи ва жаҳон маданияти ривожига беназир ҳиссаларини қўшганлар. Бу буюк мутафаккирлар турли фанларга оид яратган асарларида маънавий-маданий қадриятларнинг илмий-фалсафий асосларини ишлаб чиққанлар. Улар асрлар давомида таълим-тарбия соҳасида аждодларимиз орттирган тажрибаларнинг кучли қудратга эга эканлигини ва халқчиллигини ўз асарларида ифодалаганлар.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг таниқли раҳбарлари Муҳаммадхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек каби маърифатпарварлар маданиятни ривожлантириш учун маърифатпарварликка асосланиш, таълимни ислоҳ қилиш зарурлиги ғоясини олға суриб, Туркистонда ижтимоий онг тараққиётини бошлаб бердилар.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2003 йил, 7 май.

1917—1990 йилларда ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда коммунистик мафкура таълим-тарбиянинг асоси қилиб қўйилишига қарамай, халқимизнинг тафаккури, маънавий даражаси, педагогик онги ривожланиб борди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақил бўлиши билан миллий онг, маънавиятимиз манбаи — тарихий-маданий қадриятларимизни ўрганиш ва тиклашга мушарраф бўлди. «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари асосида таълим-тарбия мазмунан янги босқичга кўтарилди, кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги ўзбек модели шакллантирилди, инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги учун замин яратилди.]

Ислом Каримов XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ кўрсатиб берар экан, асосий йўналиш жамият маънавиятини янада ривожлантиришдан иборат эканлигини айтиб: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан. Эркин фуқаро маънавияти, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»<sup>1</sup> лигини таъкидлади.

Ана шу талаб, кўрсатмаларга биноан ҳамда ўқитувчи ва педагог олимлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, муаллифлар амалдаги педагогика тарихи дарсликларини қайта ишлаб, янги материаллар билан тўлдириб, мазкур «Педагогика тарихи» дарслиги яратилди.

Ушбу дарсликда XX аср охири ва XXI аср бошларига қадар бўлган даврдаги педагогик фикр бир бутун тадқиқ этилган. Унда Ватан равнақи учун курашган, жонларини фидо этган маъри-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

фатпарварлар билан замондош бўлган, уларнинг маърифий қарашларини давом эттирган олим ва шоирлар: Қори Ниёзий, Сиддиқ Ражабов, Шорасул Зуннун, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Зулфия ва бу устозларнинг педагогик қарашларини давом эттираётган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пўлат Мўминларнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари акс эттирилган.

Дарсликда мустақиллик йилларида педагогик фикр ривожини, таълим-тарбия янги мазмун ва шакл кашф этгани, бу соҳада эришилган ютуқлар, хизмат қилаётган олим-педагоглар фаолияти алоҳида бир бобда ёритилган.

Ишонамизки, мустақиллик даври етиштирган янги авлод — педагог олимлар миллий педагогикамиз тарихининг ривожини изчилликда тадқиқ этиб бориш билан мазкур дарсликни янада такомиллаштирадilar.)

*Рустам Собирович Қосимов,  
Иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор*

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Олий ўқув юртлари учун мўлжаллаб миллий қадриятлар асосида яратилган ушбу «Педагогика тарихи» дарслиги 1992—2002 йилларда нашр этилган, амалда қўлланилаётган «Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси», «Ўрта Осиё педагогик тараққиётидан лавҳалар» номидаги қўлланмалар, Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун яратилган «Педагогика тарихи» дарслиklarининг мужассами сифатида тайёрланди. Уни тайёрлашда Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирок этган анжуманларда қўлланма ва дарслиklar ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар, истаклар, шунингдек, республика маънавият ва маърифат маркази ходимлари изҳор этган фикрлар ҳисобга олинди.

Дарсликда XX асрнинг охири, XXI аср бошларигача (2005 йилгача) бўлган даврдаги педагогик фикр ривожига баён қилинди. Бу баёнлар Президент Ислам Каримовнинг дарслиklarга қўйган талаби даражасида бўлишига ҳаракат қилинди.

Муаллиф мазкур дарсликни тайёрлашда ҳамкорликда фаолият кўрсатган, таклиф ва мулоҳазалари билан қатнашган М. Хайруллаев, Б.Тўхлиев, Ш.Қурбонов, Х.Масудов ва М. Куроновларга миннатдорчилик билдиради. >

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПЕДАГОГИК ФИКР**

### **БИРИНЧИ БОБ**

#### **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, ТАРБИЯ. «АВЕСТО», «АЛПОМИШ» ВА «МАНАС» ДОСТОНЛАРИ**

Марказий Осиёда ибтидоий жамоа тузуми вужудга келган даврда ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши билан жамоа аъзолари зарур воситаларни, оддий ишлаб чиқариш қуролларини яшашга киришдилар. Уларнинг бу ҳаракати натижасида жамоада ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги шакли юзага келди, ишлаб чиқариш алоқаларигина эмас, балки мустақкам қариндошчилик, уруғчилик асосидаги ибтидоий жамоа шаклланди. Жамоада муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ишларни аёллар бажардилар, бола тарбияси уларнинг ихтиёрига топширилди. Шу асосда жамоада аёлларнинг мавқеи ортади.

Кейинчалик ишлаб чиқариш қуролларининг мукаммаллашиб бориши билан жамоада меҳнат тақсимооти ўзгарди: эркаклар, асосан, чорвачилик ва ов билан боғлиқ бўлган ишларни бажардилар, иқтисодий ҳаётда улар етакчи мавқени эгалладилар.

Жамоа ҳаётида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан турли хилдаги хўжаликлар шакллана бошлади, одамларда турмушга муносабат ўзгарди. Тошкент, Бухоро, Сурхондарёдан топилган археологик ашёларда ва қоятошлардаги расмларда ўша ўлкаларнинг ва халқларининг ўз фикр ва мақсади шу нақшлар орқали ифодаланди. Суғориладиган ерларда деҳқончилик, чорвачилик тараққий этиб бориши, айрим жамоа, уруғ хўжалигида қўшимча ишчи кучига муҳтожлик сезилиши оқибатида юзага келган қулдорлик хусусиятини ифодаловчи маданият, турли дин ва анъана, ақидалар юзага келди.

Милоддан олдинги VI—V асрларда суғориш ишлари ривожланиб, хўжалик аъзолари богдорчилик, полизчилик билан шуғулландилар. Бу даврда Арня, Хоразм, Суғд ва бошқа вилоят-



ларнинг иқтисодий жуғрофия харитаси, турли маъданлардан рўзғор буюмлари ишлана бошланди.

Милоддан олдинги V аср бошларида Хоразмда Маъмун «донолар уйи» — Академияси ташкил қилинди. Академияда тўпланган Хунайн, Сабит ибн Курра, Кусто ибн Лука, Яхъя ибн Адий, Исхақ ад-Дамашқий каби олимлар илм-фан ривожига қилган хизматлари, илмий-адабий, ахлоқий масалаларга доир чет эл асарларини араб тилига таржима қилиш билан шўхрат қозондилар.

Марказий Осиёдаги археологик топилмалар ва ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки ибтидоий жамоа ва кейинчалик қулдорлик тузуми даврида ҳам Турон ҳудудида ижтимоий-маданий ҳаёт ривожланган. Айниқса, Қадимги Хоразм, Фарғона, Зарафшон водийларида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва меъморчилик маданияти жаҳонга маълум ва машҳур бўлган. Қулдорлик тузумининг дастлабки босқичлариданоқ Турон заминиди халқларнинг маънавий ва маърифий ҳаётида ҳамда диний эътиқодларида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Айни пайтда, ўзига хос турмуш тарзи, анъана, расм-русумлар, урф-одатлар ҳамда таълим-тарбия шаклланди.

Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида қадим-қадимдан турли динлар, диний ақидалар пайдо бўлган. Уларда аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаёти, турмуш тарзи ва анъаналари маълум ўлчовга солинди ва белгиланди.

Бундай динлардан энг қадимийси ва энг машҳури зардуштийлик дини, зардуштийлик таълимотидир. Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» қадимги Турон заминиди буюк маданият ва маърифат ҳамда халқ педагогикаси мавжудлигига ёрқин далилдир. «Энг мўътабар қадимги қўлёзмалар «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти, — дейди Президент Ислом Каримов, — бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози», 1998 йил 22-август сони.

Зардуштийлик динининг асосчиси Шарқнинг файласуфи, иотиғи, шоири, донишманди бўлган. Зардушт аталмиш буюк тарихий шахсдир.

Зардушт милоддан олдинги VII асрда яшаган, Хоразм ҳокимлигига қарашли чорвачилик билан шуғулланувчи Спитама уругидан бўлган. Отасини Паурушаспа, онасини эса Дугдова деб аташган. Зардушт болалигидан от, туя боқиш билан шуғулланган, фавқулодда қобилият ва қудрат соҳиби бўлган чорвадор қавмларининг урф-одатлари, дину удумларини ўрганган.

Маълумки, қадимги ота-боболаримиз турли динларга, кўп худоларга топинганлар, уларга боғлиқ расм-русумларни бажарганлар. Ана шундай одатлардан бири қабиланинг ўз худосига қурбонлик қилиш бўлган. Зардушт кўп қурбонлик натижасида борган сари молларнинг камайиб, қирилиб кетаётганини кўриб азият чекади, бунинг оқибати хунук бўлишини кўриб, қабилалар орасида тез-тез содир бўладиган низо, қирғин урушларнинг негизи ҳам ана шу кўпхудолик билан боғлиқлигини ҳис этади. Турфа дунёқарашдаги кексалар билан суҳбат, баҳслар натижасида Зардушт кўпхудоликнинг зарарини тўла тушуниб этади ва йигирма ёшида ўзининг нор туясига (Зардушт — сариқ туя соҳиби) миниб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади, яккахудолик ғоясини тарғиб қилади; ўн йилдан кейин ягона худо — Ахура Маздани кашф этади ва қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши якка худолик ғоясини олга суради. Зардушт илгари сурган ғоянинг негизини икки нарса: мутлақ моя — Хурмузнинг яккаю-ягоналигини тан олиш; яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлгончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот ва борлиқни иккига бўлиб қараш — дуалистик қарашга содиқлик ташкил этади. Зардушт адолат, маърифат ғояларини ёйишда аждодлар анъанасидан моҳирлик билан фойдаланади. Зардушт таълимоти тобора халққа таъсир ўтказаётганини сезган муҳолифлар унга қарши қатъий курашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардушт бир гуруҳ тарафдорлари билан Эронга қочиб ўтади ва ўз таълимотини шу ерда узил-кесил шакллантиради. Зардушт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шоҳи Виштаспга асослаб кўрсатиб, унинг эътиборини қозонади. Виштасп фармонига кўра Зардушт 1200 бобдан иборат панднома — «Авесто»ни олтин

тахтачаларга ёзиб, шоҳга топширади. Шоҳнинг фармони билан Эрону Туронда оташпарастлик — зардуштийлик дини тўла жорий этилади. Зардуштнинг хоҳиши ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳарларда оташкадалар — ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадалардан бири, энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради. Зардушт 77 ёшида ушбу олтин суви билан зарҳалланган бинода ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори, шоҳ Аржаспнинг содиқ навқари Братарвашх томонидан ўлдирилади. Аммо Зардуштнинг таълимоти муқаддас эътиқод бўлиб қолади. Ҳозир ҳам жанубий Ҳиндистон, шимолий Эронда зардуштийлик эътиқодидагилар бор.<sup>2</sup>

«Авесто» соф диний китоб бўлмай, ижтимоий-фалсафий, маданий, адабий-тарихий қимматга эга бўлган нодир қомусий ёдгорликдир. Унда адолат ва сулҳ улуғланади.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиш билан бирга, илм-фан, ҳаётий воқеалар ҳақида мукаммал маълумот берадиган энг кўҳна манба ҳисобланади. Унда Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбойжон халқларининг энг қадимги маросимлари: урф-одат, эътиқод, ибодат, қироат қилинадиган оятлар, диний маросимларда ижро этиладиган огзаки ижод намуналари ҳақида маълумот берилган.

«Авесто»да шаҳару қишлоқларни обод қилиш, боғу роғлар, яйловларни кўпайтириш, кишиларнинг маданий турмушини ривожлантиришга ундаш, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси хусусида ҳам диққатга молик фикрлар ифодаланган.

«Авесто»да Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, касб ўрганиш, меҳнатсеварлик, меҳмондўстликка доир фикр-мулоҳазалари ҳам баён қилинади.

Зардушт ўз насиҳатлари — ўғитларида адолатни тарғиб этади, яхши хулқ-одобни эъзозлайди. Унинг таълимоти уч нуқтада: Хутама — яхшилик, Нухта — тўғри сўз, Хваришита — яхши хулқларда мужассамлашган. У чорвадорлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳаётини бадавий кўчманчи йўлтўсарлар чопқинидан ҳимоя қилади. Адолат ва одиллик ғоясини олга суради.

«Авесто»да яхшилик, униб-ўсиш, ерда ҳаётни сақлаш учун интилувчи кучлар билан разолат ва қабоҳат, зулмат ва ҳалокат кучлари ўртасидаги курашда мардлик, жасорат ва матонат, маърифат ва инсонийлик галаба қозонади.

«Авесто»да ер, сув, замин, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда қабристонларда тозаликка риоя қилиш кераклиги таъкидланади. Ахура Мазда ўт-ўланлар ва мевали дарахтлар экилган, сув равон бўлган ер энг яхши ер, аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (гизо тополмайдиган) ер энг ёмон ер деб атаган. Ерни ифлос қилган ва уни сақлаш қоидаларини бузган шахслар жазоланиши кераклиги айтилган.

«Авесто»да инсон тозаликка, соғломликка даъват қилиниб уларга бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни олиб тозалаш туриш тавсия этилади. Инсон меъери билан овқатланиб, доимо тўқ юриши лозимлиги уқтирилади.

«Авесто»да чорвачилик масаласига алоҳида эътибор берилди. Инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишлари иштиёқи билан меҳнат қилгандагина худо иноятига ноил бўлгусидир».

«Авесто»да таъкидланишича, қариндошлар ўзаро оила қурмаслиги, қавм ва уруғ қони тоза, авлод бенуқсон сақланиши керак, кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозим, бир йўла 2—3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовордир.

Бола асосан оила муҳитида тарбияланиб, инсон сифатида шаклланади. Тарбия эса, ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) ҳисобланади. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиши ва сўнгра эса, ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

«Авесто»даги бундай фикрлар халқ педагогикасида ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тadbир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия соҳасидаги ҳаётий тажрибалари халқ педагогикасида мужассамлашган.

Халқ педагогикаси фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ қабила аъзолари болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик, дўстлик, аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, инсонпарварлик, умуман ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривож топтиришга ҳаракат қилганлар.

Ўтмишда ахлоқ тарбияси алоҳида ўринда турган. Ҳар бир қабила, элат ўзига хос ахлоқ қонун-қоидаларини яратган, инсоний идеал ахлоқ қонуниятининг асоси ҳисобланади. Ота-боболар ахлоқий тарбияда Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Муродхон, Равшан каби афсонавий қаҳрамонлар тасвирланган дostonлардан фойдаланганлар, улар асосида ёшларни энг яхши анъаналар руҳида тарбиялашганлар.

Халқнинг ватанпарварлик, элга ҳурмат, унинг тинчлиги, оройишталиги учун ғамхўрлик қилиш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот учун қайғуриши, айниқса, у яратган дostonларда ёрқин ифодаланди. Буни, масалан, Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодининг ёрқин намунаси бўлган «Алпомиш» ва қирғиз халқининг «Манас» дostonларида ўзбек ва қирғиз халқлари миллий анъаналари, маънавиятининг ифодаланишида ҳам кўриш мумкин.

«Алпомиш» дostonи туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган ва севиб куйланидиган асарлардан бири бўлиб қолди. Бу дoston халқнинг қаҳрамонлик ва гўзаллик, дўстлик ва биродарлик, вафодорлик ва содиқлик ҳақидаги гоёлари ифодаланган асар сифатида қимматлидир.

Алпомишнинг қаҳрамонлиги закот талаб қилганлиги учун акаси Бойбўридан аразлаб, Кашал элига кўчиб кетган Бойсари оиласи устига бостириб келган қалмоқ шоҳи Тойчахон лашкарига қарши курашида ва уларни тор-мор қилишида яққол намоён бўлади. Масалан:

*Қарамай баланд настига,  
От қўйди қалмоқ устига.  
Ёлғиз бўп бунда юради,  
Кўп қалмоқни ўлдиради,  
Қилич-найза соп кўради.  
Бу алига таъсир қилмади,  
Қалмоқ айтгани бўлмади,  
Қалмоқлар фикр ўйлади...  
«Тиғи олмос бунга ботмас,  
Уруш қилган омон кетмас,  
Бу ўзбек қандай жодугар,  
Ё бу кашмирми, ҳийлагар?  
Ҳеч ким бўлмади баробар,*

*Урсанг ботмайди яроқлар...*

*Энди қолган қалмоқлар*

*Қочмоқни ихтиёр қилди...»<sup>1</sup>*

Алпомишнинг адолатпарварлиги Қалмоқ шоҳ лашкарлари-га қарши курашда, оддий одамларга хайрихоҳлигида кўринади. Алпомиш қалмоқ юртига босқинчилик қилиш учун эмас, балки Қалмоқшоҳ томонидан мол-мулки таланган, хизматкор қилинган Бойсарини Бойсунга олиб келиш учун боради. Бу курашда у қалмоқ юртидаги илгор кучлар: малика Товка ва оддий чўпон Кайқубод мададига таянади. Улар Алпомишга зиндондан қутилиб чиқишда ёрдам кўрсатадилар. Достонда бу тасвир орқали одамга одам дўст бўлиб, яхшилик қилиши, садоқат ва мурувват кўрсатиши кераклиги тарғиб қилинади. Бу инсоннинг улуг фазилатидир. Алпомиш Тойчохонни мағлубиятга учратгач, Кайқубодни унинг ўрнига подшоҳ қилиб тайинлайди.

Достонда Барчин ва Қалдирғоч ҳам Алпомишга мададкорлик қиладилар. Улар юксак инсоний фазилатлари, ақл-фаросат ва тадбиркорлик билан Алпомиш ва Қоражонни қаҳрамонликка ундайдилар.

Барчин ўз элида қолган суюкли ёри — Алпомишга вафодор, эътиқодли бўлганлиги сабабли, совчи бўлиб келган алпларга шундай жавоб қилади:

*«Эшитгин, қалмоқлар, айтган тилимдан,  
Мени олар келмас сенинг қўлингдан...  
Менинг тўрам, билсанг, Бойсун султони,  
Оти Ҳакимбекдир, элда даврони.  
Кўп айланма бунда, қалмоқ, беъмани.  
Хабар етса, алп Алпомиш келмасми,  
Қалмоқларга қиёмат кун бўлмасми,  
Армон билан сендай алплар ўлмасми,  
Ҳолинг билиб, тўғри юрсанг бўлмасми?!»<sup>2</sup>*

Достонда Қалдирғочга хос инсоний фазилатлар бутун воқеалар давомида сайқалланиб боради. Чунончи, Алпомишнинг

<sup>1</sup> Алпомиш. Т., 1985, 158—159-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 61—62-бетлар.

Сурхайл мастон тузоғига илиниб, зиндонга тушиб қолганлиги ҳақида Ултонтоз зулмидан кўрқмай, Олатоққа сургун қилинган Қоражонга хабар бериб, уни Алпомишни зиндондан қутқариш учун жўнатади, акасининг ўлганлиги ҳақидаги хабарга ишонмай, қийинчиликка чидаб, Бойбўри қўлида туяларни боқиб юради, акасидан ёдгор бўлиб қолган якка фарзанди Ёдгорни парвариш қилиб, унинг тарбияси билан шуғулланади.

Достондаги бошқа барча ижобий образлар, жумладан, чўпон Култой бобо, Кайқубод, Қалмоқшоҳнинг қизи Товка ва бошқалар халқ тасаввурида ахлоқий покликни, жисмоний камолот ва маънавий юксакликни ўзида мужассамлантирган инсонлардир.

Достонда кишилардаги бахиллик, баднафелик, иккиюзламачилик, бошқаларни камситиш, шуҳратпарастлик, номардлик, виждонсизлик каби иллатлар Қалмоқшоҳ, Сурхайл мастон, Кўкалдош бош бўлган қалмоқ алплари, Бодомчўри ва унинг ўғли Ултонтоз каби одамлар тимсолида ифодаланган ва қораланган.

Маълумки, инсоннинг кундалик ҳаётида анъаналар ва урф-одатлар, жумладан, тўй тантаналари билан боғлиқ удумлар ҳаётда азал-азалдан катта ўрин эгаллаб, муайян даврнинг, иқтисодий ва сиёсий тузумнинг самараси ҳисобланган.

«Алпомиш» достонида севимли ёр, оила ва уруғ бирлиги йўлида кўрсатилган мардлик, жасурлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқлар биродарлиги, дўстлик ва самимият улуғланади. Халқнинг қаҳрамонлик ва мардлик ҳақидаги ғоялари, содиқ дўст, вафоли ёр, оқибатли жон-жигар тўғрисидаги орзу-умидлари достоннинг асосий ижобий қаҳрамонлари: Алпомиш, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Култой ва Ёдгорлар тимсолида тасвирланади. Халқ уларни ўз душманларига қарши курашда ҳар ишга қодир, жисмоний бақувват, маънавий етук қаҳрамонлар қилиб яратган. Масалан, қўнғирот уруғи бошлиқлари Бойбўри ва Бойсарининг болалари Ҳакимбек ёшлигиданоқ баҳодирона ишларга қодир бўлиб ўсади ва етти ёшидаёқ бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонли сари ёйдан отиб, Асқар тоғининг чўққисини учириб юборгани учун Алпомиш номини олади ва тўқсон алпнинг бири бўлиб қолади.

Алпомишдаги чинакам инсоний фазилатлар, унинг зулм ва разолатга қарши кураши, жасур ва жисмоний бақувватлиги қалмоқ паҳлавонларидан бири Қоражон билан дўстлашишига сабаб бўлди. Масалан, Қоражон Алпомиш билан дўстлашиб, ўз уйида меҳмон қилиб турганда онаси Сурхайл меҳмонни ёқтирмай айтган гапларига жавобан шундай дейди:

*То ўлгунча яратганга рост бўлдим,  
Ўз феълимдан чўпу хасдан наст бўлдим,  
Худони ўртага солиб дўст бўлдим,  
Келган меҳмон сенинг ўғлинг бўлади,  
Ундай десанг, эна, кўнглим қолади,  
Дўстнинг меҳри жуда иссиқ келади...  
Мазгилига ўғлинг айтиб келади,  
Дўст отини бунда тугиб туради,  
Ундай дема, онажон, айб бўлади,  
Кўнғиротнинг шунқори келиб қўнади,  
Эшитса кўнглига оғир олади...*

Бу сўзларда Қоражоннинг Алпомишга самимий ва содиқ дўстлиги, унга ҳеч қачон хиёнат қилмаслиги ифодаланган.

Умуман, «Алпомиш» достонида қаҳрамонлик ва гўзаллик, дўстлик ва биродарлик, вафодорлик ва содиқлик, ёрдам, муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик каби юксак инсоний фазилатлар улуғланган, ўзбек халқининг ўзига хос фазилатлари ибрат намунаси сифатида тасвирланган. Инсонийликка доғ туширувчи иллатлар қораланган.

Қирғизлар ҳам туркий халқлар орасидаги энг қадимий қавмлардан биридир. Уларнинг оғзаки ижодига оид намуналар жуда қадим замонлар билан боғлиқ. «Бошқа халқлар ўзининг ўтмиш маданиятини тарихий ёзма адабиётида, ҳайкалтарошлик, архитектура, театр, тасвирий санъатда сақлаб қолган бўлса қирғиз эли ўзининг онглилигини, ор-номусини, курашини, кўзлаган мақсадини амалга оширишда тарихий воқеаларнинг эпик баёнидан фойдаланган».<sup>1</sup> «Манас» достони ҳам ана шу залда яратилган. Достонда мактаб, ўқиш-ўқитиш жараёни, етти ёш тарбия учун энг қулай муддат эканлиги ҳақида фикр айтилади:

<sup>1</sup> Чингиз Айтматов. Бойыркы кыргыз рухунун туу чокусу Манас. Эпос. 1 китеп. Фрунзе: Кыргызистан, 1984, 8-бет.



*Кундан, кундан кун ўтиб,  
Кун мазгили келибди,  
Ойдан, ойдан ой ўтиб,  
Ой мазгили келибди,  
Шундай қилиб Манас ҳам,  
Етти ёшга тўлибди.<sup>1</sup>*

Достонда меҳнат, жисмоний камолот, ақлий ва ахлоқий сифатлар улуғланади, бу сифатлар бадиий шаклларда ифодаланади.

Қадимги қирғизларнинг (умуман, туркий халқларнинг) яшаш тарзи, хусусан, ижтимоий, маиший ҳаётида овчилик, чорвачилик, қисман деҳқончилик билан шуғулланиши жамият аъзоларининг соғлом, бақувват, жисмоний жиҳатдан етук бўлишларини талаб этарди. Шунинг учун ҳам достонда шахснинг жисмоний камолотига оид фикрлар устувор ўринда туради. Манас туғилишидаёқ алпқоматлиги, жисмоний бақувватлиги билан энагаларини лол қолдиради.

Энагаларидан бири — Хонлижон чақалоқни рўмолга ўрамоқчи бўлса, чақалоқ Манас оёғини суғуриб олади.

*Нақ қирдаги кишидай,  
Қирқ яшарнинг ишидай,  
Аёғин силтаб ўтгани  
Ёпирай бу неткани.<sup>2</sup>*

Манас вояга етиб душман билан юзма-юз келганида душманлар ҳам унинг жисмоний жиҳатларига кўпроқ эътибор беришади.

«Манас» достонида ақл-идрок ва донишмандлик мадҳ этилади, шу хислатларга бошқалар эътибори жалб қилинади ва қирғизларнинг улуғи Оқболта шундай тасвирланади:

*Ақли зиёда чол-да,  
Ўзи пирзода чол-да,  
Юрт жим қулоқ соларди,  
Сўзидан маъни оларди...<sup>3</sup>*

<sup>1</sup> Манас. Қирғиз халқ эпоси, 1-китоб, Миртемир таржимаси, Т., 1964, 79-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб, 62-бет.

<sup>3</sup> Уша китоб, 43-бет.

Туркий халқларда қадим-қадимдан боболар култи мавжуд бўлган. Катта ёшлилар алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам дostonда кексалар дуоси, ота олқиши алоҳида меҳр билан ардоқланади, ота қаргиши фожиа, қисмат сифатида талқин этилади.

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг сўзларига алоҳида эътибор бериш Манаснинг бутун хатти-ҳаракатига хос хусусиятдир.

Дostonда қайсарлик, ўжарлик, жоҳиллик, манманлик ёмон илат эканлиги айтилади, ватанпарварлик — юксак инсоний фазилат сифатида алоҳида таъкидланади.

«Манас» дostonида табиат тасвири алоҳида ўринни эгаллайди, табиат гўзаллиги Ватан ва юрт тушунчалари билан уйғун ҳолда акс эттирилган.

Эр йигит Ватан учун яралгандир, Ватаннинг бутунлиги йигитлар билан ва албатта, йигитнинг бахти Ватан биландир:

*Эр йигит ўз орига,  
Қайта кунгучи бўлар.  
Керак бўлса ор учун,  
Жангда ўлгучи бўлар.*

Умуман, «Манас» дostonида ифодаланган таълим ва тарбиявий фикрлар ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Марказий Осиёда II—III асрларда феодал ҳукмронлигининг кучайиши натижасида халқ оммасининг аҳволи огирлашди. Натижада V—VI асрларда феодал сиёсати ва зулмига қарши бўлган диний маздакизм оқими юзага келди. Бу оқим таълимотининг асосчиси Маздак деҳқонларнинг сосонийларга қарши ҳаракатига бошчилик қилди.

Маздакийлар ўз ижтимоий дастурларида жамият аъзолари барча соҳада тенг бўлиши керак, деган фикрни олға сурдилар. Шу туфайли Маздак таълимоти халқ оммаси ўртасида кенг ёйилди. Бу таълимот аҳли ҳокимият вакиллари адолатли бўлишга, тинчликка даъват этганлари учун уларнинг ҳаракати ўз даврида ижобий аҳамият касб этди, халқнинг ташқи босқинларга қарши мустақиллик учун курашига катта таъсир кўрсатди.

VII асрларда Марказий Осиёга араблар кириб келганда маҳаллий халқлар уларга қарши кураш олиб бордилар. Буни Сум-

батма кўзғолони (755), Абу Муслим ҳаракати (VIII асрнинг 30—40 йиллари), Муқанна кўзғолони, Бобек раҳбарлигидаги халқ ҳаракатлари мисолида кўриш мумкин.

## **И К К И Н Ч И Б О Б**

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА VIII—XIII АСРЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

VII асрда Арабистонда шаклланган ислом дини VIII асрга келиб Марказий Осиёда кенг ёйилди. Марказий Осиё араблар томонидан босиб олинди, араб давлати—халифалиги ўрнатилиб, «Қуръон» қонун-қоидалари Марказий Осиёда ҳам амалга оширилди.

Халифалик Фарб ва Шарқ давлатларини ўзига бўйсундирди. Натижада VIII асрнинг охирига келиб, Атлантика денгизидан Тяньшангача, Кавказдан Ҳинд денгизигача бўлган ерларда турли тилда гаплашувчи халқлардан иборат бўлган буюк араб давлати вужудга келди.

Марказий Осиёда хоразм, суғд, турк ёзувлари ўрнини араб тили ва араб ёзуви эгаллади. Арабларга қарши Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ал-Хориж, Рафи ибн Лайслар бошчилигида кўтарилган халқ кўзғолонлари бостирилди. VIII аср охирига келиб Марказий Осиёда араб халифалигининг ҳукмронлиги ва ислом дини узил-кесил ўрнатилди.

Исломнинг янги дин сифатида вужудга келиши ва бошқа динлар ўрнини эгаллаши тарихан ижобий аҳамият касб этди. Чунки ислом динида аввалги динларнинг ижобий хусусиятлари ўз ифодасини топди. Чунончи, ислом ва унинг асосий китоби бўлмиш «Қуръон»да ахлоқ-одоб, иймон, инсонни улуғлаш, жамиятга хизмат қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ота-онага ҳурмат каби масалалар равшан акс этди. Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Хажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн ат-Термизий, имом Абу Довуд Сулаймон, Имом Аҳмад ибн Шубайб ан-Насоний тўплаган ҳадислар ҳам таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

VIII аср охири IX аср бошида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм-фан ривожланди, юнон олимларидан Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту), Сократ (Сукрот), Гиппократ (Букрот), Гален (Жолинус), Евклид (Иқлидус) каби олимларнинг асарлари араб тилига таржима қилинди, христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик амалга оширилди. Халифа Хорун ар-Рашид ўлимидан (813 йил) сўнг унинг ўғли Маъмун халифа этиб тайинланди. У Бағдодда илмий марказ — Академия ташкил этиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан, Марказий Осиёдан ҳам олим, фозилларни тўплади. Бу марказда Мовароуннаҳр, Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Марвозий, Марварудий, Жавҳарий каби олимлар Бағдод академиясини жаҳонга машҳур қилишда жуда катта фаолият кўрсатдилар.

IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиёда Сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди, кейин Тоҳирийлар, Хоразмшоҳлар, Фазнавийлар давлатлари фаоллик кўрсата бошлади. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўҳна Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида шуҳрат қозонди, савдосотиқ, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бир қаторда, чет мамлакатлар билан маданий алоқалар, билим ўчоқлари ривож топади, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатлари билан алоқа воситаларидан бири бўлган анъаналар давом эттирилди, ерли олимлар бошқа ўлкаларга бориб илм олишди, ҳамкасблари билан яқиндан мулоқотда бўлдилар.

IX аср охирлари исломнинг ҳуқуқшунослик, ҳадисшунослик соҳалари ривожланди. Бу даврда Марказий Осиё халқи жаҳон илм-фанининг, кишилиқ жамиятининг ривожига катта ҳисса қўшди. IX—XII асрлар давомида Марказий Осиё жаҳонга Хоразмий, Фаргоний, Исмоил ал-Бухорий, Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Маргилоний, Замаҳшарий, Маҳмуд Қошғарий каби буюк олимларни тақдим этди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шуҳратини оламга ёйдилар.

Марказий Осиё адабиёт соҳасида ҳам дунё маданиятида ўчмас из қолдирган Рудакий, Дақиқий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий кабилар билан машҳур бўлди. Бу давр бадиий адабиёти-

да шоирлар форс, турк ва араб тилларида ижод этдилар. Улар ўз асарлари билан жаҳон адабиёти тарихи ривожига ўчмас из қолдирдилар.

Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва диншуносларнинг асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятини улуғлаш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилди. Бағдодда ташкил этилган «Байт ул-ҳикма» — Академиянинг энг нуфузли раҳбарларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий «Ал-жабр ва ал-муқобила», «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоботи ҳақида рисола», «Куёш соати тўғрисида рисола», «Муסיқа ҳақида рисола» каби асарлар яратиб, дунёга машҳур бўлди.

Хоразмийнинг асарлари XII—XIII асрлардан бошлабоқ лотин тилига таржима этила бошланди ва бутун Оврупога маълум бўлди.

Хоразмийнинг сафдоши Аҳмад Фарғоний астрономия фани ривожига улкан ҳисса қўшди. У «Юлдузлар ҳақидаги фан усуллари тўғрисида китоб», «Астрономия илмлари мажмуаси ёки осмон жисмлари ҳақида китоб», «Алмагест», «Осмон жисмлари сфералари», «Фарғоний жадваллари» китобларини ёзди. Фарғоний ўз асарларида қадимги Миср, Эрон, Сурия, Юнон ва Исроил олимларининг тақвим тузиш, география, осмон жисмлари ҳаракати ҳақидаги билимларини умумлаштирган ҳолда, ўз даври талаблари асосида яхлит астрономия илмлари мажмуасини яратди ва бу билан табиий илмлар ривожига катта ҳисса қўшди. Имом ал-Бухорий IX асрда ислом оламида машҳур ҳадисшунос бўлиб танилди. У мусулмон Шарқда ҳадис тўплаш, уларни тартибга солиш, хусусан, «Саҳиҳ ал-Бухорий» асари билан шуҳрат қозонди. У исломшуносликнинг энг йирик устунларидан бири сифатида ўз ижодида диннинг тарбиявий аҳамиятини ривожлантиришга ҳаракат қилди, шу билан ислом тарихида сўнмас из қолдирди.

Абу Наср Форобий илмнинг фалсафа, мантиқ, ижтимоий ҳаёт соҳаларига оид асарлар ёзиб, комил инсон, етук жамоа ва уларга эришиш йўллари ҳақидаги ғояларни олга сурди. У Аристотелнинг «Биринчи муаллим» ҳисобланган таълимотини ва

фалсафасини мукамал ўрганиб, Шарқда «Муаллими соний» — «Иккинчи муаллим» номи билан танилди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий ўзининг «Мафотиҳ ал-улум» — «Илмлар калити» асарида ўз давридаги барча илмлар ва уларнинг вазифаларини баён этди. У фанларни туркумларга ажратиб, уларга хос хусусиятларни кўрсатди, ҳуқуқшунослик, мантиқ илмларининг ақлий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тарбияда муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Абу Райҳон Беруний машҳур қомусий олим сифатида тарих, астрономия, математика, география каби илмларга асарлар ёзди, асарларида ўша даврда мусулмон Шарқида маълум бўлган барча илмларнинг умумий мазмуни ва қўламини кенг суратда намоён этди, Марказий Осиёда Ҳиндистон маданияти тарихини ўрганишга асос солди.

Абу Али ибн Сино тиббиёт, адабиётшунослик, ижтимоийёт, ахлоқшунослик ва мусиқа, фалсафа ва мантиқ илмига доир асарлар яратиб, ушбу фанлар соҳасида ўчмас из қолдирди. «Китоб аш-шифо» («Рухни даволаш китоби»), «Китоб ат-тибб» («Тиббиёт китоби»), «Китоб ан-нажод», «Китоб ан-инсоф», «Донишнома» асарларида тиббиёт ва фалсафа илмининг келгуси ривожланиш йўлларини белгилаб берди.

Абул Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий Шарқда ислом дунёсида гуманитар билимлар, хусусан, тилшунослик, диншунослик, мантиқ каби илмлар донишманди сифатида танилди. Замаҳшарий араб тили грамматикасига бағишланган «Ал-муфассал фи санъат ал-иъраби» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»), «Навобиғ ул-қалим» («Нозик иборалар»), «Ал муъжам ал-арабий ал-фарсий» («Арабча-форсча қомус»), «Нузхат ул-мастаанис» («Дўстлар фарогати»), «Муқаддимат-ул-адаб» («Адабиётга кириш»), «Ал кашшоф» каби Куръон тафсир этилган асарлари билан Шарқда шуҳрат қозонди. У ўз асарларида ахлоқ, таълим-тарбия ва илм ўқитишга оид педагогик фикрларини ҳам баён қилди.

IX—XII асрлар Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга давр бўлиб, уни илк уйғониш даври деб атамоқ мумкин. Марказий Осиёнинг бу давр маданияти бутун мусулмон Шарқи маънавияти ривожига катта таъсир кўрсатди.

XII асрда Хоразмда Нажмиддин Кубро (1146—1221) бошчилигида тасаввуфнинг кубровия оқими шаклланиб, Марказий Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг ёйилди, тасаввуфда ахлоқ, таълим-тарбия ва маърифатга оид қарашлар ўз ифодасини топди. Марказий Осиёда форс ва туркий тиллар сақлангани ҳолда, араб тили дин ва илм-фан тили ҳисобланди ва турли халқлар маданиятининг ривожига таъсир кўрсатди.

XI—XII асрларда Марказий Осиёда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши билан деҳқончилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, ўймакорлик санъати ривожлана бошлади: Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Марв, Ўзган шаҳарларида сарой, масжид, мадраса, сардоба каби бинолар қурилди, ўзбеклар Мовароуннаҳрда асосий аҳоли сифатида таркиб топди. Бу даврда «турк тили» деб ном олган ўзбек тили адабий тил хусусиятига эга бўлди. Бу даврда мусиқа санъати ҳам юксалиб, Абдуҳафиз Суғдий найга монанд Шохруд номида асбоб, халқ куйлари асосида «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зерафканда», «Сипаҳон», «Наво», «Тарона», «Баста» ва бошқа куйлар ижод қилди. Бу куйларнинг кўпларини ўзбек, тожик халқлари ҳозирги кунда ҳам куйлаб, одамларнинг ҳиссиётига ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

VIII аср бошларидан бошлаб Марказий Осиёда араб тили давлат ва фан тили ҳисобланиши билан, адабий ва илмий асарлар араб тилида ёзилди. Бу эса, ўз навбатида, араб тилидан мутахассислар етиштиришни тақозо этди. Шунга кўра, қишлоқ ва шаҳарларда қурилган масжидларда мусулмон болалари учун мактаблар ташкил қилинди, мактаблар оилаларда — уйларда ҳам очилди. Ўғил болаларни масжидда эркак домлалар, қизларни уйда аёллар — отинойилар ўқитдилар. Ҳар бир домла, отинойи ўз истагича дарс ўтди. Шу туфайли мактабларда ўқитиш шакли, мазмуни ва усуллари ҳам турлича бўлди, машғулотлар учун аниқ режа ва дастурлар мавжуд эмас эди. Таълим ва тарбия ислом таълимоти асосида амалга оширилди.

Марказий Осиёда ташкил этилган бу мактаблар тизими бошланғич мактаб ва қорихонадан иборат бўлди.

Марказий Осиё мусулмонлари «Қуръон»ни инсонни улуглашга, қадрлашга, уни меҳр-шафқатга, муҳаббатга, тинч-тотув яшашга, иқтисодий ва маънавий баркамолликка даъват этувчи

ислом маърифати мужассаами сифатида қабул қилдилар ва мактабларда «Қуръон» ўқитилди, қорихоналарда болалар, асосан, «Қуръон»ни ўқиб, уни тўлиқ ёд олдилар. Натижада уларда арабча сўзларни тўғри талаффуз этиш, ифодали ва адабий ўқиш малакаси шаклланди, ривожланди. Қорихонани битирган болалар қори бўлиб етишиб, қорилик вазифасини бажардилар.

Араб халифати шоирлар, тиббий мутахассислар, географ, астрономлар, математиклар тайёрлашга эътибор берди. Дастлабки вақтларда уларни тайёрлаш учун катта масжидлардан фойдаланилди, кутубхоналар ташкил этилди. Аммо ҳаёт саводхон, билимдон мутахассислар етиштириш учун бу тадбирлар етарли эмаслигини кўрсатди. Шунга кўра, янги шаклдаги илмий муассасалар — фан уйлари ташкил этилди. X асрда ташкил этилган бу тур ўқув даргоҳи, яъни мадраса биринчи бор Марказий Осиёда — Бухоро, Нишопур, Марвда, XI асрда Шарқнинг бошқа йирик шаҳарларида очилди. Мадрасалар икки босқичдан — ўрта ва олий мадрасадан иборат бўлиб, уларда ўтказилган машғулотларни юқори диний ташкилотлар назорат қилиб борди.

XI асрда яқин Шарқда турк-салжуқийлар, XIII асрда мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда араб тили ўрнини форс тили эгаллай бошлади. Шу муносабат билан мадрасаларда ўқишлар форс тилида ҳам олиб борилди. Дидактик жанрда ёзилган асарлар — Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ўқитилди.

IX—XII асрларда китоб ўқишга қизиқиш кучайди. Бу — Ўрта асрда маърифатга интилишнинг ёрқин кўриниши бўлди. Бу даврда қўлёзма китоблардан нусха кўчириш, уни кўпайтириш санъати ривожланди, араб алифбосида нусха кўчирувчи махсус котиб, хаттоғ, муҳаррирлар етишди. Аста-секин турли шаҳарларда (Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда) китоб бозорлари бунёд этилди. Китобдан кўплаб нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифатпарвар шахсларнинг тинимсиз фаолияти натижасида Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари сони ошди. Марказий Осиёга Бағдод, Миср, Эрон, Испания халифалигининг турли шаҳарларидан қўлёзмалар келтирилди. Марказий Осиё қўлёзмалари эса бошқа ўлкаларда ўқиб, ўрганилди.



## Исломда таълим-тарбия<sup>1</sup>

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо салал-лоҳу алайҳис вассалламга нозил этилган — Қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият — низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Қуръони Каримдан кейин мўътабар саналган пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-оқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафосадоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Қуръони Каримда таъкидланишича, ота-она билан мулоқотда бўлғувчи фарзанд беш нарсани билиши керак:

— ота-оналари қаттиқ-қурум гапириб юборганларида ҳам, малол келиб, уларга «уфф» демасликлари;

— ота-онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;

— ота-оналарга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;

— ота-оналарга доимо раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзларини уларнинг олдида камтар тутишлари;

— Аллоҳдан ота-оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим.

Ота-оналар болани дунёга келтирилишга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовордирлар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Киши ўз бола-сига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди»,<sup>2</sup> — дейдилар.

---

<sup>1</sup> Ушбу мақола 1992 йилда «Камалак» нашриётида босилган «Қуръони Карим» (ўзбекча изоҳли таржима) ва 1991 йилда чоп этилган «Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар» асосида тайёрланди. Мақолада келтирилган оятлар Қуръон сураларининг таржимасидир.

<sup>2</sup> Муҳаммад Пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., 1991, 735-ҳадис.

Ислом динида оналар мўътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Пайгамбаримиздан бир саҳоба: «Кимга яхшилик қилай?» — деб сўраганда, у улуғ зот уч марта «Онангга», — деб, тўртинчисида «Отангга»,<sup>1</sup> — деб ва яна «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир»,<sup>2</sup> — дея қўшиб қўйган эканлар.

Она бўлиш — улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, ўзига иффат, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилат билан зийнатланган, қаноатли, одобли она — бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Пайгамбаримиз Расулуллоҳ: «Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш — ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади»,<sup>3</sup> — деб ҳам уқтирганлар.

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат — инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга бахт-саодат, фаровонлик бахш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ меҳнат ҳақида айтган ҳадисларида деҳқончиликни улуғлайдилар. Улар: «Деҳқончилик билан шуғулланинглр. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга кўриқчиларни кўпайтиринглр»,<sup>4</sup> — дейдилар ва мусулмон аҳлини экин экишга, мевали дарахтларни ўтказишга даъват этадилар, мусулмонларни сидқидилдан меҳнат қилишга чорлайдилар.

Пайгамбаримиз: «Кимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа, шу кечани маърифат қилинган ҳолда ўтказибди»<sup>5</sup> — деганлар.

Қуръонда илмга катта эътибор берилган. Бунга унда «илм» сўзининг 765 марта такрорланиши ёрқин далилдир. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчни адо этишдир.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., 1991, 188-ҳадис.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 378-ҳадис.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 230-ҳадис.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 44-ҳадис.

<sup>5</sup> Ўша китоб, 804-ҳадис.

Ислом дини илм талаб қилинишини ибодат даражасига кўтарилади, илм талаб қилишни ихтиёрий ибодатдан юқори қўяди. Ислом таълимотига кўра илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Қуръонда ва пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида илм инсон камолотининг негизи, эзгулик ва поклик, инсонларни турли офатлардан сақловчи восита сифатида изоҳланади.

Илм — улуғ ҳикмат, илм — иймон, эътиқод. Дин асосини, Қуръоннинг мазмуни ва моҳиятини билиш, англаш учун ҳам илмли бўлиш, уни мукаммал эгаллаш керак. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир»<sup>1</sup>, «Илму хунарни хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар»<sup>2</sup> — дейдилар.

Кенг қалбли ҳар бир илм аҳли одамлар ҳурматига сазовордир. У қилган савобли ишлардан инсонлар, барча мавжудот баҳраманд бўлади. Қуръонда «эҳсон» сўзи «яхшилик» маъносида келган. Яъни, Аллоҳ сенга яхшилик қилиб, сени инсон қилиб яратди, ҳамма аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган қилди. Сенга ақл берди, энди сен ҳам шу эҳсонлар эвазига унга иймон келтиришинг, унгагина ибодат қилишинг, унинг айтганини қўлингдан келганича бажариб, қайтарганларидан қайтишинг лозим. Демак, эҳсон қилиш инсоннинг табиий вазифасидир, эҳсон қилувчига Аллоҳ неъматлар ато қилади, «Аллоҳ сенга эҳсон қилганидек, сен ҳам эҳсон қил»<sup>3</sup> — дейилади Қуръонда ва эҳсоннинг фойдаси эҳсон қилувчининг ўзига бўлиши уқтирилади.

Қуръонда эҳсонга лойиқ кишиларнинг энг биринчиси ота-она эканлиги алоҳида уқтирилади. «Икковларига раҳмат қанотларингни ёз. Эй, парвардигор, булар мени кичкиналигимда тарбия қилганларидек, сен ҳам буларга раҳматингни кўрсатгин, деб айт»<sup>4</sup> — дейилади Қуръонда.

Маълумки, саҳийлик қўли очиқ, олий ҳимматлик демакдир. Саҳийлик гўзал хулқларнинг энг аълосидир. Қўли очиқ, саҳий

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 536-ҳадис.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 126-ҳадис.

<sup>3</sup> Қуръони Карим. «Қасос» сураси, 77-оят.

<sup>4</sup> Қуръони Карим. «Исро» сураси, 23—24-оятлар.

одам ҳар кимнинг қошида ҳурматли ва қадрлидир. Сахий бўлиш учун бой бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам сахийлик қилиш мумкин. Пайгамбаримиз Муҳаммад умматларини огоҳлантириб: «Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар»,<sup>1</sup> — дейдилар ва чанқанган кишига сув бериш ҳам садақа бўлишини айтадилар.

Ислом таълимотида сабр ахлоқий фазилат, мусулмон кишининг руҳий таянчларидан бири ҳисобланади. Сабр мусулмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик бахш этади, алам бераётган дардига малҳам бўлади. Сабрсизлик инсонни қайғудан қутқаза олмайди: унинг ўзи куйдирувчи бир қайғудир.

Ислом динида инсонлар садоқатли бўлишга ҳам даъват этилган. Чунки садоқат жамият ва оила учун зарур бўлган қадрият ҳисобланади. Садоқат барча яхшиликларнинг бошланиши, одамларда бир-бирларига ишонч ҳосил қилувчидир. Шу туйғулар ҳам Қуръонда: «Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва садоқатлилар билан бўлинглар»<sup>2</sup>, — деб мусулмон аҳлини садоқатли бўлишга чорланади.

Ислом таълимотида вафодорлик садоқат турларидан ҳисобланади. Вафо — энг олий инсоний фазилат. Бу фазилатга эга бўлганлар Қуръонда: «Улар шундай кишиларки, омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар»,<sup>3</sup> — деб таърифланади.

Вафо ҳаётда обрў-эътибор ва муваффақиятга сабаб бўлувчи фазилатдир. Вафодорлик ҳаётда тинчлик ва бахт-саодат орзу қилган ҳар бир жамият, халқ, оила, инсон учун зарурий фазилатдир. Вафодорлик инсонийликдир. Фазилат фарзанд кабилдир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом одамларга манфаатлироқларни яхши одам ҳисоблаганлар.

Қилинган гуноҳ, хатони афв этиш ҳам мақтовга сазовор бўлган фазилатдир.

Ислом таълимотида мол-дунёга эришган ҳар бир инсон ўз бойлигини тўғри йўлда сарфлаши кераклиги таъкидланади. Бойлик бир мато (нарса). У тезда тугайди. Ҳақиқат ва яхшилик эса абадийдир. Инсоннинг улуғлиги ўз нафсини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлишида билинади.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад пайгамбар қиссаси, 634-ҳадис.

<sup>2</sup> Қуръони Карим. «Тавба» сураси, 119-оят.

<sup>3</sup> «Муъминун» сураси, 8-оят.

Ислом динида бировнинг ҳаққиға хиёнат қилиш, ҳалол меҳнат билан топган молини, маблағини зўрлик ва алдов билан олиш, ўғрилиқ қилиш оғир гуноҳ, қабих одат ҳисобланади. Қуръонда бундай иллатли кишилар ҳаром йўлдан қайтишға, Аллоҳ насиб этган покиза ризқни истеъмол қилишға даъват этилади.

Исломда бахиллик кишилар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром ва муҳаббатни йўққа чиқарувчи иллат ҳисобланади. Бахил одам ўзаро ёрдамни ёқтирмайди. Натижада унинг қалбини ҳасад эгаллайди, қибатда хор бўлади, кўпчиликнинг нафратига учрайди. Ҳар бир одам, агарда кўнгли тинч, ҳаёти саодатли бўлишини истаса, у бахил бўлмаслиги, кўнгилсиз ҳолатларға учрамасликка ҳаракат қилиши керак. Пайгамбаримиз айтадиларки, «Дилинг юмшаб, ҳожатинг равон бўлишини хоҳлайсанми? Етимға раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳожатинг чиқади».<sup>1</sup>

Исломда тавба — қайтиш деган маънони англатади. Инсон тавба қилар экан, демак у хато ва гуноҳларға йўл қўйганидан афсусланади.

Ислом таълимотида ҳавои-нафсға берилиш, манманлик, ичкиликхўрлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, ўзгаларни камситиш, бадгумонлик, гийбат, зино, газаб, ҳасад, очкўзлик, мунофиқлик қораланади.

Манманлик хусусияти бўлган кишида гўзаллик бўлмайди. Мол-дунёси билан фахрланса, ўлганда улардан асар ҳам қолмайди.

Камтарлик энг гўзал инсоний фазилатдир. Камтарлик инсоннинг маданияти, одамийлиги, мардлиги каби инсоний фазилатлари билан белгиланади. Инсон камтарлиги, аввало, унинг меҳнатида намоён бўлади. Камтар кишида ҳавои гурур, манманлик бўлмайди, у одоб-ахлоқли, меҳр-шафқатли бўлади, ишида, сўзида қатъий туради.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Сўзида туриш, аҳдига вафо қилиш иймондандир»,<sup>2</sup> «Кийим кийишда, юриш-туришда ўзини камтарроқ олиш иймондандир»,<sup>3</sup> — дейдилар.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад пайгамбар қиссаси, 17-ҳадис.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 234-ҳадис.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 332-ҳадис.

Ислом динида инсонга бахш этилган сифатлардан яхисиси хушхулқдир. Хушфёъллик инсон ақл-идроки, маданияти, билимлилигидан далолатдир. Хушфёъл инсон самимий, мулоҳазали, покдил, иродали, сабр-тоқатли бўлади. Бундай фазилатли инсон бошқаларда ўзига нисбатан ҳурмат, самимийлик, иззат-ҳурмат ҳиссини уйғотади.

Исломда ғазаб — тажовузкорликнинг боши ҳисобланади ва қораланади. Ҳалимлик кучли ва юқори диднинг аломати сифатида улуғланади.

Умуман, Ислом дини халқимизнинг руҳияти, маслаги, турмуш анъаналари, улуғ боболаримиз маърифатининг мужассамидир. Ёшлар дин — руҳиятимиз тарбиячиси, илм — дунёни билиш воситаси эканини билишлари керак. Зеро, бу табаррук маданий қадриятлар ҳозирги даврда ҳам инсоннинг иймон ва эътиқодли, гўзал ахлоқ-одобли, маънавият ва тафаккур соҳиби бўлиб етишувидан асосий манбадир. Ислом динининг миллий педагогика ривожидан абадий илм манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

## **ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ**

Инсоният маданияти хазинасида шундай ноёб кимсалар, но-дир сиймолар борки, ҳамма замин у замонларда барча авлодлар улардан ўзлари учун ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа оладилар, уларнинг ёғдуларидан муттасил истифода этиб юрадилар. Шундай оламшумул сиймолар қаторидан шарафли ўрин олган юртдошимиз Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳижрийнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойдан ўн уч кун ўтганда жума намозидан кейин (милодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топди. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, савдо ишлари билан шуғулланар эди.

Имом Бухорий ёшлик чоғида отасидан ажрайди ва онаси қўлида тарбия топади. Ўн ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини мутолаа қилиш ва уларни ёд олишга қунт билан киришади. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пайкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфийлар ҳузурига бориб, улардан кўп ҳадисларни ёд олади. 16

ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланади. Сафар асносида, у, қайси шаҳардан ўтса, ўша ердаги ҳадис олимларидан озми-кўпми дарс олади. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хомс, Дамашқ, Фаластин, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм ас-рорларини ўрганади.

Ривоятларга кўра, Имом Бухорий 16 ёшга қалам кўйганида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марваздий ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳларнинг китобларини батамом ёд олган. У ёд олган ҳадисларнинг матнини далиллари ва ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга кўшиб ёд олади.

Имом Бухорий Макка, Мадина, Дамашқ, Қайсария, Хомс, Бағдод, Куфа, Восит, Балх, Нишопур, Асқалон, Марв каби шаҳарларда бир неча йил яшаб, ҳадислар тўплаш, ёзиш ва кўплаб толибларга илм ўргатиш билан шуғулланади. Йигирма ёшидан бошлаб китоб таълиф эта бошлади. Ул зот қаламига мансуб бўлган «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-тарих ал-кабир», «Ат-тарих-ус-сагир», «Ал-Кироату халфа-л-имом», «Рафъул-йадаини фи-с-салоти» каби асарлар ҳозирда республикамиз китоб хазиналарида сақланмоқда.

Имом Бухорий Нишопурдан асл ватани — Бухорога қайтгач, бирмунча вақт толиби илмларга ҳадис илмидан дарс берди.

Имом Бухорий Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба деб эътироф этилган «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» китобидан кейин яратган «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асарида ахлоқий қадриятларни баён этади.

Имом Бухорий ушбу асарида ахлоқ, одоб ҳақида сўз юритар экан, одамларни ота-онага ҳурматда бўлишга, онани эъзозлашга, меҳр-оқибатли, пок ва имонли бўлишга даъват этади, яхшилик қилиш инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлайди.

«Ал-адаб ал-муфрад» асарида шундай ривоят қилинади. Одам учун энг оғир гуноҳ, бу Аллоҳга ширк келтириш, фарзанднинг ота-онага оқ бўлишидир. Имом Бухорий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Халифа Абу Бакр Сиддиқ айтадилар: «Расулulloҳ саҳобалардан: «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?» — деб уч марта сўрадилар. Улар: «Эй Расулulloҳ, айтиб беринг,» — дейишди. Шунда Расулulloҳ:

«У — Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», — деб жавоб бердилар».<sup>1</sup>

Имом Бухорий болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлишини, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарнинг вазифаси эканлигини таъкидлайди.

Бухорий қариндош-уруғларга яхшилик қилишни, уларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш ва улар билан муттасил бордикелди қилиб туришни таъкидлайди. «Анас ибн Молик (рози-яллоҳу анху) айтадилар: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишини ва ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин, дедилар».<sup>2</sup> Имом Бухорий раҳм-шафқат хусусида қилган насиҳатларида, айниқса, беморлар ҳолидан хабар олишни, етим болаларга отасидек марҳаматли бўлишни, ҳар бир одам ўз боласига қандай бўлса, қўлидаги етимга ҳам шундай қараш кераклигини уқтиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мусулмон киши ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай ва сўрашмай юриши дуруст эмасдур. Улардан қай бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхшироқдир.

Улуғ мутафаккир меҳр-шафқат ҳақидаги қарашларида одамларни аҳилликка, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлишга ундаб, кимки Аллоҳга ва охиратга иймони бўлса, у зинҳор қўшнисига озор бермаслиги, Аллоҳга ва охиратга ишончи бўлса, меҳмоннинг ҳурматини ўрнига қўйиши, Аллоҳга ва охират кунига ишонса, фақат яхши гаплардан гапириб ёхуд сукут сақлаши лозимлигини айтади.

Шунингдек, Имом Бухорий кимки фаровон ҳаёт кечириб, яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига силаи раҳм қилиши, уларнинг ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб юриши зарурлигини таъкидлайди. Имом Бухорий одамларга тил билан, қўл билан озор бермасликни юксак амал ҳисоблайди.

Улуғ олимнинг таъкидлашича, ҳар бир одам комил инсон бўлиш учун ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрадиган, гўзал ахлоқли бўлиши керак.

---

<sup>1</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, 1990, 17-бет. (Ушбу асардан олинган кейинги кўчирмалар матн ичида фақат бети кўрсатилади).

<sup>2</sup> Ўша китоб, 33-бет.



Аъробийлар: «Ё Расулуллоҳ! Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси нима?» — деб сўрашади. Расулуллоҳ: «Инсонларга берилган фазилатнинг энг яхшиси яхши ахлоқдир» — дедилар.<sup>1</sup>

Имом Бухорий ҳаёли бўлишни жуда улуғлайди. Ҳаёни иймон белгиси деб билади. Бу хусусда шундай ривоят келтиради: «Расулуллоҳ ўз биродарига шарму ҳаёдан панд-унасиҳат қилаётган бир ансорийнинг ёнидан ўтатуриб: «Ҳаё ҳам иймон белгиларидандур», — деб унинг гапига қўшимча қилдилар.

✓ Улуғ олим одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси бўлишлигини кўрсатиб, улар ёлғон гапиришдан, ваъдага вафо қилмасликдан ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади.

Имом Бухорий мусулмон кишини ҳақорат қилишни гуноҳ, у билан уришишни кофирлик деб билади. Ва яна шу фикрни давом эттириб, инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳли чиққан вақтда ўзини тия олишида деб ҳисоблайди.

У бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳ саҳобаларидан: «Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?» — деб сўрадилар. Улар: «Курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини биз паҳлавон деб биламиз»,<sup>2</sup> дейишади. Расулуллоҳ: «Ундай эмас, Паҳлавон деб жаҳли чиққан вақтда ўз нафсига эга бўла оладиган кишини айтади»,<sup>3</sup> — дедилар.»

Имом Бухорийнинг фикрича, ҳар бир одам биродаридаги бирор камчиликни тузатишга ҳаракат қилмоғи лозим. Шу маънода улар бир-бирлари учун кўзгудирлар. Бу ҳақда асарда шундай ривоят баён этилган: «Абу Ҳурайра айтадилар: «Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак».<sup>4</sup> Яна Расулуллоҳ: «Ҳар бир мўмин биродарининг кўзгуси, ҳар бир мўмин иккинчи мўминнинг биродари — акаси ё укасидир, уни зое бўлишдан сақлайди ва уни муҳофаза қилиб юради»,<sup>5</sup> — дедилар». Имом Бухорийнинг таълим-тар-

<sup>1</sup> Ўша китоб, 291-ҳадис.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 81-ҳадис.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 103-ҳадис.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 237-ҳадис.

<sup>5</sup> Ўша китоб, 238-ҳадис.

бия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлар муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислат. Бу фикр қуйидаги ривоятда таъкидланади: «Абу Ҳурайра айтадилар: «Расулulloҳ: «Товуш чиқариб кулишни кам қил. Чунки кўп кулиш дилни ҳалок (вайрон) қилади», — дейдилар».

Имом Бухорий халққа ёқимли, доимо эҳтиромли, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлилик деб билади. Бу ҳақда олим шундай ривоят қилади: «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (разияллоҳу анху) Расулulloҳдан эшитдилар. Расулulloҳ: «Қиёмат куни менга энг яқин бўлувчиларингиз кимлигини айтиб берайми?» — деб сўраганларида, саҳобалар жим туришди. Расулulloҳ, бу саволларини икки ё уч марта қайтарганларидан кейин, улар: «Ё Расулulloҳ! Айтиб беринг!», — дейишди.

Расулulloҳ: «Улар ахлоқда (халққа) ёқимлироқ бўлганларингиздир», дедилар.<sup>1</sup>

Буюк олимнинг таъкидлашича, инсон учун энг катта бойлик — қалб саховатидир. Бу ҳақдаги фикрни олим қуйидаги ривоятда ифодалайди: «Абу Ҳурайра Расулulloҳдан ривоят қилдилар: «Бойлик молнинг кўплиги билан эмас, балки (чин) бойлик — нафснинг бойлигидир»,<sup>2</sup> — дедилар.

Улуғ мутафаккир оилавий муҳитнинг барқарор, тинч, оила аъзоларининг соғ-саломат, тўқ бўлишини истайди. Шундай бўлган оила бахтиёрдир. Унинг ривоят қилишича: «Расулulloҳ: «Убайдуллоҳ ибн Миҳсан ан-Ансорий айтадилар: «Расулulloҳ: «Кимки ўз оиласи билан тинч, тани соғ бўлиб турса ва олдида шу кунга етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади»,<sup>3</sup> — дедилар».

Имом Бухорий кишиларга қилинадиган яхшилик ҳақида қилган ривоятида дейди: «Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: Расулulloҳ: «Кишиларга қилинадиган ҳар бир яхшилик садақа ҳисобланади, ҳатто бир биродарингга очиқ юз билан рўпара

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 272-ҳадис.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 276-ҳадис.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 27-бет.

келишинг ва челагингдан унинг идишига (сув) солиб беришинг ҳам садақа бўлади», — дедилар».<sup>1</sup>

Имом Бухорий одамларнинг ўзаро дўстлигини, меҳр-шафқатли бўлишини талаб қилар экан, бу инсоний фазилатларга эга бўлганларни инсон танасидаги аъзоларга қиёс қилади. У дейди: «Мўминлар ўзаро дўстлик, меҳр ва шафқатда худди инсон танасидаги аъзоларга ўхшайдилар, зеро унинг бирор аъзоси оғригудек бўлса, бошқа аъзолари ҳам бедор ва лоҳас бўладилар».<sup>2</sup>

Имом Бухорий инсонлар ўртасидаги кўнгул яқинликни энг улуг неъмат, яхшилик деб таъкидлайди. «Абдуллоҳ ибн Аббос айтадилар: «Неъматлар (яхшиликлар) инкор қилиниши ва раҳмдиллик узилиб қўйилиши мумкин, аммо кўнгулларнинг бири-бирига яқинлигидек нарсани биз кўрмадик». Мутафаккир ўз асарида кичикларга шафқатли, катталарга ҳурматда бўлиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу фикр қуйидаги ривоятда шундай ифодаланди: «Расулуллоҳ: «Кимки ёши кичикларимизга раҳмдил бўлмаса, у одам бизнинг қавмдан эмас», — дедилар».<sup>3</sup>

Демак, ҳар бир мусулмон бу бурчни доимий суратда адо этмоғи даркор.

Улуғ олим ўз таълимотида илм ўрганиш, уни ўргатиш йўллари ва қоидаларини билиш масаласига ҳам жиддий эътибор берди. Қуйидаги ривоят фикримизнинг далили бўла олади: «Абдуллоҳ ибн Аббос айтадилар: «Расулуллоҳ: «Кишиларга илм ўргатинглар, уларга қийин эмас, енгил йўлни кўрсатинглар, қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг»,<sup>4</sup> — дедилар».

Имом Бухорий одамларни ҳайвонларга ҳам марҳаматли бўлишга, келгуси авлодлар учун кўчат экиб, ўзидан ёдгорлик қолдиришга даъват этади. Олимнинг бу даъвати Расулуллоҳ қилган ривоятда ҳам муфассал ифодалангандир.

Ривоят қилишларича: «Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлади. Йўлда бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтда бир ит ташналигидан ҳансираб, ҳўл тупроқни ялаётганини кўради-ю,

<sup>1</sup> Ўша китоб, 98-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 88-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 109-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 83-бет.

бу бечора ҳам менга ўхшаш ташна экан, деди-да, қайта қудуққа тушиб, маҳсисига сувдан тўлдириб чиқиб итга ичирди. Ў кишининг қилган иши Аллоҳ таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечди». Шунда саҳобалар: «Ё расулуллоҳ! Ҳайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб бўладими?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ҳар бир юмшоқ жигарга (тирик жониворга) қилинган яхшилик учун савоб бўлади», — дедилар.<sup>1</sup>

Бу ҳадисда шариатда ўлдиришга буюрилган илон, чаён кабилардан бўлак ҳамма жониворларга яхшилик қилиш ва озор бермаслик кераклиги баён этилган.

«Ал-адаб ал-муфрад» асарида ривоят қилинишича, бирор одам экин учун қўлида бир кўчатни ушлаб турган пайтда қиёмат қойим бўлиб қолганда ҳам, уни экиб қўйиши керак. Кўчатни экаётган вақтда дажжол чиқиб қолибди, деб эшитса ҳам, уни тузатиб экишга ҳаракат қилиши лозим. Чунки кўчат ундан кейин яшайдиган одамлар учун керак, одамлар ундан тановул қилиб баҳра оладилар.

### **Имом ал-Бухорий таълимотининг аҳамияти**

Ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислом Каримов айтганларидек: «Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир...

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу меъроснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Куръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 378-ҳадис.

Яратганга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас меъроси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда, қалбимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда».<sup>1</sup>

## ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Саадара ат-Сулами ал-Бугий ат-Термизий 824 йили Термиз шаҳрида дунёга келди.

Имом ат-Термизий ҳам ёшлик чоғидан ҳадис мутолаасига киришиб, ҳадисларни тўплай бошлади ва бу йўлда қўплаб ҳадис олимлари билан мулоқотда, улар билан суҳбатда бўлди.

Имом ат-Термизий Имом ал-Бухорийга шогирд бўлган, Муслим, Абу Довуд, Қутайба, ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо Муҳаммад ибн Ғийлон, Саъид ибн Абдураҳмон, Муҳаммад ибн Башорат Али ибн Хужр, Аҳсад ибн Муниъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақиъ каби йирик муҳаддисларни ўзига устоз деб билган.

Имом ат-Термизий 279—892 йили она шаҳри Термизда вафот этади.

Имом ат-Термизий «Сунан» асаридан ташқари «Китоб ал-илал» («Нуқсонлар китоби»), «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аш-шамоил аннабийя» («Пайғамбаримизнинг ахлоқ-одобларига оид китоб»), «Китоб аз-зуҳд» («Зоҳидлар ҳақида китоб») каби китобларини ёзган.

Имом ат-Термизий «Сунан» китобида таълим-тарбия, ахлоқ-одобга оид фикрларини ифодалайди. Унинг таъкидлашича: «Аллоҳ назарида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишиларга айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши кўшни ўз кўшниларига яхшилик қилгувчисидир», «Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди».

Имом ат-Термизий хайрихоҳликни улуғлайди. Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этиш ва зулмдан қайтариш ҳам садақа эканлигини айтади.

---

<sup>1</sup> Ислоом Каримов. «Маърифат» газетаси. 24 октябр 1998.

Унинг уқтиришича, «Адашган кишиларга тўғри йўл кўрса- тишинг ҳам садақа», «Хатто камбагалларга хушмуомаллада бўли- шинг ҳам — сенинг садақанг», «Ерда халақит бериб ётган би- рор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам — садақа», «Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам садақа ҳисобланади»,<sup>1</sup> — дейди у.

Имом ат-Термизий педагогик таълимотида раҳм-шафқат- лилик, хушмуомалалик, камтарлик улуг инсоний фазилат ҳисоб- ланади. Алломанинг ҳадисларида сабр-тоқатлилик, ахлоқ-одоб, болаларни марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўринда туради. Имом ат-Термизий дейдики: «Чинакам сабр- тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чи- дамлилигига айтилади»: «Яқин кишиси вафот этганда жоҳили- ят давридаги одат бўлган ёқа йиртиш, ортиқча навҳа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмай- ди», «Марҳумнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланг- лар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин», «Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».<sup>2</sup>

Имом ат-Термизий ҳадисларида одамларни аҳил бўлишга, кўпчиликка, жамоага фойда, наф келтиришга, дўстлик ва би- родарликка даъват этилади: «Кимда-ким бир кўчат ўтказса, ё бўлмаса кўчат экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳай- вонлар баҳра олса — бу ҳам ўша одам учун садақа саналади»; «Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир- бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қилса, охиратда Аллоҳ унга ёрдам қилади. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгил- латса, Аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади».<sup>3</sup>

Имом ат-Термизийнинг таъкидлашича, қариндош-уруғлар- ни ҳурмат қилиш марҳум ота ёки оналарнинг дўстлари, яқин- лари билан мулоқотда бўлиб туриш, айниқса, ота-онага ҳурмат ва эътиқод билан қараш керак. «Кимда-ким мусулмон бирода- ри айбини яширса, қиёмат куни Аллоҳ ҳам унинг хато ва кам- чиликларини ошқора қилмайди».<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т. «Фан», 1996, 117-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 117-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 118-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 118-бет.

Умуман, Имом ат-Термизийнинг маънавий қадриятлар мероси, ахлоқ-одобга доир қарашлари ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## **АБУ НАСР ФОРОБИЙ**

### **Ҳаёти, илмий, маърифий фаолияти**

Абу Наср Форобий — Ўрта аср Шарқининг машҳур мутафаккири, файласуф олим. Абу Наср Форобий Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фороб) шаҳрида 873 йилда туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, сўнг Араб халифалигининг маркази Бағдод шаҳрига бориб, кўп йил истиқомат қилди. Юнон файласуфларининг асарларини мутолаа қилиш, турли тилларни ўрганиш билан шуғулланди. У турли соҳаларга оид илмий асарлар яратди. Ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими сифатида шуҳрат қозонди. У «Ақл ҳақида сўз», «Ақл маънолари ҳақида», «Илм ва санъатнинг фазилатлари», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Бахт-саодатга эришув йўллари», «Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи» ва фалсафа, мантиқ илмига доир 160 дан ортиқ рисоалар яратди. Умрининг сўнгги йилларида Дамашқда яшади. 950 йилда вафот этди.

### **Форобийнинг инсонпарварлик ғоялари**

Форобий ўз педагогик таълимотида инсонпарварлик ғояларини олға сурди. Унинг уқтиришича, инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўлиши мумкин. Комил инсонни яратиш, уни бахт-саодатга эриштириш ҳар бир давлат, жамоа бошлигининг вазифаси бўлиши даркор.

Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни — билимли бўлиш, тўғрилиқни, ҳақиқатни севиш, жасур, дўстларга содиқ бўлиш каби хислатларни эгаллашга интилмоғи лозим. Унинг бу инсоний фазилатларга эга бўлиши учун бахт-саодатга муяссар этувчи жамоа бўлиши керак.

Форобий инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи тафаккур ва нутқ ривожини

таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди.

Форобий инсонни дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук яқуни деб билади. Шунга кўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини, бунда таълим-тарбия усулларида кутилган мақсад асосий ўринда бўлиши кераклигини таъкидлайди.

### **Форобий таълим-тарбия ҳақида**

Форобий таълим-тарбияда табиат ҳодисаларининг фойдаланиш ва бу йўлда бошқа кишилар билан тўғри муносабатда бўлиб, жамиятнинг ички тартиб-қоидаларини ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсонни етиштириш зарурлигини таъкидлайди.

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атворида) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси — жамият талабларига тўлатўкис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсон тайёрлашдир. «Ақл ҳақида сўз», «Илм ва санъатнинг фазилатлари», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» номли рисолаларида олимнинг бу фикрлари аниқ ифодаланган.

Форобий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсондаги хоҳиш, ихтиёр, ирода, яхшилик ва ёмонлик каби хислатларни, нимага қобилияти борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижани бермайди.

Олимнинг уқтиришича, кимки энг гўзал ва фойдали нарса ни кашф этиш фазилатига эга бўлса ва кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг ва бошқаларнинг истагига мувофиқ бўлса, у яратган нарса хайрли ва фойдали бўлади.

✓ Олим таълим фақат сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтди ва тар-



бияни ҳар бир халқ, миллатнинг амалий фаолиятларидан иборат бўлган иш-ҳаракат ва касб-ҳунарга ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди.

Демак, Форобий таълим ва тарбия беришни бир-биридан фарқ қилади. Таълим сўз билан, бир нарсани уқтириш, ўрганиш билан амалга оширилади, ёшлар назарий билимларни шу таълим ёрдамида эгаллайдилар. ]

Тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-ҳунар, одоб орқали сингдирилади.

Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат-одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади.

Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга яқка ҳолда ёндашувни, унинг табиий, руҳий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлайди. У бу ҳақда шундай ёзади: «Бу барча табиий хислатларни, уларни олий камолотга етказиш ёки шу камолотга яқин бўлган даражага кўтаришга хизмат қилувчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир... Инсонлар турли илм, ҳунар фаолиятга мойиллиги ва қобилиятлиги билан табиатан фарқ қиладилар. Тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси (малакалари) билан тафовут қиладилар.

Тарбияси жиҳатдан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-биридан фарқ қиладилар».<sup>1</sup>

Тарбия жараёни, Форобийнинг фикрича, тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим, чунки «ҳар бир одам ҳам бахтни ва нарса-ҳодисаларни ўзича била олмайди. Бунинг учун унга ўқитувчи керак».<sup>2</sup>

## Таълим-тарбия усуллари ҳақида

Форобийнинг таъкидлашича, таълим-тарбия бериш икки усулда бўлади. Биринчи усул амалий фазилатлар ҳамда амалий санъатлар, касб-ҳунар ва уларни бажаришга одатлантириш

<sup>1</sup> Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-ата, 1976. стр. 119-120.

<sup>2</sup> Ўша асар, 122-бет.

йўлидир, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биринчи йўл — қанотбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги гайрат, касбга интилиш, ҳаракатга айлан-тирилади.

Иккинчи усул — мажбур этиш йўлидир. Бу усул гапга кўнмовчиларга нисбатан қўлланилади. Аммо улардан қайси бири назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши бўлиб, унда касб-ҳунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиш бўлса, уни мажбур этмаслик керак. Чунки мақсад уни фазилат эгаси қилиш ва касб-ҳунар аҳлига айлантиришдир.

Тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади. Аввалги усул — санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатадиган усул. Иккинчи усул эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Муаллим болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланиши мумкин.

✓ Форобийнинг фикрича «ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасдан, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин»<sup>1</sup>

Демак, ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялашда, хусусан, ақлий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор бериш керак. Форобийнинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим, акс ҳолда қутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди, дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан яқунланади.

## **Педагогик таълимнинг аҳамияти**

Форобийнинг педагогик қарашларида олға сурилган инсонпарварлик, комил инсонни етиштириш, ёшларда инсоний фа-

---

<sup>1</sup> Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-ата, 1976. стр. 198.

зилатларни шакллантириш хусусидаги гоялари, таълим-билим бериш, тарбиялаш воситалари, таълим ва тарбияни амалга ошириш усуллари ҳақидаги тавсиялари миллий педагогика тарихи ривожига қўшган ҳисса сифатида ҳозирги даврда ҳам ёшлар тарбиясига хизмат қилмоқда.

## **АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ**

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний жаҳон илм-фани, маданиятига беназир ҳисса қўшган буюк истеъдод соҳиби бўлган.

У 973 йил 4-сентябр (ҳижрий 362 йил 2-зулҳижжа) куни Хоразмнинг қадимги Кот (ҳозирги Урганч) шаҳрида дунёга келди ва ўлкада тарихий воқеалар юз бераётган даврда яшади. У ёшлиқдан илм-фанга ғоят қизиқади. Хоразмда шуҳрат қозонган олим Абу Наср ибн Мансур қўлида таълим олади, фаннинг турли соҳалари билан шуғулланади, Шарқнинг фан ва маданиятини ўрганади, она тилидан ташқари араб, суғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини мукамал эгаллайди. Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади.

Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмни эгаллаганда Беруний 995 йилда она шаҳри Котдан кетиб, Эроннинг Рай шаҳрига келади. Рай шаҳри ҳукмдори Қобус ибн Вашмгар уни ўз ҳимоясига олади. Беруний Журжон шаҳрида яшаб «Ўтмиш ёдгорликлари», «Камтарлар ёки оқ кийимдаги кишилар тарихи» асарларини ёзади.

Абу Райҳон Беруний 1009-1017 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилган Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун II нинг таклифи билан Урганчга келади, саройда тўпланган олимларга раҳбарлик қилади, шоҳ Маъмун II нинг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаолият кўрсатади.

Беруний Хоразмда экан пайтида замондоши, буюк табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино билан бирга илмий ишлар олиб боради.

1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олгач (1017 йил), Беруний бошқа хоразмлик олимлар қаторида Ғазнага олиб кетилади ва умрининг охиригача шу ерда бўлади. Беруний ўн уч йил давомида Маҳмуд Ғазнавий ҳукми остида бўлади. Ғазнадалик пайтида у география ва геодезияга оид «Таҳдид» аса-

рини ёзади. 1029 йили астрономия ва астрологияга оид «Тафҳими авоил санъат аттанжим» («Астрономия санъати асослари») дарслигини, 1030 йилда «Ҳиндистон» номидаги машҳур асарини яратади.

Ақл, маърифатнинг буюк тимсоли Абу Райҳон Беруний 1048 йили декабрда Разна шаҳрида 75 ёшида вафот этади.

### **Берунийнинг педагогик, дидактик ғоялари**

Беруний инсон кўриш, сезиш, эшитиш, ҳид билиш хусусиятларига эга бўлганлиги билан барча мавжудодлардан юқори туришини таъкидлайди, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик кўриш ғоясини олга суради.

Беруний «Менинг қалбим икки биқиним ўртасида туриб, кўзларнинг кўрганини, қулоқларнинг эшитганини англайди» дер экан, билим эшитиш ва кўриш орқали эгалланишини, билиш қалбга боғлиқлигини айтади.

Беруний табиат, жамият ҳодисаларига, турмуш воқеаларига ҳолисона баҳо бериш — инсон табиатини билдирувчи омил эканлигини таъкидлайди, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишга ундайди.

### **Беруний меҳнат тарбияси ҳақида**

Беруний меҳнатни улуглайди. Унинг фикрича, инсон яратадиган ҳар бир нарса унинг руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлиши керак.

«Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтирмасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қиладди. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман бог-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир богдан ўтар-ўтмас, бошқа бог бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. «Ҳар бир нарса роҳат бағишлайди» деб беҳуда айтилмаган»,<sup>1</sup> — дейди у.

Беруний олимлар меҳнатини юқори баҳолаб, унинг меҳнати туфайли илмий ёдгорликлар бунёд этилишини айтади.

<sup>1</sup> Беруни. Избранные произведения. Т. 1957, стр. 39.

## Беруний ахлоқ-одоб, илм-маърифат ҳақида

Беруний кишилар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асосий йўли унинг илдизларини топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шохобчалари кўп, аммо уларнинг асосийси уч нарса: таъма, газаб, илм-сизликдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шохобчалар қуриydi. Бу асосларнинг негизи эса, иштаҳа ва газабдир. Иштаҳа инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, инсонни овқатларни тановул қилиш лаззати ва ўч олиш завқи билан алдайди. Олимнинг тушунтиришича, бу иллатлар, ранж ва гуноҳга олиб келади. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади.

✓ Беруний ростгўйлик, тўғрисўзликни улуғлайди, ёлгончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди.

Беруний ростгўйликни адолат билан баробар қўяди. Унинг фикрича, халқ адолатни севгани каби, ростгўйликни ҳам севади. Аммо унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди.

Берунийнинг маърифат ва билимдонлик даражаси, кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати тўғрисида билдирган фикрига кўра, ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш, шундан сўнггина бир хулосага келиш керак. Беруний бу ишда тажрибага асосланишни алоҳида уқтиради, нодонлик, эринчоқликни ёмон иллат ҳисоблайди.

Беруний мурувват ва шафқатни инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, мурувватли киши ўз қобилияти, хушмуомалалиги, шафқатлилиги, қатъиятлиги, чидам, фазилат ва камтарлик хислатлари билан ажралиб туради.

Беруний мурувват ва шафқат юксак хислат эканини таъкидлар экан, бу фазилатлар кишининг асл зоти, келиб чиқишига боглиқ эмаслигини, унинг қилган хайрли ишларигина муҳим эканлигини уқтиради. Беруний ўз дидактик фикрларини якунлаб деди:

*Карамнинг ниҳояси ўзни фидо этишдир,  
Шафқатлилар ичида энг шафқатлиси ҳам эрталаб,  
ҳам кечқурун  
Душманга зарба, дўстга фойда келтирган кишидир.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Ўша китоб, 16-бет.

## Беруний педагогик таълимотининг аҳамияти

Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг буюк ҳомийси ва мухлиси сифатида олга сурган инсонпарварлик гоялари, таълим-тарбия хусусидаги фикр-ўғитлари илм-фан, маърифат, ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра хайр-эзгуликка интилиш, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват ва шафқат кўрсатмаслиги кераклиги ҳақидаги фикрлари мустақиллик даврида ҳам ёшларни баркамол қилиб етиштиришга хизмат қилади.

### АБУ АЛИ ИБН СИНО

#### Таржимаи ҳоли

«Отам асли балхлик эди..., у ердан Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Хурмайсан (ҳозирги Рометон) деган қишлоқда маъмурий ишларга бошчилик қилган. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб, шу ерда туриб қолади. Мен шу ерда туғилганман... (980 йилда).

Сўнгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мени қуръон ва адаб (илмларини) ўқитадиган муаллимларга топширдилар. Ёшим ўнга тўлганда мен қуръонни ва адаб (илмларидан) кўпини ўзлаштириб олган эдим...

(Отам) мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резаворфурушга юбора бошлади, мен ундан (ҳинд ҳисобини) ўргандим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор эди. Менга таълим беради, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Нотилийдан «Исоғужуи» (Мантиқ фанига кириш) китобини ўргана бошладим. У менга, жинснинг таърифи ҳақида гапириб, «Жинс нима?» деб сўралганда, «турли навлардан иборат кўп нарсаларга жинс деб айтилади», деб жавоб берилади деганида, мен унга шундай таъриф бердимки, ундай гапларни (Нотилий) ҳали эшитмаган экан. У мендан жуда ҳайратга тушди, отамга мени илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни уқтирди... мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишида ўқидим...

Шундай қилиб, (мантиққа оид) китобларни ўзимча ўқишга киришдим, уларга битилган шарҳларни мутолаа қила бошладим ва ниҳоят мантиқ илмини пухта билиб олдим..

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишга тушдим... Шу билан бирга, баъзан фикрҳни ўрганишда ҳам давом этар эдим ва шу хусусдаги мунозараларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим... Агар бирон масаладан бошим қотиб, қиёсда ўртача таърифни топа олмасам, жоме масжидига борардим...

Кечалари эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга чироқни қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим... Шу йўсинда мантиқ, табиийёт ва риёзий илмларни пухта ўрганиб олдим...

Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нуҳ ибн Мансур касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмадилар... Подшоҳ хузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиртиришни сўрашибди. Мен бориб табиблар билан биргаликда (шоҳни) даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим. Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди... Мен... ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим...

Ёшим ўн саккизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим...».<sup>1</sup>

Абу Али ибн Сино бу орада «Ал-Мажмуъ» («Тўплам»), «Китоб ул-бирр ва — л-исм» («Саховат ва жиноят ҳақида китоб») номида китоблар ёзади. Бу вақтда Абу Али ибн Сино 22 ёшда эди. Абу Али ибн Сино ўзидан олдин ўтган Шарқ мутафаккирларининг асарларини қунт билан ўқиб, ўрганади, эл-юртда табиб — ҳақим бўлиб шуҳрат қозонади.

Ибн Сино ўз ижодий фаолиятида «Китоб ал-қонун фиттибб» («Тиб қонунлари китоби»), «Китоб уш-шифо», «Китоб ун-нажот» («Нажот китоби»), «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби»), «Китоб ул-араб» («Араб тили китоби»), «Донишнома» каби асарлар ёзади, уларда ижтимоий-фалсафий, тиббиёт, дунёвий илмлар билан бирга, ахлоқ-одоб, тарбия бўйича ҳам ўз педагогик фикрларини баён этади.

Али ибн Сино 1037 йил 18 июнда Исфиҳон шаҳарида 57 ёшида вафот этади.

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Таржимаи холи. Т. «Фан». 1980, 6-11 бетлар.

## **Ибн Синонинг инсон камолоти ҳақидаги ғоялари**

Ибн Синонинг фикрича, тарбия одамда нарса ва ҳодисага онгли муносабатда бўлишни ривож топтириши керак. Чунки онглилик инсон бахтининг асоси, заминидир. Ҳар бир одам ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан кучли, етук бўлиши лозим. Агарда у бу хислатларга эга бўлмаса, жамиятнинг том маънодаги аъзоси бўлолмайди ва жамиятга фойда ҳам келтира олмайди. Шунга кўра, ҳар бир инсон бу хислатларни эгаллаган ҳолда камол топиши керак.

### **Ибн Сино ахлоқ тарбияси ҳақида**

Ибн Синонинг таъкидлашича, ахлоқийлик туғма ҳолда юзага келмайди, у тарбия орқали шаклланади. Ахлоқий тарбиядан мақсад, олимнинг фикрича, фақат ўз шахсий манфаати учун эмас, балки бошқалар учун ҳам яшайдиган инсонни етиштиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун ёшларда инсонпарварлик, ҳақиқий дўстлик, тўғрилиқ, кучли ирода, эътиқод шакллантирилмоғи керак.

Ибн Сино камтарликни, софдилликни, тўғрилиқни, ҳурмат-эҳтиромни одамларнинг ўзаро ахлоқий муносабатларининг зарурий хислати ҳисоблади. Сабрлиқ, донолик ва жасурлик, унинг фикрича, ўзаро узвий бирликда одиллик ва мўътадилликни ташкил этади. Бу уч хислатга эга бўлган одамда яхшилик, эзгулик мустаҳкамланади, маънавий бойлик ортади.

Ибн Сино ҳушомадгўйликни қаттиқ қоралайди. Мутафаккирнинг уқтиришича, шахсий кучга ҳаддан ташқари биноқўйиш, мақтанчоқлик инсоннинг ахлоқий жиҳатдан етилмаганлигининг аломатидир.

### **Ибн Сино дўстлик ҳақида**

Олимнинг таъкидлашича, инсон ўз табиатига кўра, бошқалар билан бирга ҳаёт кечиришга интилади. Чунки одамлар орасида — жамоада бўлиш унинг учун зарур ва кўнгиллидир. Шунга кўра, Ибн Сино одам одамга дўст бўлиши кераклигини таъкидлади ва бусиз унинг ҳаёти оғир кечажагини айтади.



Ҳар бир одам дўст орқали ютуқларга эришади. Ҳақиқий дўст ўз ўртоғини мусибатда қолдирмайди, ундан халос бўлишига кўмаклашади. Ибн Сино дўстликни уч турга бўлади:

1) қийинчиликларга қарамай, ўртоқни мусибат, ташвишда қолдирмасликка асосланган дўстлик;

2) гоъвий яқинлик ва ҳамфикрликка асосланган дўстлик;

3) моддий бойликка, унвон ва мансабга асосланган дўстлик.

Ибн Сино биринчи ва иккинчи тур дўстликни ҳақиқий ва абадий дўстлик ҳисоблайди. Ибн Сино одамларни, айниқса, ёшларни ҳақиқий дўстликка чорлайди, қалбаки дўстликдан йироқ бўлишга ундайди, бу турдаги дўстлик ёмон ва хавфли эканлигини айтади.

### **Ибн Сино камтарлик ҳақида**

Ибн Сино ўз педагогик қарашларида камтарликка ва уни тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Олимнинг фикрича, камтарлик инсон ахлоқий хислатида муҳим ўринда туради. Инсоннинг камтарлиги меҳнати ва ақлий фаолиятга уйғун, камтарлиги сўз билан, ақл билан бажарадиган иши билан узвийликда бўлиши керак.

### **Ибн Сино оила муҳитида бола тарбияси ҳақида**

Ибн Сино ўзининг педагогик қарашларида оила муҳитидаги тарбияга алоҳида эътибор беради. «Тадбири манзил» аса-рида оила жамиятнинг ажралмас қисми эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, оила бошлиғи бола тарбияси ҳақида амалий ва назарий билимга эга бўлиши керак. Оила бошлиғида бу соҳада етарли тажриба бўлмаса, у оила аъзосига яхши тарбия бера олмайди, оиладаги ёмон тарбия фақат оиланинг ўзига эмас, балки қўшни оилалардаги тарбияга ҳам салбий таъсир қилади. Ибн Сино тўғри, яхши тарбияни оила фаровонлиги, бахтининг асоси, замини ҳисоблайди. Оила муҳитида ҳар қандай ҳолатда болани тарбиялаш, баркамол қилиб етиштириш ота-онанинг асосий бурчи, вазифасидир. Олимнинг уқтиришича, бола тарбиясида ҳар бир оила бошлиғи ва мураббий унга нис-

батан хушмуомалада, меҳрли, шафқатли бўлиши лозим. Унинг фикрича, хатти-ҳаракат, ҳақоратли сўз болада ижобий хулқ-атворнинг шаклланишига салбий таъсир этади. Шу сабабли олим тарбиячини гўзал хулқ, фазилат соҳиби бўлган ҳолда болаларни кучли, иродали, гўзал ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашга даъват этади.

✓ Ибн Сино бола тарбиясида у билан якка ҳолда суҳбатда бўлиш усулини тавсия қилади. Суҳбат чогида халқнинг ҳикматли сўз ва эртақларидан мисоллар айтиб, мазмунини, ахлоқ-одоблилик маъносини тушунтирмоқ энг маъқул усулдир. Бола айтилган гапларни эътибор билан тинглаб, суҳбатдан мамнунлиги сезилганда унинг фаолиятидаги яхши ишлар мақтовга сазовор эканини айтиб, йўл қўйган камчиликларини тузатиш йўллари кўрсатилмоғи керак.

Ибн Сино оилада ҳам меҳнат тарбиясига эътибор беришни, меҳнат тарбияси ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбиянинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлайди.

### ✓ **Ибн Сино педагогик қарашларининг аҳамияти**

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг комил инсонни етиштириш, ахлоқий тарбия, дўстлик, оила муҳитида бола тарбияси ҳақидаги ғоя, фикрлари, тавсиялари заминидан олинган инсонпарварлиги, умуман инсониятга бўлган муҳаббати намоёндр. У ўз педагогик фаолиятида ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашнинг шарт ва усулларини ишлаб чиқди, шу билан илгор педагогик фикр ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

## **ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ**

### **Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти**

Юсуф Балосоғуний Етгисув ўлкасидаги Қузўрда (Балосогун) шаҳрида 1016-1018 йилларда дунёга келди. 1069-1070 йилларда «Қутадғу билиг» («Бахт-саодатга эриштирувчи билим») асарини ёзди ва Тавғачхан саройида Хос Ҳожиб лавозимига

тайинлади. Шу туфайли у Юсуф Хос Ҳожиблик номи билан шуҳрат қозонади.

Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал эгаллайди, бу тилларда ёзилган диний, илмий, бадий адабиётларни, туркий халқлар огзаки ижодини чуқур ўрганади.

Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарида ўша давр маънавиятига хос бўлган хусусиятлар — ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, ахлоқни ифодалади.

## Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик гоялари

Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик қарашларида халқ билан бирга бўлиш, инсон улуглиги, адолатпарварлик гоялари асосий ўринда туради. У ҳар бир кишининг юксак камолот чўққисига — эзуликка етишини орзу қилади.

✓ Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, инсоннинг улуглиги ақл-идрок, сўзлаш қобилияти, билим, уқув, ҳунарга эгаллигидадир. Уқув туғма равишда инсон руҳиятида мавжуддир, билим эса, ўқиш, ўрганиш ва меҳнат туфайли эгалланади. Агар уларнинг ҳар иккиси ўзаро бирлашса, инсоннинг қадри ортади:

*Заковот қаерда бўлса, улуғлик бўлади,*

*Билим кимда бўлса, буюклик олади.*

*Заковотли уқади, билимли билади,*

*Билимли, заковотли тилакка етади.<sup>1</sup>*

## Юсуф Хос Ҳожиб таълим-тарбия ҳақида

Шоирнинг фикрича, билим бир бошбоғ ёки жилов кабилдир. У кишини ҳар хил нолойиқ ишлардан асрайди. Шу хусусияти туфайли билим азиз ва мўътабардир.

✓ Юсуф Хос Ҳожиб инсонда уқув-идрок ва билим, тил, сўз орқали аён бўлишини айтади, равон тилни билишга даъват этади.

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим»), Т., «Фан», 1971, 84-бет.

*Ўқувга, билимга бу тил таржимондир,  
Кишини ёритувчи, деб йўриқ-равон тилни бил.*<sup>1</sup>

Юсуф Хос Ҳожиб тилни авайлаб-асраш зарурлигини таъкидлайди. Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Шунинг учун ҳам «туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш лозим». Зеро, киши сўз туфайли қадр топиши ёки аксинча «боши эгик бўлиши» мумкин.

Бунинг фарқига инсон билим билангина етади. Билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Бу ҳол унинг сўзлар маъносидаги фарқни ҳам кўрмасликка олиб келади. Демак, сўз маъноларини илғаш учун ҳам билимдонлик талаб этилади. ]

### **Юсуф Хос Ҳожиб оилада бола тарбияси ва мураббий ҳақида**

Юсуф Хос Ҳожибнинг уқтиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у, туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Чунки:

*Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,  
Ўлим келиб тутмагунча, ўз тарзини ўзгартирмайди.*<sup>2</sup>

Шоир ўғил ва қизнинг тарбияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзларига хос хусусиятига эътибор беришни таъкидлайди.

Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига берилишининг олди олинади. Бунинг учун махсус тайёргарликка эга бўлган, эзгу ниятли ва покиза мураббий таклиф этилиши керак.]

Юсуф Хос Ҳожиб таълим ва тарбиянинг узвий боглиқ ҳолда бўлишини тавсия этади, ўғил болаларнинг бир неча санъат турларини ва ҳунарларни тугал ўрганмоғи лозимлигини, бу — уларнинг келажак ҳаётлари, жамият ривожини учун зарурлигини таъкидлайди.

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим»), Т., «Фан», 1971. 184-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 184-бет.

## Юсуф Хос Ҳожиб оилада ота-онанинг мавқеи ҳақида

Улуғ шоирнинг фикрича, ота-оналар назоратида бўлган боланинг маъсулият ҳисси ривож топади, шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир, улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, камолоти учун ниҳоятда муҳимдир. У дейди:

*Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,  
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.  
(Ота) болани назоратда тутса, у яхши, эзгу бўлади,  
Отаси ва онасининг юзи ёруғ бўлади.<sup>1</sup>*

Юсуф Хос Ҳожиб ота-оналарни бола тарбиясига эътибор беришга даъват этар экан, жамият фарзандлар хулқ-атвориغا қараб ота-оналарига баҳо беришини айтиб, уларни огоҳлантиради. У дейди:

*Болали киши нима дейди, эшитгин,  
Ёши етилган ва бошидан ўтказган киши  
Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса,  
Унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди.  
Ота болани кичиклигидан бошлаб бебош қилиб қўйса,  
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида.  
Ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса.  
Бу ярамас ишни ота қилган бўлади,  
ундан бошқа ҳеч ким эмас.<sup>2</sup>*

Юсуф Хос Ҳожиб ақлий тарбиянинг баланд мавқе тутишини эслатади.

Адиб тарбиянинг барча турлари бир-бири билан уйғун бўлишини талаб этади. Шундагина инсоннинг ақлан баркамол, жисмонан етук ахлоқий-маънавий бой бўлишига ишонади.

Фарзандларга турли билим ва ҳунарлар ўргатилмоғи керак, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказиш ота-онанинг бурчидир.

Юсуф Хос Ҳожиб тарбияда катталар намунаси, аждодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 84-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 232-бет.

*Кўп нарсаларни синаган қари киши нима дейди, эшитгин,  
Синаган қариларнинг сўзлари сўз қўр-қутти,  
— дейди у.*

## **Юсуф Хос Ҳожиб педагогик тарбия ҳақидаги қарашларининг аҳамияти**

Юсуф Хос Ҳожибнинг Шарқ ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ҳамда бадий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Алломанинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, бугунги кунимизга хизмат қилиши билан ҳам зўр аҳамият касб этади.

## **УМАР АЗ-ЗАМАҲШАРИЙ**

### **Ҳаёти, илмий-маърифий фаолияти**

Абул-Қосим Умар аз-Замаҳшарий 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғида туғилди, бошланғич билимини ўз қишлоғида олди, сўнгра Хоразм мадрасасида ўқиди. У мадрасада араб тили ва адабиётини, диний билимларни, хаттотлик санъатини мукамал эгаллади, Бухоро мадрасасида таҳсил кўргач, Хоразмшоҳ саройида хизмат қилди.

Замаҳшарий Марв, Нишопур, Дамашқ, Бағдод, Макка ва Ҳижоз шаҳарларида сафарда бўлиб, тилшунослик, луғатшунослик, география, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларига доир асарлар, жумладан, «Алкустас» («Аниқ мезон»), «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар»), «Атвоқ уз-заҳоб» («Олтин шодалар»), «Ал-фоиқ фи гариб ил-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»), «Асос ул-балоға» («Балоғат асослари»), «Таълийм ал-мубтадий ва иршад ал-муқтадий» («Ибтилога ўргатиш ва эргашганга йўл кўрсатиш»), «Нузҳат ул-мустанис» («Дўстлар фарогати»), «Китоб хасоис ул-ашарат ул-киром ал-барара» («Сахий, кароматли ул кишининг хусусиятлари ҳақида китоб»), «Ал-кашшоф» — «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-яқовийл фи вужуқ ит-таъвийл» («Қуръондаги берк ҳақиқат-

ларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич») каби асарларини ёзади, уларда инсоний камолот, илм-маърифат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини ифодалади.

Бу асарлари туфайли у ўз даврида «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахри-л-Хоразм» («Хоразм фахри») номи билан шуҳрат қозонди.

Аз-Замаҳшарий 1144 йилда Хоразмда вафот этди.

### **Аз-Замаҳшарийнинг инсон олийжаноблиги ғоялари**

Замаҳшарий олийжаноблик фазилатига эга бўлганларни улуғ одамлар ҳисоблади ва уларни эл-юрт олқишига сазовор, азиз одамлар деб билди. «Одамларнинг, — дейди Замаҳшарий, — энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўёки бу ташвишлар улар учун туғишган опа-сингилдек яқиндир».<sup>1</sup>

### **Аз-Замаҳшарий илм ва илм аҳли ҳақида**

Замаҳшарийнинг фикрича, одамларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлишларида миллати, насл-насаби эмас, балки илм-маърифатли, ақлли ва заковатли бўлиши муҳимдир. Илм ўқиш ва ёзиш орқали мукаммаллашади, бу — олимнинг камолотга эришганига ёрқин далолатдир. «Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир»<sup>2</sup> — дейди Замаҳшарий.

Замаҳшарий илм-фанни инсонларнинг, илм аҳлининг ўзаро мулоқотда бўлишларида асосий восита ҳисоблайди.

### **Аз-Замаҳшарий ахлоқ-одоб ҳақида**

Замаҳшарий ўз педагогик қарашларида ахлоқ-одоб тарбиясига алоҳида эътибор беради. У одамларни тўғрилиқка, ҳақ йўлидан боришга даъват этади. Унинг фикрича, тўғрилиқ куч-

---

<sup>1</sup> Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий. «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар»). Т., «Камалак» нашриёти. 1992, 53-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 59-бет.

ли омилдир. «Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқдир».<sup>1</sup>

Замаҳшарий аҳилликни ҳам улуғлаб, одамларни, қавм-қариндошларни ўзаро дўст, ҳамдард, хайру эҳсонли бўлишга, бир-бирларига эзгулик кўрсатишга чорлайди. Аҳиллик жамият тинчлиги, халқ фаровонлиги учун ғоят муҳимлигини таъкидлайди. Инсон иффатли, гўзал хулқли бўлмоғи лозим.

Замаҳшарий ҳалоллик — покизаликни шарафлайди, бу сифатларни одамларни ҳалокатдан сақловчи улуғ фазилат ҳисоблайди. «Ҳалол, покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса, ҳалокатга гирифтордир»<sup>2</sup> — дейди Замаҳшарий.

Замаҳшарий ҳасислик, такаббурлик, манманликни қоралайди, одамларни бу иллатлардан йироқ бўлишга ундайди, гўзал фазилатли бўлишга чорлайди. У дейди: «Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари беазамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас».

Аз-Замаҳшарийнинг инсонларни яхшилик, инсоний яхши фазилатларни эгаллаш, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, панд-насихатлари ўз даврида кишилар, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этди, педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса бўлди, ҳозир ҳам таълим-тарбияда ўзига хос ўринда бўлиши шубҳасиздир.

## МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ

### Ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти

Маҳмуд Қошғарий XI асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган таниқли олим-лингвистдир. У ўзининг бебаҳо «Девону луғотит-турк» («Туркий сўзлар девони») асарида XI асрдаги халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, ўзига хос руҳий-маънавий олами баён этади. Туркий халқларнинг ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатлари, Ватанни ардоқлаш, Ва-

<sup>1</sup> Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий. «Навобиг ул-қалим» («Нозик иборалар»). Т., «Камалак» нашриёти. 1992, 32-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 52-бет.



танга тегишли ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиш — ҳақиқий инсонга хос фазилат сифатида эъзозланади.

### **Девонда эрк, мустақиллик, ватанпарварлик ғоялари**

Эрк, озодлик, мустақиллик инсониятни ҳамма вақт фаол ҳаракат қилишга чорлаган. Озодлик, мустақиллик истаган инсон лоқайдлик қилмаган, унинг учун курашган. Шу сабабли ҳам, Маҳмуд Қошғарий: «Ўқуз азақи бўлгунча, бузоғу баша бўлса йик»<sup>1</sup> — деб «мустақиллик бўйсунидан яхши»лигини айтади.

Олим мардлик, довюраклик, абжирлик каби хислатларни ватан ҳимоячисига хос фазилат деб тушунади. У душманга нисбатан шафқатсиз бўлади.

### **Илм ва илм аҳлининг инсон руҳий камолотидаги ўрни ҳақида**

Маҳмуд Қошғарий илм аҳлининг инсон руҳий камолотидаги ўрнини юқори баҳолайди.

*Эрди ўза эранлар,  
Эрдам беги билиг тағ.  
Айди ўқуш ўгутлар,  
Кўнглим бўлур ангар сағ.<sup>2</sup>*

Яъни: илгарилар илм чўққиларини эгаллаган, фазилат устозлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳатлар сўзлар эдилар, насиҳатлари кўнгилга ором берар эди.

Маҳмуд Қошғарий инсоннинг руҳий олами, маънавияти илм-фан, маърифат ва маданият билан боғлиқлигини таъкидлаган. Шу сабабдан ҳам илм толибларига хитоб қилиб дейди:

*Эрдам тила ўрганин бўлма куваз,  
Эрдамсизин ўқунса энгмағўза ангар.<sup>3</sup>*

---

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. Уч томлик. Биринчи том. Нашрға тайёрловчи С. Муталибов. ЎзФА нашр.-Т., 1960. 93-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 116-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 253-бет.

Яъни: илм, ҳикмат ўрган, ўрганишга ҳавоййилик ва такаб-  
бурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан ўзини билимдон кўрса-  
тиб мақтанган киши, имтиҳон вақтида уялади.

Олим камтарлик билан илмларни пухта ўрганиш, эгаллаш-  
ни маслаҳат беради.

### **Илм ўрганиш йўллари ҳақида**

Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, илм ўрганишда энг  
тўғри йўл доно, билимдон одамларга эргашишдир. Аммо улар-  
нинг панд-насиҳатларини эшитишнинг ўзи камлик қилади.  
Муҳими улардан эшитганларини ҳаётга татбиқ эта билишдир.

*Билга эриг эзгу тутиб сўзин эшит,  
Эрдамини ўрганибан ишқа сура.<sup>1</sup>*

Яъни: илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб, сўзларини  
тингла. Илмларни ўрганиб, амалга ошир, — дейди Маҳмуд Қош-  
ғарий ва ўз ўғлига ҳам:

*Ўғлум, ўғит олғил, биликсиз кетар,  
Талқан қиминиг бўлса анрар бекмас қатар.*

Яъни: ўғлим, ўғит-кенгашимни қулогингга ол, билимсиз-  
ликни ташла, кимнинг талқони бўлса, шиннига қоради, — деб  
ақлли киши насиҳатини қабул қилиш кераклигини таъкидлайди.

Маҳмуд Қошғарий илм аҳлининг панд-насиҳатини қабул  
қилиб, уни амалга оширишни яхши хислат ҳисоблайди, катта-  
лар тажрибаси ва панд-насиҳатлари ҳам инсон маънавиятига  
таъсир кўрсатувчи омил бўлишини айтади.

Маълумки, яхшилик кенг маънога эга бўлган ҳиммат-му-  
рувват билан уйғун тушунчадир.

Қариндошларга, қўни-қўшниларга мурувватли бўлиш ҳам  
улуғ яхшиликдир. Олимнинг таъкидлашича, яхшиликнинг жа-  
воби яхшилик, эзгулик, ҳиммат кўрсатишдир. Яхшилик му-  
жассамланган киши мақталади.

---

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. Уч томлик. Биринчи том.  
Нашрға тайёрловчи С. Муталибов. ЎзФА нашр.-Т., 1960, 403-бет.

*Кўб сукутга қуш қонар,  
Кўрклук кишига сўз келар.*

Яъни: шохи кўп, шохлари ўралаб кетган дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз (мақтов) келади.<sup>1</sup>

### **Меҳнат ҳақида**

Маҳмуд Қошғарийнинг фикрича, тадбиркорлик, ўзаро аҳиллик, меҳнатсеварлик, қатъиятлик қадим даврлардан бери инсоният улуғлаб келган хислатлардир. Маҳмуд Қошғарий бу хислатларни юқори баҳолаб, ҳар бир кишига меҳнатнинг аҳамиятини уқтириб: «Эмгак экинда қолмас» — меҳнат бўш кетмайди, деб ихлос билан қилинган меҳнатнинг зое кетмаслигини айтади.

Маҳмуд Қошғарий кишиларни бирлашиб, ўзаро кенгашиб меҳнат қилишга чорлайди.

Олимнинг фикрича, кенгаш билан иш юритиш, ҳар бир ишда бошқалар маслаҳати ва тажрибасига таяниш яхши фазилатдир.

### **Ахлоқ-одоб ҳақида**

Маҳмуд Қошғарий «Девон»да босиқлик, ҳалимлик, ота-онага, катталарга ҳурмат билан бирга, меҳмон ва меҳмондорчилик ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради. У меҳмонга имконият доирасида ҳурмат кўрсатиш, унинг кўнглини хушнуд этиш кераклигини айтади. У меҳмонга терс қарашни унинг бетига иссиқ кул сочиш билан баробар ҳисоблайди.

### **Педагогик қарашларининг аҳамияти**

«Девону луғотит-турк» асарида Маҳмуд Қошғарийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари ҳам ифодаланганлиги билан ҳозирги кунда ҳам муҳим маънавий қадрият сифатида қимматлидир. Унда баён этилган педагогик фикрлар боболаримиз, шонли аждодларимиз давомчилари бўлган ҳозирги авлодларимизнинг маънавиятини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 309-бет.

## Тасаввуф таълимотида таълим-тарбия<sup>1</sup>

Тасаввуф ислом дини пайдо бўлгандан сўнг, унинг доира-сида, Қуръони карим ва Ҳадис аҳқомига мос равишда пайдо бўлади, X-XI асрларда Мовароуннаҳр Марказий Осиё, умуман мусулмон мамлакатлари халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида гоъвий оқим сифатида кенг ёйилади.

Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши йирик мутафаккир ва мутасаввуф донишманд Шайх ул — шуйух (шайхлар шайхи) Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний 1048 йилда Ҳамадон (Эрон) яқинидаги Гузанжирд қишлоғида таваллуд топади.

Унинг таълимотига кўра ўзининг фикри-зикрини Аллоҳ таолонинг висолига етишишга бағишлаган, бундай эзгу ва нажиб йўлда поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, ўз қўл кучи, ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун ҳормай-толмай мужодала ва мубориза қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришганларгина аҳли тасаввуф, деб аталиши мумкин.

Юсуф Ҳамадоний 1140 йилда Томиён (ҳозирги Афғонистон) шаҳрида вафот этади.

XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. Яссавий ўзининг «Ҳикмат» асарида «Яссавия» тариқатининг барча ақидаларини муфассал баён этди.

Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат — «Яссавия»нинг асосчиси бўлиб, нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки бутун дунё туркий забон халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида катта мавқени эгаллади.

XII асрда Марказий Осиёда йирик тасаввуфий тариқат — «Кубровия» вужудга келади. Бу тариқатга Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1146-1188) асос солди.

«Кубровия» тариқати Ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, ўз даврида Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатларида кенг ёйилади.

---

<sup>1</sup> Ушбу мақола Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар (Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида) қўлланмасида берилган «Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари» матни асосида тайёрланди. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 й. 103-115 бетлар.

Кубро мўғил босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Нажмиддин Кубро асос солган «Кубровия» тариқатининг одоблари (қоидалари) ўнта бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Тавба. Тариқат йўлига кирган солиқ қилган қилмишларидан тавба қилиб, Аллоҳни билиш, унинг васлига етиш учун доимо ўз ақлига яна ақл қўшиши, ўзини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, такомиллашиб бормоғи лозим.

2. Зуҳд фи-дунё. Тариқат аъзоси дунёвий бойликлардан, мол-мулк ва ноз-неъматлардан воз кечмоғи даркор.

3. Таваккул ал-Аллоҳ. Тариқат аъзоси Худога мутлақо ишониши, унга чуқур ва сидқидилдан эътиқод ҳамда эътимод қилиши зарур.

4. Қаноат. Солиқ мол-дунёга муккасидан кетмаслиги, унга ҳирс қўймаслиги, сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиши шарт.

5. Узлат. Тариқат аъзоси кўпроқ ёлғиз қолиши, халойиқдан узоқлашиб, қалбини мустаҳкамлаб, ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоғи лозим.

6. Мулозимат аз-зикр. Тариқат аъзоси худо номини доимо тилга олиб, унинг шаънига сидқидилдан зикр-самоъ қилиши шарт.

7. Таважжуъ ал-Аллоҳ. Тариқат аъзоси бутун қалби, бор вужуди ила Аллоҳ таолога мурожаат қилиб юрмоғи керак.

8. Сабр. Тариқат аъзоси ҳайвоний хусусиятлардан, шаҳвоний ҳирсу ҳаволардан қутилмоғи лозим.

9. Муроқабат. Тариқат аъзоси ўз қалбини ҳар қандай пасткашликлардан сақламоғи, риё ва макру ҳийладан халос бўлмоғи шарт.

10. Ридо. Тариқат аъзоси Аллоҳ васлига етишгач, ўзини Аллоҳ таолони таниган (ориф) ва қонеъ, деб ҳисобламоғи керак.

Нажмиддин Кубро араб ва форс тилларида «Рисолат мин муаллифот аш-Шайх-ул-миллат ва д-дин ал-Кубро», «Шарҳи рисолаи одобу з-зокин», «Рисолаи шайх Нажмиддин» ва бошқа асарлар ёзиб қолдирган.

Нажмиддин Кубродан кейин, унинг тариқати қоидалари (одоблари) Баҳоуддин Нақшбанд тариқатларида давом эттирилди.

XV асрда Марказий Осиёда «Нақшбандия» тариқати юзага келади. Бу тариқат «Ҳожагон» номи билан ҳам машҳур бўлиб, унинг асосчиси Абдуҳолиқ Фиждувонийдир.

Албухолиқ Гиждувоний Бухорода «Хожагон» (кейинроқ «Нақшбандия» деб аталган) таълимотига асос солиб, ўз муридлари учун бир неча қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ мезонларини ишлаб чиқади. Бундай ахлоқ мезонларини Фахруддин Али ас-Сафий «Рашаҳа» («Томчи») деб атаб, панд-насиҳат тариқасида баён этади.

Албухолиқ Гиждувоний томонидан баён этилган панд-насиҳатлар «Нақшбандия» тариқати аъзолари учун асосий одоб-ахлоқ мезони бўлиб хизмат қилди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд «Хожагон» («нақшбандия») тариқатини XIV асрда чуқур асослаб, бутун мусулмон оламига ёяди.

Шундай қилиб, нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида жуда катта аҳамият касб этади.

Нақшбандийлар инсонларни савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадиий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хат-тотлик, наққошлик, миниатюрачилик, қурувчилик каби юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг атоқли намоёндалари бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хушхолхон Хаттак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Сўфи Оллоёр, Машраб, Махтумқули каби Шарқдаги улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлидан бориб, ўз асарларида ҳаёт ва инсонни улуғлаб куйладилар.

## **АҲМАД ЯССАВИЙ ҲАЁТИ**

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили. У «Девони ҳикмат» асари билан жаҳоннинг бир неча мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган.

Яссавийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166-1167 деб кўрсатилади.

Яссавий Сайрамда таваллуд топган. Кейинчалик шоир туғилган ерини «ул муборак Туркистондин» деб таърифлаган. Отаси Шайх Иброҳимдан етти ёшида етим қолган. Дастлабки таҳсилни Яссиди машҳур турк машойихи Арслонбобдан олган. Арслонбоб вафотидан сўнг, у таҳсилни Бухорода Юсуф Ҳамадоний қўлида давом эттирган.

## Яссавий инсон камолоти ва Ватан ҳақида

Яссавий ўз асарларида инсонни улуғлаган, инсонни улуғликка чорлаган. Унинг уқтиришича, инсон ҳақиқат қаршисида тик тура олиши, ўзлиги қаршисида ҳам қоматини букмаслиги шарт. Инсон ҳаёти нечоғлик кулфат ва машаққатларга тўла бўлмасин, у комилликка интилиши шарт. Комилликка интилган одам кўп кулфатларни бошдан кечиради, турли алам ва изтиробларга дуч келади. Аммо ундаги абадиятга бўлган ишонч ана шу қийинчиликларда туғилади ва у ўз муродига эришади. Яссавий бу «ҳақиқатни дарёсидин» деб таърифлаган:

*Ҳақиқатни дарёсидин кечғон киши.  
Ўзи мунглуғ, кўнгли синуқ, кўзда ёши.  
Хорлиқ, зорлиқ, машаққатдир доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.<sup>1</sup>*

Яссавий ислом динининг йирик намояндаси сифатида «тупроқ»ни Аллоҳнинг мунаввар нури, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклиги, олов унинг газаби тимсоли ҳисоблайди. Шу маънода тупроқ — Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён улуғ фарзандларини кучогига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун биз уни эъозлаб она Ватан деймиз. Бу Ватан ўтмишда яшаган аждодларимизга оналик қилган. Ватан биз учун ва келажак насллар, авлодлар учун ҳам Она Ватандир. Яссавий:

*Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,  
Ҳақ васлиға етармен деб руҳим муштоқ.<sup>2</sup>*

— деб ўзининг Ватан дийдорига бўлган соғинчини изҳор этган. Демак, инсон Ватан билан уйғун. Шу туйғуга эга бўлган инсон эл-юрт эҳтиромига сазовордир. Бундай инсонни дунё танийди. Бундай қудратли зотларни олам ҳам енгиб, босиб ўтолмайди.

## Яссавий ахлоқлилик ҳақида

Яссавий ўзининг диний-ахлоқий қарашларида ёмонлик, нодонлик, жаҳолатлик, молпарастлик иллатларни қоралайди,

<sup>1</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990, 21-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 78-бет.

«кўнгли қаттиқ халойиқни» шафқатли бўлишга, ғариб ва етим мазлумларга озор бермасликка даъват этади.

У дейди:

*Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,  
Ғарибларга очигланиб сўз қотмангиз,  
Заиф кўриб ғарибларга тош отмангиз,  
Бу дунёда ғарибликтек бало бўлмас!*<sup>1</sup>

Яссавий инсон ҳаётидаги катта курашни — нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш ҳисоблайди. Нафсдан устунликка эришган ғарибни шоҳ ўрнида кўради. Яссавийнинг таълимотича, нафс — ички, лекин жуда катта душман. Нафс инсондаги бутунликни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам топади. Шу боис «нафсни тепиб меҳнат етса роҳат» англамоги керак. Демак, инсон нафсни ўзидан йироқлатиб, меҳнатга берилса, бу унинг учун роҳатдир. Инсон меҳнатни роҳат деб англамоги керак.

Яссавий ҳикматларини диёнат зиёси ва иймон шафқати ичдан нурлантириб туради. Аллоҳ қаҳру газабларидан кўрқмай одамларга ранж етказиб, кўзларидан ёшлар оқизувчи бағри-тошларга у имонсизлар деб қараган, одамларни иймонли бўлишга чорлаган. Яссавийнинг фикрича, на мусулмон, на кофирга, ҳеч бировга озор бермаслик керак.

*Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қаттиғ дилозордан худо безор.*<sup>2</sup>

— дейди Яссавий.

### **Яссавий педагогик қарашларининг аҳамияти**

Яссавийнинг ҳикматларида ифодаланган Ватан, инсон камолоти, иймон, диёнат, нафсга берилмаслик, раҳм-шафқатлик ҳақидаги ахлоқий-фалсафий фикр-гоялар ҳозирги ёшлар тарбиясида ҳам қимматли қадрият бўлиб, улар миллий педагогикамизга қўшилган катта ҳиссадир.

<sup>1</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990, 8-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 9-бет



# ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД<sup>1</sup>

## Ҳаёти, илмий фаолияти

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бухоро атрофида, «Қасри ҳиндивон» деб аталмиш қишлоқда 818 (1318 мелодий) йилда дин арбоби Жалолиддин оиласида туғилди, диний руҳда тарбияланади. Балоғатга етгач, у деҳқончилик билан шуғулланади, матога нақш (суврат) солиш касбини ҳам эгаллайди («Нақшбанд» лақаби шу туфайли унга берилган).

Нақшбанд фақат ёшлигида эмас, балки бутун умрида ҳалол меҳнат билан яшашга алоҳида аҳамият беради. Нақшбанднинг таъкидлашича, мусулмонликда иймондан сўнг ҳалоллик биринчи ўринда туради. Ҳалоллик фақат меҳнат орқалигина амалга оширилиши мумкин. У бу фикрларини ўз фаолиятида намоён этади.

Баҳоуддин Нақшбанд 991 (1389) йилда Бухорода вафот этади.

## Нақшбанднинг бунёдкорлик ғоялари

Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида (тариқатида) Аллоҳга яқин бўлишнинг энг тўғри йўли — жамият саодати учун яшаш, бунёдкорлик, савоб ишларни қилиш, мукамал ахлоқли бўлишдан иборат ғоясини олга суради.

Нақшбанднинг таълимотича, инсон оламини билиш, одамни билиш ва ахлоқий мукамалликка, дунё гуноҳларидан ҳалолликка интилиши керак.

Баҳоуддин Нақшбанд ўн бешинчи асрда Мовароуннаҳрда ва бутун мусулмон оламида тариқатнинг энг машҳур намоёндаларидан бири бўлиб қолади.

Нақшбандий тариқати (таълимоти) аслида бир неча авлод машойиҳининг ва биринчи навбатда Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанднинг тўхтовсиз ривожлана борган дунёқарашини ўзида инъикос эттиради.

---

<sup>1</sup> Ушбу мақола академик Иззат Султоновнинг «Баҳоуддин Нақшбанд абодияти» рисоласи асосида тайёрланди. Т., «Фан», 1994.

Тариқат одобининг биринчи шарты — «Ул адабдирки, яхши ва ёмонга, улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча халойиққа ўзларини кичик ва камроқ тутар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандларига, ходим ва мунг-луқларига, (қулларига) ҳар неча алардан беқоидлик, одобсизлик кўрсалар, хушунат билан (кўполлик билан) аларга сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоқ ва чучук тил билан қилурлар, ҳаттоки ўғригача».

Исломда энг муҳим масалалардан бири банд (худонинг қули, одам)нинг Аллоҳга ўз садоқатини изҳор этишининг йўллари масаласидир. Ибодат шу йўлларнинг биридир. Тариқатнинг баъзи йўналишларида ибодат (номоздан ташқари) яна зикр, жаҳр, хилват ва самоъ шаклини олади. Нақшбандия бу жиҳатдан бошқалардан фарқ қилади. Хилватдан ва бу билан боғлиқ бўлган бошқа расм-русумлардан Аллоҳга яқинлашиш ҳосил бўлмаслигини тушунтириш Нақшбанд таълимотида узил-кесил ҳукм тусини олади. Бу таълимот тафаккур ривожидан олган қараб босилган катта ижобий қадам бўлди.

Нақшбанд Фиждувоний ортидан бориб, хилват ва самоъни анжуманда суҳбат билан алмаштирди. Бу янгиликни ўз тариқатининг пойдевори деб ҳисоблади. У хилватдан кечишни — ҳаётга, жамият манфаатларига фаол муносабатда бўлиш ҳисоблади.

Одамларнинг жамъ бўлиши ва бир-бирлари билан фикр алмашиб, маърифат орттиришининг фойдаси каттадир. Нақшбанднинг уқтиришича, Ҳайрият жамиятда, жамият суҳбатдадир. Агар бу йўл солиқлари (яъни тариқат аҳли) бир-бирлари билан суҳбат тутсалар, янада кўп «хайру-баракат» бўлади.

Нақшбанд «нафсларингизга тухмат қилинг», шахсий тилаклар ва манфаатлардан кечиб яшанг ва ишланг деб таълим беради.

Нақшбанд ўз таълимотининг исломга муносабатини шундай тайинлайди: «Бизнинг тариқатимиз урвай вусқодур» (исломга нисбатан маҳкам таянчдир), ҳар бир мусулмонни исломнинг ҳамма талабларини бажаришга даъват этади.

Нақшбандия тариқатининг моҳияти «Дил ба ёру, даст ба кор» («Дилингни Аллоҳга-ю, қўлингни ишга багишла») деган калимада ўз ифодасини топган.

Нақшбандия тариқати узоқ фикрий ривожнинг натижаси ўлароқ майдонга келади, ўрта асрда ижтимоий ва руҳий тараққиётнинг чўққиси сифатида шаклланади.

Нақшбандия тариқатининг мафкура сифатида узил-кесил шаклланишида уч буюк шахс — Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд алоҳида хизмат кўрсатдилар. Агар Яссавий жамиятни Аллоҳни танишга ўргатган ва бу йўлда таркидунёчиликни одат этишга даъват қилган бўлса, Абдуҳолиқ Гиждувоний худди Яссавийдек Аллоҳни даъват этиш билан бирга, бунинг учун таркидунёчилик шарт эмаслигини тушунтирган. Аллоҳга яқин бўлишнинг бошқа йўли, «бу дунё»га фаол муносабат ва инсоннинг ахлоқий мукамаллиги тозалиги йўли мавжудлигини кашф этган бўлса, Баҳоуддин Нақшбандий худди Яссавийдек Аллоҳни таниш инсон учун зарурлигини тасдиқ этишда давом этган таркидунёчиликни рад этади.

Умуман, Нақшбандия таълимотида (тариқатида) ўз ифодасини топган фалсафий, диний ва ахлоқий нуқтаи назарлар кўп жиҳатдан умумий инсоний мазмунга ва қимматга эга бўлди, бунинг натижасида нақшбандия тариқати кейинги асрларда ҳам бизнинг юртимизда ва жаҳоннинг кўп мамлакатларида халқларнинг назарида муқаддас таълимот бўлиб қолади.

Буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон ахлоқини поклашга, юксалтиришга хизмат қилган ғоялари, таълимотлари ҳозирги даврда миллий педагогика тарихи тараққиётида ҳам муҳим қадрият сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди, албатта.

## У Ч И Н Ч И Б О Б

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIV-XV АСРЛАРДА ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, МАКТАБ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси ва қилган ёвузликлари натижасида Марказий Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида талофот юз берди: шаҳарлар, суғориш иншоотлари вайрон бўлди, олимлар қувғин қилинди. Халқ Чингизхон зулмига қарши қўзғалди, унга бўлган нафрати ифодаланган «Гулдур-

сун» каби афсоналарни яратди. Бадиий адабиётда Рабғузий «Қиссаи Рабғузий» сингари асарлар ёзилди.

XIV асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда майда феодал ҳокимликлар ўртасида низо кучайди, иқтисод мушкуллашди, сиёсатда беқарорлик авж олди. Ана шундай пайтда Амир Темур сиёсат майдониغا чиқди. У 1370—1405 йиллар давомида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилди, хонлар ўртасидаги низоларга чек қўйди. Хуросонда марказлашган мустақил, қудратли давлат барпо этди. У ўз фаолиятида давлатни мустақамлаш, уни бошқаришни мукамаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларни кенгайтириш ишларига катта эътибор берди. Унинг даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди: шаҳарда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мавзолейи, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар барпо этилди.

Кўҳак — Зарафшон дарёлари орқали ҳамда Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди, Тошкент атрофида каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга канал ўтказилди.

Марказий Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли, бадиий буюмлар ишлаш юқори даражага кўтарилди.

Самарқанд, Ҳирот, Балхда яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий каби шоирлар турк-ўзбек ва форс-тожик тилида шеърый асарлар ёзиб, ўзбек адабиётининг буюк намояндалари бўлиб танилдилар.

Атоий ўз шеърларида инсоний фазилатларни, самимий севги ва вафодорликни, инсоний гўзалликни тасвирлаш орқали инсонларни шу фазилатларни эгаллашга даъват этди, табиат гўзаллигини, инсон эркини улуғлади.

Саккокий ўз ғазалларида инсон — ёр фақат ташқи эмас, балки маънавий чиройга эга бўлиши кераклиги ҳақида фикр баён этади. У инсоннинг раҳм-шафқатли, лутф-карамли, вафодор ва садоқатли бўлмогини истайди. Кибр-ҳаво, мутакаббирлик инсон учун ва ҳақиқий ёр учун ёмон хислатлигини айтади. Саккокий Улуғбекка атаб ёзган қасидасида уни маърифатпарвар шоҳ ва буюк олим сифатида улуғлади.

Лутфий ўз асарларида инсонларни ҳаёт ва севги, баҳор ва шодлик лаззатидан баҳраманд бўлишга чорлади, вафодорлик ва садоқатлиликни, мардлик ва баҳодирликни улуғлади, маъ-

рифат ва осойишталикни тарғиб қилди. Ҳайдар Хоразмий «Гул ва Наврӯз» асарида соф севи, самимият, вафо ва садоқат, мардлик ва жасорат, эзулик ва адолат ҳар қандай ёвузлик, ҳатто ўлимдан кучли эканини ифодалади, инсонларда бу фазилатларнинг бўлишини истади...

Амир Темур замонида тарих илми, тарихшунослик соҳасида муҳим ишлар қилинди. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн», («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофизи Абрўнинг (1361—1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар сараси»), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари юзага келди. Бу асарларда Амир Темур ва темурийлар фаолияти, мамлакатда содир бўлган маданий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар баён этилди.

Журжоний, Тафтазоний, Улуғбек, Давоний, Кошифий каби файласуф олимлар мантиқ, ахлоқ, математика, астрономия, нафосат, тилшунослик, мусиқашуносликка доир асарлар ёзиб, бу фанларни ривожлантирдилар.

Мир Шариф Журжоний (1319—1413) ўз даврининг таниқли шоири, файласуфи, астрономи бўлиб, Самарқандда мантиқ, луғатшунослик, шеър назарияси бўйича «Ал-Усул ул-мантиқий», «Таржимон ул Куръон фанин ул-муаммо ва усули ва тасорифи бафорсий» каби асарлар ёзди.

Эрондан Темур саройига келган қомусий олим Садриддин ат-Тафтазоний (1322—1390) мантиқ, ҳуқуқ, математика, астрономияга доир асарлар ёзди.

Риёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбекнинг илмий ишларини амалга оширишда фаол хизмат қилади, йирик математик ва астроном сифатида «Сулам яс-само» («Осмон нарвони»), «Нусхат ул-худоик» («Боғлар сайри»), «Рисола ал-муҳитийя» («Айлана ҳақида рисола») каби асарларини ёзиб, Ўрта Шарқ математика илмини юқори босқичга кўтарди.

Амир Темур саройида олимлардан Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунши, Абдулла Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нўмониддин Хоразмий, Жалол Хоқий ва бошқалар ҳам хизмат қилиб, турли илм-фанга доир асарлар яратиб, уларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Амир Темур ўз шоҳлик фаолиятида, ижтимоий-сиёсий масалалар билан бирга, маданият ва илм-фаннинг ривожига алоҳи-

да эътибор беради, мамлакатни бошқаришида, олимлар, дин уламулари билан мулоқотида кўриш мумкин. Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам бунга ёрқин далилдир.

Амир Темур давлат ишларида исломга таяниб, мусулмон динининг нуфуз-эътиборидан фойдаланади, ислом динининг улуғ намояндаларини эъзозлаб, ҳурмат қилади.

Умуман, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят каттадир.

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштирди, марказлашган йирик феодал давлатига асос солди. Бу билан зироатчилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдириمني (1389—1402 йил) тор-мор қилиб (1402 й.), Усмонли туркларнинг истибдодига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади; Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (1376—1395 йил) икки марта (1391 ва 1395 й.) тор-мор этиб, Россиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутилишини тезлаштирди.

Учинчидан, Туркистон заминини зироатчилик, хунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

XIV-XV асарларда ёзилган асарларда, масалан, «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул мақдур фи ахбори Темур» («Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») ва бошқа асарларда соҳибқироннинг тўғрилиқ, мурувватлилиқ, эл-юртга меҳр-муҳаббатлилиқ, адолатлилиқ, мардлик ва қаҳрамонлик каби инсоний фазилатлари ифодаланди.

Шунингдек, бу асарларда Амир Темурнинг давлат обрўси, шарафи, манфаати соҳасида гоят қаттиққўл бўлганлиги: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва набираларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларини ҳам аямаганлиги

баён этилган. Темур шахсиятидаги бу хусусиятлар ҳақида «Темур тузуклари»да батафсил маълумот берилган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўрнатилган тинчлик мамлакатда маданият, илм-фан, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъатнинг ривожиди, мадрасаларда таълим-тарбиянинг юқори савияда бўлишида муҳим омил бўлди.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шоҳруҳ, Улуғбек, Мирза Абу Саид, Султон Аҳмад, Хусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳ Ўрта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисод ва маданиятни ривожлантириш билан боглиқ энг яхши анъаналарни давом эттирдилар.

Йирик шаҳарларда масжид ва мадрасаларда, масалан, Бухорода Хўжа Зайниддин, Болоҳовуз, Жума, Намозгоҳ, Катга масжиди ва Абдуллахон Кўкалдош, Муҳаммад Хўжа Порсо, Нодир Девонбеги, Абдулазизхон, Хиёбон, Жўйбори Калон, Раҳмонқулихон, Эрназар элчи, Турсунжон, Ниёзқул, Бохарзий, Маъсудия, Мир Араб; Самарқандда Бибихоним, Жоми, Кўктош, Кўчкинхон масжиди ва Шайбонихон, Улуғбек, Шердор, Тиллакори; Хивада Матпанабой, Қутлумурод, Оллоқулихон мадрасаларда, шунингдек кейинги йилларда (XVII—XIX асрларда) Қўқонда Жоми масжиди ва Мадрасаи Мир (Норбўтабий), Тошкентда Хўжа Аҳрор, Номозгоҳ масжиди ва Барақхон, Кўкалдош мадрасаларда диний таълимот асосида ислом, аруз, илми баён, мантиқ, тарих, география каби гуманитар фанлардан ташқари риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, табиёт каби аниқ фанлар ҳам ўқитилди. Таълимда шарҳлаб ўқиш, мустақил мутолаа, мунозара, суҳбат усуллари қўлланди.

Талабалар араб, форс, туркий тилларда ёзилган асарларни ана шу усулларда ўқиб, ўргандилар. Гуманитар ва аниқ фанлар соҳасида Имом Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Замаҳшарий анъаналарини давом эттирувчи Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Султонали Хўжандий, Юсуф Табибий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Фазлуллоҳ Абдуллайс каби олим ва шоирлар, Абдурахмон Хоразмий, Султон Али Машҳадий, Султон Али Ханжой, Мир Али Қилқалам, Халвоий, Рафиқий каби

хаттотлар, Мирак Наққош, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби мусаввирлар етишди.

Улар мадрасаларда ўқиш, мустақил мутолаа, мунозаралар орқали улуғ мутаффакир сифатида жаҳонга танилдилар, жаҳон маданияти, илм-фани ривожига салмоқли ҳиссаларини қўшиллар. Бу улуғ мутафаккирлар ўз асарларида ёш авлод таълими ва тарбияси, таълим усуллари ҳақида фикр, гоёлар баён этиб, педагогик фикр тараққиётида ҳам салмоқли ўринни эгалладилар, улар қолдирган маданий, адабий ёдгорликлар келгуси авлод тарбиясида муҳим омил бўлди.

Умуман, XIV-XVI асарларда Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишишда шу нарса маълум бўладики, Амир Темур барпо этган мустақил марказлашган давлатда Амир Темур қўллаган сиёсат ўлкада илм-фан, санъат, адабиёт, хунармандчилик ва ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этди. Шоирлар, илм аҳллари, давлат арбобларининг ўз асарларида, инсоний фазилатлар ҳақида билдирган фикрлари, мактаб ва мадрасаларда ислом таълимотини ўрганиш, ахлоқ, мантиқ илмини ўқитиш — буларнинг ҳаммаси XIV-XVI асрларда келгуси авлод тарбиясида муҳим омил бўлди. Улуғ Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Кошифий, Давоний каби шоир ва олимлар асарларида айтилган, олга сурилган гоёлар, қарашлар педагогик фикр ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

## **МУҲАММАД МИРЗО УЛУРБЕК**

### **Ҳаёти ва илмий-маърифат фаолияти**

Мирзо Улуғбек Марказий Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир.

Улуғбек 1394 йил 22 мартда туғилади. Отаси Шоҳруҳ Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, Хуросон ҳукмдори, маърифатли, илм-фанга қизиққан шоҳ эди, шу туфайли у дунёнинг турли бурчакларидан кўпдан-кўп фанларга доир китоб ва қўлёз-



маларни олдириб келиб, Самарқандда катта кутубхона ташкил этади, ёшларнинг илмларни эгаллашлари учун имконият яратади. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим ҳам ўз даврининг оқида, билимдон, тadbиркор аёлларидан ҳисобланарди.

Маърифатпарвар ота-она ўз фарзандлари Улуғбекнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, жисмонан соғлом, ақл-заковат, ахлоқ-одоб ва илмда баркамол бўлиб етишувига ҳаракат қиладилар. Улуғбекни ўз даврининг билимдон ва тажрибали мураббийлари тарбиялаб, саводини чиқарадилар, уни диний ва дунёвий илмларнинг асослари билан таништирадилар. Улуғбек араб ва форс тилларини мукамал ўрганган, ўз даврининг таниқли олими ва санъат ҳомийси сифатида шуҳрат қозонади, 17 ёшида Мовароуннаҳр ҳукмронлигини эгаллайди. Унинг ташаббуси билан ўлкада илм, адабиёт, санъат аҳллари фанларнинг янги-янги қирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан фалакиёт фанини ривожлантиришга катта аҳамият беради, 1424 йилда Самарқандда қурган расадхонасида сайёралар сирини ўрганган. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб бориб, астрономия ва математика соҳасида кашфиётлар яратиб, 1018 юлдузнинг ҳолати ва ҳаракатига доир асарлар ёзадилар. Бу асарларнинг асосий мазмунини «Зижи Кўрагоний» деб аталувчи астрономия жадвали ташкил этади. Жадвал жаҳон астрономия фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Расадхона негизида Самарқандда астрономия мактаби вужудга келади. Мактаб ўз даврининг академияси («Дорул-илм») бўлган ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи астрономиясининг ривожига катта таъсир қилган.

Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 56 ёшида ёвузларча ўлдирилди.

### **Улуғбекнинг таълим-тарбия, илм-фан равнақи ҳақидаги гоёлари**

Мирзо Улуғбек, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди, фақат ривожланган фан ва маданиятгина инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашига ишонди. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларнинг

аҳамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларини такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур ҳунарларни эгаллаб олишлари лозим. Шу боис Улугбек билимларни нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади.

Янги-янги илмий кашфиётлар қилишни инсон учун олий фазилат деб билган олим ўз гояларини амалга ошириш мақсадида Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат марказига айлантирди. «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» — деган ширини олга сурди ва мадрасасининг дарвозасига ёзиб қўйди. Улугбек ўзидаги шу инсоний фазилатларни илм-фаннинг равнақ топишига, ёшларни тарбиялашга бағишланган, ёшлар тақдири ҳақида қайғурган, мактаблар очиб, болаларни ўқитган, уларга билим берган, таълим-тарбияни ривожлантиришга интилган, домлаларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромда бўлган, уларни моддий, маънавий томондан қўллаб турган. Шу саъй-ҳаракатлари билан таълим сифатини кўтаришга, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш тизимини жонлантиришга катта ҳисса қўшган. Чунончи, мадрасалардаги ўқув тизимини ислоҳ қилиб, унда астрономия, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15-20 йилдан 8 йилга қисқартирди.

### **Улугбек муаллим ва унинг ўқувчи билан мулоқоти ҳақида**

Улугбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мударрислардан ўқувчилар билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб этди, бунга ўзи раҳбарлик қилди, унинг фикрича, болаларнинг билим олишни истамаслиги мударриснинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усулларини нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Мударрис, авваламбор, ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларни эгаллаши лозим. Улугбек мударрисни ўз устида тинмай ишлашга, билимларни такомиллаштириб боришга, ҳар

бир дарсда бериладиган билимнинг юқори савияда бўлишига эътибор беришга даъват этган.

Улуғбек ёш авлоднинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, мударрисларни етукликка, фаол, билимдон ва савияли инсонларни тарбиялашга ундади.

### **Улуғбек ёшларни дунё билимларидан баҳраманд қилиш, дарслик ҳақида**

Улуғбек халқнинг билимли бўлишини орзу қилади, уни дунё сирларидан, бойликларидан баҳраманд қилишни истади. У дунёни билиш, англаш учун унинг сиру асрорини топиш, шунинг натижасида топган бойликларини халққа хизмат қилдириш зарурлигини айтади. Улуғбек инсон қобилияти ва заковатига ишонади.

Улуғбек ёш авлоднинг табиат ҳақидаги билимларни эгаллаши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг уқтиришича, фан ва маданиятнинг ривожланиши билан юртда ҳақиқат барқарорлашади. Улуғбек эл-юртнинг тинч-осойишта бўлиши учун одамлар ўртасида дўстлик ва биродарлик, самимият ва адолат барқарор бўлиши зарурлигини айтади.

Улуғбекнинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарсликлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун у дарсликларнинг мазмунига алоҳида эътибор беради ва муаллифлар олдига жиддий талаблар қўяди. Унинг фикрича, мадраса учун ёзилган дарсликлар янги мазмун билан бойитилиши керак. Уларда қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъий назар, ҳаёт ҳақиқатидан бир қадам чекинишга йўл қўймаслик лозим. Дарсликлар содда ва тушунарли, араб тилининг мураккабликларидан ҳоли тарзда ёзилиши керак, бироқ Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши кераклигини, ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли, айни чоғда, маърифатпарвар инсон ҳам бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасасида талабалари кўз ўнгида ана шундай фазилатли устоз тимсоли сифатида фаолият кўрсатади.

## **Улуғбекнинг оила муҳити, соғлом авлодни етиштириш ҳақидаги фикрлари**

Алломанинг уқтиришича, боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота-оналар, айниқса, ўқимишли ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғиданоқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим-тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак.

### **Улуғбек инсонлар ўртасидаги муносабатнинг тарбияга таъсири ҳақида**

Улуғбек ахлоқий тарбия хусусида гапирар экан, бу масалада инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиши кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата билиш лозим, ғаразли киши ҳеч вақт дўст бўлмайди, кишиларни у тўғри йўлдан оздиради. Ҳар бир киши дўстона ҳамкорлик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиши мумкин, киши ёлғиз ўзи, дўстларсиз ҳеч нарса қила олмайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ахлоқий шаклланиши олимлар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир, улар ўртасидаги яхши ҳамкорлик талабаларнинг ахлоқий тарбиясида муҳимдир.

### **Улуғбек педагогик қарашларининг аҳамияти**

Мирзо Улуғбек Марказий Осиёда педагогик фикр ва маърифат тараққиётида ўзига хос салмоқли ўринни эгаллади, умминсоният томонидан кашф этилган илмлардан баҳраманд бўлиб, жаҳон фанига мислсиз ҳисса қўшди. Унинг илмларни ўрганиш йўллари ҳақидаги таълимоти, шахсий намуна бўлиш

усуллари педагогик таълимда гоёта муҳимдир. Улуғбек олга сурган таълим-тарбиявий фикр-ғоялар ўз моҳияти билан ҳозирги давр педагогика тарихи тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Мирзо Улуғбекнинг катта хизмати яна шундаки, у бевосита илмий-педагогик қарашлари билан ҳам одамларни илмли ва маърифатли бўлишга даъват этди. Ўзининг фалсафа тарихи, астрономия, математика, география, адабиёт фанларига оид кўп жилдлик асарларида ўз даври учун муҳим бўлган илғор педагогик фикрларни илгари сурди, одамларни ўзаро дўст ва биродар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, тинчликсевар ва адолатпарвар бўлишга тарғиб этди.

## **АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ**

### **Ҳаёти, маърифатпарварлик фаолияти**

Нуриддин Абдураҳмон Жомий — мусулмон Шарқда катта шуҳрат қозонган буюк шоир ва олим, форс-тожик мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси.

Абдураҳмон Жомий 1414 йилда Жом шаҳрида туғилди. Отаси Низомиддин Аҳмад ўз даврининг илмли кишиларидан эди. У ўғлининг ҳам илмли бўлишига алоҳида аҳамият беради.

Абдураҳмон бошланғич билимни Жом шаҳрида, кейин Ҳиротдаги мадрасада олади. Билимларни чуқур эгаллаш ниятида Мовароуннаҳрнинг илмий-маданий маркази — Самарқандга келиб, бу ерда ўқишни муваффақиятли тугаллайди. Ҳиротга қайтгач, илмий-адабий ишни давом эттиради, тез фурсатда йирик мутафаккир, шоир ва олим сифатида шуҳрат қозонади.

Жомий Ҳиротда, 1469 йилда Алишер Навоий билан танишади, шу даврдан бошлаб бу икки аллома ўртасида юзага келган самимий дўстлик, ижодда ҳамкорлик умрларининг охиригача абадий сақланади.

Жомий 1492 йилда 78 ёшида вафот этади.

### **Жомийнинг маърифатпарварлик ғоялари**

Жомий ўзидан олдин ўтган мутафаккирнинг инсонпарварлик анъаналарини давом эттириб, яхшиликни, шафқатлилик-

ни, олижаноблиликни, ижод этишни инсон ҳаётининг мақсади қилиб қўйишни талаб этади, ҳар бир инсон ҳаётда шодлик ва бахтли бўлишни истаса, у ўзидан кейинги авлодларга яхшилик хотираси қолдириши керак. Инсон ўзининг ҳимматлилиги билан барҳаётдир. Инсон вафот этса, унинг яхши номи асрлар давомида яшайди. Шунга кўра, у жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар, ёшлигидан бошлаб ёшларда саховатлилик фазилатини тарбияламоғи лозим, чунки саховатлилик қуруқ ҳамдардликдан иборат бўлмай, таъсир этувчи кучдир. Ҳақиқий саховатлилик фойдали ҳаракат, иш билан тасдиқланиши зарур.

### **Жомий ақлий, ахлоқий тарбия ҳақида**

Жомий ўзидан кейин турли фан, адабиёт, жумладан педагогикага доир ўлмас мерос қолдиради. У ўз асарларида, айниқса, насрий йўлда ёзилган «Баҳористон» асарида таълим-тарбия масалалари хусусида фикр билдирди.

Жомийнинг фикрича, илм инсон учун ҳаётга йўл очувчи ва уни ўз мақсадига эриштирувчи омилдир. Илм ва ҳунарни ёшлиқдан эгаллаш керак. Илм инсонга ҳамма нарсани осон ва пухта англаб олишга ёрдам беради, меҳнатни енгиллаштиради. Жомий ёшларни илмларни эгаллашга даъват этди:

*Энг зарур билимни кунт билан ўрган,  
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.  
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,  
Унга амал қилмай умр ўткурма.<sup>1</sup>*

Жомий ўз педагогик қарашларида кишиларни адолат, хушмуомалалик ва доно сўз билан золимларга таъсир этишга даъват этади. У ёзади:

*Агар чиҳса адолатнинг қуёши,  
Таралгай ҳар томон нури зиёси,  
Агар зулм этса золим, бу ситамдан  
Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси.<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1979. 15-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 22-бет.

Юқоридаги мисраларда қилинган насиҳат, даъват гарчи шоҳларга қаратилган бўлса ҳам, ҳар бир иш ва ҳолатда тадбир ва ақл билан иш тутиш, дўстларга яқинроқ бўлиш, ёмонлик қилишдан сақланиш, адолатли бўлиш ҳар бир инсонга қарата қилинган хитобдир.

Жомий манманлик, кеккайишларни қоралайди, такаббурликни нодонликнинг белгиси деб билади, инсон, ҳатто, бошқалардан бирор сифати билан юқори даражали бўлса ҳам, камтар бўлиши керак.

*Кунларинг ўтаркан териб дур-ҳикмат,  
Кунларинг тўлиқдир бўлса ҳур меҳнат*<sup>1</sup> —

дейди шоир.

*Яхшиликлар бир хонада жам,  
Камтарликлар унинг калити.  
Ёмонликлар бошқа хонада,  
Уни очар манманлик ити.  
Эҳтиёт бўл тойиб кетмагил.  
Шундан келар юзинг шувити,*<sup>2</sup> —

дейди Жомий.

✓ Жомий манманлик нодонлик белгиси эканлигини уқтириб, ёшларни бу иллатлардан ҳоли, пок бўлишга ундайди. Жомий тўғрисиўзликни инсон учун зарурий энг яхши хусусият ҳисоблайди, изҳор этиладиган фикр сўз ва ҳаракат билан узвий бирликда бўлмоғи керак. Шоирнинг таъкидлашича, дилкашлик, ширинсўзлик, очиқ чеҳралик ва қувноқлик кишиларга яхши, ёқимли кайфият бахш этади:

*Сўз айтсанг ростликни айлагин одат,  
Қидирма ростликдан яхшироқ зийнат.  
Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,  
Қайда кўрди экан бирор билимдон?*<sup>3</sup> }

---

<sup>1</sup> Ҳикматлар гулдастаси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 25-бет.

<sup>2</sup> А. Жомий. Баҳористон. Т., «Ёш гвардия» нашриёти. 1979. 11-бет.

<sup>3</sup> Ҳикматлар гулдастаси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 25-бет.

Улуғ адиб ўз асарларида хасисликни, ўғриликни кескин қоралайди, оқилона яшаш, ортиқча бойликни муҳтожларга бериш, қаноатли бўлиш ғояларини олга суради. Жомий дейди:

*Ҳарна кирса қимматли мард қўлига,  
Сочар дўстлар оёғига барчасин,  
Ўзи ўлгач, душманлари бўлишар,  
Хасис киши териб йиққан нарчасин.<sup>1</sup>*

Дўст танлаш, дўстликнинг самимийлиги ҳақидаги фикрларида Жомий одамларнинг ўзаро муносабатларига эътибор берганини кўрамайз. Улуғ мутафаккир дўстлик ҳақида:

*Дил, агар ногаҳон ғамга учрасанг,  
Ғамхўр дўстинг бўлса, у ғам эмасдир.  
Кулфат кун содиқ дўстларинг керак,  
Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир, — дейди.*

Жомий илмларни эгаллашда тажрибага алоҳида эътибор беради, ҳаётда фойдаланилмаган илмни жонсиз, кераксиз илм ҳисоблайди. У таълим олдига ёш авлодни жамиятга, одамларга фойдали хизмат қиладиган қилиб етиштиришни асосий вазифа қилиб қўяди.

Жомийча, китоб ўтмиш донишманд авлодлар билан ўз даври ёшлари ўртасида восита, инсонга энг яқин дўст, эрта тонгдаги ёғду, устоз ва мураббийдир. Жомийнинг бу фикри шу жиҳатдан муҳимки, шоир китобни билимнинг манбаи, инсоният донишмандлиги хазинаси дейиш билан бирга, донишмандлар ўз асарларини ҳаётий тажриба ва кишилар ижоди меваси сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганликларини айтади. Шу сабабли ҳам ёшларда китобга муҳаббат, уни ўқишга қизиқиш тарбияланиши керак.

Жомий китобни билим манбаи дер экан, муаллимни келгуси ёш авлодда бу сифатларни ҳосил қилувчи устоз сифатида улуғлайди, уларни ҳаммадан кўра ортиқ ҳурмат қилишга даъват қилади. Шу билан бирга, Жомий ҳар бир муаллим чуқур билим, ақл, энг яхши ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши кераклигини ҳам айтади. Жомий бундай идеал ўқитувчига Александр Македонскийнинг тарбиячиси Арастуни (Аристотелни)

<sup>1</sup> А. Жомий. Баҳористон. Т., «Ёш гвардия» нашриёти. 1979. 13-бет.



мисол қилиб кўрсатади. Демак, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан комил ўқитувчи ҳар бир ўқувчида ақлий қобилиятни ривож топтира олади.

Жомийнинг меҳнат хусусидаги қарашлари диққатга сазовордир. У меҳнатни инсонга бахтли турмуш бахш этувчи восита ҳисоблайди, ҳар бир инсон ўз ҳалол меҳнати билан яшамоғи лозим, шундагина у бахтли турмушга эришади:

*Ўз меҳнатинг бўлсин доим йўлдошинг,  
Ўзга миннатидан оғритма бошинг.  
Чин дўст ул — дўстлиги ошаверса гар,  
Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам,  
Бошига минг жафо тоши ёғилса,  
Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам.<sup>1</sup> —*

деб дўстлар вазифаси, садоқатлиги нималарда намоён бўлишини кўрсатади.

Жомийнинг педагогик қарашларида инсоний севги, муҳаббат масаласи ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Шоир севги-муҳаббатсиз инсоният ҳаётини тасаввур эта олмайди. Унингча, севгисиз қалб — юраксиз тана. Ҳаётнинг асоси ва абадийлиги севги туфайлидир. Жомийнинг бу фикрига «Лайли ва Мажнун» достони ёрқин мисолдир. Жомий ушбу дostonда инсоний севгини юксак улуғлайди. Достон қаҳрамонлари Қайс (Мажнун) ва Лайли соф ва самимий севги соҳибларидир. Уларнинг муҳаббати кўп тўсиқларга дуч келади. Аммо ҳеч қандай ғов бу севгининг йўлини тўса олмайди. Уларнинг ўртасидаги соф, самимий севги асрлар оша бутун авлодларга муҳаббат ва вафо намунаси бўлиб, уларни шу руҳда тарбияламоқда. Жомий дейди:

*Муҳаббат энг гўзал афсонадир,  
Муҳаббат энг ёқимли таронадир.*

Ўз ижодий фаолиятида инсонни улуғлаган, инсонийликни куйлаган Абдураҳмон Жомийнинг инсон, ёш авлод тарбияси ҳақида баён этган фикр, гоёлари педагогика тарихида муҳим аҳамиятга эга. Унинг инсонийлик, илмларни эгаллаш, илм

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 9-бет.

билан тажрибанинг бирлиги, китоб — билим манбаи, хунар ва касбнинг аҳамияти, меҳнат ва меҳнатсеварлик, ҳимматлилик, камтарлик, дўстлик, тўғрилиқ ва поклик, севги ва вафо, шафқат, ҳиммат ҳақидаги фикрлари — бу илгор гоаялар фақат форс-тожик эмас, балки жаҳон педагогик фикр тараққиётига қўшилган қимматли ҳиссадир.

## **АЛИШЕР НАВОИЙ**

### **Алишер Навоийнинг маданий-маърифий фаолияти**

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиёти, маданиятига буюк ҳисса қўшган, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлиги учун курашган санъаткорлардандир.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Отаси Гиёсиддин Кичкина темурийлар саройидаги амалдорлардан, онаси шаҳзодаларнинг энагаларидан бўлиб, Алишернинг ўқиши, тарбиясига алоҳида эътибор берадилар. Алишер 4-5 ёшида мактабга ўқишга боради. Оила Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлаган йилларида Алишер бу шаҳарда машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг суҳбатида бўлади. Ҳиротга қайтиб келишганда, Алишер Навоий Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Фаридиддин Атторнинг «Манتيқут-тайр» («Қуш тили») асарини ўқиб ўрганади, мусиқа, тарих фанлари билан жиддий шуғулланади. Алишер Навоий 10-12 ёшларидан бошлаб шеърлар ёзади. Отасининг вафотидан кейин Абулқосим Бобур қарамоғида тарбияланади.

15 ёшида Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобурнинг саройида хизмат қилади. Абулқосим билан Машҳадга бориб, бу шаҳарда ўқишни давом эттиради, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Лutfий, Атоий ижодини чуқур ўрганади, 18-19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан танишади. Самарқанд шаҳрида бўлган йилларида атоқли олим ва санъаткорлар — Мирзо Хожи Сўғдий, Сайид Қутб Самарқандий ва бошқалар асарларини ўрганади. Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганда, Ҳиротга қайтиб келади.

Алишер Навоий саройда дастлаб муҳрдорлик, сўнгра вазирилик вазибаларини адо этади, шаҳарнинг ободончилигига, фуқаролар тинчилиги, фаровонлигига алоҳида эътибор беради, ижодий ишини давом эттиради: «Хамса», «Лисонут-тайр» («Куш тили»), «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани»), «Мажолисун-нафоис» («Гўзаллар мажлиси»), «Хазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси») ва бошқа асарларини ёзади. У ўз асарларида тарихий-маърифий, ижтимоий-тарбиявий, инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, тинчлик ҳақидаги гоёларини ифодалади. Алишер Навоий 1501 йил 3 январда Ҳирот шаҳрида вафот этди.

### Алишер Навоийнинг халқпарварлик гоёлари

Жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир одам ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи — халқ учун, ватан учун фойда эканлигини унутмаслиги керак.

*Нафъ етурмакка шиор айладинг,  
Ўзунга ул нафъни ёр айладинг.  
Нафъинг агар халққа бешак дурур.  
Билки, бу нафъ ўзинга кўпрак дурур.<sup>1</sup>*

Алишер Навоий халққа иш билан ҳам, сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаатини ўйлайдиган, халқнинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий одам деб билади:

*Одамий эрсанг демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.<sup>2</sup>*

Алишер Навоийнинг инсонга муҳаббати ватанга муҳаббати билан боғланган. Навоий эл-юртнинг обод, фаровон, мустақил бўлишини ва унда инсонларнинг дўст-ёр, аҳил, ҳур яшашини истайди. Навоий одамларни ватанни севишга даъват этади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 102-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 104-бет.

## Навоний таълим-тарбия ва унинг мақсади ҳақида

Алишер Навоний мактабдор ёки мударрис бўлиб дарс берган бўлмаса ҳам, таълим ва тарбия ишида жуда катта хизматлар қилди. Машҳур тарихчи Хондамир Навонийнинг ёшларга билим бериш ва уларни тарбиялаш учун катта имкониятлар туғдирганини бундай тасвирлайди: «...Атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ бўлган санъат аҳлларининг даражаларини кўтаришда ва мартабаларини оширишда қўлдан келган қадар ҳаракат қилиб, бундай ишларга аҳамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақа тайин этиб, мадрасалар бино қилди».<sup>1</sup> Алишер Навоний ёш авлодларининг илм-ҳунар эгаллашини ва энг яхши инсоний фазилатларга эга кишилар бўлишини орзу қилади.

Алишер Навоний илмий ва адабий фаолиятида ҳам, таълим-тарбия ҳақидаги фикрларида ҳам ўзидан олдин ўтган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа мутафаккирлар анъанасини давом эттирди ва бойитди. Унинг илм-маърифат, таълим-тарбия масалаларидаги фикрларида инсонпарварлик гоёси марказий ўринда туради. Навонийнинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак, азиз ва қадрлидир.

Алишер Навоний боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади.

Ёш бола яхши нима-ю, ёмон нималигининг фарқига бора олмайди, чунки унинг тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш қобилияти ўсмаган бўлади. Шу сабабли, у ўз хусусиятига кўра бирор салбий таъсир натижасида ярамас, нотўғри йўлга тушиб кетиши мумкин.

Демак, болани жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ даркор. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Алишер Навоний тарбиянинг кучига эътибор бериш билан бирга, кишининг қандай одам бўлиб вояга етишига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни ҳам унутмади. Навонийнинг

---

<sup>1</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент., Ўз. ФАН, 1941, 23-бет.

фикрича, жамиятдан, одамлардан ажралиб, яккаланиб қолган ва уларнинг таъсиридан ташқарида бўлган киши инсон қаторига кира олмайди, хунари ҳам йўқ кабидир. Чунки, ёлғиз киши дунёдан баҳра топа олмайди, ҳаёти емирилади.

Алишер Навоий, одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир-бирларига бўлган руҳий, маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади, деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради. Навоийнинг фикрича, яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Искандар каби бўлмоғи мумкин, бунинг учун аслзода ва шаҳзода бўлиши шарт эмас:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди, ҳаёву адаб.<sup>1</sup>*

Демак, кишининг чинакам инсонлиги, унинг насл-насабида, аслзода бўлишида эмас, балки тарбияли ва ҳаёли бўлишидадир, кишилар ҳақиқий инсонликка тарбия ва таълим йўли билан эришадилар.

Алишер Навоийнинг фикрича, тарбиянинг мақсади — ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга киши қилиб етиштиришдир. Навоий инжиқ, ялқов, ёмон хулқли болаларни ҳам тарбия ва ўқитиш йўли билан тузатиш мумкинлигига ишонч билдиради. Навоий жамиятдаги айрим ахлоқий жиҳатдан нуқсонли кишиларни қайта тарбиялаш зарурлигини қайд этган бўлса ҳам, лекин ярамас, фосиқ, халққа зарар келтирувчи одамларни тарбиялаш йўли билан тузатиб бўлмаслигини айтади.

Адаб муҳаббатга безак ва пардоз беради, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозеъ дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказади.

Навоийнинг фикрича, одоб — одамнинг олийжаноб фазилатларидан биридир. Одобли киши очиқ юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун икки юзламачилик, қўполлик ётдир. Одобли одам доимо ҳурмат ва иззатда бўлади. Ота-она, ака-ука, опа-сингилни, дўстларни ҳурмат-иззат қилмоқ — ҳар бир одобли кишининг бурчидир.

✓Алишер Навоий ҳар бир кишидан ёқимли, назокатли, очиқ чеҳрали ва хушмуомала бўлишни талаб қилади:

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. Т., «ФАН» нашриёти, 1960, 71-бет.

*Ҳар кимгаки, даҳр ичида донолик эрур,  
Ҳилм ила анга мажлис оролиқ эрур.<sup>1</sup>*

— дейди шоир, яъни ақлли, доно киши одобли, ҳаёли, камтарин, ширин муомалали, хулқи ёқимли бўлади. Ширин сўзлик ҳар бир киши учун энг яхши фазилатдир. Дағаллик, кўполлик билан муомала қилиш энг ёмон хислатдир. ]

Ёмон хулқлилар ёлғиз ўзларигагина эмас, балки халққа ҳам зарар етказадилар.

Алишер Навоий лаганбардорликни, хушомадгўйликни энг ёмон хислат деб билади. Ота-оналарни ўз болаларини, ёш авлодни чин инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга даъват этади.

Алишер Навоий ўз ижодида одамларни карамли, саховатли ва ҳимматли бўлишга ундайди ва ёшларни ҳам шундай фазилатли қилиб тарбиялашга даъват этади. Навоий эл-юртга, халққа, муҳтожларга ёрдам беришни энг юқори карам ҳисоблайди.

### **Алишер Навоий инсонпарварлик тарбияси ҳақида**

«Карам, — дейди Навоий, — бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликлардан қутқармоқдир. Карам — биров машаққат тиканининг оғирлигини кўтармоқ ва у тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, огизга олмаслик, ишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир», — дейди. Ҳимматли кишилар халқ орасида обрўга сазовордир, Навоий одамларни инсофга, саховатли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил бўлишга, бир-бирларига ёрдам беришга, карамли бўлишга даъват этар экан, эҳсонли бўлишни алоҳида уқтиради. Улуғ мутафаккир эҳсонни улуғлаб шундай дейди: «Эҳсон деган сифатни абадий саодат бил... Кишилик боғининг кўнглига ёқар дарахти эҳсондир. Барча мақбул сифатлар ва маъқул ҳолатлар эҳсонга қарашлидир, бу сифат ва ҳолатларни у ўз ичига олган ҳамда шунинг ўзида воқеидир. У барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар ҳақиқатан унга тегишлидир».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбул қулуб. 1939. 43-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 52-бет.

Мутафаккирнинг фикрича, яхшиликни ўзига мақсад қилиб олган одам бахтли бўлади. Бундай одамлар сахий ва ҳимматли бўладилар. «Сахийлик кишилар богининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёнинг асл гавҳаридир».<sup>1</sup>

Алишер Навоий сахийликни халққа, давлатга фақат молмулк билан эмас, балки ўзида бўлган куч, билим билан маънавий ёрдам бериш кераклигини айтади. Шоир сахийлик ҳимматли бўлиш билан боғлиқлигини уқтириб: «Сахийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони: ҳимматлилардан дунёга юз минг кушойиш бўлар, ҳимматсиз киши эр сонидан эмас, жонсиз баданни киши тирик демас».<sup>2</sup>

### **Алишер Навоий педагогик таълимотининг аҳамияти**

Алишер Навоий ўз фаолияти давомида халқ ва ватан осойишталиги, маданият ва маърифат ривожини учун курашди. Унинг ижодий мероси тарихий-маърифий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ижод этган барча асарларида Навоий инсонпарварлик, эл-юрт фаровонлиги гоёларини ифодалади, таълим-тарбияга оид фикрларини баён этди. Унинг бу гоёлари баркамол авлодни етиштиришга хизмат қилади, буюк аллома изҳор этган беназир гоёлар миллий педагогика тарихида алоҳида ўринда туради.

## **ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ**

### **Ҳаёти, илмий фаолияти**

Камолиддин Ҳусайн ибн Али Воиз Кошифий XV аср мутафаккирларидан биридир. У тахминан 1440 йилларда Хуросон вилояти Сабзавор вилоятининг Байҳақ туманида таваллуд топади. Ҳусайн бошланғич маълумотни Сабзаворда олади, 1470 йилларда Абдураҳмон Жомийнинг тавсияси билан Ҳирот шаҳ-

<sup>1</sup> Ўша асар. 54-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 57-бет.

рига келади, бу ерда Алишер Навоий билан дўстона ижодий ҳамкорликда бўлади. Кошифий фалсафа, тилшунослик, адабиётшунослик, муסיқашунослик, диншуносликка доир асарлар яратади. У яратган «Лубби лубоби Маснавий», «Маҳбуб ул-зуҳал», «Бадое ул-афкор фи саное-ул-ашъор», «Тафсири Хусайний», «Жавоҳирот тафсир» асарлари бунга ёрқин мисолдир. Кошифий педагогикага оид фикрларини «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвои Сухайлий», «Рисолаи Хотамия» асарларида ифодалади. Унинг араб, форс, урду тилларида ёзган бу беназир мероси Фарб ва Шарқ мамлакатларида ҳам севиб ўқилади. Воиз Кошифий нотик, олим, адиб, мударрис, моҳир хаттот сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У 1505 йилда Ҳирот шаҳрида вафот этди.

### **Кошифий ахлоқий камолот ҳақида**

Кошифий ўзининг таълим-тарбия ҳақидаги гояларини асосан «Ахлоқи Муҳсиний» китобида баён қилди.

Кошифий ўз педагогик қарашларида адолат, инсонпарварлик, ахлоқий камолот, виждонийлик гояларини олға суради. Унинг фикрича, адолат инсонни бахт ва саодатга муяссар этади. Виждон инсонни назорат қилувчи туйғудир. Инсонпарварлик инсоннинг энг яхши фазилатидир.

Воиз Кошифийнинг фикрича, яхши хулқ инсон умри мазмунини белгиловчи омилдир. Яхшилик жамият, халқ учун қилинган иш билан баҳоланади. Инсон ҳаёти равон дарёдек ўтиб кетаверади. Гап уни фойдали, мазмунли, яхши ишларга сарф қилишдадир. Инсон дунёда учта яхшилик қилиши шарт. Биринчиси: одамлар учун уй, кўприк, йўл қуриши; иккинчиси: мевали дарахт ўтказиши; учинчиси: фарзанд қолдириши керак. Чунки бу яхшиликлар оламда собит қолади. Воиз Кошифий дейди:

*Чунки қолмас бу жаҳон барқарор,  
Яхши иш қилгилки, қолғай ёдгор.<sup>1</sup>*

Демак, яхшилик инсондан қоладиган абадий ёдгорликдир.

---

<sup>1</sup> Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. 77-бет.



Кошифий яхшилик инсонда фақат тарбия, билим ва турмуш тажрибалари орқали таркиб топишини айтади. Унинг таъкидлашича, яхшиликнинг барқарор бўлиши учун ёмонликни баргараф қилиш керак.

Кошифий ўз педагогик қарашларида адолатни улуглайди. Адолат барқарор бўлган давлатнинг фуқароси бахтиёрдир.

*Адл нуридурки мулк андин мунаввар бўлғуси,  
Жумлаи олам насмидин муаттар бўлғуси.  
Адлинг беш айла, мискинларнинг ҳожатин чиқор,  
То санинг ҳам жумла мақсудунг муяссар бўлғуси,<sup>1</sup> —*

дейди Кошифий.

Демак, мамлакатда адолат боқий бўлиши керак. Адолат инсон номини машҳур қилади. Адолат — инсонни бахт ва саодатга етказди.

«Адолатнинг маъноси раият ҳақида баробарлик бўлурким, то раоё тобмагай, адал айбидурким, мулкга оройиш берур ва шу ойдурким, анинг нури бирла қаронғулик ёрур ва ҳақ субхонаҳу таоло бандаларини адл сифатига буюрур».<sup>2</sup>

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий виждонлиликини инсонни назорат қилувчи туйғу ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, виждонлилики таълим-тарбия воситасида ҳосил қилинади. Виждонсизлик туфайли қабихликлар юзага келади. Виждони, номус, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир.

Ҳусайн Воиз ал-Кошифий кишиларни одил, ҳалол бўлишга, ҳар бир ишни виждонан амалга оширишга, диёнатли бўлишга даъват қилади.

## **Кошифий таълим-тарбия ҳақида**

Воиз Кошифийнинг уқтиришича, инсонни таълим-тарбия орқали қайта тарбиялаш, ақлий қобилиятини ўстириш мумкин. Бунинг учун болага яхши таълим-тарбия бериш, унда яхши

---

<sup>1</sup> Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. 60-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 60-бет.

сифатларни ўстириш, уни ноҳўя хатги-ҳаракатлардан қайтариш лозим.

Кошифий ўз педагогик қарашларида болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота-оналар ва муаллимлардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ва ташқи муҳит муҳим ўринда туради. Кошифийнинг фикрича, «Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларида қатъий туриши, уларга риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулойим ва хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир».<sup>1</sup>

✓ Бола тўғри сўзли, ваъдага вафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак. «Ҳар кишида мулойимлик, хушмуомалалилик бор бўлса, файз-камол топишдан ўзга эҳтимол йўқдир. Ҳар киши бадфеъл бўлса, вайрон бўлишдан чора йўқдир. Хушфеъллик, мулойимлик ҳамма неъматларнинг яхшироғидир»,<sup>2</sup> — дейди Воиз Кошифий.

Кошифий тил одоби ҳақида сўзлар экан, яхши фикрни ифодалашни, ёмон гапни айтмасликни, ёлғон сўз сўзламасликни, гийбат ва бўҳтон қилишдан сақланишини маслаҳат беради. )

Кошифий гаразгўйлик, ҳасадгўйлик, бахиллик, разиллик, худбинлик, хасислик каби иллатларни қоралайди, кишиларни бундай иллатлардан сақланишга даъват этади.

## **Кошифий педагогик фикрининг аҳамияти**

Кошифийнинг таълим-тарбия, адолат, диёнат ҳақидаги фикрлари ўз давридаги педагогик фикр ривожига муҳим аҳамият касб этади. Унинг гоёлари педагогика тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, уларнинг ҳозирги давр ёшлар тарбиясига ҳам хизмат қилиши шубҳасиздир.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 168-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 169-бет.

# ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ

## Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти

✓ Жалололиддин Муҳаммад ас-Сиддиқий ад-Давоний 1427 йилда Эроннинг Казарун шаҳри яқинидаги Давон қишлоғида туғилди. У бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олгандан сўнг, Шерозга келиб мадрасада етакчи олимлар қўлида таҳсил кўради. У мадрасани тамомлагач, Табризга боради, «Дор ул-айтом» мадрасасида дарс беради. Эрон, Ироқ, Ҳиндистоннинг кўп шаҳарларини кезиб, олимлар билан учрашади, улар билан фалсафанинг турли муаммолари бўйича баҳс юритади, ўзининг топган бутун бойлигини илм-фан равнақига сарфлайди.

Давоний фалсафа, ахлоқшунослик, педагогика, риёзиёт, фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва бошқа фанлар бўйича рисола-лар ёзган. ✓

«Рисолайи исботи вожиб» («Заруриятнинг исботи ҳақида рисола»), «Рисола ул-муфрадот», «Тариқайи тарбият ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Ахлоқи Жалолий», «Рисолат ул-хуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисола дар илм ул-нафс» («Рухшунослик ҳақида рисола») ва бошқа асарлар унинг қаламига мансубдир.

✓ Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» рисоласи форс тилида ёзилган бўлиб, унда жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий масалалар, ахлоқ, таълим-тарбия ва хулқ-одоб қоидалари ўз аксини топган. ✓

Давоний 1502 йилда Казарун шаҳрида вафот этади ва Давон қишлоғида дафн этилади. ✓

## Давоний тарбиянинг ижтимоий моҳияти ҳақида

Давоний таълим-тарбия жараёни ҳақида фикр юритар экан, болаларнинг яхши фазилатларни эгаллашида ижтимоий муҳит ва тарбия муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлайди. У одам тайёр туғма фазилатлар билан туғилмайди, балки у ташқи муҳит ва жамоа ҳамда тарбия таъсирида яхши ёки ёмон хислатларни эгаллайди, дейди. Давонийнинг айтишича, баъзи кишиларнинг табиатига яхшилик хосдир. Улар ҳеч қачон бошқа

малакаларни қабул қилмайдилар. Лекин бундай кишилар озчиликни ташкил қилади. Бошқалар табиатига ёмонлик сингиб кетган. Бундайлар ҳар қандай шароитда ҳам яхшиликни қўлга кирита олмайдилар. Улар кўпчиликни ташкил қиладилар. Бу билан Давоний тарбиянинг ижтимоий зарурат эканлигини махсус таъкидлади.

Давоний болаларнинг ёш хусусиятларига алоҳида аҳамият беради. Унинг фикрича, бола тарбияси билан жуда эрта ва мунтазам шуғулланиш лозим. Ёшлиқдан бошлаб болада турли малакалар ҳосил бўла бошлайди. Боланинг ақлий тарбиясида оддийдан мураккабга ўтиш етакчилик қилиши лозим, зеро дастлабки вақтда у шакли бир хил нарсаларни бир-биридан ажрата олмайди. Лекин у улғайган сари мураккаб нарсаларнинг фарқига боради. Секин-аста ақли ўсиб, умумий тушунчаларни идрок қилади. Ёшлиқда боланинг зеҳни ўткир бўлиб, нарса ва ҳодисаларни тез қабул қилиш қобилиятига эга бўлади. Унинг таъкидлашича, бола қалби тоза тахтага ўхшайди, унга ҳар қандай тасвирни осонликча чизиш мумкин.

Давоний боладаги хулқ-одобнинг шаклланишида, дунёқарашнинг таркиб топишида мактаб, оила ва ижтимоий муҳитнинг мавқеи беқиёс эканлигини айтади.

Давоний муаллимларни «маънавий ота» деб атаб, уларга юксак баҳо беради. Таълим беришдек жуда мураккаб жараёнда муаллимнинг қатъият ва сабот-матонати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Давоний муаллимларни икки гуруҳга бўлади: болалар хулқ-одобига салбий таъсир қилувчи, кўпол ва баджаҳл муаллимлар ҳамда ақлли, бола тарбиясидан хабардор, яхши хислатли муаллимлар. У биринчи гуруҳ муаллимларни қоралайди, ҳатто уларнинг таълим-тарбия жараёнидан бутунлай четлаштирилишига тарафдорлик билдиради, кейинги гуруҳни эса олқишлайди, уларнинг шу ҳаракат йўналишларини маъқуллайди, бундай муаллимларнинг иш тажрибасини ўрганишга даъват этади.

Мутафаккир фикрича, агар ота боланинг жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим унинг тарбиясини камолотга етишувига сабабчидир. Демак, Давоний муаллимнинг жамият олдидаги ижтимоий мавқеини яхши англайди ва буни бошқаларга ҳам англатишга ҳаракат қилади.

Агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия соҳасида унга шунчалик яқин туради.

Давоний тарбия ишига махсус тайёргарлик лозимлигини таъкидлайди, шу мақсадда у ота билан муаллимнинг тарбиявий хислатини қиёслар экан, муаллимнинг тарбиялаш усули отанинг тарбия усулидан юқори эканлигига унинг махсус билим олганлигини сабаб қилиб кўрсатади.

### **Давоний тарбияда оиланинг ўрни ҳақида**

Давоний ота-онанинг болани тарбиялашдаги аҳамиятига кенг тўхталлади. Унинг фикрига кўра, оила тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, уларнинг ҳар иккиси боланинг яхши хулқ-одоб қоидаларини, муайян бир касбни эгаллашига кўмаклашиши, илм-фан ва касб-ҳунар эгаллашнинг моддий асоси бўлмиш озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш учун жонбозлик кўрсатиши керак. Лекин шунга қарамасдан, тарбия масаласида, барибир, асосий қийинчилик онанинг зиммасига тушади. Она боланинг яшаши учун биринчи қувватни ўз баданидан беради, бевосита тарбияси билан машғул бўлади ва ўзининг бутун меҳр-муҳаббати ва қалб кўрини болага багишлайди. Ота-она болага жамиятда мавжуд бўлган хулқ-одоб қоидаларини сингдиришга, юриш-туриш, ейиш-ичиш, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ширинсухан бўлиш, яхшилик, эзгулик каби оддий ахлоқ қоидаларини эгаллашига ёрдам бериши лозим. Ақлли киши иккита қарама-қарши фикрни эшитганда, ҳар бир гапни ўз билими билан пухта ўйлаб кўриши, ақл тарозуси билан ўлчаши лозим. Ана шундан сўнг ақл ҳукмига тўғри келадиган ва аниқ исботланган фикрни маъқуллаши зарур.

### **Давоний касб-ҳунар ҳақида**

Давонийнинг педагогик қарашларида касб-ҳунар тарбиясига эътибор алоҳида ўринни эгаллайди. Олим касб-ҳунар эгаллашни инсоннинг энг яхши фазилати деб, уни бойликка хирс қўйишга ва таъмагирликка қарама-қарши қўяди. Унинг таъкидлашича, инсон бойлиги билан эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, жамият ва ўзга кишиларга ёрдам бериши билан қадрланиши керак. Бунда адолат бош мезон бўлмоғи шарт.

Давоний болалар, албатга, бирор касб-ҳунар билан шуғулланиши кераклигини таъкидлаб, бола қайси касбга қизиқса, шу касбни эгаллашига ёрдам бериш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтади. Ана шу қизиқишни аниқлаш ва йўналтиришда муаллимнинг мавқеини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Ҳар бир одамда ҳамма касбни эгаллашга эмас, балки муайян бир касбга қобилият бўлади. Агар одамнинг бирор ҳунарга иштиёқи бўлмаса, уни шу касбни ўрганишга мажбур қилмаслик керак.

Давоний оддий халқ меҳнатини улуғлаб, бошқа тоифадаги кишиларни уларни ҳурматлашга ундайди.

### **Давоний ақлий тарбия ҳақида**

Давонийнинг уқтиришича, ақлий тарбия комил инсон камолотида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, илм одамларга тўғри йўл кўрсатади, уларни адашишдан сақлайди, мукамал ва бахтли ҳаётга етаклайди.

Давоний ақлий тарбия билан шуғулланиш инсоннинг ёшига боғлиқ эмаслигини, киши улгайиб қолганда ҳам, билим эгаллаш мумкинлигини айтади, аммо эрта ёшлиқдан билимга рағбат билдиришнинг афзаллигини таъкидлайди.

### **Давоний илм аҳли ва ахлоқий фазилат ҳақида**

Давонийнинг фикрича, олимлар жамиятга фойда келтирадиган муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашишлари лозим. Олимларнинг асосий вазифалари табиат сирларини ўрганиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиш, жамият орасида адолат қонун-қоидаларини ёйишдан иборатдир. Давонийнинг таъкидлашича, давлат бошлиғи билимдон, маърифатли, илмфанни яхши тушунадиган одам бўлиши керак. Шундагина, у ўз теварак-атрофига ақли, хушфеъл одамларни тўплаб, улар билан кенгашиб, давлатни бошқаради.

Давоний кишиларни, хусусан, ёшларнинг ахлоқий фазилатларини эгаллаб олишларига алоҳида эътибор беради ва ахлоқшуносликни тўрт асосий тушунча — донолик (ҳикмат), шижоат, адолат ва ифбатдан иборат, деб ҳисоблайди.

Давоний шижоатни ёшлар эгаллаши зарур бўлган асосий хислатлардан бири деб билади. У шижоатни кенг маънода тушуниб, камтарлик, меҳр-шафқатлилик, сабр-матонат, вазминлик, чидамлилик, хушфёъллик, руҳан тетиклик ва бошқа ахлоқий қоидаларни унинг муҳим хусусияти деб билади. Жумладан, шижоат ақл фармойиши билан амалга ошганда ва мақсади (ижобий) сифатларни қўлга киритиш бўлгандагина ҳақиқий бўлади.

Давонийнинг педагогик қарашларида ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилганлигини кўриш мумкин. Айниқса, эзгулик, ватанпарварлик, тавозелик, хушмуомалалик, камтарлик унинг қарашларида муҳим ўрин тутди. Унинг фикрича, камтар одам ўзини бошқалардан, айниқса ўзидан паст лавозимда бўлганлардан юқори тутмаслиги керак.

Оддийлик ахлоқий хусусиятларнинг энг аълосидир. Одамлар ўртасида дўстлик ва муҳаббат алоқалари самимий бўлмоғи лозим, ўзаро муносабат муҳаббат асосида бўлиши керак.

Давонийнинг бундай қарашлари Шарқ педагогикаси тарихида чуқур из қолдиради. Унинг маърифатпарварлик таълимоти педагогика фани ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, ҳозир ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**

### **Ҳаёти ва маданий-маърифий фаолияти**

Ўрта аср Шарқ маданияти ва адабиётининг буюк намоёнда-си Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилди. Отаси Умаршайх Мирзо темурий авлодларидан бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг таниқли муаллим ва мураббийлари раҳбарлигида таълим ва тарбия олди.

Умаршайх 1495 йилда вафот этгач, 12 ёшида отасининг ўрнига тахтга ўтирди. У ҳоким сифатида бутун Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо этишга интилди, аммо у бу ниятига эриша олмади. Андижонни Шайбонийхон эгаллагач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистонга кетишга мажбур бўлди. Бу мамлакатда Кобул ва Бадахшон шаҳарларида ўз ҳокимиятини

барпо этди. Сўнгра Ҳиндистонга юриш бошлаб, у ерда буюк давлатга асос солди.

Бобур ўз фаолиятида давлат ишлари билан бир қаторда маданият, маърифат, адабиёт ривожига ҳам улкан ҳисса қўшди. Бобур шеърӣ-лирик асарларида ёр ва диёр, ҳижрон, ёр васли, ҳаёт лаззати ва шодлигини куйлаш билан бирга, илм-маърифат, ахлоқ-одоб ва ватанга муҳаббат туйғуларини ҳам ифодалади.

Бобур жаҳонга машҳур «Бобурнома» асарини яратди. Унда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон халқлари тарихи, урф-одат ва анъаналарини, тарихий шахсларни, мамлакат табиат лавҳаларини акс эттирди. Бобур Хўжа Убайдулло Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди, «Хатти Бобурий» рисоласида араб алифбосини ислоҳ қилишга уринди, аруз вазни ва қофия масалаларига багишланган «Мухтасар» асарини ёзди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарихшунос олим, лирик шоир сифатида яратган машҳур асарлари билан халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўринни эгаллади.

Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида ўзи бунёд этган гўзал маскан Зарафшон чорбоғида вафот этди.

## Бобур илм-маърифат ҳақида

Бобур ўз сиёсий, маданий фаолиятида илм-маърифат ривожига алоҳида эътибор берди, илм аҳлига ҳомийлик қилди, илмни зўр ҳавас, иштиёқ билан эгаллашга даъват этди. Шоир дейди:

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илм йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.<sup>1</sup>*

Демак, ким илм талаб бўлса, унга илмли киши (устоз), илм ўрганиш учун олий матлаб бўлиши керак.

---

<sup>1</sup> Бобур. Танланган асарлар. Т., «Фан» нашриёти, 1958, 145-бет.



## Бобур ахлоқ-одоб ҳақида

Бобурнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларида яхшилик, вафодорлик энг гўзал фазилат сифатида улуғланади, ёмонлик жафо келтирувчи иллат эканлиги таъкидланади:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.<sup>1</sup> —*

дейди Бобур ва одамларни элга яхшилик қилиб, ўзидан яхши ном қолдиришга чорлайди:

*Хулқингни рост қилғил ҳар сорифаки борсанг,  
«Ахсанта» дер бори эл, гар яхши от чиқорсанг.<sup>2</sup>*

Ёки:

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.<sup>3</sup>*

Бобур яхши хулқни, кишиларга яхшилик қилишни инсоннинг олийжаноблиги ҳисоблайди.

Бобур меҳнат аҳлини қадрлади ва давлат аҳлини «меҳнат элини» унутмасликка даъват этади:

*Давлатка этиб меҳнат элини унутма,  
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.<sup>4</sup> —*

дейди Бобур.

Унинг бу инсонпарварлик фазилати «Бобурнома» асарида ҳам ўз ифодасини топган.

Бобур маънавий-маърифий қарашларида ватан туйғуси салмоқли ўринда туради.

Бобур Афғонистонда ва Ҳиндистонда давлатни бошқариб турган ҳолда, умрининг охирига қадар киндик қони тўкилган

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 148-бет.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳроми асрор топмадим. Т., «Ёзувчи» нашр., 1993, 71-бет.

<sup>3</sup> Бобур, Танланган асарлар. Т., «Фан» нашриёти. 1958, 125-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 146-бет.

юртини унутмади. У ўз она диёрини ҳаддан зиёд севади, ватанидан жудолигидан гам-алам чекади. У туғилиб ўсган юртини қолдириб кетишини «хатолик», «юз қаролик» деб билади, ўзини ўз юртдан жудо бўлган ғариб ҳис қилади. У дейди:

*Толиъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.<sup>1</sup>*

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларида баён этилган маърифий фикрлари, ахлоқий-таълимий қарашлари мустақиллик даврида камол топаётган ёшлар тарбиясида ҳам гоят аҳамиятлидир.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАДАНИЯТ, МАКТАБ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

Марказий Осиёда XVI-XVII асрларда аштархонийлар ҳукмронлиги даврида хонлар ўртасида ўзаро низолар янада кучайди. Имомқулихон ва Субхонқулихоннинг ўзаро келишмовчиликлари натижасида ўлка иқтисодий, ижтимоий ҳаётида тушқунлик давом этди. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги бу ҳолат маънавий, маданий жараёнга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамай, бу даврда яшаган Саид Насафий, Турдий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар, Мирзакалон Шерозий, Юсуф Қорабогий, Муҳаммад Шариф Бухорий каби олимлар XV асрдаги маданий, маънавий юксалишни давом эттириб, ўз асарларида халқни аҳилликка, ўзаро ҳамжиҳатликка, ёшларни маърифатли қилишга, уларда илм-фанга ҳавас ҳиссини ўстиришга даъват этиб, таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини баён этдилар.

XVIII-XIX аср биринчи ярмида Хива, Бухоро, Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган хонлар иқтисодий, ижтимоий-сиё-

---

<sup>1</sup> Бобур, Танланган асарлар. Т., «Фан» нашриёти. 1958, 141-бет.

сий, маданий соҳада мустақил фаолият кўрсатиб, Шарқ ва Оврупа давлатлари билан алоқада бўлдилар.

Хива хонлигида Абдулгози Муҳаммад Амин (1763—1790), Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825), Аллақулихон (1825—1842) ҳукмронлиги даврида савдо ва ҳунармандчиликка, маданий ишларга эътибор берилди, ташқи мамлакатлар билан савдо алоқалари ривожлана бошлади.

Хива хонлиги даврида яшаб, ижод этган Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби шоирлар ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеаларга муносабат билдириш билан бирга, маърифий фикрларини ҳам баён этдилар.

Бухоро хонлигида Муҳаммад Амин (1753—1758) Шоҳ Мурод (1758—1800), Амир Ҳайдар (1800—1825), Насруллохон (1826—1860) ҳукмронлиги даврида ички савдода маданий, ижтимоий ҳаётда сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлди. Илм аҳилларидан Муҳаммад Вафой «Тухфай хони», Амин Бухорий «Убайдуллонома», Муҳаммад Мир Олим Бухорий «Футуввати султоний» асарларини яратдилар, Мушфиқий, Мужрим Обид, Хиромий каби шоирлар бадиий ижодда самарали хизмат қилдилар.

Қўқон хонлигида Олимхон (1800—1809), Умархон (1809—1822), Муҳаммад Алихон (1822—1842) хонлиги даврида ички савдо жонланди, ташқи давлатлар билан савдо алоқалари ривожлантирилди, илм ва санъат ривожига эътибор берилди. Розий, Махмур, Увайсий, Нодирабегим, Гулханий каби шоирлар яшаб, ижод этдилар, ўз газаллари, девонлари билан Мовароуннаҳр, Туркистон маданияти ривожига, ўзбек маънавий меросига муносиб ҳисса қўшдилар.

## **КОМИЛ ХОРАЗМИЙ**

### **Комил Хоразмий ҳаёти, ижтимоий-маърифий фаолияти**

XIX аср ўзбек ижтимоий ва адабий ҳаётининг йирик вакилларидан бири Комил Хоразмий 1825 йилда Хива шаҳрида туғилди. Унинг асл исми Муҳаммадниёз бўлиб, Комил унинг адабий тахаллусидир. Комил Хоразмий аввал маҳалладаги масжидда таҳсил олди, дарсдан ташқари вақтларда ўз даврининг

билимдонларидан, мадраса мударриси бўлган отаси Абдулла Охундан сабоқ олди, кейинчалик Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиди, араб ва форс тилларини чуқур ўрганди, Фирдавсий, Рудакий, Жомий, А. Навоий каби шарқ адабиётининг буюк намоёндаларининг асарларини кунт билан ўқиб, ўрганди. Фахриддин Сайфининг «Латоиф-аттаиф» (Турли тоифаларнинг латифалари) асарини ўзбек тилига таржима қилди. Комил Хоразмий Хивада Саид Муҳаммад хонлиги даврида 10 йил хаттотлик вазифасида ишлади. 1865 йилда Муҳаммад Раҳимхон хонлиги даврида мирзабоши бўлиб хизмат қилди. 1883 йилда унинг раҳнамолигида рус-тузем мактаби очилди. Комил Хоразмий 1899 йилда 74 ёшида вафот этди.

### **Комил Хоразмийнинг маърифатпарварлик гоялари**

Комил Хоразмий ўз асарларида маърифат, ахлоқий камолот, ватанпарварлик гояларини олга сурди. У илм-маърифатнинг халқ, жамият фаровонлигида тутган моҳияти, инсоннинг ахлоқ камолотида тутган ўрни, ахлоқий ва нафосат тарбиясининг узвий бирлиги ҳақидаги педагогик фикрларини ҳам баён этди.

Комил Хоразмийнинг фикрича, илм-ҳунар, илм-маърифат инсон ахлоқий камолоти ижтимоий-маънавий ҳаётининг ривож учун хизмат қилиши керак.

Шоир дейди:

*Эмас кишига бу дунёда мулк мол камол,  
Ҳусуни илму ҳунар келди безавол камол.<sup>1</sup>*

Шоирнинг таъкидлашича, мол-дунё, давлат камолот белгиси эмас. Инсон учун зурур бўлган бу маънавий фазилатни илм-фан, ҳунар ва замонавий билишларни ўрганиш билангина эгаллаш мумкин.

*Камол белгусидур сўзга шуҳрату таъсир,  
Бу қушга қилғали парвоз паррубол камол.<sup>2</sup> — дир.*

---

<sup>1</sup> Комил Хоразмий. Танланган асарлар. Т. Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти. 1961, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 17-бет.

Шоирнинг фикрича, камолнинг маъноси илмни ўрганиш, яратишдир.

Улуғ мутафаккир тил бойлигини пухта, чуқур билишни ижодий фикрлашнинг асоси ҳисоблайди. У гўзал сўзликни донишмандлик, Ватан ва халқ учун, унинг маърифий, маданий равнақи учун хизмат қилишни комил инсонлик деб билади. Унинг фикрича, бу йўлдаги фидойилик инсон камолотининг асосидир. Шоир дейди:

*Ниҳон эт ўзни ватан кофи ичра анқодек,  
Сенга йўқ бўлса мурод иштиҳор ғурбат аро.  
Ватанда сокин ўлуб сайр эт олами боло,  
Сафарни айламагил ихтиёр ғурбат аро.<sup>1</sup>*

### **Комил Хоразмий ахлоқ тарбияси ҳақида**

Комил Хоразмий ўз ахлоқий қарашларида таъмагирлик, иккиюзламачилик, жоҳиллик, жаҳолат, туҳмат каби иллатларни қоралайди. Унинг таъкидлашича, ҳаётда бўладиган нопокликларнинг олдини олиш инсоний фазилатларнинг барқарор бўлишига асосий омилдир.

Комил Хоразмий ёмонликни ўзига касб қилиб олган одам бировга чоҳ қазиса, уни ғам-алам ўтида куйдиришга ҳаракат қилса, қазиган чоҳига ўзи тушишини, ёққан оловида ўзи ёнишини айтади.

*Бировга ёқса киши ёнғай ўзи ул ўтға,  
Ким шам ўртади парвоналари, топди гудоз.<sup>2</sup> —*

дейди шоир.

### **Комил Хоразмий педагогик қарашларининг аҳамияти**

Комил Хоразмийнинг ижтимоий-маърифий соҳадаги фаолияти, маънавият ва маданият равнақи йўлида қилган ишлари, инсон ахлоқий камолоти ҳақидаги гоёлари ҳозирги давр педагогика тарихида ҳам ўзига муносиб ўринда туриши шубҳасиздир.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 16-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 16-бет.

## МУНИС ХОРАЗМИЙ

### Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти

Мунис Хоразмий 1778 йилда Хева туманининг Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келади. Ибтидоий таълимни қишлоқдаги мактабда олади, кейин ўқишни мадрасада давом эттиради.

Мунис Хоразмий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Бедил каби буюк алломалар асарларини мукамал ўқиб, ўрганади.

Унинг ижтимоий камолотида ўз даврининг маърифатпарварларидан бўлган отаси Авазбой катта мавқега эга бўлади.

Мунис ўз шеърий асарларини тўплаб, 1815 йилда «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») номида девон тузади, «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи») асарини ёзади, XV аср тарихчиси Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асарини ўзбек тилига таржима қилади.

Мунис Хоразмий 1829 йилда вабо касали билан вафот этади.

### Мунис Хоразмийнинг маърифатпарварлик, халқпарварлик, ахлоқий поклик гоялари

Талантли шоир, тарихшунос, хаттот ва таржимон Мунис Хоразмий ўз шеърий асарларида маърифатпарварлик, халқпарварлик, ахлоқий поклик гояларини ҳам олга сурди.

Унинг «Саводи таълим» асарида илм ва илм аҳлининг хизмати жамият ривожига, эл фаровонлигининг асосий омили сифатида улуғланади.

Мунис Хоразмий:

*Олам иши интизоми андин,  
Олам элининг низоми андин.<sup>1</sup> —*

деб оламда — жамиятдаги ишларнинг тартибли бўлиши ҳам, эл фаровонлигини таъминлайдиган низомлар ҳам илмга асосланишини айтади.

---

<sup>1</sup> Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар. Ўздавбадий адабиёт нашриёти, Т. 1957, 349-бет.

Мунис Хоразмий кишилик жамияти ривожда элни мукаррам этишда ёзув-хатнинг аҳамияти беқиёс эканлигини айтади. Унинг таъкидлашича, ёзув сўз ва маъно хазинасидир. Ёзув бўлмаса, айтилган сўз унутилади.

У дейди:

*Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мажуд,  
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд...  
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,  
Хатига чекиб улусни ҳар дам.<sup>1</sup>*

Мунис Хоразмий илм ва бадиий ижод аҳлини сўз дурдоналари хазинасини бунёд этиб, элни мукаррам этишга чорлади.

Мунис Хоразмий адолатлиликни юксак инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг фикрича, адолат шараф кўрки, осойишталик, хушнудликдир. Шу сабабли ҳам у адолатлиликни улуғлаб:

*Адолатдин ўлди эл осойиши,  
Эл осойиши — мулк осойиши...  
Шараф кўрки шаҳдин адолат чоғи,  
Эрур халқ хушнуд, холик, доғи.<sup>2</sup> —*

дейди ва одамларни, ёшларни адолат соҳиби бўлишга даъват этади.

Мунис нафс ҳақида сўз юритар экан, нафсга эрк бериш кишининг ҳурматсизланишига, хорликка дучор бўлишига сабаб бўлишини айтади. Унинг фикрича, нафс балосига йўлиққан кишининг иззати тубанлашади, обрў-эътибори йўқолади.

Шоир ёшларни бу балодан сақланишга даъват этиб шундай дейди:

*Эй нафс, бўлур иззат эшиги мадрус (ётиқ),  
Бўлсанг не ажаб мазаллат (хорлик) ичра маҳбус.  
Ҳар дунға (пасткашга) қилиб нисор иззат гўҳарин,  
Бисёр тўқарсен обрўю номус.<sup>3</sup>*

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 349-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 22-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 335-бет.

## **Мунис Хоразмий педагогик қарашларининг аҳамияти**

Мунис Хоразмий асарларида баён этилган маърифатпарварлик, халқпарварлик, адолат ва ахлоққа доир педагогик фикр, маслаҳатлардан ҳозирги мустақиллик даврида ҳам ёш авлод тарбиясида фойдаланилмоқда.

## **НОДИРА**

Моҳларойим Нодира 1792 йилда Андижонда ҳукмдор оила-сида туғилди.

Нодира 1808 йилда Қўқон ҳокими Умархон билан турмуш қуради. У маданият, адабиёт аҳилларига раҳнамолик қилади, хаттотларга кўпгина китобларни кўчиртиради ва шоирларни янги девон, дostonлар ёзишга ташвиқ этади, яхши ишлаганлар хизматини қимматбаҳо нарсалар билан тақдирлайди: «Заррин қалам» — «Моҳир хаттот» унвонини беради.

Нодира ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган ва уларни «Девон»ига мужассамлантирган.

Нодира ўз шеърларида муҳаббат, садоқат ва вафо хусусида-га фикрларини баён этади. Аммо у эзгу орзуларини амалга ошира олмади. У 1842 йилда Қўқонга бостириб кирган Бухоро амири Амир Насруллонинг фармонида биноан 2 ёшли ўғли, 12 ёшли набираси Муҳаммад Аминхон билан бирга қатл этилади.

## **Нодиранинг инсонпарварлик гоялари**

Нодиранинг инсон ва табиатга нисбатан қарашларида фақат шахей туйғу ва муҳаббат эмас, балки инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари ҳам намоён-дир. Унинг фикрича, инсон барча мавжудодларнинг энг олийси, энг улугидир. Инсон ҳаёт гўзаллигидан баҳраманд бўлмоғи лозим.

Нодира чин инсоний севгини баркамол инсонга хос фази-лат ҳисоблайди. Шунга кўра, шоира инсонларни севги туйғу-ларини ҳис эта оладиган бўлишга даъват этади.

Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик гоялари — адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгал-



лайди. Шоира бу гояларни ўз ижодида изчиллик билан тарғиб қилади. У султонларга хитоб қилиб, уларни лутфу карамли, адлу эҳсонли, халқ кўнглини шод этувчи бўлишга ундайди. У дейди:

*Бўйлаким, мумтоз эрусен барча султонлар аро,  
Шод қилғил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб.*<sup>1</sup>

Нодира доимий равишда халқ аҳволидан хабардор бўлмаган, унга эътибор бермаган хон, султонларнинг шону шавкати беҳуда эканлигини айтади. Нодира ёзади:

*Фуқаро ҳолига гар боқса ҳар шоҳ, анга,  
Хашмату салтанату раъфату шон барча абас (беҳуда).  
Шоҳ улдурки, раиятга тараҳхум қилса,  
Йўқ эса қоидаи амну барча абас.*<sup>2</sup>

Нодира инсонларни, шоҳларни мол-дунёга ҳирс қўймасликка даъват этади.

Нодиранинг фикрича, кимда ҳақиқий муқаббат мавжуд бўлса, бу унинг ҳақиқий инсон эканлигига далолатдир. Шунинг учун ҳам, Нодира инсонларни муқаббат соҳиби бўлишга даъват этади:

*Муқаббатсиз киши одам эмасдир,  
Гар одамсен, муқаббат ихтиёр эт.*<sup>3</sup>

Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшиликлар қилиб, кишиларни хурсанд этиб яшаса, яхшилик бунёд этган бўлади, ўзининг бу эзгу ишлари ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради.

Умуман, Нодира ўз шеърларида баркамол инсонни улуғлайди. Унинг бу фикрлари ёшларнинг ҳаёт, яхшилик, баркамоллик тушунчаларининг туб моҳиятини англаб олишига, инсоний фазилатли бўлиб камол топишига ёрдам беради.

---

<sup>1</sup> Нодира. Икки жилдлик. Биринчи жилд. — Т., Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968, 84-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 118-бет.

<sup>3</sup> Азиз Қаюмов. Кўқон адабий муҳити. — Т., «Фан» нашриёти, 1961, 222-бет.

# МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ

## Ҳаёти, адабий-илмий фаолияти

Муҳаммад Ризо Огаҳий 1809 йилда Хева шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади. Уч яшарлигида отаси Эрнӣ-ёзбек вафот этади. У тоғаси — хоразмлик машҳур шоир Шермуҳаммад Аваз ўғли Муниснинг тарбиясида бўлади, унинг кўмагида хат-саводини чиқаради. Сўнгра Хевадаги мадрасалардан бирида таҳсил олади, форс, араб тилларини мукамал ўрганади.

Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Хисрав Деҳлавийнинг «Ҳашт бихишт», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Кайковуснинг «Қобуснома», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилади. У ўз даврида таниқли мутафаккир олим, моҳир хаттот, таржимон сифатида шуҳрат қозонади.

### Огаҳийнинг халқпарварлик, инсонпарварлик гоғлари

Огаҳий халққа яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Огаҳийнинг фикрича, оддий халққа холис хизмат қилган кишининг мартабаси баланд, элда қуёшдек азиз бўлади. Бу гоғ Огаҳий педагогик қарашларининг асосий мазмунини ташкил этади. Инсон маълум бир жамиятда ҳаёт кечириб, тарбияланар экан, шу жамият аъзолари билан мулоқотда яшамоғи керак. Огаҳийнинг фикрича, инсоний энг яхши фазилат — халққа, Ватанга, жамиятга ҳалол хизмат қилишдир.

*Гар азиз ўлмоқ тиларсан хизмати ихлос ила,  
Ким, сабаб хизмат эрур, ҳар кимки бўлди аржуманд.  
Кўрки зулмат ҳайли дафъига чекар ҳар субҳ тийғ,  
Офтоб ул ваҷҳ бирла сурхи рӯё сар баланд.<sup>1</sup> — дейди у.*

### Огаҳий инсон камолоти ҳақида

Огаҳий инсон камолга етишиши учун, ёшлигидан илм ва касб-ҳунар эгаллаши шарт эканлигини таъкидлайди. Унингча,

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. 1-жилд, 1971, 71-бет.

илм-маърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамият тараққиётида кучли воситадир, илмларни эгаллаш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Инсон қадр-қиймати унинг «симу зари» (олтин ва кумуши) билан эмас, илму ҳунари, ожизу бечораларга кўрсатадиган ҳиммати билан баҳоланади. Огаҳий одамларни шундай фазилат соҳиби бўлишга даъват этади.

Огаҳий илмга интилишни юқори баҳолайди ва ҳар бир инсон илмларни эгаллаши зарурлигини айтади:

*Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамгаким,  
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго.  
Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,  
Икки олам обрўйи бўлғуси барбод анга.<sup>1</sup>*

### **Огаҳий нафосат тарбияси ҳақида**

Огаҳийнинг уқтиришича, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик, табиат гўзаллиги инсон тафаккури, маънавий дунёси ривожига гоят муҳимдир. Шу сабабдан у нафосат тарбиясига алоҳида эътибор беради. Нафосат тарбиясини Ватан табиати, унинг гўзаллиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширишни тавсия этади, баҳор фаслини таърифлаб дейди:

*Ўйла етуурди жаҳонга зинату аро баҳор,  
Ким бори ер юзин этти жаннатул маъво баҳор.<sup>2</sup>*

### **Огаҳий меҳмондўстлик ҳақида**

Огаҳий халқимизга хос меҳмондўстликни улуг миллий қадрият сифатида юқори баҳолайди. Меҳмондўстлик халқ, одамлар ўртасида дўстлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи муҳим омиллардандир.

Огаҳий меҳмондўстликни гўзал фазилатлардан ҳисоблар экан, меҳмонга самимий ҳурматда бўлишни, уни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, очиқ чеҳра билан кузатиш кераклигини айтиб дейди:

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. 1-жилд. Т., 1971, 71-бет.

<sup>2</sup> Огаҳий. Таъвизун ошиқин. Девон. Т., 1972, 85-бет.

*Агар меҳмон санга бўлса муяссар,  
Анго жонинг уйин жой эт муқаррар.  
Чу меҳмон дўстингдур хоҳ душман,  
Очуқ юзликни, иззатни қил фан.<sup>1</sup>*

Огаҳийнинг таъкидлашича, меҳмонга кўрсатилган иззат-хурмат мезбоннинг маънавий, маданийлигининг ифодасидир.

## **Огаҳийнинг педагогик фикрларининг аҳамияти**

Огаҳийнинг халқпарварлик, инсонпарварлик гоялари, ёшларни баркамол қилиб етиштириш, нафосат тарбияси, миллий кадриятларнинг инсонлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдаги ўрни, тарбия ҳақидаги фикр, маслаҳатлари ҳозирги даврда ҳам кишиларда инсоний фазилатларни ривож топтиришга хизмат қилмоқда.

## **БЕРДИМУРОД БЕРДАҚ**

### **Ҳаёти, адабий-маърифий фаолияти**

XIX аср ўрталарида Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги қарама-қаршилиқларнинг кучайиши натижасида халқ онгида юз берган ўзгаришлар шу даврда яшаб ижод этган Кунхўжа, Ажиниёз, Ўташ, Бердақ каби демократик санъаткорлар асарларида ўз ифодасини топди.

Бердимурод Каргабай ўғли Бердақ 1827 йилда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида балиқчи оиласида дунёга келди, 10 ёшида отаси ва онаси ўлиб, етим қолади.

Бердақ аввал овулдаги бошлангич мактабда, сўнг мадрасада ўқийди. Алишер Навоий, Ғузулий, Махтумқули каби мумтоз шоирлар асарларини кунт, зўр ихлос билан ўрганади.

Бердақ қорақалпоқ халқи тарихини, халқ огзаки ижодини ўрганади ва ўз асарларида халқининг XVIII-XIX асрлардаги ижтимоий ҳаётини ифодалади.

---

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. 2-жилд. Т., 1972, 269-бет.

## Бердақнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик гоялари

Бердақ бутун ижоди давомида халқлар тенглиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги гояларни олга суради. У инсоннинг шахсий бахти халқ бахти билан боғлиқ деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам бахтга эришиш учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун, керак бўлса, жонини ҳам аямаслиги керак. Шоир дейди:

*Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.  
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун...  
Йигит деган яхши билимдон бўлар,  
Билим ҳунар йигит учун шон бўлар.<sup>1</sup>*

Бердақнинг фикрича, инсон олий ахлоқий сифатларга, чунончи, бегаразлик, олийжаноблик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, мардлик фазилатларга эга бўлиши лозим. У халқни бутун қалби билан севиши, унинг фаровонлиги учун қайғуриши, халқ билан бирга бўлиши зарур.

Бердақнинг уқтиришича, инсон ор-номусли, ақл-идрокли бўлиши керак. Шундай хислатларни эгаллаши учун эса, у нодон, номуссизлардан йироқ, доно ва оқил кишилардан одоб ўрганмоғи лозим.

Бердақ жамиятда бахт ва адолат равнақ топиши, барқарор бўлиши учун ҳукмдор одил ва доно бўлиши керак, деган гояни илгари суриб, ҳукмдор халққа хизмат қилиш кераклиги ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда, тўғрилиқ, ҳақиқатгўйлик, адолат билан иш юритиш кераклигини айтади. У одил ҳукмдор бўлишини орзу қилиб:

*Шод қилиш учун Ватанни,  
Бахт йўлини излар эдим мен...  
Чўзмагил қўлингни бекор,  
Ўйланиб, тўғри йўлдан бор.  
Бўлса гар ақлли сардор,  
То топгунча излар эдим.<sup>2</sup> — дейди.*

<sup>1</sup> Бердақ шеърятдан. Т., 1983, 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 30-31-бетлар.

## Бердақ меҳнат ва ақлий тарбия ҳақида

Бердақ меҳнатни ижтимоий аҳамиятига қараб баҳолайди. Унинг фикрича, жамият фаровонлиги учун қилинган меҳнат шон ва шарафга муяссардир, ўз ватани ва халқи бахт-саодати учун жон фидо қилиб меҳнат қилганлар, ҳақиқий ватанпарвардир, жамият, халқ фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат инсонни шарафга муяссар қилади.

Бердақ ақлий тарбияга ҳам алоҳида эътибор беради. Унинг таъкидлашича, ақлли кишининг сўзи билан иши бирдир. Катта ақл эгаси тоза кўнгилли, ҳақиқатгўй бўлади, узоқни кўзлаб, халқи учун ишлайди:

*Ақллилар билур сўзни фарқини,  
Хор қилмагай ундай киши халқини.  
Билур ақл билан узоқ яқинни,  
Шундай одам ишлар доим халқ учун.*<sup>1</sup> — дейди у.

Бердақ ёшларнинг ақлий тарбиясида мактабнинг мавқеи катта эканлигини таъкидлайди. Мактабда таълим олган бола, нафақат ўқиб ёзишни ўрганиши керак, у мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, ижодий фикрлаш кўникмасини эгаллаши лозим. Ота-оналар болаларини етти-саккиз ёшида мактабга беришлари керак. Мактабда болани яхши хулқ-атворли қилиб тарбиялаш лозим.

Бердақ билим ва тарбия ҳақида фикр юритар экан, мактабда дарс берувчи муаллим ўз хушмуомалалилиги, пок қалблиги, ҳақгўйлиги, ўз фанини яхши, пухта билиши билан болаларга ўрнак бўлиши кераклигини айтади.

## Бердақ оила тарбияси ҳақида

Бердақ оиланинг бола тарбиясида муҳим ўрин тутишига алоҳида аҳамият беради. У болага бўлган муҳаббатни оила бахтининг асоси деб билади. Бердақ оила муҳитида ота-оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлгандагина тарбия яхши натижаларга эришиши мумкинлигини айтади. Бердақнинг уқти-

<sup>1</sup> Бердақ шеърятидан. Т., 1983, 13-бет.

ришича, инсон туғилган пайтиданоқ тарбияга муҳтождир, унинг илк тарбиячилари, албатта ота-оналардир.

Бердақ гамхўр ота сифатида дейди:

*То ўлеунча тўғри сўзла,  
Отангни, онангни ўйла,  
Яхшига яхшилик айла,  
Бу одамзод нақши, болам.  
Етим кўрсанг кўнглингни бер,  
Яхшилар сенга шуни дер,  
Мақтаниб демагил, мен шер,  
Мағрурликни қўйгил болам.<sup>1</sup>*

Бердақ бахт-саодатга асосланган дўстликни, инсоний муҳаббатни, халққа ва жамиятга хизмат қилишга интилиш каби инсоний фазилатларни улуғлайди, халқни аҳил, ўзаро меҳрибон бўлиб яшашга ундайди.

Шоир дейди:

*Халойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,  
Туғилган ер учун хизмат яхшироқ...  
Одам боласига зийнат номус-ор,  
Ўздан кам бўлмасин, таниш, дўсту-ёр.<sup>2</sup>*

## **Бердақ қарашларида ахлоқ тарбияси**

Бердақнинг таъкидлашича, жамият гуллаб-яшнаши учун халққа таълим бериш, унда ижобий хулқ-атворни тарбиялаш лозим. Тарбия илк болалиқдан бошланиб, бутун умр мобайнида давом эттирилиши керак. Чунки инсон тайёр ахлоқий сифатлар билан дунёга келмайди. Ўсиб, улгайиб бораётган бола жамиятдан холи равишда яшай олмайди, жамият унинг хулқ-атворини ижтимоий мазмун билан бойитади, инсонга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Бердақ ўз асарларида ахлоқ ҳақидаги фикрларини насиҳат тарзида баён этди, инсонни ахлоқли қилиб тарбиялаш мумкин деб билди.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 35,36,37-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 14-бет.

У ўз ахлоқий қарашларида ёшларда виждонлилик, ҳаққонийлик, ростгўйлик, халққа ва дўстга содиқлик, севгида садоқатлилик, камтарлик, мардлик, саҳийлик, меҳмондўстлик, донолик, билимга қизиқиш каби инсоний фазилатларга алоҳида аҳамият берди.

Бердақнинг фикрича, ахлоқий тарбияда муайян боланинг руҳиятини чуқур ўрганиш, хатти-ҳаракатини, дунёқарашини, ирода-қобилиятини билиш, мавжуд муҳитни ҳисобга олиш керак. Шундагина бола чуқур билимли, яхши ахлоқли бўлиб шаклланади, даврнинг муносиб фарзанди бўлиб етишади.

Умуман, Бердақ қорақалпоқ халқининг демократик мутафаккири сифатида халқ учун хизмат қилди, ватанни севди, бутун ҳаётини халққа, ватанга бахш этди, ёшларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини камол топтиришда мураббий бўлди. Унинг педагогик таълимотлари педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

## **МАХТУМҚУЛИ**

### **Ҳаёти ва ижтимоий фаолияти**

Туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Давлат Мамед ўғли 1733 йилда туғилади. У аввал овулдаги мактабда, сўнг Хива, Бухоро ва Андижон мадрасаларида таълим олади. Гуманитар ва табиий фанлар билан бирга, заргарлик ҳунарини ҳам ўрганади. У Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда саёҳатларда бўлади. Бу юртларнинг халқ оғзаки ижодини, ёзма адабиётини ўрганади, маданияти билан танишади. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абулқосим Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлади.

Махтумқули ўз давридаги муҳим ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбияга доир фикрларини «Бўлмаса», «Келгай», «Ёмғир ёгдир, султоним», «Найлайин», «Ётмас», «Бўлар», «Кечки замона», «Билинмас» каби асарларида акс эттиради. Бу асарларида туркман уруғини бирлаштиришга даъват этади. Инсонни ва инсоний муҳаббатни улуғлайди.

Махтумқули 1793 йилда вафот этади.



## Махтумқулининг халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари

Махтумқули инсоннинг бахти, тинчлиги халқ, Ватан бахти билан бевосита боғлиқ, шу сабабли ҳам одамлар Ватан, халқ учун жонини фидо қилиши керак деган фикрни олга суради. Шоир ватанпарварлик тарбиясини барча тарбиянинг асоси деб билади.

Махтумқулининг фикрича, марказлашган давлат, мамлакат барпо этиш йўлида каттадан кичик, бутун халқ жонбозлик кўрсатмоғи, бир ёқадан бош чиқариб фидойилик бўлмоғи лозим. Бунинг учун халқ онгини уйғотиш, кўзини очиш керак.

Ватанпарварлик чидамли, ҳушёр бўлишни тақозо қилади. Чинакам фарзанд ватан, она-юрт, халқнинг ор-номусини ҳар нарсадан юқори қўйсин, керак бўлса, азиз жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр турсин.

Махтумқули одамларни ватан табиатини севишга ундайди, табиат гўзаллигини ҳимоя қилганларни ҳақиқий ватанпарвар деб билади.

Адиб она юртнинг хислати, гўзаллигини таърифлаб, одамларда унга муҳаббат уйғотади, уни эъзозлашга даъват этади. Унинг васф этишича:

*Ери гўзал-хаста одам соғ бўлур,  
Оғриқ, бежон, ғариб кўнгли чоғ бўлур.  
Сарчаман дарахти билан боғ бўлур,  
Ажаб, қуш солмоққа овлоқлари бор.<sup>1</sup>*

Махтумқулининг таъкидлашича, инсон учун униб-ўсган юртидан айрилиш — жонидан айрилишдан кўра даҳшатлироқдир.

*Айрилиш она-отамдан,  
Кўзим қувончи-ватандан.  
Жон бермак осон ҳижрондан,<sup>2</sup> —*

дейди Махтумқули. У халқ билан бирга, у билан ҳамдард бўлишни юксак инсоний фазилат ҳисоблади.

<sup>1</sup> Махтумқули. Танланган асарлар. Т. 1958, 89-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 163-бет.

## Махтумқули инсоний фазилатлар ҳақида

Махтумқули васф этган энг гўзал фазилатлардан бири одамгарчиликдир. У ёшларнинг энг яхши инсоний фазилат эгаси бўлишларини, катталарни ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром кўрсатишларини истайди, уларни шундай бўлишга даъват этади.

Махтумқули туркман халқининг энг яхши удумларини — иноқлик, меҳмондўстлик, аҳиллик, тўғри сўзлик фазилатларини улуғлаб, бу фазилатлар инсонни безовчи хислатлар эканини айтади, меҳмондўстликни мардлик ва одамгарчиликнинг энг гўзал белгиси деб билади.

*Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон,  
Тўғри сўз устида берар ширинжон.  
Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон.<sup>1</sup>*

Махтумқулининг таъкидлашича, меҳмон ким бўлишидан қатъий назар, унга иззат-икром кўрсатиш, уни ёруғ юз, ширин сўз билан қарши олиш лозим.

Махтумқули ҳалоллик, камгарликни, тўғри сўзликни инсонни зийнатлантирувчи, унга шону шараф келтирувчи фазилат ҳисоблайди.

## Махтумқули меҳнатсеварлик ҳақида

Махтумқули ўзининг педагогик қарашларида меҳнат аҳлининг ижодкорлик фазилатини биринчи ўринга қўяди. Уни улуғлайди, ҳаёт ва жамиятнинг таянчи деб билади. У дейди:

*Ери гўзал-хаста одам соғ бўлур,  
Оғриқ, бежон, ғариб кўнгли чоғ бўлур.  
Сарчаман дарахти билан боғ бўлур,  
Ажаб, қуш солмоққа овлоқлари бор.<sup>2</sup>*

Демак, ерни гўзаллаштириш — боғ-роғлар барпо этиш — барча инсон ва жонзотларга қувонч, саломатлик бахш этишдир.

---

<sup>1</sup> Махтумқули. Танланган асарлар. Т. 1958, 117-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 89-бет.

Умуман, Махтумқулининг ватанпарварлик, халқпарварлик, инсоний фазилатлар, меҳр-шафқатлилик, меҳнатсеварлик, фарзанд бурчи, бола тарбияси ҳақида баён этган педагогик фикрлари ҳозир ҳам ёшларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси, комил инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

## **АБАЙ ҚҶНОНБОВ**

### **Ҳаёти, ижтимоий-маърифий фаолияти**

Қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай (Иброҳим) Қўнонбоев 1845 йил 10 августда Семипалатинск вилоятида туғилди. 10 ёшга етгунча оилада тарбияланди, бошланғич маълумотни мадрасада олди. У Алишер Навоий, Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофиз, Фузулий асарларини мустақил ўқиб ўрганди.

Абай 10 ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлайди. У ўз давридаги ижтимоий, маданий ҳаёт билан танишади, келажакка умид билан қарайди, бутун умри давомида адолатсизликка, нодонликка қарши курашади.

Абай таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини «Масъуд», «Искандар», «Азим қиссаси» дostonлари ва фалсафий қарашлари ифодаланган «Насиҳатлар»да акс эттиради.

Абай 1904 йил 23 июлда вафот этади, ўзи яшаган Жидебой қишлоғида дафн этилади.

### **Абайнинг маърифатпарварлик ғоялари**

Абай гарчи соф педагогик асарлар яратмаган, бевосита мураббийлик билан шуғулланмаган бўлса-да, унинг ижодида ёшлар тарбиясига оид насихат ва йўл-йўриқлар мавжуддир. У ўзининг тарбия хусусидаги қарашларини психологик жиҳатдан чуқур асослаган.

Абай халқнинг маънавий эҳиёжларини қондириш учун одамларни ҳалол меҳнат қилишга, доно ва билимдон одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиб, илмдан баҳраманд бўлишга даъват этади, ишёқмаслик, фаолиятсизлик, лоқайдлик каби иллатларни қоралайди, бу иллатлар болалар тарбиясига салбий

таъсир кўрсатишини уқтиради. Унинг фикрича, эркисизлик, жаҳолат, ночорликдан кутулиш учун халқ билим олиши, илғор халқларнинг маданиятини ўрганиши, ўз фарзандларини бу маданиятдан баҳраманд қилиши керак, дунё ҳақидаги билимларсиз яшаш улкан зарар ва нодонликдир.

### **Абай бола тарбияси ҳақида**

Абай болаларда фанга қизиқиш ва интилишни ривожлантириш лозимлигини, бусиз билим олиш мумкин эмаслигини уқтиради. Ёшлар мол-дунё орттиришга ружу қўймасдан, иложи борича илм олишга интилишлари зарур. Китоб — билим хазинаси, уни ўқиб, ўрганиш керак. Билим йўли ғоят машаққатли бўлса ҳам, уни меҳнат қилиб эгаллашга интилиш, номусли ва ҳақиқатгўй бўлиш лозим. Абай болаларни шу йўл билан халққа яхшилик қилишга ундайди. Унинг фикрича, давлат мактаблар очиши, бу мактаблар учун зарур маблағларни халқ ўз зиммасига олмоғи лозим, токи унда ҳамма, ҳатто қизлар ҳам билим олсинлар. Ўшандагина ёш авлод камолотга эришади.

Абай ўзининг амалий фаолиятида ўз болаларининг ўқиши билан мунтазам шуғулланади, улар билан дилдан суҳбатлар куради, ўқишда уларга кўмаклашади. У таълим-тарбия соҳасидаги қотиб қолган ақидаларга — куруқ ёдлашга, дўқ-пўписа билан ўқитишга қарши чиқади, ёшларни илмни онгли равишда эгаллашга, оқилона тартиб-интизомли бўлишга чорлайди. Абай болаларда билимга қизиқиш ўстиришни, мустақилликни кучайтиришни, уларни ўрганилаётган нарсанинг моҳиятини англашга одатлантиришни — билим олишнинг зарурий шартларидан бири деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳар бир одам ўз олдига кўпчиликка наф етказишни мақсад қилиб қўйиб, илмларни ўрганиши лозим. Ҳар бир одам ўрганаётган илм-ҳунарни турмушга татбиқ қилиш мақсадида ўрганмоғи керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиш учунгина ўрганишнинг фойдаси йўқ. Киши ўзининг билмаган нарсасини билиб ўрганса, ундан беқийёс ҳузур-ҳаловатга эришади. Агар киши илмга астойдил меҳр қўйиб ўрганса, унда янада кўпроқ билсам экан, деган қизиқиш пайдо бўлади. Шундагина у кўзи кўрган ҳар

бир нарсани кўнглига маҳкам тугиб, уқиб оладиган бўлади. Абайнинг фикрича, болаларга билим беришнинг самарали йўли, аввало уларга она тилини ўргатиш, сўнг уларни табиий фанлар билан ошно қилиш, шундан кейингина чет тилларни ўргатиш лозим, илм ўрганиш моддий дунёни тўғри англаш, инсоний камолотга эришиш учун зарурдир. Лекин бу ҳам асосий муддао эмас. Асосий муддао, Абайнинг эътирофича, табиат сирларини ўрганиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдони ривожлантириш, турли халқлар эришган илгор маданиятларни эгаллашдан иборатдир.

Олға сурган гоёларини Абай шундай ифодалайди:

*Илм топмай мақтанма,  
Ўрин топмай бопланма,  
Хуморланиб шодланма,  
Ўйнаб бекор кулишга!...  
Одам бўламан десангиз.  
Тилагинг, умринг олдингда,  
Унга қайғу есангиз.  
Ёлғон-яшиқ мақтанчоқ,  
Эринчоқ, бекор мол чочмоқ,  
Беш душманинг билсангиз!  
Талаб, меҳнат, теран ўй,  
Қаноат, раҳм, ўйлай қўй...  
Бир олимни кўрсангиз,  
«Ундай бўлмоқ қайда?» — деб  
Айтма илм суйсангиз.  
Сизга илм ким берар  
Ёнмай ётиб сўнсангиз.<sup>1</sup>*

Шоир ёшларни илм эгаллашга чақирар экан, уни севиб, у билан жиддий шуғулланишга ундайди. Одам ҳар бир ишга меҳр-муҳаббат билан киришиши лозим, айниқса, илм эгаллашга меҳр билан, сидқидилдан киришиш зарур. «...чин ният билан ўрнаётган бўлсанг, унда илмга меҳринг худди ўз онангни меҳридай илиқ ва самимий бўлади. Сен илмга чиндан ҳам ихлос

---

<sup>1</sup> Абай. Танланган асарлар, Т., 1961 й.

қўйсанг, у ҳам сенга меҳр қўяди ва сен уни тезроқ қўлингга киритасан. Агар сен унга чала меҳр қўйсанг, ўрганган илминг ҳам чала-чулпа бўлади»,<sup>2</sup> — дейди Абай.

Илм олиш йўлидаги энг катта душман бегамлик ва бепарволик, деб тушунади Абай. Шу туфайли, у ёшларга бегам бўлмасликни уқтиради. Чунки бегамлик халқнинг, давлатнинг, ибратнинг, ақлнинг, ор-номуснинг душманидир; ор-номус бўлган ерда бегамлик бўлмайди. Инсон илм олиш жараёнида ақлий жиҳатдан тобора камолотга эриша боради. Тафаккурнинг ривожини нарса ва ҳодисаларни чуқур ва ҳар томонлама билиш имконини беради. Ақлли одам нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятига етади, уларни тўғри баҳолаб, аниқ хулосалар чиқара олади.

Шоир шуни таъкидлайдики, билимга осонликча эришиб бўлмайди. Машаққатли меҳнат, зўр иштиёқ туфайлигина унга эришиш мумкин. Билимни узлуксиз такомиллаштириб бормоқ зарур. Шунингдек, билим олишда ҳеч қачон эришилган даражадан қаноатланмаслик керак. Билимни бойитишга, ўзидан кўра билимдонроқ одамлардан ўрганишга интилмаслик бегамлик ва бепарволик натижасидир. Билим мустақкам бўлиши учун уни ўзлаштиришдан ташқари, яхшилаб ёдда сақлаш ҳам жоиз. Улуғ маърифатпарвар ёшларни билимларни шу зайлда эгаллашга даъват этади.

Абай билимсиз одам иродасиз бўлишини, ўзгалар фикри билан яшашга одатланиб қолишини уқтиради. Шоирнинг таъкидлашича, илмсиз, мустақил фикрсиз, ақлсиз нодон бўлганлар яхши ва фойдали маслаҳатга ҳам қулоқ солмайдилар, уларнинг касби иғво тарқатиб, мақтанчоқлик, бировлар шаънини булгашдан иборат бўлади.

Абай ёшларни билим олиш билан бирга, фойдали хуналарни ўрганишга ҳам даъват этади. Зеро, яхши хунар ҳам моддий, ҳам маънавий бойликдир.

*Хунари бор — ҳеч кимга қарам бўлмас,...*

*Ҳалол меҳнат — ҳеч қайда гуноҳ эмас!*<sup>12</sup> — дейди адиб.

---

<sup>1</sup> Абай. Танланган асарлар, Т., 184-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 74-бет.

## Абай тарбия воситалари ҳақида

Абай тарбиянинг турли воситалари ҳақида фикр юритганда оила, мактаб, меҳнат ва адабиёт орқали тарбиялаш хусусида гапиради. Болалар характери ва дунёқарашининг шаклланишида оила беқийс катта аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, бола тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар, аввало, ўзлари ҳар жиҳатдан тарбияланган бўлмоқлари зарур, деган ишончга келади. Шоир мактаб бола тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда, бу билим ўчоғида таълим-тарбияни ташкил этишнинг йўл-йўриқлари, ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритади. У ёшлар тарбиясида адабиёт, айниқса, шеърининг таъсир кучига алоҳида аҳамият беради. Унинг фикрича, шеърини асарлар юксак маҳорат билан ёзилишидан ташқари, гоят содда бўлган тақдирдагина тарбия ва таъсир кучига эга бўлади.

Умуман, улуг мутафаккир Абай Қўнонбоев бутун ҳаётида халқни нодонлик, маданиятсизликдан ёруғлик, илм-фан, маданият йўлига олиб чиқишга, ёш авлоднинг янги замонларда камолга эришувига ишонади. Абай ўз ҳаётининг сўнгги дамларига, ёшларнинг, халқнинг ахлоқий тарбияси, таълими тўғрисидаги доно фикрлари билан ўз даврида жуда катта обрў қозонди. Унинг педагогик фикрлари қозоқ халқи тарбиясида салмоқли ўринда туради. Унинг ҳикматларга бой, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган насиҳатлари ҳамон халқни тўғри йўлга бошламоқда.

## БЕШИНЧИ БОБ

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, МАЪРИФАТ, МАКТАБ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё хонликлари — Бухоро, Қўқон, Хива хонлари ўртасида ўзаро қарама-қаршилик, низо кучайганидан фойдаланган чор ҳукумати ўзининг ёвуз ниятларини амалга оширишга киришиб, 1853-1895 йил-

лар давомида Марказий Осиёни босиб олди, мустамлакачилик сиёсатини кучайтирди, сиёсатга қарши кўтарилган халқ кўзголонларини аёвсиз бостирди. У Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи турли халқларни бир-бирига қарши қўйиш билан улар ўртасида низони авж олдирди, Туркистонда маданият, илм-фан, санъат, адабиёт, таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз сиёсатини амалга ошира бошлади: асосий эътиборни халқимизни миллий маданияти, тарихидан, урф-одатларидан маҳрум этишга қаратди; чор мустамлакачилари шу сиёсат асосида ўлкада ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Ўлкада юз берган бу воқеалар Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий каби илгор маърифатпарварнинг дунёқарашига таъсир кўрсатди, улар чор маъмурлари қўллаган жабрзулм, ҳақорат, қаршилиқларга қарамай, маданий қадриятларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар, ўзларидан олдин ўтган мутафаккирнинг инсонпарварлик, таълим-тарбия ҳақидаги маърифий фикр-гояларини давом эттиришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар.

## **АҲМАД ДОНИШ**

Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. У бошланғич билимни уйда онасидан олади. 9 ёшида мактабга кириб, бу ерда араб тилини ўрганди, математика, фалакиёт, география, тиббиёт, тасвирий санъат, тарих ва фалсафий билимларни мустақил равишда эгаллаб, ўз даврининг илгор кишиси бўлиб етишади.

У Бухоро Амири ўрдасида ёзиш-чизиш хизматида бўлади, тарих, тиббиёт масалаларига оид китобларни ўзбек, тожик тилларига кўчиришга, китоблар ёзишга киришади.

Аҳмад Дониш ўзининг таълим-тарбия, ахлоқ ва нафосатга доир фикр-мулоҳазаларини «Наводир-ул-вақое» асариди, хусусан, бу асарнинг «Инсон алоқалари ва уларнинг табиати ҳақида», «Фарзандларга васият: касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» бобларида аниқ ифодалайди.

Аҳмад Дониш 1897 йилда 70 ёшида вафот этади.



## Аҳмад Донишнинг илм ва ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари

Аҳмад Донишнинг уқтиришича, илм одамга бахт-иқбол бахш этади. Одам яратилгандан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади. Илм ва маърифат руҳнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик тилагидир.

Аҳмад Дониш ёшлар билимларни бевосита кузатиш йўли билан онгли равишда эгаллаши, ўз фикри ва билимининг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши, ўрганиладиган ҳодисанинг моҳиятини билиб олиб, энг асосий масалага эътибор бериши кераклиги ғояларини олга суради. Унинг фикрича, ҳар бир одам билимни шундай эгаллаши керакки, ҳар қандай қаршилик ва эътирозлар унинг ўз билимига бўлган ишончини йўққа чиқара олмасин, фикри ҳақиқатан тўғри бўлса, одамларнинг келиша олмаслигидан хафа бўлмасин.

Аҳмад Донишнинг уқтиришича, ахлоқий тарбияда олдинга қўйилган мақсадга мувофиқ бошқаларга фойда келтиришни ўз бурчи деб билган шахсни етиштириш асосий вазифа қилиб қўйилиши керак. Ёш авлодда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқсеварлик туйғуси, бойликка ҳирс қўйиш каби иллатларга нисбатан нафрат ҳиссини тарбиялаш керак. Донишнинг фикрича, одамларда озодликка ва мустақилликка ҳавас, муҳаббат туйғусини тарбиялаш лозим.

✓ «Агар,— дейди Аҳмад Дониш, — биров билан суҳбат қурмоқчи бўлсанглар, ўз сифати билан халққа яқин бўлган, ақлли, ҳушёр кишилар билан дўстлик алоқасини боғланглар. Чунки, оқил одамлар ҳеч кимга ёмонликни хоҳламайдилар. Ақлли одамларнинг аломати улардаги яхшилиқнинг ёмонликдан кўпроқ бўлишида ёки баробар бўлишидандир. Бундай одамлар олимлар, қалам аҳиллари ичидан топилади. Булардан бошқалари билан дўстлик қилмоқчи бўлсанглар, у вақтда ундай одам ҳеч бўлмаганда бирорта ёмон феълдан сақланган одам бўлиши шартдир...

Агар дўстларингизнинг бирор ёмон томонини билсанглар ва уни бу йўлдан қайтаришга кучларинг етса, уни қайтаринглар. Агар буни қилолмасанглар, ҳамма билан яхши муомалада бўлинглар. Чунки, дунёда айбсиз дўст топилмайди».<sup>1</sup> ]

<sup>1</sup> Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вақое.—Т. «Фан», 1964, 215-бет.

Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳар бир инсон ўз Ватани учун курашмоғи, ёш авлод эзгу ниятли, ҳимматли, жасоратли қилиб етиштирилмоғи, уларни ҳар бир ишни бажаришга онгли суратда киришиш руҳида тарбияланмоғи керак.

Аҳмад Дониш ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ва сўзлашиш одобига ҳам алоҳида эътибор беради. Унинг таъкидлашича, миллати ва диний қарашларидан қатъий назар одамларни камситмаслик, уларга нисбатан ҳурматда бўлиш керак.

### **Аҳмад Дониш касб-ҳунар ҳақида**

Аҳмад Дониш ўзининг педагогик қарашларида касб-ҳунар ўрганишга алоҳида эътибор беради. У ёшларни ҳунарни фақат фойдали бўлгани учун эмас, балки ҳаётий зарурият бўлгани учун эгаллашга даъват этади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир касб-ҳунар эгаси ҳалол меҳнати билан эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилиши керак, меҳнат қилмай дангасалик билан кун кечирган одам ўз қадр-қимматини йўқотади.

«Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас»... «Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин»<sup>1</sup> — дейди Аҳмад Дониш.

Умуман, Аҳмад Донишнинг «Наводир ул вақое» асарида таълим-тарбия, меҳнат, касб-ҳунар ҳақида билдирилган фикрлари, педагогик қарашлари ўзбек педагогикаси тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

### **ФУРҚАТ**

Зокиржон Холмуҳаммад ўгли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида савдогар оиласида тугилди. 6 ёшидан бошлаб эски усул мактабида ўқиди, 12 ёшида мударрис Пошша Хўжадан таълим олди, 14 ёшида мадрасада ўқиб Ҳофиз, Бедил, Жомий, Фузулий, Навоий асарларини ўқиб, ўрганди.

Фурқат Маргилонда тоғаси билан бирга савдо ишлари билан ҳам шуғулланди, 1882 йилда Қўқонга келиб хаттотлик

---

<sup>1</sup> Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вақое.—Т. «Фан», 1964, 215-бет.

қилиб, «Чор дарвеш» ва «Нух манзар» асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима этади, Муқимий, Завқий, Мухаййир каби шоирлар билан танишиб, улар билан мулоқотда бўлади.

Фурқат 1889 йилда Тошкентга келади, бу шаҳардаги маданий ҳаётни кузатади, театр, клуб ва кўргазма залларида, босмахоналарда, гимназия, рус-тузем мактабларида бўлиб янгича ўқиш-ўқитишларни кузатади. У маҳаллий маданият намояндлари, шоир ва санъат аҳллари билан суҳбатларда бўлиб, улар билан ижодий ҳамкорлик қилади.

Фурқат 1891 йил май ойида Тошкентдан кетиб, Самарқанд, Баку, Истамбул шаҳарларида, Арабистон, Миср, Болгария, Греция (Юнонистон), Ҳиндистон мамлакатларида, Кашмир вилоятида бўлади, Хитойнинг Хўтан шаҳрида бир неча вақт туриб, Ёркент шаҳрига келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1909 йилда 51 ёшида вафот этади.

### **Фурқатнинг илм-маърифатпарварлик, ватанпарварлик ғоялари**

Фурқатнинг ижодий фаолиятида илм-фан, маърифат ҳақидаги қарашлар алоҳида ўрин тутади. У жамият ривожини ва халқ фаровонлигига илм-маърифат орқалигина эришиш мумкинлигини айтиб, бунинг учун турли фанларни пухта ўрганиш ғоясини баён этади.

*Жаҳон басту кушоди илм бирла,  
Надур дилни муроди илм бирла.  
Кўнгулларни сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларни нури илмдандур.  
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор,<sup>1</sup> — дейди Фурқат.*

Фурқат ўз педагогик-маърифий қарашларида ватанни, ватанпарварликни юксак даражада улуглайди. У она Ватан — диёрни нажот, бахт манбаи ҳисоблайди. Ватандан жудаликни ғам-андуҳ, ранжу алам, мусибат деб билади. Бу фикрини ўз ҳаёти мисолида шундай ифодалайди:

<sup>1</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Икки жилдлик. II жилд. Т. Ўздавбадий адабиёт нашриёти. 1960, 10-бет.

*Ватаннинг иштиёқини тортарам гурбат ғами бирла,  
Туруб эрдим қутулмай ғуссаю ранжу инолардин.<sup>1</sup>*

Фурқат Ватанни ардоқлашни, Ватан равнақи учун жонни фидо этишни улуғ неъмат ҳисоблайди.

*Манам шўрида булбул, бўстонимдан адашганман,  
Юзи гул, қомати сарви равонимдан адашганман,  
Дилим ҳажрида қондур дилистонимдан адашганман,  
Ғариби кўйи гурбат хону-монимдан адашганман, — дейди у.*

## **Фурқат ахлоқий тарбия ҳақида**

Унинг таъкидлашича, таълимда ахлоқий тарбия ғоят муҳимдир. У самимий дўстликни, кишилар орасидаги яқинликни улуғлади, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этди. Фурқат: «...Уй тутиб ўлтирган ҳамма одамнинг ҳамсояси бор. Алар эрта оқшомда бир-бирлари билан кўришганда иттифоқлик билан кўришсунлар. Бир-бирлари билан уруш — талаш айлаб даъво қилишмасун ва муборакбодлик иши бўлса, муборакбод қилишсун ва агар бир киши вафот қилса, мен ҳам борай, деб истак билдурсун»,<sup>2</sup> — деб уқтирди.

Умуман, Фурқатнинг педагогик қарашларида ифодаланган илм-фан ривожини, унинг инсон камолотида тутган ўрни, Ватан ва ватанпарварлик, халқпарварлик, ахлоқий тарбия ҳақидаги фикрлар педагогик фикр ривожига қўшилган ҳисса сифатида муҳимдир.

## **ДИЛШОД БАРНО**

### **Ҳаёти ва педагогик фаолияти**

Таниқли шоира, маърифатпарвар Дилшод Барно 1800-1801 йилда Ўратепа шаҳрида туғилади. Дилшод дастлабки маълумотни отаси Раҳимқулдан олди, ёшлигидан шеърятга меҳр

<sup>1</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Икки жилдлик. II жилд. Т. Ўздавбадий адабиёт нашриёти. 1960, 118-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 71-бет.

қўйди. Барно тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. У ёшлик чоғида ота-онасидан жудо бўлади. У ўн уч йил давомида туркий тилни мукамал ўрганиб, мактабдорлик қилади.

Дилшод қайнонаси билан бирга ўзи ҳам қизларга дарс беради, умрининг охиригача ёшларни илм-маърифатли қилади.

«Мен, — деб ёзади Дилшод... Эллик бир йил мактаб тутиб, ...23 толиба тутиб, 891 қизни басавод қилдим. Алардан қарийб тўртдан бири таъби назмлари бор эрди...боз аввал охир икки юздан ортиқ назмхон шоиралар таълим олиб чиққан эрди».<sup>1</sup>

Дилшод Барно ғазал, мухаммас, мусаддас, хотираномалардан иборат «Тарихи муҳосара», «Хатми мунтахабул ашъор», «Замонадан шикоят», «Ҳаёт мадҳи» дostonларини яратади. У ўз асарларида комил инсон, вафо, соф муҳаббат ҳақида фикрлар изҳор этади, вафосизлик, худбинлик, маккорлик, ҳийлагарлик иллатларини қоралайди.

Дилшод Барно 1905-1906 йилларда вафот этади.

### **Дилшод Барнонинг маърифий, инсонпарварлик ғоялари**

Дилшод ўз маърифий қарашларида инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, ҳамдамликни энг юксак фазилат деб билади. У инсоннинг инсонийлигини улуғлайди, бу масалага виждонан ва ҳимматли муносабатда бўлишни тарғиб қилади. У дейди:

*Аё одам, сенга қувват эрур фарз,  
Ҳаётингга эрур қуввату ғайратга монанд,  
Фазилат бўлғучи ҳиммат эрур фарз.  
Булар устига виждон ҳам керакдир,  
Неку равфтор ила иффат эрур фарз.<sup>2</sup>*

Дилшод Барнонинг фикрича, инсон гўзаллиги унинг руҳий оламидир. Иккиюзламачи, худбин одамлар макр эгаларидирлар. Инсоннинг ички дунёси ташқи қиёфасидек гўзал бўлиши керак. Инсонга инсонийликни безаш учун берилган бу гўзалликни доимо сақлаш лозим.

<sup>1</sup> Дилшоди Барно ва мероси адабий. 137-бет.

<sup>2</sup> Дилшод. «Сабот ул-башар», 37-бет.

Дилшод ҳаётни, оилани инсон учун катта мактаб ҳисоблади, бутун ҳаётини, билимини ёшларга бахш этади.

*Рўзғорим мактабим бўлди,  
Илм олсун соҳиби идрок,<sup>1</sup> —*

лейди Дилшод.

Дилшод ёшларни илм олишга, илм аҳли бўлишга даъват этади.

Унинг таъкидлашича, илм инсонни тарих оламига олиб киради ва бу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Билимда камол топган инсон юксак обрў, мавқега эга бўлади, унинг билимидан ҳамма баҳраманд бўлади, ҳатто кеча-кундуз ҳам ундан нур олади.

Умуман, мутафаккир Дилшод ўз маърифий фаолияти давомида ёзган асарларида баён этган таълим-тарбия хусусидаги фикрлари ҳозирги ёшлар тарбиясида ҳам хизмат қилмоқда.

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **ХІХ АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ, МАКТАБ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

Марказий Осиёда бола тарбиясига, уни ахлоқий-маънавий баркамол қилиб етиштиришга милоддан олдин яшаган донишмандлар ҳам эътибор берганлар.

Мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маданияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлган Куръони Каримда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, улар орасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ифодаланди; эҳсон, сахийлик, сабр-тоқатлилик, садоқатлилик, кечиримлилик каби инсоний фазилатлар ва илм моҳияти, илм аҳлининг вазифалари аниқ баён этилди. Бу масалалар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ҳам ёрқин баён қилинди.

Милодий ХІХ асрнинг иккинчи ярмига қадар яшаб ижод этган буюк алломалар ёш авлод тарбияси ҳақидаги фикр-гояларини яратган асарларида ёритдилар.

<sup>1</sup> Дилшод. «Сабот ул-башар», 57-бет.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср биринчи ярмида яшаб, ижод этган Абдуқодир Шакурӣ, Исҳоқхон Тўра—Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода каби маърифатпарварлар уларнинг фикр-ғояларини, янги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, давом эттирдилар. Улар хорижий мамлакатларда таълим-тарбия соҳасида қўлланган илғор тажрибалар асосида янги усул мактабларини ташкил этиб, таълим мазмунига ўзгартириш киритдилар, маданият ва маърифат ривожига маълум ҳисса қўшдилар.

## **АБДУҚОДИР ШАКУРИЙ**

Абдуқодир Шакурӣ 1875 йилда Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. У Самарқандда биринчи бор янги усулдаги «Усули савтия» мактабини ташкил этди. Мактаб таълимида қулай ва енгил усулларни қўллади ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. У таълимда, асосан, болаларнинг саводли бўлишлари, уларда нутқ маданиятини ўстиришга эътибор берди, товуш-ҳарф усулини қўллаш орқали савод чиқаришни енгиллаштирди.

Шакурӣ мактабда болалар ўзбек тили билан бирга форс-тожик ва рус тилларини ҳам ўқитиш керак деб билди ва бу ишни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Шакурӣ янги усул мактаб ўқувчилари учун тушунарли услубда «Раҳномаи савод» («Савод чиқаришга йўлланма») ва Исматилла Раҳматуллаев билан ҳамкорликда «Алифбе таълими» қўлланмаларини яратди, тузган бу китобларига, халқлар ўртасидаги ўзаро миллий, маданий-маърифий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, тожик адабиёти намоёндалари фаолиятдан ҳам намуналар киритди.

Шакурӣ ўқувчиларга касб-ҳунарларни эгаллашга, меҳнатга қизиқишни тарбиялашга эътибор қаратди. Шу мақсадда мактаб ўқув режасига меҳнат дарсини ҳам киритди, ўқувчиларни деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликнинг илғор усуллари билан таништирди.

Ўз даврида таълим ва тарбия соҳасида қўлланилган илғор усул ва тажрибаларга эгаллиги туфайли Шакурӣ маориф аҳли орасида катта шуҳрат қозонди. Таълим-тарбия соҳасида у ижод этган янги усул ва тажрибалар Шакурӣ сафдошлари томонидан давом эттирилди.

Абдуқодир Шакурӣ 1943 йилда вафот этди.

## ИСҲОҚХОН ТҶҲРА—ИБРАТ

ИсҲоқхон Тўра—Ибрат 1862 йилда Наманган вилояти Тўра-қўргон қишлоғида боғбон оиласида туғилди. Бошланғич таълимни қишлоқдаги мактабда олди, 1878-1886 йилларда Қўқонда мадрасада ўқиди, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганди. У Ҳиндистон, Арабистон, Афғонистон, Туркия, Болгария, Италияда бўлиб, халқ маданияти, санъати билан танишди, ҳинд, урду, инглиз тилларини эгаллади, фан ва санъат намоёндалари билан мулоқотда бўлди. Ибрат «Лугати ситта-ал-сина», «Жомеъ-улнинг хутут» («Ёзувчилар мажмуаси») асарларини яратди.

Ибрат тарих ва маданиятга доир ёзган «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон-ул-замон» асарларида ўзининг педагогик-маърифатпарварлик қарашларини баён этди. У ўз педагогик қарашларида халқлар дўстлигига, ўқувчиларда нутқ маданиятини, саводхонликни ўстиришга, тарихий билимни эгаллашга, ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берди. Шу мақсадда у «Қалами Мирражаб Бандий», «Илми Ибрат» рисоаларини эълон қилди.

Ибрат таълимда ўқувчиларда китобхонлик ва мустақил ўқиш кўникмасини тарбиялаш ва ривож топтиришни талаб этди. Ўз талабларини амалга ошириш мақсадида ўз уйида «Кутубхонаи Исҳоқия» номида кутубхона ташкил қилди, қишлоқда маориф, маданият, таълим-тарбия ишларини яхшилаш соҳасида олиб борилган тадбирларда фаол иштирок этди.

Ибрат ўз педагогик қарашларида аёлларнинг билим эгаллашларига алоҳида аҳамият берди. Таълим-тарбияда ўқитувчининг ўз тарбияланувчиларига шахсий намуна бўлиши кераклиги гоёсини олга сурди.

Исҳоқхон Тўра—Ибрат 1937 йил қатағон даври қурбони бўлди.

## МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА

Муҳаммадшариф Сўфизода 1880 йилда Чуст қишлоғида хунарманд оиласида туғилди. Муҳаммадшариф бошланғич мактабда таълим олади.

Сўфизода 1900-1913 йилларда Озарбайжон, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлди, Тошкентда «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Туркистон» газеталарида иштирок этди.



Сўфизода 1913 йилда Чуст қишлоғида янги усул мактабини, Камарсада қишлоғида етим болалар учун «Дорулайтом» («Етимлар уйи») очди, катталар учун кечки курслар ташкил қилди.

Сўфизода маърифатпарвар шоир сифатида ўз асарларида халқни илм-маърифатли бўлишга даъват этди, Ватан озодлиги ҳақидаги орзуларини ифодалади:

*Қадрдоним қалам, мардона бўлгил, вақти хизматдур,  
Агар мендан кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур,<sup>1</sup> —*

деди у.

Сўфизода Ватан тақдири, юрт истиқболи ҳақида қайғурди. У дейди:

*Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар...  
Ёзуқ олий Ватан ўксиз каби бир ҳола душмушким,  
Агар таҳрир эдарсан, хомаи мўъжиза баён оғлар.<sup>2</sup>*

Сўфизода ватанпарвар, инсонпарвар сифатида халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилди, ўз замондошларини истиқлолга ундади.

Сўфизода оналарни улуғ инсон сифатида ҳурмат қилди, уларни «Миллати исломиянинг бонуси» ҳисоблади. У:

*Миллати исломиянинг бонуси,  
Ўзбек элининг қорақўз оҳуси.  
Кар қилур бир кун жаҳл оғуси,  
Илму амал ушбу касал доруси,<sup>3</sup> —*

деб, уларни илмли бўлишга чорлаб, илм жаҳолатни енгувчи қудратли куч эканини айтди.

Сўфизода ўз маърифий қарашларида оммавий ахборот воситаларини, айниқса, кундалик рўзномаларни халқнинг маънавияти, маданияти ривожига муҳим омил эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, рўзнома дилни фасли баҳор каби яшнатади, «Сув бериб кўнгил боғини сабзавор» айлайди.

Сўфизода инсон ҳаётида рўзноманинг тутган ўрнини юқори баҳолаб шундай дейди:

---

<sup>1</sup> Истиқлол қаҳрамонлари. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1999, 209-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 222-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 219-бет.

*Яшнатиб дил ғунчасин, фасли баҳор айлар газет,  
Сув бериб кўнгул боғини сабзавор айлар газет...  
Шарқдан Мағрибгача бўлғон ҳаводисни ёзиб,  
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.  
Кўб ўқур бўлсанг, бўлурсен эл аро чун нуктадон,  
Сўзлаганда сўзларигни беғубор айлар газет...<sup>1</sup>*

Сўфизода 1937 йилда вафот этди.

## **Туркистонда жадидчилик ҳаракати. Жадидлар маърифат, таълим-тарбия ҳақида**

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий ҳаётда юз берган воқеа-ҳодисалар ва жадидчилик ҳаракати натижасида илғор маърифатпарвар зиёлилар тафаккурида, мафкурасида янги дунёқараш шаклланди. Улар миллий мустақиллик, таълим тизимини ислоҳ қилиш ғояларини илгари сурдилар, таълим-тарбия ҳақида фикр, қарашларини яратган асарларида, амалий фаолиятларида намоён этдилар.

Бу маърифатпарвар-педагоглар кенг омма ўртасида илм-маърифат, маданият тарқатиш учун қизғин кураш олиб бордилар, ўз даврининг илғор, пешқадам педагоглари сифатида халққа, жамиятга танилдилар. Улар татар, озарбайжон, рус ва бошқа халқлар педагоглари билан алоқада бўлиб, мактабда ўқувчиларга янги усулда она тили билан бирга, география, тарих каби гуманитар ва аниқ фанларни ўқитдилар, таълим-тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, нашр эттирдилар.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати ўсиб бориши билан илғор фикрли педагог зиёлилар — жадидлар мактабларда таълимнинг янги тизимини амалга ошира бошладилар, улар ташкил этган «янги усул» мактаблари халқнинг маданий ривожига ёрдам берди, халқнинг эътиборини қозонди.

Туркистон жадидлари озодлик, маърифат учун курашларини маълум дастур асосида икки йўналишда — маданий тараққиётни ривожлантириш, бунинг учун маърифатпарварликка асосланиш ва бу борадаги фаолиятни амалиёт билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> Истиқлол қаҳрамонлари. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1999, 219-бет.

ҳолда олиб бориш орқали амалга оширадилар. Улар миллий уйғонишнинг асосини таълимни, ўқув дастурларини ислоҳ қилишда кўрадилар.

Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхоннов, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний маърифатпарварлик, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари, ғоялари билан шуҳрат қозондилар.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида ўзбек халқи жамият тарихи ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшган даҳоларимиз орзу қилган эркин, озод ҳаётга эришди, муқаддас миллий байрамлар, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдуҳолиқ Риждувоний каби буюк аждодларимизнинг номлари тикланди; миллий тафаккур тарихида ўчмас из қолдирган Бобораҳим Машраб, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Абдулла Қодирий, Абулқосим аз-Замаҳшарий, Амир Темур, Камолиддин Беҳзод, Имом ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди каби улуг зотларнинг, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг фаолиятларига алоҳида эътибор берилди, таваллудлари нишонланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилинган кундан бошлаб ўтказилган Олий Мажлис сессияларида қилган маърузаларида, газета мухбир ва муҳаррирлари билан ўтказилган суҳбатларда, ёдгорлик мажмуаларини очилиши маросимларида, ҳокимият йиғилишларида, халқимизни янги йил ва байрамлар билан қутловларида... миллий урф-одат, анъаналарни, қадриятларни тадқиқ этиш, буюк аждодларимиз қолдирган беназир таълимотларини чуқур эгаллашни, қатағон йиллар қурбони бўлганлар руҳини шод этишни таъкидлади. У ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш ғояларини ўз маърузаларида, асарларида мунтазам баён этиб, илм-фан аҳлини, педагог олимларни бу соҳада фидойи бўлишга даъват этади.

Ислом Каримов Олий Мажлис биринчи сессияси иккинчи йигилишида сўзлаган нутқида ҳар бир инсон бу дунёда халқ хотирасида доимий қоладиган яхши, эзгу ишлар қилиши кераклигини айтиб;

«...бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шухрат ҳам ўтиб кетади, фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг заҳматқаш ва олижаноб халқимиз бугун сизу биздан — ўзи ишонч билдирган инсонлардан шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда»<sup>1</sup> — дейди.

Ислом Каримов маънавий баркамоллик, яратувчиликни улуг фазилат ҳисоблайди, ана шундай фазилатга эга бўлмасликни хиёнат деб билади. «Инсон ахлоқи, — дейди Ислом Каримов, — шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир иш у қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқармасин, барибир Ватанга хиёнатдир».<sup>2</sup>

Президент Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда одамларни беназир зот — Алишер Навойдан ибрат олиб, етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатишга, эл-юрт учун мактаблар, шифохона, боғ-роғлар бунёд этишга, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлишга даъват этди.<sup>3</sup>

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида Ислом Каримов: «Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим»<sup>4</sup>-лигини таъкидлади.

У Тошкент Ислом Университетининг очилишига бағишланган йигилишда диёримизда етишган буюк алломаларнинг ис-

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози. 2000 й. 12-феврал, 19-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т. «Ўзбекистон», 2000, 57-бет.

<sup>3</sup> «Маърифат» газетаси, 2001 й. 25-август.

<sup>4</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т. «Ўзбекистон», 2000, 33-бет.

лом назарияси, фалсафаси, маданият ривожига қўшган беназир ҳиссаларини, қолдирган меросларини чуқур ўрганиш, уни мужассамлаштириб, халқимизга, энг аввало, ёш авлодга етказиш талабалар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини айтиб, уларни ана шу вазифани адо этадиган комил инсон бўлиб етишишга даъват этди.

Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида «...озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз. . Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи-поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас»<sup>1</sup> — деб, одамларни Ватан ва халқ бахт-саодати учун жон фидо этганлар руҳини доимо шод этишга чорлади.

Ислом Каримов вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашувда республикада ҳаётимизда барча соҳаларда амалга ошириладиган вазифалар кадрларга боғлиқлигини айтиб, фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги асосий бурчимиз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашдан иборатлигини айтди. Президентнинг таъкидлашича, уларни биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли қилишдек эзгу мақсад ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркорлигини таъкидлади. Ислом Каримов яна шуни айтдики, ҳақиқатдан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига ишонишимиз лозимлигини таъкидлади.

## **МАҲМУДХҶА БЕҲБУДИЙ**

### **Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти**

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йил 19 январда Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келди.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2000 й, 13-май, 91-сон.

Маҳмудхўжа тоғаси Муҳаммад Сиддиқ тарбияси ва қарамогида ўсиб вояга етади, эски усулдаги мактаб-мадрасаларда ўқиди. 18 ёшида қозихонада мирзолик қилади, қози, муфти даражасигача кўтарилади.

Беҳбудий 1902 йилда Маккага боради, ҳожи унвонини олади. Қишлоқларда ташкил қилинган мактаблар учун ўзбек ва тожик тилида: «Мунтахаби жуғрофияйи умумий» («Қисқача умумий жўғрофия»), «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Ислоннинг қисқача тарихи»), «Мадҳали жуғрофияйи умроний» («Аҳоли жўғрофияси») дарслик ва қўлланмаларини ёзади. «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Рисолаи жуғрофияи Русий», «Китобаул атфол», «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом» дарслик ва қўлланмаларини яратади.

1903-1904 йилларда Москва, Петербургда, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгород шаҳарларида, Арабистон, Миср ва Туркия мамлакатларида бўлади. Сафар чоғида бу шаҳар ва мамлакатлардаги ижтимоий, маданий ҳаёт, мактаб, маориф ишлари билан танишади. У ерларда таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқларни Туркистон вақтли матбуот саҳифаларида ташвиқ этади.

Беҳбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетасини, «Ойна» журналини нашр этади. Уларда миллат, унинг ҳақ-ҳуқуқи, тил, тарих масалаларига доир мақолалар эълон қилади.

1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг қурултойида миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Аммо у ўз орзуларига эриша олмади.

1919 йил 25 мартда Шаҳрисабзда қатл этилди.

### **Беҳбудийнинг миллий мустақиллик ғоялари**

«Биз, — дейди Беҳбудий, — ўз қисматимизни биламиз. Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш

соҳасида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади».<sup>1</sup> — Бу Беҳбудийнинг асосий гоёси эди.

Беҳбудий ўзи эътиқод қўйган олий мақсадга эришишнинг бирдан бир йўли — илм-маърифат тарқатиш, ёшлар тарбияси ҳақида узлуксиз гамхўрлик қилиш, шу билан бирга, миллий мустақиллик учун тинмай кураш олиб бориш деб билди, миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик бўлиши зарурлиги хусусида фикр билдирди.

Беҳбудий ўз мақсадларини фақат маърифат орқали амалга оширишга ҳаракат қилди. У таълим-тарбия хусусидаги ўз гоёларини амалга оширишнинг бош йўли сифатида янги мактаблар очиш, унда ёшларни диний илмлар билан бирга аниқ фанларни ҳам ўқитиш, оврупоча таълим-тарбияни Туркистон мактабларига кенг қўламда жорий этишни тарғиб қилди.

Беҳбудий таълим-тарбияда ёшлар онгига дунёқарашни сингдириб боришга алоҳида эътибор берди.

Беҳбудий мактаб, маорифни — инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш воситаси ҳисоблади, очилган янги усул мактабларида ўқувчиларни шахс сифатида камол топтиришга, улардаги инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор берди.

Беҳбудий Самарқанд «Шўрои Исломия» жамияти мажлисида сўзлаган нутқида: «Биз туркистонликларга она тилида ҳам, рус тилида ҳам эркин сўзлай оладиган ва таҳрир қиладиган, шариатни биладиган ва жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак»лигини айтиб, бундай хусусиятларга эга бўлмаган киши ҳеч қандай фойда келтирмаслигини таъкидлади.

Беҳбудийнинг фикрича, замонлар ўтса ҳам, айрим урф-одат ва анъаналар ўзгармайди, шу боис ёмон урф-одатлар (бидъатлар)ни йўқотиб, яхши урф-одат, анъаналарни такомиллаштириш керак. Диндан диний-этник адоватни кучайтириш мақсадларида эмас, балки миллий озодлик, ижтимоий тараққиёт учун курашда, Туркистондаги етакчи кучлар ва ижтимоий қатламларни бирлаштириш йўлида фойдаланиш лозим.

Беҳбудий ўз педагогик қарашларида илм аҳлини ҳаётда содир бўладиган зарурий янгиликларга ақл-идрок билан ёндо-

---

<sup>1</sup> «Инқилоб» журнали, 1922, 1-сон.

шишга даъват этади. У ҳаётда доимо ўзгаришлар бўлиб туришини айтиб, таълим-тарбия соҳасида уни идрок этишга алоҳида эътибор берди.

## **Беҳбудий таълим-тарбия ҳақида**

Беҳбудий таълим-тарбияда муваффақиятларга эришишнинг бирдан бир йўли ўлкада илм-фанни ривожлантириш эканини айтади. Беҳбудий таълим-тарбия ишини ижтимоий ҳаёт, жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеалар билан боғлиқ ҳолда олиб боришни талаб этади. У ёшлар тарбиясида, оила, ота-оналар алоҳида мавқега эга эканини таъкидлайди. У «Падаркуш» асариди: «Бизларни хонавайрон... беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақирлик зарурат ва хорлиқлар... ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир...»,<sup>1</sup> — деб ёзади.

Беҳбудий таълим-тарбия ҳақидаги ўз қарашларини бадий ижодда ҳам ифодалади. 1911 йилда ёзган «Падаркуш» драмасида ота-оналар билан болалар ўртасидаги нозик муносабатлар таълим-тарбияда бош масала эканлигини кўрсатди. У мактаб тарбияси билан оила тарбияси узвий бирликда олиб борилиши кераклигини таъкидлади. Асарда воқеа Бой билан ўғли Тошмурод (ота-бола) ўртасидаги мулоқотдан бошланади. Бой ўғли саводсиз бўлиб, ўғлини ўқитмаганлиги сабабли у одобсиз бўлиб ўсади. У бутун оилани ҳалокатга олиб келади. Бойнинг мақтанчоқлиги, ўжарлиги, мол-дунёга ўчлиги ўғлини ҳам шундай аҳволга солади.

Беҳбудий асарда ўз гоёларини, яъни таълим-тарбиянинг издан чиқишига оиланинг ўзи сабаб бўлганлигини акс эттириш орқали баён этди.

## **Беҳбудий педагогик гоёларининг аҳамияти**

Беҳбудий маърифат, илм-фан, бадий ижод соҳасидаги бутун фаолиятида миллатимиз маданияти, маънавиятининг равнақи учун курашди, буюк сиймо сифатида шуҳрат қозонди,

<sup>1</sup> Беҳбудий. Баёни ҳақиқат. «Улуғ Туркистон» газетаси. 1917, 12-июн.



таълим-тарбияга доир қимматли фикр, гоёларини баён этади. У изҳор этган бу гоёлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар миллий педагогикамиз тарихига қўшилган улкан ҳиссадир.

Беҳбудий ўзининг бутун фаолияти давомида XX аср бошларидан то умрининг охиригача амалга оширган ишлари, илмий-назарий асарлари, айниқса, педагогика, мактаб-маориф соҳасида қилган хизматлари билан ўзбек маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Улуғ мутафаккирнинг педагогик фикрлари фақат у яшаган давр эмас, балки ҳозирги ёшлар тарбиясида ҳам самарали хизмат қилмоқда.

## **САДРИДДИН АЙНИЙ**

### **Ҳаёти, ижтимоий, маърифий фаолияти**

Садриддин Айний 1878 йилда Бухоро вилояти Гиждувон туманида Соктаре қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Шу қишлоқдаги масжид қарамоғидаги эски усул мактабида билим олди. Кейин 1890-1900 йилларда Бухорода Мир Араб, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид мадрасаларида таҳсил олади. Аҳмад Донишнинг «Наводир ул вақое», Озарбайжон ёзувчиси Хожа Марогийнинг «Иброҳимбекнинг саёҳати» асарларини мустақил ўқиб, ўрганди.

Садриддин Айний 1909 йилда Бухорода янги усул мактабини очади, «Ёшлар тарбияси» номида дарслик ёзади. У 1917 йил инқилобидан кейин Самарқандга келади, умрининг охиригача шу шаҳарда яшаб, ижодий иш билан шуғулланади: 1918-1921 йиллар давомида «Биз ким?», «Мария», «Байналмилал марши», «Туркистон ўлкасига», «Турон марши», «Мактаб марши», «Ҳилол аҳмар марши», «Дорулмуаллимин марши» каби кўшиқ, шеърлар ёзади.

1924 йилда унинг қизлар мактаби учун «Қиз бола ёки Холида» дарслиги, 1926-1940 йилларида «Тожиқ адабиётидан намуналар», «Кул бола ёки икки озод» каби қисса, ҳикоялари, «Доҳунда», «Куллар», «Етим» асарлари нашр этилади.

Садриддин Айний Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Ярдор йиртқичнинг жон талвасаси», «Она-Ватан», «Йигирма беш

йил», «Чин ва ёрқин тонг» каби мақола ва шеърларини ёзади, 1954 йилда «Эсдаликлар» асарини яратади.

Садриддин Айний тилшунос, адабиётшунос, шарқшунос олим сифатида «Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ҳақида» (1934), «Камол Хўжандий», «Шайхурраис Абу Али ибн Сино» (1939), «Устод Рудакий» (1940), «Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий» (1942), «Алишер Навоий» (1948), «Зайниддин Васи-фий ва унинг «Бадоеъ ул вақое» асари ҳақида», «Мирзо Абдуқодир Бедил» каби илмий мақолаларини ўзбек ва тожик тил-ларарида ёзади.

Садриддин Айний 1946—1950 йилларда Самарқанд давлат университетида ўзбек адабиёти кафедраси мудирини бўлиб хиз-мат қилади, ўзбек мумтоз адабиётидан дарс беради.

Садриддин Айний 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академи-ясининг фахрий аъзоси, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги этиб сайланади.

Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиёти, таълим-тарбия соҳасидаги самарали хизматлари учун давлатнинг юксак ор-денларига сазовор бўлади.

Садриддин Айний 1954 йилда вафот этади.

### **Айнийнинг маърифатпарварлик, инсонпарварлик ғоялари**

Садриддин Айний ўз маърифатпарварлик қарашларида ва-танпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларини олга суради. Унинг фикрича, тарбиянинг асосий мақсади болани ватанга, халққа садоқатли қилиб камол топтиришдир. У ижо-дий ва маърифий фаолиятларида, ўқиш китобларида бу ғояни болалар онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Айний халқнинг ақл-заковатини, куч-қудратини ўзаро дўстлигида, меҳр-оқиба-тида қўрди, болаларда халққа хос бу фазилатларни таркиб топ-тиришга даъват этди.

Айний ота-онага ҳурмат-эҳтиромни, улар ҳақида гамхўрлик қилишни юксак инсонпарварлик ҳисоблади. Айний «Ота-она» ҳикоясида дейди: «Ота-онани ҳурмат қилиш, уларни улуғлаш зарур, уларнинг топшириқларидан бош тортмаслик керак, ҳамма

вақт, ҳамма ишда уларнинг розилигини олиш керак. Чунки улар бизнинг тарбиямиз учун кўп машаққатлар чекканлар».<sup>1</sup>

Айний ватанпарварлик хусусидаги қарашларида ватанпарварлик, асосан, ватанни севиш, ватанни душмандан ҳимоя қилиш, унинг учун жонни фидо этишдан иборатлигини айтади. «Ўқишга гайрат қил, одам бўл. Кейин кучинг етгунча ўз Ватанинга хизмат қиласан...»<sup>2</sup> — дейди Айний.

### **Айний ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик тарбияси ҳақида**

✓ Айний ахлоқий тарбия ҳақида фикр билдирар экан, ахлоқий тарбияланган бола ҳеч вақт ёлгон гапирмаслигини, ҳамма вақт чин сўзли, соф виждонли бўлишини айтади. Унинг таъкидлашича, «Ростгўй бола ҳеч вақт ёлгон гапирмайди. Ҳеч кимга зиён етказмайди... Мактабда ёки йўлда бирон нарсани топса, уни албатта эгасига қайтариб беради...».<sup>3</sup>

Айний ахлоқийликда сахийлик, хайрихоҳлик, камтарликни ҳам гўзал фазилат ҳисоблайди ва тарбияда болаларда бу сифатларни ривожлантиришни уқтиради. Адиб «Ақлли бола» ҳикоясида болаларни шундай сифатларни эгаллашга чорлаб дейди:

*Ҳар кимса баланд дидли бўлса,  
Сахий ва ҳожат чиқарувчи бўлса,  
Кимса ким биров нарсасига ҳасад қилди,  
Ўз иззати нафсини сотди.  
Азиз бўлмоқ истасанг, эй жон,  
Ҳадя қил, зўрлик билан олма.  
Исрофгарчилик йўлини тутма,  
Сахийлик мақсадин тут, лоф урма.<sup>4</sup>*

Айний ахлоқ ҳақидаги қарашларида камтарликни энг юксак инсоний фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг уқтиришича, болаларни камтарлик руҳида тарбиялашда шахсий намуна, ўрнак бўлиш муҳим омилдир. Айний ота-оналар-

<sup>1</sup> С. Айний, «Таҳзиб-ус-сибён» («Пок бола»). 1909, 5-6-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 64-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 20-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 2-бет.

ни, катталарни, ўқитувчиларни камтарликда ёшларга ўрناق бўлишга даъват этади.

Айний меҳнатни улуғлайди, меҳнат инсонга ҳурмат, обрў, бахт бахш этишини таъкидлаб, меҳнат тарбиясини оилада ёшлик вақтидан меҳнатга кўниктириш кераклигини айтади. У меҳнат ҳақидаги ўз фикрини «Қиз бола ёки Холида» дарслигида Холида ва Фотима образларида ифодалаб, меҳнатда қиз ва ўғил болалар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро кўмак бўлишини тавсия этди.

Айний ўз педагогик қарашларида таълим-тарбияда боланинг ёши, руҳияти, қобилияти, қизиқишини ҳисобга олишни талаб этади, уларда ишонч туйғусини уйғотиш ва ўстириш кераклигини уқтиради.

### **Айний педагогик қарашларининг аҳамияти**

Садриддин Айний адиб, адабиётшунос олим, таниқли маърифатпарвар сифатида ўз асарларида ва амалий фаолиятида намоен этган таълим-тарбия ҳақидаги фикр, ғоялари, тавсиялари ёш авлодни ватан ва халққа муносиб фарзанд қилиб етиштиришга ёрдам берди, унинг бола тарбияси ҳақидаги таълимоти ўзбек ва тожик педагогикасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

## **МУНАВВАРҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ**

### **Ҳаёти, ижтимоий-педагогик фаолияти**

Мунавварқори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳрида Шайхонтохур даҳаси Дархон маҳалласида зиёли оилада туғилди. Отаси Абдурашидхон мадрасада мударрис бўлган.

Мунавварқори бошлангич таълимни уйда онаси Ҳосиятхон отиндан олди, сўнгра Тошкент ва Бухородаги мадрасаларда, кейин бирмунча вақт Туркияда ўқиди. Меҳнат фаолиятини Тошкентда бошлаб, «Тараққий», «Хуршид», «Суръат», «Осиё», «Ҳақиқат» рўзномаларини нашр этди, уларда мустамлакачилик сиёсати, мустақиллик, халқ эрки ҳақидаги фикрларини баён этди.

1908 йилда унинг «Сабзавор» (бадий асарлар тўплами), «Ер юзи» (географияга оид), «Тажвид» (Курони Каримни ўқиш усули ёритилган) китоблари нашр этилди.

Мунавварқори 1917 йилда «Нажот», «Кенгаш» рўзномаларини ташкил этиб, уларнинг муҳаррири бўлиб хизмат қилди.

Мунавварқори Тошкентда биринчилардан бўлиб, ўз уйида «Усули жаид» — янги усул мактабини очди ва унинг учун 1907 йилда «Адиби аввал» («Биринчи адиб») — алифбе ва «Адиби соний» («Иккинчи адиб») — ўқиш китобини нашр эттирди. Ташкил этган мактабида дарсларнинг кўргазмали бўлишига, билимнинг амалиётда татбиқ этилишига аҳамият берди, асосий эътиборни таълимнинг демократик асосда бўлишига қаратди, болаларга диний ва дунёвий фанлардан сабоқ берди. У ҳар бир фан бўйича дастур тузиб, унда болаларнинг ақлий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривож топишини, таълим усулларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Мунавварқори халқнинг озод ва эркин яшаши, уни истиқболга олиб чиқиш орзусида яшади, курашди. У улуғ мутафаккир олим, устоз сифатида халқ ўртасида шуҳрат қозонди. Мунавварқори Абдурашидхонов (1937) қатагон йилларнинг қурбони бўлди.

## **Мунавварқорининг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари**

Мунавварқори Абдурашидхонов ўз педагогик қарашларида таълим-тарбия ва маорифни ислоҳ қилиш жамиятда миллий ривожланиш ва Ватанни босқинчилардан озод қилишнинг асосий омили бўлиши кераклиги ғоясини олға сурди.

Мунавварқори болалар тарбиясида фақат ота-оналар эмас, балки муаллим ва кенг жамоа жавобгар эканлигини айтиб, улардан болаларни ахлоқли қилиб тарбиялашни талаб этди. У ёшларни билимларни пухта эгаллашга, меҳнат қилишга, умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлишга чорлади, ота-оналарни фарзандларида маънавият, нафосат, гўзаллик туйғусини ривожлантиришга даъват қилди.

## Мунавварқори ватанпарварлик тарбияси ҳақида

Мунавварқорининг фикрича, Ватанни севиш, унинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилиш ва билимларни эгаллаш шарт. Билимсизлик нодонлик, ялқовлик демакдир. У ёшларга хитоб қилиб дейди:

*Қўзғолингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи,  
Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз мактаб боғи.<sup>1</sup>*

Мунавварқори болалар қалбига Ватан туйғусини сингдириб, уларни фуқаролик бурчларини самимий эътиқод билан адо этувчилар қилиб камол топтиришни талаб этди:

*Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб сендан иш кутадир,  
Сени кўргач ишсизликни ҳасрат чекиб қон ютади.  
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,  
Айт ёвингга сўнг сўзингни...<sup>2</sup>*

Мунавварқорининг фикрича, ёш авлодни тарбиялаш билангина миллатни уйғотиш, Ватанни озод қилиш, халқ маънавиятини юксалтириш, турмушни фаровонлаштириш мумкин. Адиб ёшлигидан болаларда меҳнатга қизиқиш, гайрат, жасорат фазилатларини тарбиялашни тавсия этади, ёшларни бу фазилатларни эгаллашга чорлаб деди:

*Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар,  
Юрт обрўсини ёшлар сақлар.  
Тирик бўлсанг, қўзғол, ўртоқ,  
Қўлга ишни тез ол, ўртоқ.<sup>3</sup>*

## Мунавварқори педагогик қарашларининг аҳамияти

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг улуғ мутафаккир олим ва педагог сифатида халқ маорифи тизимини ислоҳ қилиш, халқни, миллатни илм-маърифатли қилиш, Ватан озодлиги учун

---

<sup>1</sup> Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар. Т. «Фан», 1996, 272-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 273-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 273-бет.

фидоий бўлиш, ёшларни замонавий илм-фанни эгаллаган баркамол инсон қилиб етиштириш ҳақида билдирган фикрлари ўз даврида қанчалик аҳамиятга эга бўлган бўлса, ҳозирда ҳам шундай аҳамиятлидир.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

### Ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти

Абдулла Авлоний 1879 йилнинг 12 июлида Тошкентда Мерганча маҳалласида дунёга келди. Отаси Миравлон ака асли қўқонлик бўлиб, майда ҳунармандчилик — тўқувчилик билан шуғулланган.

Абдулла 7 ёшида Ўқчидаги эски мактабда, 1890 йилда мадрасада ўқиди, сўнг Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасида таҳсил кўрди.

1904 йилда Мирободда усули жадид мактабини очишга муваффақ бўлди. 1907 йил 4 декабрда унинг муҳаррирлигида «Шуҳрат» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Авлоний 1909 йилда «жамияти хайрия» очди ва маҳаллий халқ болаларининг ўқиб, билим олиши учун пул йиғиб, мактабларга тарқатади.

Мактаб иши, халқ орасига маърифат тарқатиш Авлонийнинг октябрь ўзгаришигача бўлган фаолиятининг бош йўналишини ташкил қилди. Аммо, Чор мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириб бораётган ўлка маъмурияти 1908 йилда мактабни ёпди.

Авлоний 1909 йилда Дегрез маҳалласида янги мактаб очади, 1909—1917 йиллар давомида унинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони», 6 қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами нашр этилди. Авлонийнинг педагогик қарашлари, асосан ана шу асарларда ўз ифодасини топди.

Авлоний октябрь ўзгаришларидан кейин педагог-олим сифатида қизгин иш олиб борди. 1921 йили Тошкентдаги ўлка ўзбек билим юртида, 1923 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудар, 1924 йилда ҳарбий мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1925-30 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКСХШ), Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)да дарс берди. 1931 йилда САГУнинг тил билими кафедраси бўйича

профессорликка тасдиқланди. Илмий ходимлар секциясида, Ўздавнашрда, Республика терминология комитетида, Давлат илмий кенгашида масъул вазифаларда ишлади. 1933 йилда ўлкада янги мактабларнинг VII синфи учун «Адабиёт хрестоматияси»ни тузиб нашр эттиради.

Авлоний 1925 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвонига, 1930 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори» деган фахрий номга сазовор бўлди. Ижоди ва фаолияти камол топган, гуллаб турган бир пайтда 1934 йил 25 августда вафот этди.

## **Авлонийнинг Ватан ва ватанпарварлик ғоялари**

Абдулла Авлонийнинг фикрича Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғудир. Ватан дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш — фарзанднинг муқаддас бурчидир. Авлоний дейдики: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳри ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси — туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат, яшамас. Майшати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар».

Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фақат фусункор табиатини, боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас.

«Биз, — туркистонликлар — дейди Авлоний, ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурар эди. Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл, демишлар».<sup>1</sup> Ватанни, у қандай бўлмасин, севиш керак.

---

<sup>1</sup> Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар. Т. «Фан», 1996, 51-бет.



## Авлоний ахлоқ тарбияси ҳақида

Абдулла Авлонийнинг фикрича, ахлоқ — бу хулқлар мажмуидир. Хулқ эса, кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишида ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади.

Авлонийнинг таъкидлашича, ахлоқ тарбияси хусусий иш эмас. Бу тарбия ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Авлоний яхшиликни улуг фазилат ҳисоблайди, инсонларни бир-бирларига яхшилик қилишга даъват этади. У дейди:

*Яхшилик қилсанг, бўлуру жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.  
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,  
Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.<sup>1</sup>*

Авлоний сахийлик, раҳм-шафқат, хушфезллик, хушмуомалаликни ҳам энг яхши инсоний фазилатлар ҳисоблайди. Сахийликни олқишлаб, бу хислат инсонга олқиш мушарраф этишини қуйидаги воқеа мисолида баён этади: Саид мактабга кетаётганда йўлда бир кишини учратади. У киши дейдики: «Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам, устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ», — дейди. Саид фақирнинг... ҳолига раҳми келуб, атоси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир... офарин қилуб йиғлай-йиғлай дуолар қилуб кетди. Саид... уйига борган замон қилғон ишини отасига сўзлади. Отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлиб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар куни йигирма тийиндан берурга ваъда қилди, уни олқишлади.

Авлоний такаббурлик, манманликни инсон бошига ёмон оқибатлар келтирувчи иллат сифатида қоралайди. Бунга «Жанжалчилик зарари» ҳикоясида икки эчки воқеаси мисолида баён этади.

---

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Биринчи муаллим. Т., 1915, 37-бет.

## Авлоний дўстлик ва меҳнат тарбияси ҳақида

Абдулла Авлоний ўз педагогик қарашларида дўстлик ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор беради. У ҳақиқий дўст орттириш ёшлиқдан бошланишини, бу сифатларни болага ёшлигидан сингдириб бориш зарурлигини айтади.

Авлонийнинг фикрича, меҳнат кишини бахтиёр ва саодатманд этадиган, унга шуҳрат олиб берадиган қандайдир гайритабiiий қудрат эмас. Балки, меҳнат ўз номи билан меҳнат. Бинобарин, у кишидан куч ва ирода талаб этадиган фаолиятдир.

Авлоний тарбияни кенг маънода тушунади, уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. «Соғ танда соғ ақл» деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. У боланинг соғлиги ҳақида қайғуради. Унинг таъкидлашича, «баданнинг саломат ва қувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур».

## Авлоний виждонийлик ҳақида

Абдулла Авлонийнинг виждон ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. «Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладургон ҳиссиёт, яъни сезув, туймакдан иборат маънавий қувватни айтилуp. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойда ва зарарлигини ондак виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб, билмак ила баробар, бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлагон иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур...

Виждон яхши хулқларнинг манбаи ўлдигиндин виждон соҳиблари ҳар бир ишни бегараз, холис ният ила ишлар. Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлуp...»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> А. Авлоний. Тошкент тонги. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979, 258-бет.

## Авлоний тил ва сўз ҳақида

Тилга, маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. Авлонийнинг уқтиришича, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур.

Авлоний сўзнинг инсон қадр-қимматини белгилашдек мавқега умуминсоний нуқтаи назардан баҳо берди. Тил ва сўз одоби ҳақидаги фикрларини шундай ифодалади: «...сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозисидур. Ақл соҳиблари кишининг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар».<sup>1</sup>

Авлоний ростгўйлик ва тўғрисўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан бири сифатида баҳолади.

У дейди: «Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилар. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг оноси ҳаққониятдур...»<sup>2</sup>

Кишиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, дунёдаги барча инсонларга эзгулик истаги билан яшаш чинакам олижанобликдир. Одамлар умр бўйи бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Ўзаро ёрдамга, ҳамкорликка ҳожат сезадилар. Шундай экан, ростгўйлик, тўғрисўзлик инсонлар ҳаётида катта аҳамият касб этади.

## Авлоний илм ва билиш ҳақида

Абдулла Авлонийнинг фикрича, инсонни камолотга етказишда бош омил бўлган ақл илм ва тажриба туфайли ривожланади. Илм олиш риёзат чекишни, сабъ-ғайратни талаб қилади.

Адиб илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини англашга чорлайди. У айниқса, китоб

<sup>1</sup> А. Авлоний. Биринчи муаллим. Т., 1915.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 260-261-бетлар.

мутолаа қилишнинг фойдаси қатта эканлигини, унда ҳикмат кўплигини завқ-шавқ билан гапиради. Абдулла Авлонийнинг фикрича, дунёда китобдан яхши дўст йўқ.

Абдулла Авлоний кишининг илм олишини энг юксак фазилат ҳисоблайди. Унинг айтишича, илм агар жамият манфаати-га хизмат қилмаса, илм халқ фаровонлиги йўлида қўлланилмаса, у ўликдир. Шунинг учун ҳам, адиб халққа кўпроқ нафи тегадиган илм-хунар билан шуғулланишни таклиф этади.

Адиб илмнинг амалий аҳамиятини чуқур таҳлил этади. Унинг фикрича, ҳар бир киши бирор илм, хунарни эгаллар экан, уни ҳаётда қўллай билиши даркор, ана шундагина илм-хунарнинг жамиятга нафи тегиши мумкин. Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларни доно инсонлар, деб ҳисоблайди.

### **Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг аҳамияти**

Абдулла Авлоний атоқли педагог, мураббий сифатида бутун ҳаётини маърифат ривожига бахш этди. У ўз илмий асарлари, дарсликларида Ватан, ватанпарварлик, илм-хунар, ахлоқ-одоб, маърифат, инсон камолоти, жамият ривожига ҳақида фикрлар баён қилди.

Абдулла Авлоний кишиларни яхшиликка ундаш, дунёдаги барча инсонларга нисбатан эзгулик истаги билан яшашни чинакам олижаноблик ҳисоблайди. Унинг бу педагогик фикритаълимоти миллий педагогика тарихи ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Авлоний баён этган фикрлар ҳозирги давр таълим ривожига ҳам хизмат қилмоқда.

## **АБДУРАУФ ФИТРАТ**

### **Ҳаёти, маърифий-педагогик фаолияти**

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода савдогар оиласида таваллуд топади. Отаси Абдураҳимбой ўқимишли, дунёвий воқеалардан хабардор киши бўлган.

Фитрат бошлангич билимни Бухорода эски мактабда олди, кейин Мир Араб мадрасасида ўқиди. Сўнгра Бухоро «Хайрия

жамияти» йўлланмаси билан 1909-1913 йилларда Истамбул до-рилфунунида таҳсил олди. Истамбулда у форсий тилда «Муно-зара» (1911 й.), «Сайҳа» (1911 й.), «Сайёҳ ҳинди» (1912 й.) асар-ларини ёзди.

Фитрат 1914 йилда ўқишни тугатиб Бухорога қайтгач, Бухо-ро халқ жумҳурияти муассасаларида ишлади, «Раҳбари нажот» (1915 й.), «Ойна», «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Мус-лим» асарлари чоп этилди.

Фитрат Туркистонда янги мактаблар очиб, уларни янги дас-тур ва дарсликлар билан таъминлаш ҳақида қайғурди.

Фитрат Туркистон мактабларида жиддий ўзгариш бўлиши, ўқувчиларга замонавий, дунёвий билим бериш кераклигини, халқнинг ижтимоий, маърифий онгини ошириш зарурлигини, маърифат бахт-саодат, миллий тараққиёт ва истиқлол замини эканлигини таъкидлади.

Фитрат 1917 йилда Бокуда «Ўқув» китобини нашр этира-ди. 1918 йилда Тошкентга келди. Бу ерда Туркистон халқ до-рилфунунида, Тошкент давлат педагогика институтида, Ўзбе-кистон Фанлар қўмитаси қошида тузилган илмий-тадқиқот ин-ститутида Шарқ мумтоз адабиёти тарихи ва она тилидан дарс берди. Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий билан ҳамкорлик-да «Она тили» дарслигини ёзади.

Фитрат 1922 йилда Бухоро Халқ Республикасининг маориф нозири вазифасида ишлаб, ўзбек ва тожик, туркман, маҳаллий яҳудий болалари учун мактаблар очиш, муаллимлар учун қўлланмалар яратиш билан шуғулланди.

1923—1924 йилда Фитрат Москвадаги Шарқ тиллари ин-ститутида ишлаб, илмий тадқиқот билан шуғулланди.

1924—1926 йилларда унинг «Абулфайзхон», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арслон» драматик асарлари нашр қилинди.

Фитрат ўз ижодий ва педагогик фаолиятида, яратган илмий ва бадиий асарларида Ватан, халқ, миллат эркинлиги, фаро-вонлиги ҳақидаги орзуларини, таълим ва тарбия ҳақидаги қарашларини ифодалади. У Туркистонда ва бошқа шарқ ўлка-ларида атоқли олим, маорифчи ва устоз муаллим сифатида шуҳрат қозонди.

Абдурауф Абдураҳимбой ўгли Фитрат миллатчиликда айб-ланиб, 1938 йил 5 октябрда қатл этилди.

## Фитратнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари

Абдурауф Фитрат Ватанни севди, Ватанни бизнинг вали-неъматимиз деб билди.

Фитрат ўз асарларида Ватаннинг гўзаллигини тасвирлаб дейди:

*Қардошларим, мана, сизга бир ўлка —  
Ким, топилмас ер юзида сингари.  
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоҳлар,  
Жон сувидан етишгандир гуллари...<sup>1</sup>*

Фитрат ўз ватандошларини азиз диёри Туркистонни севишга, уни асрашга чорлади. У ёшларга хитоб қилиб, уларни шу Ватан ва миллат саодати, бахти, равнақи учун фидойилик кўрсатишга, жасоратли бўлишга даъват этди:

*Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.  
Ўйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда  
Бу юрт учун қутулишининг борлигин кўрдим.  
Турма — югур, тинма — тириш, буқилма — юксал.  
Ҳуркма — кураш, қўрқма — ёпиш, йўрилма — қўзғал.<sup>2</sup>*

Фитрат «Хуррият» газетасида эълон қилган бир мақоласида шундай ёзади:

«...ҳар бир киши ўз кучи ва имкониятларига ишониши лозим. Кимки ўз кучига ишонмай, орзу қилган мақсадларига интилса, у, албатта, ярим йўлда йиқилиб қолади. Кимки ишонса, у, албатта, бошлаган ишини охирига олиб боради. Инсонга хос бу ҳис-туйғуларни биз миллатда ҳам кўрамиз. Ўзининг миллий кучларига ишонмайдиган миллатлар, албатта, пароканда бўлади. Ўз интилишларини амалга ошириш учун ташқаридан ёрдам кутаётган халқ секин-аста жарлик қаърига ағанайди...»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Чин севги. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 34-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 36-бет.

<sup>3</sup> «Хуррият» газетаси, 1917, 4-август.

Фитрат 1917 йил феврал ва октябр инқилоби оралиғида миллий кучларнинг бирликка интилиши ҳақида фикр билдириб, уларга хитоб қилиб деди:

«Туркистон мусулмонлари, келинг, Аллоҳ номи билан, пайгамбар, дин, миллат номи билан бирлашайлик: биздаги мавжуд даъволар ва синфий бўлинишларга кўзимизни юмайлик. Ислоннинг бош амри номи билан, биродарлик ва бирлик номи билан, Аллоҳ учун, дин, ватан ва миллат учун биз барчамиз — жадидлар, қадиммийлар, мулла ва бойлар бирлашайлик, бир жойга йигилиб, бир-биримизга ёрдам берайлик».<sup>1</sup>

### **Фитрат илм-маърифатнинг моҳияти ҳақида**

Фитрат илм-маърифатнинг жамият тараққиёти ва инсон камолоти, маданият ривожиди муҳим аҳамиятга моликлигини юқори баҳолади.

Фитратнинг «Ўқув» китобидан ўрин олган «Имом Ғаззолий» номли ҳикояда баён қилинишича, Имом Ғаззолий Бағдод шаҳрида бир мадрасада ўқиб, уни тугатгач, китобларини хуржунга солиб, отга юклайди ва ўзи ҳам миниб, ўз шаҳарига йўл олади. Тоғ тепасига чиққанда қароқчиларга йўлиқади. Қароқчилар бутун бойлиги, китобларини олиб, уни яланғоч ҳолда қолдирадилар. Имом Ғаззолий уларнинг кетидан кета беради. Шунда бош қароқчи орқасига қараб, уни кўргач, орқаларидан бормаслигини, йўқса, бошини олишини айтади.

Ғаззолий ўтиниб китобларини қайтариб беришларини сўради. Китоб бўлмаса билимсиз бўлиб қолишини айтади.

Қароқчилар бошлиги унинг сўзларига кулиб, ўн йил тиришиб ўқиганларингни нега кўнглингда жойлаштирмадинг? Ўрганган нарсаларингни кўнглингда сақласанг эди, бу китобларнинг йўқолишидан сенга зарар келмас эди, деб китобларини қайтариб беради ва яна йўлда бошқалар қўлингдан олса, яна билимсиз қоласан, дейди.

Ғаззолий қароқчининг бу сўзларидан ибрат олиб, Бағдодга келгач, китобларни қайта бошдан ўқиб, ўқиганларини юрагига жо қилиб, сақлайди.

---

<sup>1</sup> «Хуррият» газетаси, 1917, 15-июн.

Фитрат бу ҳикояда қароқчилар бошлиги билан Имом Ғазолий ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб орқали ўқиш, билимни эгаллаш китоб йиғиш, тўплаш эмас, балки китоблардан олган билимни мияга, юракка жойлаш кераклигини таъкидлади. У маънавий бойлик ва гўзаллик негизи инсоният яратган тафаккур дурдоналарини онгга сингдириш, жойлашдан иборат, деган ғояни олга суради.

### **Фитрат инсон камолотида ақлнинг раҳнамолиги ҳақида**

Фитрат инсон камолотида оила, жамоа муҳим ўрин эгаллаши ва ақлнинг комил бўлиши, ахлоқий поклик, донишмандлик, шижоатлик, адолатлик каби инсоний фазилатларни улуғлади, инсон ақлий қувватнинг натижасисиз, ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга эриша олмаслигини таъкидлади. Бу соҳада ўқитувчилар раҳнамолик қилишлари кераклигини айтиб, ўқитувчиларга муурожаат қилди, уларни турк элига тўғри йўлларни кўрсатишга чорлади:

*Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,  
Эл кўзин олган қоронғу пардаларни йиртқали.  
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,  
Тўпланайлик турк элига тўғри йўллар очқали.<sup>1</sup>*

Фитрат учун миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятлардан улуғдир. Унинг таъкидлашича, одамлар қандай дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир отанинг фарзандларидирлар, бир жинсдирлар. Демак, улар ўзаро аҳил бўлмоқлари керак.

### **Фитрат педагогик қарашларининг аҳамияти**

Абдурауф Фитрат ўзининг илмий, адабий, маърифий асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини баён этди, маърифатни кенг ёйишни ўзининг виждоний бурчи деб билди.

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Чин севги. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 37-бет.



✓  
Фитрат Ватан равнақи, халқ, миллат озодлиги, фаровонлиги учун курашди. Бу йўлда ўзи фидойилик тимсоли, намунаси бўлди, ёшлар ҳақида қайғуриб, уларни жисмонан соғлом, илм-фан соҳиби қилиб камол топтириш хусусида фикр билдирди. Унинг ватанпарварлик, халқпарварлик, илм-фан тараққиёти ҳақидаги гоялари ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

## **ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ**

### **Ҳаёти ва педагогик фаолияти**

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди. У ёшлиқдан ўқишга берилиб, 12 ёшида хат-саводли бўлади. 1906 йилда мадрасага кириб ўқиди, кейин мустақил равишда Лutfий, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларини ўқиб ўрганди.

Ҳамза Ҳақимзода 1911 йили Қўқоннинг Ҳожибек гузаридида мактаб очиб, болаларни ўқитади. Ўқувчилар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ўқув кўлланмаларини яратади.

Ҳамза Ҳақимзода 1913 йилда Афғонистон ва Ҳиндистонда, сўнг Макка, Мадина, Шом (Сурия), Байрут, Истамбул, Одесса шаҳарларида бўлиб, 1914 йилда Қўқонга келади. У 1915 йилда Шоҳимардонда мактаб очади, болаларга дунёвий фанлардан дарс беради. 1915—1916 йилларда «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул» шеърӣ тўпламларини, «Миллий роман ёхуд янги саодат», «Заҳарли ҳаёт» драматик асарларини яратади, уларда ўз педагогик қарашларини ҳам баён қилади.

Ҳамза Ҳақимзода Шоҳимардонда маърифат душманлари томонидан 1929 йил 18 мартда ўлдирилади.

### **Ҳамза Ҳақимзоданинг маърифатпарварлик гоялари**

Ҳамза Ҳақимзода ўз педагогик қарашларида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, маорифнинг янги тизимини яратиш гоясини изҳор этади. У ёшларни баркамол қилиб етиштириш тарбияга боғлиқлигини айтади. Унинг фикрича, мактаб болаларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак, мактабда дунёвий фанлар ўқитилиши лозим.

## Ҳамза Ҳакимзода ақлий ва ахлоқий тарбия қақида

Ҳамза Ҳакимзоданинг таъкидлашича, ақлий тарбияда болалар табиат ва жамият қонун-қоидаларини, табиат ҳодисаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини билиши керак. Шундагина болалар жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган бўлиб етишадилар. Унинг уқтиришича, ахлоқий тарбияда болаларда инсонпарварлик туйғусини ривож топтириш керак. Зеро, инсонпарвар инсонгина кишиларни, ота-онани қадрлайди, инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилади, уларга ҳурмат-эҳтиромда бўлади.

Ҳамза Ҳакимзода болаларни ота-онани ҳурмат қилишга даъват қилар экан, оналар кўрсатган меҳрибонликни, гамхўрликни уларга уқтириб дейди:

*Парча гўшт эрдик туғилган вақтимиз,  
Онамизнинг бағри бўлди тахтимиз...  
Икки-уч йил бағри узра кўтариб,  
Катта қилди ўзи меҳнатда ҳориб,  
Жону дилда асради бизни суюб  
Деди бизни, бошқа орзуни қўюб...  
Яъни йўқ бизга онадек меҳрибон,  
Синага қалқон, бош узра соябон.  
Биз ҳам лозим ани шод айламак,  
Бизга қилган хизматин ёд айламак.<sup>1</sup>*

✓ Ҳамза Ҳакимзода тарбияда болада тўғрисўзлик, ростгўйлик хислатини шакллантиришга аҳамият бериш кераклигини айтади.

Унинг таъкидлашича, «Тўғри сўзли кишилар ҳар жойда эътиборли, дили, юзи равшан бўлур. Тўғри сўзли кишилар ҳар доим иззат ва ҳурматда бўлурлар. Тўғри сўз шарафидан нажот топмоқда зўр ишончли бўлур».<sup>2</sup> Ҳамза ёшларни тўғри сўзли бўлишга даъват этиб дейди:

*Тўғри сўзла, эй ўғил, тил бурмағил ёлғонга ҳеч.  
Бир масал бор: «Тўғри сўзлар бошини кесмас қилич».<sup>3</sup>*

<sup>1</sup> Ҳамза. Сайланма. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979, 90-бет

<sup>2</sup> Ҳамза Ҳакимзода. Қироат китоби. 1914, 19-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 2-бет.

Ҳамза Ҳақимзода ўз педагогик қарашларида болаларда сабр-лилик хислатини ривож топтиришга ҳам эътибор беради. Унинг таъкидлашича, «Сабрли кишилар ҳар ерда иззатлик, ҳар ким қаршисида ҳурмат ва обрўли бўлур. Сабрли кишиларни ҳар ким севар ва чин кўнглидан дўст тутар».<sup>1</sup>

### **Ҳамза Ҳақимзода оила муҳитида бола тарбияси ҳақида**

Мутафаккир шоир ўз педагогик қарашларида оила муҳитида болани тарбиялаш масаласи алоҳида ўринда туради. Ҳамза Ҳақимзоданинг фикрича, бола баркамол инсон, гўзал ахлоқли бўлиб етишиши учун оилада соғлом муҳит, тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлиши керак. Шундагина оилада бола ахлоқли, гўзал хулқли, жамиятга, халққа муносиб фарзанд бўлиб етишади.

### **Ҳамза Ҳақимзода педагогик қарашларининг аҳамияти**

Ҳамза Ҳақимзода ўз маърифатпарварлик ва ижтимоий фаолиятида ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларнинг илм-фанни ўрганиб, инсонпарвар, гўзал ахлоқли бўлиб камол топишлари хусусида билдирган фикрлари ўз даврида қанчалик аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги даврда ҳам шунчалик қимматлидир.

## **АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ**

### **Ҳаёти ва адабий-маърифий фаолияти**

Ўзбек адабиётининг буюк намоёндаси Абдулла Қодирӣ 1894 йилда деҳқон оиласида таваллуд топди. Мусулмон ва рус-тузем мактабида ўқиди, 1918—1924 йилларда Тошкент Эски шаҳар озуқа кўмитасида саркотиб, «Озиқ ишлари» газетасининг муҳаррири, касабалар уюшмасида саркотиб, «Инқилоб» мажмуасида ходим, «Муштум» журналининг таҳрир ҳайъати аъзо-

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 25-бет.

си бўлиб ишлади. 1925-1926 йилларда Москвада Валерий Брюсов номли адабиёт институтида таълим олди.

Абдулла Қодирий 12 ёшидан ижодий иш билан шуғулланди. «Жувонбоз», «Бахтсиз куёв» драмалари, «Улоқда» ҳикояси нашр этилди, «Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди» туркумида сатирик ҳикоялари босилди. 1926 йилда «Ўтган кунлар», 1929 йилда «Меҳробдан чаён» романлари, 1934 йилда «Обид кетмон» қиссаси нашр этилди.

«Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди, олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди» (Е. Э. Бертельс. Шарқшунос олим.).

Абдулла Қодирий тилшунос олим, забардаст таржимон эди. У Н.В. Гоголнинг «Уйланиш», А.П. Чеховнинг «Хамелеон» асарларини ўзбек тилига таржима қилди. «Тўла русча-ўзбекча сўзлик»ни тузишда иштирок этди.

Атоқли адиб Абдулла Қодирий (1937-1938) қатагон йилларнинг қурбони бўлди.

### **Қодирийнинг халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари**

Абдулла Қодирий ўз педагогик қарашларида миллатпарварликни улуғлади, ҳар бир одам ўз халқи ва ватанига хизмат қилиши, халқ ва миллат манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиши кераклиги ғоясини олга суради. Адибнинг фикрича, ҳар бир инсон миллатнинг бир қисмидир. У ўтганлар ва келгуси авлод олдида масъулдир. У ўзининг кимлигини, яшаётган заминига, ватани тупроғига такрор ва такрор янги авлодлар келишини унутмаслиги керак. Халққа мусибат келтирувчи фо-сиқларга шафқатсиз бўлиш лозим.

«Ўтган кунлар» романининг бош қаҳрамони Юсуфбек ҳожи Тошкент шаҳар ҳокими Азизбекдан юртга ўттиз икки тангадан солиқ солишга қарор қилганини эшитгач, унга: «юрт етмиш кун қамал кечирди. Онадан туғма азоблар, очликлар ўткарди

ва ўткармоқда. Менга қолса бу кунларда ўттуз икки танга эмас, ўттуз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беш-ўн кун орқа-ўнгини олсин»,<sup>1</sup> — деб уни алодатга чорлайди.

Азизбекнинг газаб билан айтган сўзларини эшитиб, инсон зотига номуносиб хатти-ҳаракатларини кўргач, саройдан чиқиб, от устида борар экан, бошига тушиши мумкин бўлган ўлимни кўз олдига келтирган ҳолда, ўзича сўзлаб боради: «...Мен қон-хўрлик учун худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлим бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида қўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор».<sup>2</sup>

Юсуфбек ҳожининг виждони пок, диёнатли эканини яхши билган халқ, унинг даъвати билан курашга отланади, Азизбекни орадан кўтаришга фотиҳа ўқийди, уни ўлимга маҳкум этади.

Абдулла Қодирий ота-она учун қайғуриш, дўстларга садоқатда бўлиш, марҳумларни хотирлаш, беморларга ҳамдард бўлиш, моддий ва маънавий муҳтожларга хайрихоҳлик кўрсатиш, ҳаётда иймонли, диёнатли, эътиқодли бўлишни улуг инсоний фазилат — инсонпарварлик ҳисоблайди ва одамларни шундай фазилат соҳиби бўлишга даъват этади, бу ҳақдаги фикрларини Юсуфбек ҳожи ва Отабекнинг ижтимоий фаолиятларида, ўзаро суҳбатларида ифодалайди.

Отабек ўз отасини Мусулмонкул топшириги билан қипчоқларни қиргин қилинишининг бош омиллардан бири деб айблаганда, Юсуфбек ҳожи унга дейди: «...хафа бўлма, ўғлим... Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғувчи биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун (дафн қилинган) Туркистонимизни... Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъунамо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни етим, хоналарини вайрон қилғувчи зolimлар қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 105-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 106-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 146-бет.

## Қодирий адолат, ахлоқий-маданийлик ҳақида

Абдулла Қодирийнинг фикрича, адолат фақат давлат сиёсатида эмас, балки оила муҳотида ҳам барқарор бўлиши керак. Шундагина юртда ҳам, оилада ҳам тинчлик, осойишталик, аҳиллик мустаҳкамланади, барқарорлашади. Адиб адолатни ахлоқий бойлик ҳисоблайди.

Юсуфбек ҳожи она билан ўғил ўртасидаги низони бартараф этиш ниятида Маргилондаги қудаси Мирзакарим қутидорга ўз ҳурмат ва эҳтиромини изҳор этиб мактуб йўллайди, ундан онасининг талабини мулоҳаза қилиб кўришни ва Отабекни кўндиришни ва у билан бирга Тошкентга келиб, ўз қўллари билан тўйни ўтказишни илтимос қилади.

Юсуфбек ҳожи Ҳомид фожеасидан хабардор бўлгач, Отабекка дейди: «Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим, дегин?!» «Одам ўлдириш учун сени ким зўрлаб мажбур қилди?». Ҳожи саволларига жавоб олгач, «Бизни кечир, ўғлим!» деб лабини тишлаб, бошини чайқади ва деди: «Хом сут эмган бандамиз!... Ота-онасидан ҳам сир сақлаган бир йигитни ўз ўғлим бўлиб чиққани менга қизиқ кўринадир... Шунчалик ишларни қилиб, нега охирида қайин отангга йўлиқмай келдинг?»<sup>1</sup> — саволига Отабекдан: «Шунга мажбур эдим», — жавобини олгач, Маргилондан қудалари Тошкентга келаётганини маълум қилади.

Абдулла Қодирий ўзбек халқига хос қадимий яхши бир одат меҳмондўстликни улуғлайди, эр кишининг аёл билан кўришиш одобини гўзал анъана, нафосат рамзи, инсоний поклик ва улуғворлик сифатида қадрлайди.

Юсуфбек ҳожи ўзбекона кийиниб... очиқ чехра, самимият билан қудаларини қарши олади. Қудачаси Офтоб ойим билан сўрашар экан: «Баракалла синглим! Ҳайтовур чарчамай келдиларингми, мен сизларни овора қилдимов»,<sup>2</sup> — деб кулиб узр айтади. Ўз олдида салом бериб, бўйин эгиб турган Кумушнинг елкасига қўли билан аста қоқиб суяди ва манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпади: «Бизни шунчалик сийлаб келибсизлар, бу яхшиликларингиз биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Олло

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 295-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 312-бет.

таоло ёшларга тинч ва баракатли умр берсин... Илоҳим тақаб-бул, дуо!»<sup>1</sup> — дейди. Ҳамма дуога юз сийпашади.

Адиб бу маънавий қадриятларни одамлар, халқлар ўртасида дўстлик, меҳр-оқибатлилик, тинчлик ва фаровонликни юзага келтирувчи муҳим восита ҳисоблайди. Шу туфайли ҳам, романда адиб Мирзакарим қутидор оиласи ва бу оилада бўлган никоҳ тўйни, Юсуфбек ҳожи хонадонида қудаларни кутиб олиш маросимини меҳр билан батафсил тасвирлади.

Абдулла Қодирий халқимизнинг меҳмонга жон фидо этишини эъозлайди, бу инсоний фазилатни Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойимнинг қудаларига кўрсатган меҳр-оқибатида намоён этади: Юсуфбек ҳожи қудалари келаётганидан хабар топгач, Отабекка тўрдаги уйни бўшатиб, полос ёзиш кераклигини, уларни сийлаб, ҳурматларини бажо келтиришни айтади. Йироқдан қудаларни кузатиб кириш учун Ҳасанали йўл устига чиқарилади.

Ўзбек ойим қудаларини кўнгилдагидек кутиб олиб, иззатларини жойига қўйишга тайёргарлик кўради. «Севинчи беринг, бек буви, келинойим келдила» деб келган болага беш-ўн пул беради.

Ўзбек ойим қудачаси Офтоб ойим билан саломлашиб, қучоқлашиб кўришади. Кумушни қучоқлаб, юзидан ўпиб, айланиб ўргилади, у билан Офтоб ойимни уйга бошлаб, юқорига таклиф қилади.

Йигирма кунлик меҳмондорчиликдан сўнг Маргилонга кетишга отланишганда Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Отабек, Кумуш уларни иззат-ҳурмат билан кузатишди.

Юсуфбек ҳожи ижтимоий фаолият соҳасида қанчалик улғувор, донишманд ва кўркем қиёфада кўринса, ўз хонадонида, кундалик турмуш муносабатларида ҳам шунчалик вазмин, сипо ва нуруний бир қиёфада намоён бўлади.

Юсуфбек ҳожи кундошлар ораси бузилганини эшитса, иккала келинни олдига чақиртириб, аввало Кумушдан ўпкालаниб: «Ойим, ҳар нима сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим, мундоғ яхши эмас!» ва Зайнабга қараб: «Болам Зайнаб отин! Сиздан ҳам ёшлик гурури кетмаган, лекин маним болам бўлгонлигингизни сиз ҳам унутманг», — деб,

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 312-бет.

иккисини дуо қилиб бир-бирига салом бердиради, «ана, шундог бўлсин, опоқ қизларим» деб кетишга рухсат беради. Улар кетгандан кейин олдига кирган Ўзбек ойимга, уни сизсираб: «Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз, айниқса Зайнабнинг кўнглига қарашингиз керак, Отабекка ҳам насиҳатингиз лозим... Қайин она деганнинг адл туриши лозим. Зайнаб сиз билан маним орзу-ҳавасимиз?»<sup>1</sup> — деб уни тинчитади.

Юсуфбек ҳожи Кумуш ўғиллик бўлганидан хурсанд бўлади. Аммо табибдан «заҳар ичибди» деган сўзни эшитганда қаттиқ газабланади, заҳарни Зайнаб берганлигини билиб, уйдан ҳайдаб чиқариб, Кумушнинг бошига келиб ўтиради, ўз қўли билан сочларини тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланган манглайини босади: «Ойим... ойим!» — дейди. Кумуш кўзини очиб бесаранжон назар ташлаб, таниб... кўзгалмоқчи бўлганда Ҳожи, «Кўзгалманг, ойим... кўзгалманг!» — деб уни тинчитишга ҳаракат қилади. «Худо шифо берар, болам!» — деб фотиҳа ўқийди.

Мирзакарим қутидордаги миллий урф-одат, анъаналарга мойиллик унинг оила аъзолари билан мулоқотларида ёрқин кўринади. У оилада оталик, эрлик мавқеини сақлаган ҳолда, ҳар бир масалани адолат билан ҳал қилади, рафиқаси Офтоб ойимни ҳурмат қилади, қизи Кумушни маънавиятли, гўзал ахлоқли бўлиб камол топишига аҳамият беради, унинг тақдирини ўйлайди. У ақл-заковатли одамларни қадрлайди, ҳурмат қилади.

Қутидор Зиё шоҳичининг уйида меҳмондорчиликда бўлганда Отабекнинг кенг фикрли, дунё воқеаларидан хабардор, юксак ахлоқ ва маданиятли эканлигини чуқур ҳис қилиб, унга меҳр қўяди. Шу сабабли ўз уйида Отабекни ва унга ҳамроҳ бўлганларни ҳурматли меҳмон даражасида кутиб олишга ҳаракат қилади. Офтоб ойимни огоҳлантириб дейди: «Мен сенга айтиб қўяй... бу кунга бир меҳмон айтган эдим. Чўрингни чақириб меҳмонхонани тозалат. Анави янги қопланган кўрпачаларингни бер, танчага ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдими?... Бор бўлса, яхши. Бир оздан сўнг эт олиб киргизаман. Варақи пишириб қўйингиз!»<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 312-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 30-бет.



Зиё шоҳичи ва Ҳасанали совчи бўлиб келганларида, уларнинг мақсад ва тилаklarини эшитгач, уларга: «Отабек каби бир йигитни ўғил қилиш шарафига ноил бўла олсам, ўзимни энг бахтли оталардан санар эдим,... аммо бу тўғридаги ҳамма ихтиёр ўз қўлимда бўлмай, орада кўкрак сути бериб ўстирган хотин ҳам бор... Бу иш учун ёлғиз ўзим қабул жавоби берсамда, онаси бир чеккада қолдирилса, эҳтимол, пухта иш қимаган бўлармиз...»,<sup>1</sup> — деб ўз узрини айтади.

Қутидор Офтоб оғимга Отабекнинг етти пуштини таърифлаб беради.

Офтоб оғим: «Ўзингиз биласиз», — деб жавоб қилгач, Қутидор совчиларга ўз шартларини айтади, улар қабул қиладилар. Икки ёшнинг муҳаббати, ували-жували бўлишларига дуо қилишади. Қутидор совчиларга заррин тўнлар кийдириб, «Тўнлар муборак», — дейди.

Тўй куни қизлар базми бўлади. Кечки соат бешларда Отабек йигирма-ўттиз чоғли ёш йигитлар билан келади. Хутба ўқилиб, келин ва куёвнинг бирга турмуш қуриш розилиги олинади, уларнинг ҳаққига дуо қилинади, зиёфат бошланади.

Тўйдан кейин, бир йилдан ортиқ вақт ўтганда Мирзакарим қутидор қудаси Юсуфбек ҳожи йўллаган мактубни олиб, Офтоб оғимни воқеадан хабардор қилади. У Офтоб оғим, Отабек ва Кумушдан ризоликларини олгач, Тошкентга келиб, Отабек ва Зайнабнинг никоҳ тўйларида иштирок этади:

Ҳомид фожеасидан кейин Отабек ёзган хатни олиб, воқеадан хабардор бўлгач, Қутидор Офтоб оғимга: «Қизинг ҳар қайси ерда бўлса ҳам соғ бўлсин!... Эрига топшириб, сен билан менинг тинчгина дуо қилиб ўтирганимиз маъқул ўхшайдир!»... «Менга қолса битта-иккита болалик бўлгунча турсин, деяр эдим. Сен бунга кўнмасанг, бир-икки ой туриб келсин лоақал! Бир йигит қизингни деб икки йиллаб саргардон бўлганда, қизингни икки ойлик кундош азобидан ҳайф кўриш уят, ахир!»<sup>2</sup> — дейди қутидор.

Эр ва хотин Тошкентга келишиб, йигирма кун туриб, Марғилонга қайтишга ҳаракат қиладилар, қилган иззат ва икромлари учун раҳматлар айтадилар.

Мирзакарим қутидор ва Офтоб оғим Кумуш вафотининг учинчи куни келиб маъракаларда бўладилар.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 44-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 266-бет.

## Абдулла Қодирий инсонийлик ва севги-муҳаббат ҳақида

Абдулла Қодирий ўз педагогик қарашларида инсонийликни, ҳақиқий севги-муҳаббатни инсон камолоти, ахлоқий покликнинг асоси, омили ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, инсонийлик вафодорлик, шарм-ҳаёлик, номус-орлик, саъй-гайратлилик, тавозелилик, меҳр-оқибатлилик, самимийлик инсоннинг ахлоқий зийнатидир.

Яхши фазилат — гўзал ахлоқнинг инсондаги мужассамидир.

Абдулла Қодирий Отабек ва Кумуш бибида шу ахлоқий зийнатларни мужассамлантиради, йигит ва қизларни гўзал ахлоқ соҳиби бўлишга чорлади. Зеро, гўзал ахлоқли инсонни эл-юрт эъзозлайди, у халқнинг муҳаббатига сазовор бўлади.

Абдулла Қодирий Отабекнинг ахлоқий фазилатларини, севгида содиқлигини Зайнаб ҳақида айтган сўзларида, Ҳасанали билан бўлган мулоқотларида, Кумушга йўллаган мактубларида ифодалаган.

Отабек Марғилонда истиқомат қилиб турган сарой хужрасига келган меҳмонларга чой келтириш учун Ҳасаналини чақиради. У келгач, аввал ундан «Тузукмисиз, ота!» — деб саломатлигини сўради. «Худога шукур» жавобини олгач, чой қайнатиб беришини илтимос қилади. Меҳмон Раҳмат, «Бу киши кимингиз бўлади, бек ака» деб сўраганда, Отабек Ҳасанали хужрадан йироқлашгач, «Қулимиз» деб жавоб беради.

Отабек таниқли савдогар бўлса ҳам, ўзига тобе бўлган қули Ҳасаналига ғоят самимий муносабатда, хушмуомалада бўлади.

Ҳасанали: «Айтинг-чи, мен сизнинг кимингиз» — деб сўраганда, Отабек «Сизми... Отам бўлмасангиз ҳам, мени оталик муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз, яъни маънавий отам» — деб «...бу кунгача сиз ёлғиз менга эмас — бизнинг оиламизга оталик мавқеъида туриб, яхшиликдан бошқани соғинмай келасиз»<sup>1</sup> — дейди у.

Отабек ота-онасининг орзусига розилик берганда, инсонийлик ҳисси устун келиб, севгилиси Кумушнинг бу воқеадан изтироб чекишини ўйлайди. У уйга келин бўлиб тушаётган қизга ачинади, виждони қийналади.

---

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 135-бет.

Отабек ота-онасига дейди: «Мен сизларнинг орзуларингизни бажаришга ҳар вақт ҳозирман. Аммо бир бечорага кўра била туриб жабр ҳам хиёнат... сизнинг олатурган келинингизга ачинаман...».<sup>1</sup>

Отабек Кумушни, у маънавий гўзал, кўнгли «Фаришталар кўнглидек» пок, ўзбек хотин-қизларига хос ифбатли, садоқатли, вафодор, жасур бўлгани учун севади, ўзини дор остидан қутқарган, ўзига янги ҳаёт бахш этган жасур рафиқа ҳисоблайди. Кумушга бўлган севгиси Содиқнинг разиллигини барбод этишда унга қудратли куч багишлайди.

«Унинг учун жон бериш жуда ширин эди — ўзимда кутилмаган бир куч сезган эдим... Мен ўзимга багишланган куч манбаини жуда яхши онглар эдим, мендаги бу ўзгариш манбаи уй ичида ухлағучи бир малак эди... сиз эдингиз!»<sup>2</sup> — деб ёзади Отабек Кумушга йўллаган мактубида.

Хуфтон намозидан сўнг уйда Фузулий шеърларини ўқиб ўтирган чоғида олдиға кирган Кумушнинг кўзларида ёшларни кўриб: «Ким йиглатти сизни?», «Йиглатган мен эмасми?», «Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?», «Сиз кўндингизми, нега?», — деб сўраганда, Кумуш: «Мени унутмайсизми?» — деб жавоб берганда, унинг саволиға жавоб ўрнида ўзича: «Ота-она орзуси...»<sup>3</sup> деб сўзланади.

Абдулла Қодирий разилликни қоралайди. У севгида содиқлик инсонға куч-қувват бахш этишини ва бу куч разиллик устидан ғалаба қозониши муқаррарлигига ишонади. Ҳақиқий севги-муҳаббат қудратли кучдир, дейди у.

Кунлар, ойлар ўтиб, Кумуш Отабекка ўғил тақдим этганда Отабек у ётган уйға кириб «Муборақ бўлсин» деб уни табриклайди. У Кумуш заҳар ичганини билиб, телбаларча югуриб унинг ёниға келиб, юзини очиб манглайини силаб ўпади. Косадаги аталани «Ич муни, ич...!» деб Зайнабға отади, «Кет ифлос, кет, Талоқсан, талоқ!»<sup>4</sup> — деб уни ҳайдайди.

Эртаси кун дафн маросими бўлди. Учинчи кун Отабек, Мирзакарим қутидор ва Офтоб ойим қабристонға боришди. Ку-

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 246-265-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 246-265-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 264-265-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 372-бет.

муш қабри ёнида тиз чўкишди. Улардан бир оз нарида ўтирган қори қуръон ўқиди. Отабек қайин ота, қайин онани уйга келтириб қўйиб, яна қабр ёнига келди ва туни билан шу ерда қолди.

Бир йилдан кейин Отабек уста Олим билан бирга Тошкентга келганда, у билан бир ҳафта туриб, энг сўнгги кеч ёлғиз кўйи Кумуш қабри ёнида бўлади.

Бирор соатдан кейин тиловат тўхталди. Отабек ҳолсизланиб оёқ узра турди. Қабр ёнига тиз чўкди. Эртаси кун Ёдгорбек учун тикилган кийимларни олиб, уста Олим билан Маргилонга жўнади.

Кумуш ҳам Отабекни, у пок кўнгилли, ўзбек йигитларига хос гўзал ахлоқли, жасур бўлгани учун яхши кўради, ҳурмат қилади, унга садоқатда бўлади.

Кумуш Юсуфбек ҳожи юборган хат мазмунидан хабардор бўлгач, ота-онасининг панд-насиҳатларини қабул қилиб, Отабек ўтирган хонага киради, эҳтиром билан: «Мен рози, мен кўндим», «Мен сизга ишонаман» — дейди, ва унга ўзининг ҳамма тилак ва шартлари маъносини жами бўлган «мени унутмайсизми?» сўроғини беради.

Ҳомид воқеасидан кейин Отабек юборган хатни ўқиб, унда ёзилган воқеалар аниқлигини билгач, руҳий азоб чекиб юрган Отабекнинг руҳан азобланиб қайгули ҳолатини ғойибона тасаввур қилган ҳолда: «Бечорани нега ҳайдадингиз-да, нега мени, лоақал ойимни бу келишдан хабардор қилмадингиз? Қизингизни талоқ қилган бир кишини Тошкент деган жойдан эшигингизга келиши сизга ғариб туюлмаганми эди?»<sup>1</sup> — деб отасига мурожаат қилади.

Абдулла Қодирий романда Кумушни хислат тимсоли сифатида тасвирлаб, фақат севгида эмас, балки ақл-идрок, одобда баркамоллигини бувиси вафоти муносабати билан ота-онасига юборган хати намунасида кўрсатади.

Кумуш ўз хатида дейди:

«Ўлим ҳақ, аммо бечора бувим жон берар экан, ёнида туриб дуосини олиб қолмаганим учун кўб ҳасрат чекдим... кўз ёшларим билан юзимни ювдим.

---

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 265-266-бетлар.

Бу кун бешинчи кундан бери раҳматлик бувим арвоҳига атаб қуръон бошладим, хатим қилиб бағишлайман. Худо гарикӣ раҳмат қилсин, сизга сабр берсин. Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг, омин».<sup>1</sup>

## **Абдулла Қодирий педагогик қарашларининг аҳамияти**

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида ифодаланган инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий-маънавий, маданий қадриятлар, ахлоқий поклик ва гўзаллик, адолат ва садоқат, самимий севги ҳақидаги тарбиявий қарашлари миллий педагогика тарихи ривожига қимматли ҳисса бўлиб қўшилди, ёшларда миллий ифтихор, миллий ғурур туйғусининг шаклланиши ва ривожда муҳим аҳамият касб этди.

Юсуфбек ҳожидек табаррук оталар ва уларнинг пурҳикмат панду насиҳатлари ҳозирги кунда ҳам зарурдир.

## **АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ЧЎЛПОН<sup>2</sup>**

### **Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти**

Абдулҳамид Чўлпон 1897 йилда Андижонда Қатортерак маҳалласида туғилди. Отаси Сулаймонкул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли деҳқон ва ҳунарманд ҳам бўлган.

Чўлпон Андижонда эски усул мактабида ўқиди, рус-тузем мактабида ўқиб, рус тилини тўлиқ ўрганди, Андижон ва Тошкентдаги мадрасаларда таҳсил кўради, араб ва форс, турк тилларини мукаммал эгаллади. У бутун умри давомида Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби сўз санъаткорларининг асарларини мутоала қилади.

Чўлпон Туркистонда кенг ёйилган маърифатчилик, жадидчилик ҳаракатининг атоқли намоёндалари Муҳаммадхўжа

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 363-бет.

<sup>2</sup> Чўлпон ҳақидаги мақолани тайёрлашда О. Шарофуддиновнинг «Чўлпон таржимаи ҳолига дастлабки чизгилар» (сўз боши)дан, Д. Курбоновнинг «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» рисоласидан фойдаланилди.

Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов асарларини ўқиб ўрганadi.

Чўлпон 1914 йилдан чиқа бошлаган «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» газеталарида ўз мақолалари билан қатнашади. 1920 йилга қадар «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда хизмат қилади.

Чўлпон 20-йилларда «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Соз» тўпламларини эълон қилади, «Гўзал ёзғичлар», «Адабий парчалар» китобларини нашр этади, 1926 йилда «Ёрқиной» драмасини алоҳида китоб тарзида чоп қилдиради.

Чўлпон 1931-1935 йилларда Москвада СССР МИҚ да таржимон бўлиб ишлаб турганда «Кеча» романини ёзиб тугаллайди, Горькийнинг «Она» романини ўзбек тилига ўгиради. 1935 йил бошларида Тошкентга қайтиб келганда Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» пьесасини, Пушкиннинг «Борис Годунов» фожиасини ва «Дубровский» қиссасини, Эжен Потъенинг «Байналмилал», Робиндранат Тагорнинг «Ҳой, йўловчи қиз», Леонид Андреевнинг «Етти осилган қиссаси», Шекспирнинг «Ҳамлет» асарларини ўзбек тилига таржима қилади. 1936 йилда унинг машҳур «Кеча ва кундуз» романи алоҳида китоб шаклида нашр этилади.

Абдулҳамид Чўлпон миллатчи, аксилинқилобчи деб айбланиб, 1938 йил октябрда отишга ҳукм қилинди, 4 октябрда отилади.

### **Чўлпоннинг маърифатпарварлик, инсонпарварлик гоялари**

Абдулҳамид Чўлпон илк ижодидан бошлаб жадидчилик гояларининг фаол тарғиботчиси сифатида миллатнинг фожеий аҳволи илдизларини жоҳилликда, фарзандларини маърифатли қилмасликда кўради ва ўз адабий, маърифий фаолиятида маърифатпарварлик, инсонпарварлик гояларини намоён этади. Унинг гоялари, жумладан «Ўзбегим», «Виждон эрки», «Кўнгил», «Халқ» ва бошқа шеърларида ифодаланган.

## Чўлпон маърифатпарварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ҳақида

Чўлпон ўзининг маърифий қарашларида миллатни ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳар бир воқеалар моҳиятини аниқ англаб олишга даъват этади, шундай қилгандагина чинакам озодлик учун курашишда хатолик бўлмаслигини айтади. Чўлпон шўро ҳукуматининг «маърифат ҳаромдур сартга» деб халқимизни камситишидан қайғуради ва халқни сохта шиорларга алданмасликка чорлайди. У «Ўзбегим» шеърида:

*Сўлқиллаб келасан, Ўзбегим,  
Маърифат отига отланиб.  
Бир мири топган боладай —  
Оғзингни иржайтиб-суюниб...<sup>1</sup>*

деб халққа мурожаат қилади. Чўлпон, жабр-ситамларга сабр қилиб, «Кўз солиб, ўнгинга, чапинга» қараб юрабермаслик, юзаки ўзгаришлардан қувониб юрмаслик лозимлигини айтади. Чўлпон заминдошларини миллий маърифатни ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқда ёйишга даъват этади:

*Қишлоқда фақирлар кутадур —  
Кечада, кундузда, саҳарларда.  
Билгилким, ҳаётинг, томиринг,  
Ўзбегим, камбағал қишлоқда,<sup>2</sup> —*

дейди Чўлпон.

Чўлпон озодлик кураши давом этишига, халқнинг эрк учун курашиб мустамлакачиларнинг йўқотилишига ишонади. У «Виждон» шеърида юрт озодлиги учун курашга отланганларнинг кўнгли ҳар нарсадан, шахсий манфаатпарастликдан холи, соф бўлиши лозимлигини таъкидлайди. У элга шундай мурожаат қилади:

*Ай тутқинлар, ай эзилган.  
Ай қийналган йўқсил эллар.  
Ай умидсиз, ай чизилган  
Дор олдида... оппоқ диллар!<sup>3</sup>*

<sup>1</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 380-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 380-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 437-бет.

Чўлпоннинг фикрича, зулмкор кучайиб инсонларга эга бўлиши мумкин, аммо виждонга эга бўлолмайди:

*Фақат эркин виждонларга  
Эга бўлмоқ-мумкин эмас!<sup>1</sup>*

деб уқтиради шоир.

Чўлпон келажакка умид билан яшади, элни ҳам умид билан яшашга даъват этди. «Кўнгил» шеърида элни кўнгил мулкидаги эркинлик учун курашга ундади:

*Кўнгил, сен бунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен бунча сустлашдинг?<sup>2</sup>*

Чўлпоннинг таъкидлашича, кўнгил эркинлигини таъминлашнинг ўзигина тугал мақсад бўлолмайди. Кўнгил ташқи олам билан боғлиқ. Мухторият мақомида яшовчи кўнгил ўзини тўлдирган эрк насимларини ташқи дунёга юбориб туриши лозим. Акс ҳолда, чиқиш имконини топмаган насимлар кўнгилни вайрон этади. Чўлпон шундай эътиқод кишисининг, унинг фикрича, «ҳақорат» ва «тубанликлар»га кўникиши кўнгилни ўлдиради. Ташқи дунёдаги бу хил ҳолатларга нисбатан исён қилмаган кўнгил охир-оқибат эркинликдан айрилади — ўлади. Кўнгилнинг яшнаши учун унинг ёниб яшаши, ташқи оламини ҳам, ўзидан андоза олган ҳолда ўзгартиришга интилиши керак.

Чўлпон замондошларига хитоб қилиб дейди:

*Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан.<sup>3</sup>*

Чўлпон халқни денгиз, тўлқин, куч деб ҳис этади. Халқ кўзгалса, уни тўхтатувчи куч йўқлигига ишонади. Унинг уқтиришича, халқнинг истаги ўз ўлкасининг озод бўлишидир, халқ

<sup>1</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 437-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 444-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 408-бет.



юртни ҳар бир нарса билан тўлдиришга, ўзини тўқ этишга қодирдир. Модомики шундай экан:

*Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!<sup>1</sup> —*

деб ўз замондошларини халқ билан бирга бўлишга, мақсадларига эришишда унга кўмакдош бўлишга чорлайди.

## **Чўлпон педагогик қарашларининг аҳамияти**

Абдулҳамид Чўлпоннинг асарларида ифодаланган инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳақидаги фикрлар ўз даври таълим-тарбиясида алоҳида аҳамият касб этди, ёшлар маърифий онги ривожига кучли таъсир кўрсатди, ёшларнинг ўтмиш алломпарварларнинг ҳаёт йўллари, олга сурган ғояларини англаб олишларига ёрдам берди. Чўлпон асарларида ифодаланган маърифий фикрлар ҳозирги ёшларни баркамол қилиб етиштиришга ҳам хизмат қилмоқда, миллий педагогика тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

## **ЭЛБЕК**

### **Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти**

Машриқ Юнус ўгли Элбек 1898 йилда Бўстонлиқ туманининг Хумсон қишлоғида дунёга келади. Бошланғич таълимни уйда олади. 12-13 ёшларида Тошкентга келиб, Эшонхўжа Хоний ташкил этган янги усул мактабида ўқиди. Мактабни битиргач, Шайхонтохур даҳасида Мунавварқори Абдурашидхон мудирлик қилган 6 ойлик Ўлка ўқитувчилар тайёрлов курсида таълим олди.

Элбек Абдурауф Фитрат ва Қаям Рамазон бошчилик қилган янги мактаблар учун тил бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда иштирок этади. 1923 йил 3-9 октябрда Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё ўзбекларининг тил ва имло қурул-

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 408-бет.

тойида Туркистон Республикаси вакилларида бири сифатида қатнашади.

Элбек Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигининг кўрсатмасига биноан Сайфи билан ҳамкорликда «Ўзбекча ўқиш китоби» тайёрлайди, китоб 1922 йилда дарслик сифатида нашр этилади. Кейинроқ унинг бошлангич мактаблар учун «Ўрнак» ўқиш китоби, 1, 2, 3-синфлар учун «Ўқиш китоби», 4-синф учун «Гўзал ёзгичлар» китоби нашр қилинади. Элбек адабиёт-шунослик билан ҳам шуғулланиб, «Фузулий ва Навоий тўғри-сида» каби мақолалар ёзади.

Элбек ўқиш китоблар ёзиш билан бирга мактабларда муаллим бўлиб ҳам хизмат қилади, она тили, ўқишдан дарс беради.

Элбекнинг шоирлик фаолияти ёшлиқдан бошланади, биринчи шеърлар тўплами 1922 йилда «Армугон» номида нашр қилинади. У шеърятнинг турли жанрларида ижод қилди, мумтоз рус адабиёти намояндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Машриқ Юнус ўғли Элбек 1937 қатагон йиллар қурбони бўлди.

### Элбекнинг маърифатпарварлик гоёлари

Машриқ Юнус ўғли Элбек ўз шеърий ва насрий асарларида миллий қадриятларни сақлаш, ёшлар тарбияси, инсон шахси, руҳияти хусусида ҳам фикр билдирди.

Элбек 20—30-йилларда миллий қадриятларимизга гайриинсоний муносабатлар бўлаётган бир пайтда «Бибихоним» шеърини ёзиб, унда одамларни халқнинг тарихий ёдгорликларини «ўтмишдан эсдалик» сифатида сақлаб қолишга даъват этди.

У деди:

*«Ўтмишдан эсдалик», дедим буни мен,  
Чиндан-да эсдалик учун яшар...  
Севикли, муқташам, ҳайбатли бино,  
Емирилиш соатин кутгандай бўлиб,  
Кўринур кўзларга қайғулигина...*

Элбек «Қайси бири бўри» масалида бир кишининг гайриинсоний қилмишини баён этади: бўри чангалида типирчилаб

турган, қутқарилгач бўғизланган қўй «икки кўзи термуриб, жони типирчилаб, ётиб ҳам қўйиб» кишига айтади:

*«... Эй, киши!*

*Бўрими ё айткил энди ким ваҳший?*

*Қутқардинг сен мени бўри илгидан*

*Ҳамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.*

*Энг сўнг ўзингни бўридан-да ўздирдинг,*

*Кўрдим энди, чин бўри ҳам сен бўлдинг».*

Элбек рамзий маънога эга ушбу масалида раҳм-шафқатдан сўнг қилинадиган ёвузликни қоралайди. У одамларни меҳр-оқибатли, мурувватли, раҳмдил бўлишига чорлайди.

Умуман, Машриқ Юнус ўғли Элбек ижтимоий ва бадий ижодда, халқ маорифи ҳузуридаги илмий кенгаш аъзоси сифатида илм-маърифат, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларни эъозлаш ҳақидаги ғоялари билан педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса қўшди.

## **ЕТТИНЧИ БОБ**

### **XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, ПЕДАГОГИК ФИКР**

1917—1990 йилларда ҳукмронлик қилган Шўро сиёсатида асосий эътибор халқни ўз тарихи, миллий маданияти, миллий қадриятларидан, айниқса ёшлар қалбини миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз аجدодлари билан фахрланиш туйғусидан маҳрум қилишга қаратилди; таълим-тарбияда ўқувчиларда коммунистик ахлоқни таркиб топтириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу сиёсат халқни қуллик ҳолига келтирувчи хусусиятга эгаллигини чуқур ҳис этган Қори Ниёзий, С. Ражабов, Ш. Зуннун, Ғ. Ғулум, Ойбек, М. Шайхзода, Ҳ. Олимжон, Зулфия, П. Мўмин, Э. Воҳидов, А. Орипов ва бошқа олим ҳамда адиблар, мустабид тузумнинг қабиҳ сиёсатига бардош берган ҳолда, ўз асарларида эрк, озодлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини баён этдилар. Улар жадидчилик ҳаракати атоқли намояндаларининг замондошлари, издошлари сифатида уларнинг маърифатпарварлик, педагогик фикрлари, ишларини давом эттирдилар.

## ҚОРИ НИЁЗИЙ

### Ҳаёти ва ижтимоий, маърифий фаолияти

Тошмуҳаммад Ниёз ўғли Қори Ниёзий 1897 йилда Хўжанд шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Бошлангич билимни Хўжандда эски усул мактабида олди. Кейин Фарғонада рус-тузем мактабида ўқиди. Сиртдан Петербургдаги «Круг самообразования» нашриётининг табиатшунослик бўлимида ўқиб, уни тугатгач, Фарғона рус-тузем мактаб биносида ўзбек мактабини ташкил қилди. Фарғона таълим-тарбия техникумида директор бўлиб ишлади. 1926 йилда Тошкентда Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1929 йилда тугатди. 1931 йилга қадар шу университетда ўқитувчи, профессор, 1931—1933 йилларда ректор бўлиб хизмат қилди; 1934—1936 йилларда Тошкент давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртлирида математика кафедраларини бошқарди, 1937—1938 йилларда Ўзбекистон Халқ Маорифи Комиссари ва Фанлар қўмитасида президиум раиси вазифаларини бажарди; 1939—1943 йилларда Ўзбекистон халқ комиссари совети раисининг ўринбосари ва бутуниттифоқ фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали президиумининг раиси (1940—43) бўлиб ишлади, 1943—1947 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясида президентлик вазифасини бажарди. Сўнгра 1960 йилга қадар Фанлар академияси президиумининг аъзоси, физика-математика бўлими раиси бўлиб хизмат қилди.

Қори Ниёзий 1917 йил инқилобидан кейин янги турдаги мактаблар очишда фаол иштирок этди, мактаблар учун қўлланма, методик тавсиялар ёзди. У олий математикага доир «Математика анализининг асосий курси» номида дарслик яратди, математика, педагогика, адабиёт, фалсафа ва ахлоққа доир илмий ва оммабоп китоб, мақолалар ёзди. Унинг «Улуғбек ва унинг илмий мероси», «Совет Ўзбекистони тарихидан очерклар», «Босиб ўтилган йўл ҳақида мулоҳазалар», «Ҳаёт мактаби» китоблари нашр этилди.

Қори Ниёзий Япония, Франция, Италия, Польша, Болгария, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларида бўлган илмий анжуманларда иштирок этди, маърузалар қилди.

Ижтимоий ҳаётда, маориф ва илм-фан соҳасида қилган хизматлари давлатнинг юқори орденлари, Бегматов номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти лауреати унвони билан тақдирланди.

Қори Ниёзий 1970 йилда вафот этди.

## **Қори Ниёзийнинг маърифатпарварлик ғоялари**

Қори Ниёзий ўз педагогик қарашларида илм-фанни юксак даражада улуглаб, қадрлайди. У дейди: «Фан — минглаб йиллар мобайнида заррама-зарра, томчилаб вужудга келган, асли табиати мусаффо ва муаззам муҳитдан иборат. Бу эса ҳақиқий, чиндан ҳам «оби ҳаёт» муҳитидир, чунки ҳаммамиз, катта-ю кичик, ёшу қари бу муҳитдан кундалик ҳаётимизда баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Шунинг учун фан, айниқса, халқ хизматига қаратилган илғор фан чексиз ҳурматга сазовордир».<sup>1</sup>

Шунга кўра, Қори Ниёзий фан намояндаларини ушбу ҳурмат туфайли қандай муҳитда бўлмасин (олий, ўрта ўқув юртраарида, академияларда, омма ўртасида) феъл-атворлари, муносабатлари, камтарлик ва ростгўйликлари, тил ва дил бирлиги билан бошқаларга намуна бўлишга чорлади ва «онг ва виждон шуни тақозо қилади» деб таъкидлади.

Қори Ниёзийнинг фикрича, «Ҳақиқий фаннинг ўзи, унинг асрлар мобайнида вужудга келган яқуни покликнинг, демак ахлоқнинг ёрқин намунаси».<sup>2</sup>

Қори Ниёзийнинг уқтиришича, ахлоқ тушунчаси фан билан ўзаро боғлиқдир. «Шунинг учун ҳам фан аҳлларининг халқ олдида жавобгарлиги ҳам ғоят даражада каттадир».<sup>3</sup>

Қори Ниёзийнинг маърифий қарашларида самимият ва мантиқ тушунчаларининг фанний асосда, объектив бўлиши масаласи ҳам алоҳида ўринда туради. Олимнинг фикрича, ҳақиқий фаннинг қонуниятлари объектив бўлиб, маълум мантиққа суянади, шунинг учун фикр фанний асосда, объектив бўлиши керак.

---

<sup>1</sup> Т.Н.Қори-Ниёзий. Ҳаёт мактаби. Т. «Фан» нашриёти, 1970, 291-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 293-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 295-бет.

Самимийлик инсоннинг олижаноб фазилатларидан бирidir. Самимийлик ростгўйлик билан узвий боғланган. Бу икки тушунча ўзаро узвийлиги билан жамият равнақида, айниқса, ёш авлод тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қори Ниёзий жойларда таълим жараёнини кузатишларида ўқитишнинг муваффақияти, асосан, ўқитилаётган фанга ўқувчиларни қизиқтириш эканлигига ишонч ҳосил қилган. «Мен аминманки, — дейди у, — ҳар бир нормал қобилият эгаси бўлган киши ҳам бу каби натижага эга бўлиши мумкин. Бунинг асосий шарти вақтдан тўғри фойдаланиш ёки, бошқача қилиб айтганда, кундалик системали ижодий меҳнатдан иборат».<sup>1</sup>

Қори Ниёзийнинг фикрича, масалан, математик фанларни мустақил ишлаш жараёнида назарий ва амалий «муаммо»лар учрар экан, улар устида тинмай, кечасию-кундузи ўйлаш, ишлаш керак. Шундагина «муаммо»нинг ҳал бўлишига эришилади. Қори Ниёзий ҳам ўз педагогик фаолиятида тинимсиз меҳнат туфайли шундай муваффақиятга эришган. Бу ҳақда у шундай дейди: «Муаммо» ҳал бўлиши билан булут ичидан ярақлаб чиққан қуёшдек чехра очилиб, сарф бўлган меҳнат ва уйқусиз кечалар сўз билан тавсиф этиб бўлмайдиган шодлик билан мукофотланарди. Натижада кучга — куч, ғайратга — ғайрат қўшилиб, янги ижодий меҳнатга илҳомлантирарди».<sup>2</sup>

Қори Ниёзий илм-фан аҳлини ҳар бир муаммони чидам, кузатиш, изланиш, меҳнат билан ҳал қилишга даъват этади, ҳар бир муваффақият инсонга қувонч бахш этишини айтади.

Қори Ниёзий вақтни мураккаб ва муҳим тушунчалардан бири сифатида қадрлайди. Унинг ўқитишича, вақт чексиз бўлиб, на боши ва на охири бор. Вақтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уни қайтариб бўлмайди; унинг оқими ўтмишдан келгусига қараб, доимо бир йўналишда давом этади. Табиатда ҳеч қандай куч, қудрат унинг оқимини тўхтата, қайтара олмайди.

Қори Ниёзий кишининг ҳаёти вақт билан боғлиқ эканлигини, вақт — соғлиқ-саломатликдан кейинги бебаҳо неъмат эканлигини айтади. «Менимча, — дейди Қори Ниёзий, — ҳаётнинг калити ҳам ана шу бебаҳо вақтдан тўғри фойдаланишдадир.

---

<sup>1</sup> Т.Н.Қори-Ниёзий. Ҳаёт мактаби. Т. «Фан» нашриёти, 1970, 149-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 150-бет.

Башарият тарихи шуни кўрсатадики, ҳатто, туғма талант ва қобилиятга эга бўлган кишилар ҳам, доимий, машаққатли меҳнат билангина муваффақиятларга эришганлар».<sup>1</sup>

Демак, муваффақиятларга эришиш учун вақт имкониятларидан тўғри фойдаланиш керак. Мавжуд имкониятлар эса, ҳалол меҳнат натижасида рўёбга чиқади.

Қори Ниёзийнинг педагогик қарашларида бахт тушунчаси ҳам алоҳида ўринда туради. Қори Ниёзий халқнинг орзуси — бахт эканлигини таъкидлар экан, ҳақиқий бахтнинг моҳиятини англаш — инсон онги, виждони ва маънавий савиясига боғлиқлигини айтади. Олимнинг таъкидлашича, бахт — яхши маишат, иқтисодий бойлик омилларидан иборат эмас. Булар ҳам ҳаёт учун керак. Лекин ҳаётнинг бу омиллари мавжуд бўлганда ҳам, агарда киши ўз ҳаётининг маъносини билмаса, уни бахтли деб бўлмайди. Ақл-идрокка суянган ҳолда жон-дил билан меҳнат қилиб, мустақилликка, озод-эркин ҳаётга муяссар бўлиш, бу — ҳақиқий бахтдир.

Қори Ниёзий кишиларни ана шу бахтга муяссар бўлиш йўлида фидойи бўлишга чорлади.

### **Қори Ниёзий ёш авлод тарбияси ҳақида**

Қори Ниёзий ўз маърифий қарашларида ёш авлоднинг маънавий ривожига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, маънавият тарбияси билан шуғулланувчи устоз психолог (руҳшунос) ҳам бўлиши керак. Бунинг учун у ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиб бориши керак. Ҳаёт ҳодисаларидан хабардор бўлиши, ҳодисаларни кузатиб бориши лозим. Кузатиш маънавий такомиллашнинг асосий воситасидир.

Қори Ниёзий устозларни ана шу воситалар билан ўзининг ва шогирдларининг психологик қобилиятини узлуксиз ривожлантириб боришга даъват этади.

Қори Ниёзий тарбия хусусида фикр билдирар экан, кишининг ақлу идрок ила мўътабар бўлиши ҳақидаги ўз истакларини ҳам баён этди.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 296-бет.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан китобхон бўлган, китобни маданият хазинаси сифатида қадрлаган, ҳаётнинг маъноси деб билган. Халқимиз маҳаллаларда, чойхоналарда китобхонликни уюштириб, халқ оғзаки ижодидан эртақ ва дostonларни, мумтоз адабиётдан «Садди Искандарий», «Шоҳнома» каби асарларни ўқиб, мутолаа қилишган, асарларда ифодаланган маърифий фикрлар оилаларда фарзандлар учун ҳам маданий-маънавий озиқ бўлган, уларда китобга ҳавас, уни ўқишга қизиқиш уйготган.

Қори Ниёзий халқимизга хос бу маданий-маънавий удумни улуглайди, ёш авлод тарбиясида муҳим омил бўлган бу удумни давом эттиришни таклиф этади.

Қори Ниёзий ўз асаарида маҳалла чойхонасида бўлган китобхонликда иштирок этган вақтида «Шоҳнома» достони ўзида кучли таассурот уйготганини айтиб, ақл-идрокнинг ўсишига ёрдам берган панд-насихатлар ифодаланган парчалардан мисоллар келтиради:

*«Киши ақлу идрок ила мўтабар,  
Шу бўлмай туриб нақл бермас самар.  
Тамиз айла, жону танингдир шуур,  
Бусиз дунёда топмагайсан хузур,  
Нима истасанг у муҳайё қилур,  
Дилингни қуёшдек мусаффо қилур...  
Азиз сақлагил ақлу идрокни,  
Тегизма унга бошқа нопокни...  
Бирор яхши сўзни эшитсанг агар,  
Уни билгали бағла маҳкам камар».<sup>1</sup>*

Қори Ниёзий ўз педагогик қарашларида хушомадгўйлик ва лаганбардорликни энг зарарли ва разил иллат ҳисоблаб, қоралайди. У ўз асаарида инсон ҳаракатларида бу иллат кўринишларини қайд қилиб, ҳурматни хушомаддан ажратиш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича, ҳурматнинг асосида кишининг маълум фазилати сезилиб туриши, бўлиши лозим. Масалан, қатъийлик, виждонийлик, билимлилик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, камтарлик, беғараз хушмуо-

---

<sup>1</sup> Т.Н.Қори-Ниёзий. Ҳаёт мактаби. Т. «Фан» нашриёти, 1970, 97-98 бетлар.



малалик, одобрилик фазилатларидан айримлари бўлиши керак. Шундай хислатли киши ҳурмат ва таҳсинга сазовордир. Ҳар бир инсон ўз-ўзига ҳурматда бўлиши ҳам керак. Ҳалол меҳнат инсонга ҳурмат бахш этувчи муҳим омилдир.

Қори Ниёзий шу омил воситасида ёш авлодни ҳурмат соҳиб қилиб камол топтиришга даъват этади.

### **Қори Ниёзий оила тарбияси ҳақида**

Қори Ниёзий оилада фарзанднинг (у ўғилми, қизми) дунёга келишини ота ва онанинг бахти, қувончи деб билади. У боланинг, ҳатто, бир табассумини дунёдаги ҳеч қандай хазина билан ўлчаб бўлмаслигини айтади. Олимнинг таъкидлашича, онанинг болага муҳаббати чексиздир. Она муҳаббати меҳрибонлик ва гамхўрликнинг, лутф ва карамнинг, умид ва орзунинг манбаи, мужассамидир.

Қори Ниёзийнинг таъкидлашича: «...инсоннинг болага ҳақиқий муҳаббати — ақлу идрокка асосланган гамхўрлик билан, тўғри йўлга қўйилган тарбия билан ўлчанади/ Шунинг учун оилада фарзанд пайдо бўлган кундан бошлаб, оиланинг жамият олдида жавобгарлиги кундан-кунга ортиб боради... ёш авлодни тарбиялаш ҳамма вақт бутун жаҳон мутафаккирларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу эса, қонунийдир, чунки ўсиб келаётган авлоднинг тақдири ана шу муаммонинг ҳал қилиниши билан узвий равишда, чамбарчас боғлангандир».<sup>1</sup>

### **Қори Ниёзий педагогик таълимотининг аҳамияти**

Қори Ниёзий ўз педагогик қарашларида инсон ақлу идрокки, изланиш ва мустақил ишлаш, самимийлик, фан қонуниятлари, вақт ва унинг инсон учун улуғ неъмат эканлиги, ҳақиқий бахтга муяссар бўлиш йўллари, ёш авлод тарбиясида китобхонликнинг ўрни, ота-онанинг вазифаси, ҳурматга муяссар бўлиш омиллари, таълим воситалари ҳақида баён этган фикрлари ҳозирги давр ёш авлод тарбияси учун ҳам қимматлидир.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 180-бет.

# СИДДИК РАЖАБОВ

## Ижтимоий, илмий-педагогик фаолияти

Сиддиқ Ражабов 1910 йилда Жамбул шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Бошланғич мактабни тугатгач, Фаргона педагогика билим юртида ўқиди, уни битиргач 1930 йилда Фаргона педагогика институтига кириб, ўқишни давом эттирди, 1933 йилда институтнинг адабиёт факультетини тугаллади.

Сиддиқ Ражабов 1935—1937 йилларда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти хузуридаги аспирантурада таҳсил олди, 1958 йилда «Ўзбекистонда совет мактаби тарихи» мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1959 йилда Россия педагогика фанлари академиясига мухбир аъзо, 1968 йилда Бутуниттифоқ педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Сиддиқ Ражабов меҳнат фаолиятини 30-йиллардан бошлаб, Қашқадарё вилояти Фузор туманида Авфонбоғ маҳалласида бошланғич мактаб очади, мактабда ўқитувчи ва мудир бўлиб хизмат қилади. У Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтида илмий ходим ва Тошкент давлат педагогика институти педагогика кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Сиддиқ Ражабов 1941—1943 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетаси бош редактор ўринбосари, бош редактори бўлиб хизмат қилди.

1947 йилда у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика кафедрасига мудир этиб тайинланди, 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти директори, 1962 йилда педагогика бўйича илмий даражалар берувчи бирлашган кенгаш раиси бўлиб хизмат қилди. 1966 йилдан бошлаб Тошкент давлат педагогика институти педагогика кафедраси мудирини этиб белгиланади ва умрининг охиригача кафедрани бошқарди.

Сиддиқ Ражабовнинг халқ маорифи, педагогика фани ривожини соҳасида қилган хизматлари давлатнинг орденлари, юксак унвон ва нишонлари билан тақдирланди.

Сиддиқ Ражабов 1993 йилда вафот этди.

## **Сиддиқ Ражабовнинг илмий-педагогик фаолияти**

Сиддиқ Ражабов ўз илмий фаолиятида, асосан, Ўзбекистонда халқ маорифининг ривожига, дидактик масалаларга, педагогик кадрлар тайёрлашга, чет эл илғор педагогик фикрларни тарғиб этишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берди.

«Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари», «Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир» каби ўндан зиёд монография ва рисоалари, «Олий мактаб дидактикасининг масалалари», «Замон ва тарбия», «Ўзбекистонда педагогика фанларининг тараққиёти истиқболлари» ва бошқа юздан ортиқ мақолалари бунга ёрқин мисолдир.

«Олий мактаб дидактикасининг баъзи масалалари» мақола-сида у, йиллар давомидаги изланишлари, кузатишларига суянган ҳолда, таълим жараёнида: илмийлик, узвийлик, назариянинг амалиёт билан бирлиги, ўқитишда онглилик, шахс ва жамоа бирлиги, аниқлик ва фараз бирлиги, тушунарлилик, билимни пухта ўзлаштириш принципларига амал қилиш кераклиги ҳақида фикр билдирди.

У ўз асарларида ва амалий фаолиятларида ҳар бир фанни тадқиқ этишда унинг табиатини, ўрганадиган нарсасини (предметни) пухта билган, барча имкониятлардан фойдаланиб, қийинчиликларни бардошлик билан енгган илм аҳли ўз мақсадига эриша олишини таъкидлади.

### **С. Ражабов илғор тажрибаларни ўрганиш ҳақида**

Олимнинг фикрича, республикадаги амалиётчи педагоглар фаолиятида аниқланган илғор тажрибаларни, шунингдек, хорижий мамлакатлар Я.А. Коменский, К.Д. Ушинский, Л.Н. Толстой каби педагог олимларининг илғор педагогик қарашларини, у ерларда амалда эришилган ижобий ютуқларни ўрганиш — миллий педагогика, педагогика тарихининг ривож топишида муҳим омилдир.

Маълумки, буюк педагог олим Ян Амос Коменский ўзининг «Буюк дидактика» асарида инсон табиатнинг дўсти эканлигини таъкидлаб, ҳар бир инсонни табиатни асрашга, эъзоз-

лашга, уни бойитишга даъват этди. У мактаб таълимини табиат билан боғлиқ ҳолда амалга оширишни тавсия қилди.

Коменский «Она мактаби» асарида боланинг сезги аъзоларини ривож топтиришга, ахлоқий тушунча ва кўникмаларини таркиб топтиришга эътибор беришни таъкидлади. У болада тўғри сўзлик, чидамлилиқ, хушмуомалалиқ каби фазилатларни шакллантириш ота-онанинг асосий бурчи, вазифаси эканлигини айтди.

Константин Дмитриевич Ушинский «Болалар дунёси», «Инсон тарбия предмети сифатида», «Меҳнатнинг психологик ва тарбиявий аҳамияти», «Педагогик адабиётнинг фойдаси ҳақида» каби асарларида таълим принципларини, педагогика илмининг тизимини белгилаб берди. Лев Николаевич Толстой ўзи ташкил қилган мактаб учун барча фанлар бўйича дарсликлар яратиб, улар асосида болаларни ўқиш, ёзишга ўргатди, уларда дунёвий ва аниқ фанларни билишга қизиқиш туйғусини ўстиришга эътибор берди, бу соҳада ижобий натижаларга эришди.

Сиддиқ Ражабов ўз илмий фаолиятида, жумладан, «Халқ маорифи ва педагогик фаннинг буюк алломалари» асарида бу хорижий мамлакат намояндалари асарларида баён этилган педагогик фикрларни чуқур тадқиқ этиб, уларни республика таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш йўлларини тавсия этди.

Унинг таъкидлашича, ҳар бир фанни тадқиқ этишда унинг табиатини, ўрганадиган предметини пухта билган, барча имкониятлардан фойдаланиб, қийинчиликларни бардошлиқ билан енгган илм аҳли ўз мақсадига эриша олади.

С. Ражабов ўз илмий фаолиятида республикада миллий педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берди. Унинг илмий раҳбарлигида педагогика тарихи ва назарияси бўйича бир юз эллиқдан зиёд ёшлар фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эришдилар.

Умуман, Сиддиқ Ражабов халқ маорифи, таълим-тарбия, фан асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш, педагогика назарияси ва тарихи ҳақида билдирган фикрлари, амалий фаолиятида эришган илгор тажрибалари билан ҳозирги давр педагогикаси тарихига муносиб ҳисса қўшди.

Сиддиқ Ражабов ўз асарларида ва амалий фаолиятида ҳар бир фанни тадқиқ этишда унинг табиатини, ўрганадиган нарсасини (предметни) пухта билган, барча имкониятлардан фой-

даланиб, қийинчиликларни бардошлик билан енгган илм аҳли ўз мақсадига эриша олишини таъкидлади.

Сиддиқ Ражабов Ўзбекистонда, шунингдек, қардош республикаларда миллий педагогика бўйича миллий педагог кадрлар тайёрлашнинг ташаббускори сифатида Марказий Осиёда педагогика фанини ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Сиддиқ Ражабов ўз илмий фаолиятида хорижий мамлакат буюк педагогларида Я.А. Коменский, К.Д. Ушинский, Л. Толстойнинг педагогик қарашларини тадқиқ этиб, илғор фикрларидан республикада таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни тавсия этди.

Умуман, Сиддиқ Ражабов халқ маорифи, таълим-тарбия, фан асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш, педагогика назарияси ва тарихи ҳақида билдирган фикрлари, амалий фаолиятида эришган илғор тажрибалари билан ҳозирги давр педагогикаси тарихига муносиб ҳисса қўшди.

## ШОРАСУЛ ЗУННУН

Шарқшунос олим Шорасул Зуннун 1898 йилда Тошкентда савдогар оиласида туғилди. Бошланғич таълимни эски усул мактабда олди, кейин Тошкентда рус-тузем маҳаллий мактабда, сўнгра Қўқонда гимназияда ўқиди. У мустақил мутолаа билан жиддий шугулланиб, форс, араб, рус, турк ва немис тилларини мукаммал эгаллади. Ўзбек адабиёти тарихи, ислом дини тарихини, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бобораҳим Машраб ижодини чуқур ўрганди. 1917 йил инқилобидан кейин Тошкентда «Намуна», «Ватан» мактабларида, «Нариманов» билим юртида, шунингдек, ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсларда она тили ва адабиёт ҳамда бу фанларни ўқитиш методикасидан дарс берди.

Шорасул Зуннун мактаб ва курслар учун дарслик ва қўлланмалар яратишга киришиб «Тил сабоқлиги» (1924), «Ўқиш китоби» (1928) дарсликларини ва «Тил қоидалари» қўлланмасини яратди.

Шорасул Зуннун халқ лушмани, миллатчиликда айбланиб, 1929 йилда ҳибсга олинди. «Айбим шуки, — дейди домла қамалиши сабаби ҳақида, — ўзбек тили дарслигини ёзганман. Ўша дарсликда эга, кесим, феъл, сифат кабиларга мисоллар келтириш учун Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Чўлпон асарла-

ридан фойдаланганман...»<sup>1</sup> 1929—1955 йилларда қамоқда, сургунда бўлди. Вақтинча Тошкентда бўлган йилларда Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртида дарслар рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилидан дарс берди. 1955 йилда тамоман оқланиб келгач, 18 йиллик ўқитувчилик меҳнати тикланди, 1956 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта илмий ходим сифатида тадқиқот ишлари билан шуғулланди. У форс, араб ва туркий тилларда яратилган 300 дан ортиқ нодир қўлёзмаларни тавсифини ишлаб чиқди. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» биринчи ва иккинчи китобларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда фаол иштирок этди. Сайди Али Раиснинг «Мирьотул-мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») асарини турк тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зуҳра» достонини нашрга тайёрлашда масъул муҳаррир сифатида иштирок этди.

У тўплаган, таржима қилган ҳикоя ва тамсиллар, латифа ва ҳикматлар «Гулистон», «Муштум», «Фан ва турмуш», «Ўзбек тили адабиёти» журналларида, «Тошкент оқшоми» газеталарида босиб борилди, 1977—1982 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ва «Ўқитувчи» нашриётларида «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Донишмандлар тарбия хусусида» номидаги китоб ҳолида нашр этилди.

Шорасул Зуннун 1988 йилда вафот этди.

## **Шорасул Зуннуннинг инсонийлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ҳақидаги ғоялари**

Шорасул Зуннун бутун ҳаёти, билими ва қобилиятини эл-юртга, маориф ва маданиятга, таълим-тарбияга бағишлаган олим сифатида ўз асарларида инсонийлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ҳақидаги ғояларини баён этди. Олимнинг фикрича, номи яхшилиқ билан эсланадиган инсон бахтлидир. Донишманд дейди: «Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, тарбия, саъй-ғайрат бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқаришдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Дурдоналар хазинаси. Т. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 1999, 189-бет.

<sup>1</sup> Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. Таржимон: Ш. Зуннун. Т. «Ўқитувчи», 1986, 22-бет.

Шорасул Зуннун инсон гўзаллиги унинг ҳаёлилигида намоён эканлигини, ҳаё инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофати бўлиши зарурлигини айтади.

Шорасул Зуннун ўз ҳаётида кўрган ва билганларидан келиб чиққан ҳолда, муҳтожларга хайрихоҳлик кўрсатишни юксак инсонийлик ҳисоблайди. Зеро, буюк донишманд Бузуржмеҳр ҳам: «Муҳтожларга ёрдам беришдан, хайрли ишлар қилишдан жуда ҳам шодланаман. Менда булардан ортиқ севинчлироқ иш йўқдир»<sup>2</sup> — дейди.

Шорасул Зуннуннинг таъкидлашича, инсонга олий ҳимматлилик азалдан тақдирланган улуг фазилатдир.

Анушервон дейди: «Олижаноб бўлган бир табиб боқаётган беморни ҳиммат давоси билан даволайди, жаҳоннинг ободлиги олий ҳимматли кишилар соясида бунёдга келади»<sup>3</sup>.

Шорасул Зуннуннинг фикрича, ҳалол меҳнат, яхши хулқ инсонни шарафлайди, унга обрў, бахт, роҳат бахш этади. Ҳалол меҳнат, сахийлик, гайрат, очиқ юзлик ва ширинсўзлилики бахтли одам аломатларидир.

Афлотун дейди: «Мен фидокорона қилинган меҳнатдан ҳосил бўладиган роҳатни ҳеч нарсада кўрмадим, чунки танамнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини меҳнатда топдим»<sup>4</sup>.

Шорасул Зуннун ўз педагогик қарашларида тўғрилиқ, хушфеъллик, ҳалол меҳнат, оилага гамхўрликни саодатмандлик нишонаси ҳисоблайди.

Олим ўз педагогик қарашларида одамлар, айниқса, ёшлар ўртасидаги дўстлик ва дўстлашиш масаласига алоҳида эътибор беради. Унинг уқтиришича, дўстликнинг доимий бўлиши учун, дўст бўладиган одамнинг самимий ва муҳаббатли бўлиши керак.

Ақлли, одобли, диёнатли бўлган одам билан дўст бўлиш керак. Бундай гўзал сифатга эга бўлган одам самимий дўст бўлади. Самимий дўст ҳеч вақт дўстини унутмайди. Ёрдам сўраган вақтингда ёрдамини аямайди, ҳожатингни адо этади. Ишда бўлган дўстлигидан кўнглида бўлган дўстлиги кўпроқ бўлади».

---

<sup>2</sup> Ўша китоб, 28-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 21-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 21-бет.

## Шорасул Зуннун оиланинг бола тарбиясида тутган ўрни ҳақида

Олимнинг фикрича, боланинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишига унинг атрофида соғлом, тўғри фикрли, гўзал ахлоқли одамлар ижобий таъсир кўрсатадилар. Бола ҳар жиҳатдан улар каби бўлиб ўсади. Бола «Уларга ўхшаб етишаман» деган сўзни кўнглида доимо сақламаса ҳам, барибир уларнинг фикри, ахлоқидан баҳраманд бўлади.

Шорасул Зуннун болалар ўзларидан катталарни, атрофида содир бўлаётган ҳаракатларни кузатиб, уларга тақлид қила бошлайдилар. Масалан, дурадгорнинг боласи қўлига теша олиб бир ёгочни йўнса, ўзини отасига ўхшаб иш қилаётгандек ҳис қилади. Демак, тақлидга бўлган майл, ҳаваслари туфайли, болалар ёш чоғларидан бошлаб кўпгина одат, ҳунарни ўрганадилар. Ейиш-ичишда, кийинишда, ҳаракатда ҳам тартиб-интизом ёшлиқдан эгаллаш керак бўлган гўзал фазилатдир.

Бола тарбиясида, Шорасул Зуннуннинг таъкидлашича, ота-она эътиборга оладиган, алоҳида аҳамият бериши керак бўлган нарса болани ёшлигидан бошлаб бирор ишга ўргатиш, унга ўзига мос юмуш бериб, ишга одатлантиришдир. Тили очилиб, юра бошлаган вақтида ҳам унга бирор иш бериш керак, унга бериладиган бу иш аҳамиятсиз, ҳатто «иш» деб аташга лойиқ бўлмаса ҳам, ундан келадиган фойда эътиборлидир. Чунки, ундай иш болада ишни севиш, иш қилишга интилиш севгисини, ҳиссини қўзғотади.

Шорасул Зуннуннинг педагогик қарашларида ёшлиқдан болани меҳнатга ўргатиш масаласи алоҳида ўринда туради. Олимнинг таъкидлашича, дунёда яшашнинг асоси меҳнатдир. Боланинг ўзи эркин ишласин, хатолари учун ўзини жавобгар деб сезсин. Ишлаганда, ишининг натижасини ўйлаб ишлашга кўниксин, гайрат қилсин. Олимнинг уқтиришича, бу малакалар болада дарров ҳосил бўлмайди, балки аста-секин юзага келади. Аммо, болада малака ҳосил қилишга замин жуда ёшлик пайтидан қўйилиши керак. Болада меҳнат малакаси пайдо бўлса, у ота-онаси, катталар кўрсатиб туришини кутиб турмай, ўзи уддалаб бораверади, дунёда яшаш ҳар кимнинг ўз ғайрати ва эътиқодига боғлиқ эканини англайди.

Шорасул Зуннуннинг таъкидлашича, болани ишга ўргатишда ҳар бир ишнинг ўз вақтида сифатли қилиб бажарилишига эъти-



бор бериш керак. Ишга одатланиш қанчалик муҳим бўлса, ишни ўз вақтида бажариш ҳам шу даражада муҳимдир.

Ҳалол меҳнатда камол топган инсон Ватан ва халқ учун кўп фойдали ишлар қилиши шубҳасиздир.

Шорасул Зуннуннинг педагогик қарашларида аёлларнинг таълим-тарбияда тутган ўрни алоҳида эъзозланади. Олим аёлларни оиланинг асл таянчиси ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, инсонлар ахлоқ, тарбия хусусида аёлларга тобелар. Олий мартабали ва олий фикрли одамлар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшайдилар. Тарбияли аёл оила аъзоларини, дўстлар ва қўни-қўшниларини ўзининг гўзал тарбия ва гўзал ахлоқи, фазилати билан мамнун қилади, ўзи ҳам бахтли бўлиб умр кечиради.

Олимнинг уқтиришича, инсонларни бахтли этадиган нарса фақат илмгина бўлмасдан, илм билан бирга фазилат ҳамдир. Фазилат ва гўзал хулқ бўлмаса, илм дарахти мева бермайди. Болаларга гўзал тарбия бериш, уларни одобли, тарбияли фазилат эгаси қилиб етиштириш аёллар зиммасидадир. Бу бурчларини мукамал адо этишлари учун улар одоб, ахлоқ, тарбия илми ва қоидаларидан хабардор бўлишлари керак.

Шорасул Зуннун ўз педагогик таълимотида назокатлилик фазилатига ҳам алоҳида эътибор беради. Назокатсиз, адабсиз одамдан ҳамма нафратланади. Олим ота-оналарни, болаларни назокатсизликдан сақланишга даъват этади.

Шорасул Зуннун болаларнинг тарбияли ёки тарбиясиз эканликлари кўчада юриш-туришларидан билинишини айтиб, кўча қоидаларига риоя қилишини таъкидлайди: «Кўчада чол ёки кампирга, бола кўтариб келаётган хотинга, огир юк кўтариб бораётган одамга, ожиз, оёғи ёки қўли ногирон одамларга тўғри келиб қолсангиз, дарҳол ўзингизни бир чеккага олиб, уларга йўл беринг. Икки боланинг уришаётганини кўрсангиз, уларни ажратиб қўйинг. Ҳеч ким билан ноҳўя ҳазиллашманг, уни масхара қилманг. Бир киши ёмон хулқи билан дилингизни огритса, сиз гўзал муомалангиз билан уни уялтиринг» — дейди у.

Шорасул Зуннун болаларга шараф ва номус сўзларининг маъносини — ким тўғрилиқни севса, тўғриликдан ажралмаса, уни ҳамма севишини, агарда алдамчи, кўзбўямачи бўлса, одамлар ундан нафратланишини тушунтириш зарурлигини таъкидлайди.

## **Шорасул Зуннун инсоний хислатлар ҳақида**

Шорасул Зуннуннинг педагогик қарашларида инсоний хислатлар — сабр ва чидам, жасорат ва шижоат, шараф ва номус, назокат, виждон алоҳида баён этилган.

Унинг уқтиришича, сабр ва чидам қайғу-аламларга қарши туриб жонни қўриқлайдиган кийимдир. Инсон доимо бахтиёр, соғ-саломат бўлишни, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишни орзу қилади. Инсон бу орзу-ниятларига муяссар бўлиши учун ўзини яхши тутиши, руҳсизланмаслиги керак. Руҳий кучсиз бўлган одам ҳеч вақт гам-ғуссадан қутила олмайди. Руҳи сабр ва чидамга кўниккан инсон ўз ниятларига эришади.

Олимнинг таъкидлашича, инсон сабрли ва чидамли бўлиш билан бирга, жасоратли, шижоатли бўлиши ҳам керак, ҳаётида содир бўлган нохуш ҳодиса — гамгинликни бартараф этиш йўллари йўлаб, жасорат ва шижоат билан бартараф қилишга ҳаракат қилиши лозим.

Шорасул Зуннуннинг уқтиришича, одам доимо тўғрилик, яхшилик йўлида юрган, ўз манфаатини ҳамма вақт тўғрилик, яхшилик учун фидо этган бўлса, у одам номусли, шарафли одамдир. Ўз манфаатини йўлаб, бошқаларга зарар етказган одам шафқатсиз одамдир. Энг катта ёмонликлар қилишга одатланиб, тўғриликдан узоқ яшай бошлаган одам бутунлай номуссиз одамдир. Ундай одам жамият учун зарарли одамдир.

## **Шорасул Зуннун педагогик қарашларининг аҳамияти**

Шорасул Зуннуннинг муаллим, шарқшунос олим сифатида дўстлик, оила муҳитида меҳнат тарбияси, инсонийлик ва меҳнатсеварлик фазилатларига эга бўлган баркамол шахсни етиштириш йўллари, бу соҳада намуна бўлишнинг моҳияти ҳақида донишмандлар таълимоти мисолида билдирган фикрлари ҳозирги даврда ҳам ёшлар тарбиясига хизмат қилади.

## **ФАФУР ҒУЛОМ**

### **Ҳаёти ва адабий маърифатпарварлик фаолияти**

Ғафур Ғулом 1903 йилда Тошкентда туғилди. Отаси Ғулом Мирза Ориф ўғли деҳқончилик билан шуғулланган.

Фафур Фулом дастлабки маълумотни эски усулдаги мактабда олди, 1916 йилдан бошлаб 8-рус-тузем мактабида ўқиди, 1918 йилда 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлов курсида таҳсил олди, уни тугаллагач, 1920 йилдан бошлаб «Ҳаёт» номидаги бошлангич мактабда ўқитувчи, 3-боқименз болалар уйида мудир бўлиб ишлади.

Фафур Фулом Навоий, Ҳофиз, Бедил, Саъдий, Муқимий, Фурқат асарларини мустақил равишда ўқиб ўрганди, Унинг дастлабки шеърлари «Маориф ва ўқитувчи», «Янги йил», «Ер юзи», «Муштум» журналлари ва «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газеталарида эълон қилинди.

20—30 йилларда унинг «Турксиб йўлларида», «Кўкан», «Тирилган мурда», «Икки васиқа», «Тўй», «Чўтир хотиннинг толеи», «Ёдгор», «Шум бола», «Ҳийлаи Шаръий», «Ҳожи қабул бўлди», Улуг Ватан уруши йилларида «Мен яҳудий», «Кузатиш», «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Сув ва нур», кейинги йилларда «Янги шеърлари», «Ўзбекистон чироқлари», «Ассалом», «Оналар», «Вақт», «Ўзбек халқининг гурури», «Тонг отар қўшиги», «Шараф қўлёмаси» шеърий тўпламлари нашр этилди.

Фафур Фулом «Навоий» и наша эпоха», «Унутилмас кишилар тўғрисида», «Шоир айблайди», «Ойбек ёзувчи ва олим» каби илмий-назарий мавзуларда мақолалар эълон қилди. У адабиётшунос олим сифатида ўз мақолаларида халқимизнинг узоқ асрлик тарихини, маданиятини, жаҳон илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган халқлардан бири эканлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. «Шараф қўлёмаси» шеърида:

*Қадим ўзбек халқисан,  
Асл одам авлоди.  
Миср эҳромларидан  
тарихинг қарироқдир.—*

деди у.

Фафур Фулом Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Рудакийнинг «Қариликдан ҳикоят», В. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир», А. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», М. Горькийнинг «Бўрон куши ҳақида қўшиқ», «Лочин ҳақида қўшиқ», А. Лоҳутийнинг «Ватандан қарзим», «Эрон қизи», Мирза Турсунзоданинг «Ҳин-

дистон қиссаси»ни, Н. Ҳикматнинг «Сен менинг ёдимдасан», «Зоя», Шиллернинг «Вильгельм Телль» асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Фафур Фулом 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди, 1946 йилда «Мен Шарқдан келаётирман» номидаги шеърлар тўплами учун «Давлат мукофоти лауреати» деган номга сазовор бўлди, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун «Ўзбекистон ССР халқ шоири» фахрий унвонига эга бўлди, давлатнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Фафур Фулом 1966 йилда вафот этди.

### **Фафур Фуломнинг меҳнатпарварлик, инсонпарварлик ғоиси**

Фафур Фулом меҳнатни инсон ҳаётида асосий ўринга қўяди, меҳнатни инсонга гўзаллик бахш этишини айтади. Зеро, инсон гўзаллиги у яратган, ижод этган нарсаларда намоён бўлади. Шоир «Гўзаллик нимада» шеърида дейди:

*Гўзаллик — ишлайиш,  
Манглайни терлатиш,  
Гўзалдир унган иш,  
Мақтанса ярашар!<sup>1</sup>*

Зеро, меҳнат гўзаллиги эрк, ижтимоий тенглик, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган гўзалликдир. Инсон ҳар жиҳатдан озод, эркин бўлмоғи керак. Шундагина у ўз ҳаётини, жамиятни фаровонлик омили сифатида юқори баҳолаб, инсонларни Она-Ватанни, ўз ҳаётини гўзаллаштиришга чорлайди.

Фафур Фуломнинг уқтиришича, ҳалол меҳнат ақл, билим, шижоат, виждон самарасидир. Меҳнат, бу ижоддир. Ҳалол меҳнат одамга ҳурмат бахш этади. Меҳнатни севган, гайрат ва матонат билан ишлаш, бу тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳнининг ортиши ҳамдир. Зеро, ҳурматли, бахтли бўлиш меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришдир.

<sup>1</sup> Фафур Фулом. Шеърлар, 1-том. Ўзбекистон ФА нашриёти, Т., 1957, 9-бет.

## Фафур Фуломнинг:

*Ақлу билим, шижоат одамларники,  
Виждон билан номланур ҳар ҳалол меҳнат.  
Ҳурмат — чин меҳнат билан, меҳнат бу ижод,  
Меҳнат оша ҳурматни сақлангиз маҳкам!<sup>1</sup>*

деб одамларни ҳалол меҳнат билан эгалланган ҳурматни сақлашга даъват этади.

Фафур Фуломнинг педагогик қарашларида инсоннинг яратувчилик фаолияти улуғланади. Унинг фикрича, инсоннинг яратувчилик, ижодкорлик салоҳиятининг ҳар бир дақиқаси, мазмуни, салмоғи ва моҳияти асрларга тенгдир. Ҳар бир инсон ўз салоҳияти, маънавий фазилати орқалигина воқеликни юзага келтиради, «Янгидан жаҳон» Яратади.

*Яшаш соатининг олтин кафтгири  
Ҳар бориб келиши бир олам замон,  
Коинот шу дамда ўз куррасидан  
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.<sup>2</sup>*

Фафур Фулом бу йўлдаги меҳнат ва севгини тириклик кўрки ҳисоблайди, зое кетказилмаган фурсат инсонни азиз, мукарам қилишини таъкидлайди.

*Яшаш дарбозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам,  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,  
Фурсатдир қилгучи азиз, мукарам.<sup>3</sup>*

дейди шоир.

Фафур Фуломнинг педагогик қарашларида кўп йиллик ҳаётий тажрибалари билан ватан ва халқнинг иқтисодий, маънавий-маданий фаровонлигига, ёшлар тарбиясига улкан улуш қўшаётган кексалар меҳнатини қадрлайди, ўғил-қизларнинг уларни эъзозлаб, маслаҳат ва тажрибаларидан баҳраманд бўлишларини юқори баҳолайди.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 127-128-бетлар.

<sup>2</sup> Фафур Фулом. Тўрт томлик. Иккинчи том. Шеърлар. Ўзбекистон ФА нашриёти Т.1957, 14-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 14-бет.

Шоир ўзининг «Бизнинг кексалар» шеърда:

*Оппоқ соқолларини тонг ели тараб,  
Шабнам қатралардай тиниқ ўй билан.  
Гоҳ уни текшириб, гоҳ уни қараб,  
Ҳижолари туташ гўнғир куй билан,  
Меҳнат кундузини бошлар кексалар!<sup>1</sup>*

дейди ва кўзида юз йилнинг мазмуни, қалбида халқ ҳикмати-нинг жонли якуни, сўзида маънолар ҳарорати мужассам бўлган кексалар ватанда жамият кўрки эканликларини айтади.

Ғафур Ғулом билимдон қадрдонларидек кексалар ҳурмати-ни бажо келтиришни инсонийлик, гўзал ахлоқлилик ҳисоб-лайди. «Оппоқ соқолларини тонг ели тараб», дала йўлларида учраган гўзанинг тусига қараб, кузакдан хушхабар айтган кексаларнинг гапини агроном ҳам маъқуллайди.

Ғафур Ғуломнинг фикрича, «кун кеча қилинган меҳнат» ша-рофати билан эришилган ҳосил роҳати ҳақида майин кўшиқ-лар яратилади. Бу илм ва тажрибанинг бирлигидир.

Демак, илм ва тажрибанинг узвийлиги ҳар бир улуг ишнинг самарали бўлишида асосий омилдир.

Ғафур Ғулом ҳар бир даврнинг азиз онларини қадрлайди ва онлар ўз қадри қандай қадрланаётганлигини сўрайди, албатта. Демак, ҳар бир азиз инсон фурсатни ганимат билиши, халқ бахт-саодати, Ватан фаровонлигига арзигулик хотира яратиб, ўз ҳаёти, умри дафтарини беамоғи керак. Зеро, вақт — абадий жараёндир. Бу жараёни ҳеч ким тўхтата олмайди. Ҳар бир инсон шу тез ўтар вақт ичида фурсатни эзгу ишларга багишла-моғи, харж қилмоғи зарур. Ғафур Ғулом одамларни шунга чорлаб:

*Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Беамоқ чоғидир умр дафтарин!<sup>2</sup> — дейди у.*

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг шарқона инсонпарварлик, етим ва мискинларга ғамхўрлик фазилатини Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамизга келтирилган, ота-онадан жудо бўлган болаларга нисбатан кўрсатган меҳрибонлиги, ғам-

<sup>1</sup> Ғафур Ғулом. Шеърлар. 2-том. Ўзбекистон ФА нашриёти, Т 1957, 216-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 15-бет.

хўрлигида ҳам ёрқин намоён этди. Фафур Фулом ўз педагогик қарашларида бу фазилатни улуғлаб, беназир миллий қадрият, раҳм-шафқатлилик сифатида ўзининг «Сен етим эмассан» шеърисида ифодалади. У диёримизга келтирилган болаларга таскинлик бериб, меҳрибон отадек деди:

*Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим.  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг-онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагучи  
Халқ бор — отанг бор.  
Чўчима, жигарим,  
Ўз уйингдасан,..!<sup>1</sup>*

Фафур Фулом бизнинг диёрда муҳаббат, меҳр-шафқат барқарорлигини уқтириб, болаларни хотиржам қилади, тинчлантиради, уларда Ватанимизга, халқимизга нисбатан муҳаббат туйғусини ўстиради.

Фафур Фулом ўз етимлик пайтларида бошини силашга бир меҳрибон қўл, бир огиз ширин сўз нондек арзанда бўлганлигини ҳикоя қилиб, болаларга тасалли беради. Бола кулгусидан меҳрибон отадек қувониб, бу кулги яқин кунларда биринчи чечак бўлишини айтади:

*Лаъли лабингдаги  
Ғунча табассум,  
Албат толеингга  
Муҳир бўлади...<sup>2</sup>*

деб уларнинг қўксига овунтиради, «Оппоқ тонг яқинлигига», душман тез кунда емирилишига, зулм янчилишига, жаҳонда тинчлик, озодлик бўлишига ишонч туйғусини уйғотади.

Фафур Фулом ўз педагогик қарашларида ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор беради. У ўгли Жўрани уруш йилларида ҳарбий хизматга кузатиш чоғида унга қилган насиҳатла-

<sup>1</sup> Фафур Фулом. Шеърлар. Биринчи том. 162-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 165 бет.

рида, ватанпарвар ота тимсолида, унга ўқиган вақтларида дарс берган муаллимларни унутмасликни, жангларда ўтмиш боболарининг қаҳрамонлик, жанговорлик удумларини эсда тутишни, удумлари мададкор бўлишини уқтиради.

Фафур Фулом ўз ўғли ҳам ёвуз душманга қарши курашаётган жангчилар сафига кирганлигидан мамнунлигини изҳор этиб:

*Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл,  
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўра бўл, —*

деб, уни мардликка, ботирликка даъват этади, унга ҳақиқий дўстлар билан бирга бўлишни, Ватан ва халқ ҳурмати голиб бўлишини тайинлайди.

Фафур Фулом қудратли куч — халқ йўлдош бўлган жангчилар душман устидан ғалаба қозонишига ишонади, ўғлини Ватан ва халқ ҳурмати учун голиб бўлишга даъват қилади.

### **Фафур Фулом ёш авлод тарбияси ҳақида**

Фафур Фулом ўз педагогик ва ижодий фаолиятида ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор беради. У ўтмиш авлодларнинг кейинги вакилларида бири сифатида ёш авлодни келгусида замон учун тайёрлаш кераклигини чуқур ҳис қилади. Чунки ёш авлод келгуси замон одамларидир. Балогат ёшига етган ўғил ва қизлар ким бўлишлари ҳақида фикр юритадилар, шу залда уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик тушунчалари шаклланиб боради. Уларда янгича фикр, дунёқараш, одамларга, жамият ва ижтимоий воқеа, ҳодисаларга янгича муносабатлар жиддий тус касб этади.

Фафур Фулом буни чуқур ҳис қилган ҳолда «Навқирон наслимиз синов олдида» шеърисида ёшларга хитобан дейди:

*Ёзажак шеъримга бўлсин деб асос  
Кечмишни ҳозирга айладим қиёс.  
Сиз букун довюрак, қайнаган қон-ла,  
Аъло баҳоларни кутасиз жон-ла.  
Ватан истаги ҳам худди ана шу...<sup>1</sup>*

---

<sup>1</sup> Фафур Фулом. Шеърлар. Биринчи том. Т. ЎзФА нашриёти, 1956, 146-бет.



Фафур Фуломнинг таъкидлашича, бу кунги ёш авлод адиб ёки инженер, ёки астроном бўлади. Ватан истаги ҳам худди ана шу. Шоир: «Кўрсатинг навқирон наслимиз кучин» дея уларни Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ўз салоҳиятларини намоёниш этишга даъват этади.

У «Олтин медал» шеърида ёшларга мурожаат этиб:

*Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг  
Минг йилни кўражак қароғларисиз.  
Сизсиз ёримайди осмонда Зухра,  
Замонлар тонгининг чароғларисиз,  
Бебаҳо наслсиз, ҳаёт ва меҳнат  
Сизнинг хамирингиз шу улуғ халққа,  
Ватанга муҳаббат билан юғрулган..! — дейди.*

Фафур Фулом уларнинг олдида турган улуғ вазифаларни кўрсатиб, қалбларида халққа, Ватанга муҳаббат доимо барқарор бўлишини таъкидлайди, уларни: ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ бўлишни уқтиради. Зеро, бу хислатга эга бўлиш ҳар бир ният-орзунинг рўёбга чиқишида асосий омилдир.

### **Фафур Фулом педагогик қарашларининг аҳамияти**

Фафур Фулом шоир, олим ва мураббий сифатида ватан ва ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бахт-саодат, тинчлик, ёш авлод тарбияси ҳақида билдирган фикр, гоёлари педагогика тарихи ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг асарларида баён этилган таълим-тарбияга доир фикрлар ҳозирги даврда ҳам ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## **ОЙБЕК**

### **Ҳаёти ва адабий-маърифий фаолияти**

Атоқли адиб, адабиётшунос олим Мусо Тошмуҳаммад Ойбек 1905 йилда Тошкентда бўзчи оиласида туғилди. Бошлангич билимни эски усулдаги мактабда олди. Сўнгра 1918 йилда

«Намуна» номидаги бошлангич мактабда ўқиди, 1921 йилдан бошлаб Навоий номидаги педагогика техникумида ўқиб, уни 1925 йилда битиргач, мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади, шу билан бирга, Ўрта Осиё давлат университетининг кечки ижтимоий фанлар факультетида ўқишни давом эттирди.

Ойбек 1927—1929 йилларда Ленинградда Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтида, Тошкентда Ўрта Осиё давлат университетининг иқтисод факультетида таҳсил олиб, уни 1930 йилда тугаллаб, шу институтда сиёсий иқтисод фанидан дарс берди.

Ойбек 1930—1937 йилларда маданий қурилиш илмий-текшириш, Ўзбекистон Фанлар қўмитаси қошидаги тил ва адабиёт илмий-текшириш институтларида илмий ходим бўлиб ишлади, 1939—1941 йилларда Ўзбекистон ўқув-педагогик нашриётида адабий таржимон ва муҳаррир бўлиб хизмат қилди.

Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди, 1945 йилда Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси ва 1945—1949 йиллар давомида «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррирлик вазифаларини бажарди.

Ойбек ёшлиқдан бадиий ижод билан жиддий шуғулланди, ўзбек ва рус мумтоз адабиёти намояндаларининг асарини ўқиб ўрганди, А.С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романини ўзбек тилига таржима қилди. Унинг илк шеърлари «Арғумон» (1922), «Туйғулар» (1926), «Кўнгил найлари» (1929), «Машғала» (1932), «Навоий гулшани» шеърини тўпламлари, 30-йилларда «Дилбар — давр қизи», «Қизлар», «Ўч», «Бахтигул ва Согиндиқ», «Темирчи Жўра», «Навоий» дostonлари нашр этилди.

1940 ва ундан кейинги йилларда унинг «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Куёш қораймас», «Улуғ йўл» романлари, «Болалик» ва «Нур қидириб» қиссалари босилди.

«Ўзбек поэзиясида тил», «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли», «Навоийнинг дунёқараш масаласига доир», «Навоий газалиёти», «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти», «Муқимий асарларида социал типлар» каби илмий-назарий мақолалари эълон қилинди.

Ойбек «Навоий» романи учун СССР Давлат мукофоти лауреати, «Болалик» қиссаси учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати деган унвонларга сазовор бўлди,

ўзбек адабиётини юксалтиришдаги улкан хизматлари давлатнинг «Буюк хизматлари учун» энг юқори ордени билан тақдирланди.

Ойбек 1968 йилда вафот этди.

### **Ойбек асарларида инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари**

Ойбек бутун ҳаёти давомида инсонпарварликни улуғ инсоний фазилат, ватанпарварликни беназир фидоийлик, ўз ватани ва халқини чекеиз севган, ватан манфаати учун фидоийлик кўрсатган одамни ҳақиқий инсон деб билди. Унинг бу ғоялари бадиий ижодида ҳам, маърифий-педагогик қарашларида ҳам асосий ўринни эгаллади. У педагогик қарашларини адолатлилик, эътиқодлилик, тўғрилиқ, садоқатлилик, диёнатлилик, саботлилик, раҳм-шафқатлилик, ҳимматлилик, тавозелиқ, эркинлик, озодликка интилиш — халқимизга хос бу фазилатлар акс эттирилган «Навоий» романида Алишер Навоийнинг ижтимоий, ижодий фаолиятлари ва Султонмурод, Арслонқул, Зайнидин каби илғор фикрлилар хатти-ҳаракати, шахсий сифатлари орқали баён этди.

«Навоий» романини ўқиган арман китобхонларидан бири Ойбек номига йўллаган мактубида шундай сўзларни изҳор этган: «Муҳтарам Ойбек! Мен сизнинг «Навоий» романингизни катта завқ-шавқ билан ўқиб чиқдим... Агар Сиз Навоийдек улуғ инсон бўлмаганингизда, эҳтимол унинг образини шундай ишонарли қилиб яратмаган бўлардингиз. Назаримда, Сиз Навоий образи орқали ўз идеалингизни, ўз ғоя ва орзуларингизни тасвир этгансиз. Мен бу асарни ўқиб, Навоийни ҳам, Сизни ҳам идеал киши сифатида тасаввур этдим...».

Ойбек ўз педагогик қарашларида раҳбар кўнгли эл муҳаббатини билан тўлиқ туришини, ҳар бир ишида эл тинчлиги, манфаати ва зарурияти, орзу-истаклари унинг учун мезон бўлишини беназир фазилат ҳисоблади.

Ойбек бу истакларини Навоийнинг Дарвешали ва дўсти Хўжа Афзал билан учрашганлари ва суҳбатларида айтган сўзларида ифодалади.

Навоий укаси Дарвешали билан бўлган бир суҳбатда: «Яхшилик билан ном қолдиришнинг ўзи улуғ мукофотдир. Ҳимматингиз самосини ҳаргиз булут қопламасин, иним»<sup>1</sup> — деб, унга элга доимо ҳимматли бўлишни тавсия этади. «Бинафша» боғида учрашганда унинг юртни душманлардан ҳимоя қилиш, юртни эгаллаб олишларига йўл қўймаслик ниятида эканлигини маъқуллаб шундай дейди:

«Биз юрт кўкидан зулмнинг қора булутларини қувмоғимиз керак. Кимдан халққа жабр-зулм содир бўлса, у бизнинг беомон душманимиз бўлгусидир. Алҳамдулилло, зулм тигини, қўлимдан келганча, ушатмоққа бел боғлаганмен. Бу муқаддас ишда ҳаммамиз яқдил, яктан бўлмоқлигимиз, ўз манфаатларимизни эмас, ёлғиз халқ фойдасини назарда тутмоқлигимиз керак. Камина учун бу — ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир».<sup>2</sup>

Навоий адолатли мансабдорнинг ҳар бир иш учун қонун олдида масъул бўлишига, халқ тирикчилигини яхшилаш учун лозим бўлган барча чоралар тўғрисида қайғуришига ва давлатда шундай тартиб ўрнатишга интилади. У «Боғ зоғон»да дўсти Хўжа Афзал билан бўлган суҳбатда инсонни шарафлаб:

«Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, ўзга халқлар ибрат ола билсинлар. Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак» — дейди.

Навоий Хусайн Бойқаро фармони билан вазир этиб тайинланганлиги хабарини етказган Низомулмулкка шундай дейди: «Фикримча, рутбаларнинг, мансабларнинг паст-баланди йўқ. Эл хизматида ҳамма рутбалар шарафлидир. Юрт учун ҳатто навкарликни ҳам ифтихор билан бўйнимга олар эдим».

## Ойбек илм-фан, санъат ҳақида

Ойбек илм-фан, санъат соҳасида янгиликлар кашф этиб ва бу янгиликлардан эл, улусни, ёш наслни баҳраманд этишни илм ва санъат аҳли учун улуғ ҳиммат, фазилат ҳисоблайди, ўз педагогик қарашларида юқори баҳолайди.

<sup>1</sup> Ойбек. Навоий. Роман. Т., Ўздавнашр, 1944, 44-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 198-199-бетлар.

Навойй Султонмуроднинг илмларни эгаллашларидан беҳад хурсанд бўлиб, уни илмда яратган янгиликларини улус ўртасида кенг ёйишга даъват этади:

«Ҳиммат ва гайратни асло қўлдан берманг. Эл, улус сиздек зотларга гоят муҳтождир. Илм дарахтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмоғимиз керак».<sup>1</sup> — дейди Навоий.

Навоий «Боғ жаҳон оро»га Мирак Наққош билан ўзининг буюк санъати, ақлу заковати ва юксак истеъдоди билан гўзаллик яратган, нафосат оламида эзгулик, яхшилик билан ном қолдирган Шарқнинг машҳур санъаткорларидан бири Камолиддин Беҳзод кириб келганда Навоий у билан оғаларча меҳрибонлик билан кўришади.

Ўтириб у чизган нафис расмларни шавқ ва завқ билан томоша қилади, Беҳзодга тикилиб қараган ҳолда:

«Бу кўҳна жаҳон сизнингдек санъаткорни ҳануз кўрмаган эди. Қаламингизни ҳусни ҳар қандай таърифдан бениҳоят баланддир. Бу камолотни яна олийлаштирмақ йўлида самимий ҳаракат қилингиз»,<sup>2</sup> — деб уни санъатда янада юқори босқичга кўтарилиб, камолот чўққиларини эгаллашга чорлайди. Сўнгра, унинг иззат-нафсини сақлаган ҳолда, Мирак Наққошни даҳлизга чақириб, унга: «Бу фавқулудда истеъдод нимага муҳтож, уни тарбияламоқ учун нималар қилмоқлигимиз керак, — буларни батафсил муҳокама қилурмиз»,<sup>3</sup> — деди Навоий.

Ойбекнинг фикрича, юртда санъатнинг турли соҳалари ривож топиши керак. Санъат аҳли касб-ҳунарда юқори даражада туриши, ватанда санъатнинг ривож топишида фидойилик кўрсатиши лозим.

Алишер Навоий «Очмағай эдинг жамоли олам аро кошки» газалини тугаллагач, ўйлайди:

«Хуросонда санъатнинг турли бобларида ажойиб моҳир санъаткорлар бор. Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп. Нима учун, масалан, хитойи чинниларни, хитойи шоҳиларни, кашмир шолларини Ҳиротда яратмоқ мумкин бўлмасин! Уларни санъат ва ҳунарнинг олий пояларига ташвиқ этмоқ керак, улар учун керакли асбобларни топмоқ керак!».<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўша китоб, 38-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 174-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 175-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 137-138-бетлар.

## Ойбек аҳиллик, меҳр-оқибат ҳақида

Ойбек одамлар ўртасида содир бўлган ҳар қандай низони, эл, юрт тинчлиги, осойишталигини ўйлаган ҳолда, ўзаро келишиб бартараф этиш мумкинлигига ишонади. Бундай вақтда ақл-идрокка, инсоф ва виждонга суяниш оқилона тадбирдир, низони бошлаганни меҳр-муҳаббатли, шафқатли бўлишга даъват этиш, дўстлар билан мулоқотда бўлиш керак, албатта.

Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамон бошлаган урушнинг олдини олиш чоралари ҳақида маслаҳат сўраганда Навоий унга шундай дейди:

«Ақлли кенгаш шулки, Бадиуззамон Мирзони ақлга чақирасиз, инсоф ва виждонга даъват қиласиз. Унинг кўнглида меҳру муҳаббат уйғотишга ҳаракат этасиз. Ўртада бўлиб ўтган гиналарни бартараф этиб, самимий садоқат, вафо, муҳаббатни барпо қилмоқ керак».<sup>1</sup>

Султонмурод Ҳусайн Бойқаронинг фармони билан Мўмин-мирзо ўлдирилганини айтиб, бундай фалокатларнинг такрорланишига йўл қўймаслик кераклигини айтганда:

«Ҳар нечук фалокатни дафъ этмоққа ғайрат қилмоқ керак, муборак ватаннинг, эл-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат, муҳаббат билан боғланылик. Вафо ва муҳаббат улуғ қудратдир»<sup>2</sup> — дейди Навоий.

## Ойбек она тили ҳақида

Ойбекнинг таъкидлашича, миллий она тилни эъзозлаш ва бойитиш ҳам ватанпарварликдир. Она тилини пухта билиш билан бирга, бошқа халқлар тилини ўрганиш ҳам керак. Бу — халқимизнинг маданий, маънавий ривожига муҳим омилдир. «Навоий» романининг яратилиши бунга ёрқин мисолдир.

Навоий суҳбатлар қурадиган хонасида Сухайли, Ёрий, Ҳилолий, Ҳасан Ардашер ва ўзига садоқатли мулозимлари билан ўтказган мажлисида она тилида ёзган шеърлари хусусида сўз борганда

---

<sup>1</sup> Ойбек. Навоий. Роман. Т., Ўздавнашр, 1944, 456-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 484-бет.

кўпчилик ўзбек тили дилдор тил эканини айтади. Мажлисда ўтирган шоир Биноий «Фоний, гўзал Фоний» деб қичқиради.

Навоий унга жавобан дейди:

«Биз форс тилининг қудрат ва аҳамиятини, у тилдаги асарларнинг ҳусни ва салобатини ҳеч вақт инкор этмадик. То гўдакликдан бошлаб форс тилида ҳам қалам сурмоқдамиз. Аммо тилимизнинг афзаллиги биз учун улуғ ҳақиқатдир. Биз гўдаликда бу ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, ўлганимизча бу ишқини сақлаймиз! Шаҳарларни, қишлоқларни, саҳро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор, унинг ўз завқи, фаҳм, идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиатини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона соз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанидан ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин».<sup>1</sup>

### **Ойбек дўстлик, камтарлик ҳақида**

Ойбек миллий маънавиятимиз негизи бўлган дўстлик, камтарлик, миллий анъана ва урф-одатларни энг гўзал фазилат — қадрият ҳисоблайди. У ўз ватандошларини шахсиятларида маънавий куч барқ урган икки буюк аллома — Жомий ва Навоийнинг, ёш жиҳатдан фарқланишларига қарамай, ўзаро самимий дўстликлари, аҳилликлари, камтарликлари каби дўстликка, камтарликка даъват этиб, уларни ёш авлод қалбида бу фазилатларни сингдиришга чорлайди.

«Жомий меҳмонни юмшоқ пўстакка ўтқзади. Ўзи аввалги ўрнига, китоблар орасига ўтирди.

— Жанобларини кўрмоққа букун кўнгил филҳақиқат муштоқ эди, — деди чол қисқагина оқ соқолини силаб қўйиб.

— Менинг кўнглим ҳар соат бу масканга талпинади. Не қилайликки, машаққатлардан қутилмоққа имкон йўқ, — деди Навоий.

— Узрингизни тангри ҳам қабул қилур, наинки биз каби зарраи хок! Элга ҳолисанилло хизмат қилмоқ инсон комилнинг ишидир. Бу навъ заҳмат — машаққатлар аслида фарогатдир».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўша китоб, 164-165-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 200-201-бетлар.

Навоий ўз ижодхонасига келган атоқли илм, санъат аҳллари самимият билан кутиб олиб, уларни тўрға таклиф қилади, ўз одатига кўра, меҳмонлардан қуйроқда сокин, камтарин, муомалада нозик ҳолда ўтиради. «...бутун олимлар унинг маълумотининг жамики илмларда жуда чуқур эканига қойил бўлсалар, ҳар ерда тасдиқласалар ҳам, Навоий маълумотфурушлик этмас, илм соҳасида кўпроқ ўз нуқсонларидан гапирди. У ҳар кимнинг фикрини сабр ва диққат билан тинглайди».<sup>1</sup>

## **Ойбек педагогик қарашларининг аҳамияти**

Ойбекнинг ўз ижодий фаолиятида, «Навоий» романида ватанпарварлик, инсонпарварлик, илм-фан, санъат ривожи, ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фидойи бўлиш, дўстлик, камтарлик, аҳиллик ҳақида олга сурган ғоялари, фикрлари, қарашлари XX аср педагогика тарихи ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Асар ниҳоясида Арслонқул ва Султонмурод аҳилликда бўлишга қатъий келишадилар:

«Азиз отамизнинг фикрини, йўлини ҳимоя қилмоқ учун, деди Султонмурод бўғиқ ва ҳазин овоз билан, қиличингизни маҳкам тутинг, баҳодир!

— Мен тигим билан, — қиличининг сопини қисиб деди Арслонқул, — сиз ўз илмингиз билан халққа, юртга хизмат қилайлик!»<sup>2</sup>

Илм ҳомийси ва халқ, ватан ҳимоячисининг бу сўзлари Ойбек идеали сифатида ҳозирги давр учун муҳимдир.

## **ҲАМИД ОЛИМЖОН**

### **Ҳаёти ва ижтимоий, маърифий фаолияти**

Ҳамид Олимжон 1909 йилда Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. Бошлангич билимни Жиззахда Наримонов номидаги бошлангич мактабда олди. Сўнгра 1923—1928 йиллар

---

<sup>1</sup> Ойбек. Навоий. Роман. Т., Ўздавнашр, 1944, 161-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 523-524-бетлар.



да Самарқанд билим юртида ўқиди, 1928-1931 йилларда Ўзбекистон Педагогика академиясида таҳсил олди.

Ҳамид Олимжон 1927 йилдан бошлаб «Зарафшон» (1927), «Ёш ленинчи» (1931) газеталарида, «Қурилиш» (1931), «Совет адабиёти» (1932—1934) журналларида бўлим мудири, масъул котиб, Маданий қурилиш илмий текшириш институтида (1932), Тил ва адабиёт институтида (1934—1937) илмий ходим ва Ўзбекистон ўқув педагогика нашриётида (1937—1938) катта муҳаррир, бўлим мудири, Ўзбекистон ёзувчилар союзида масъул котиб (1939—1944) бўлиб хизмат қилди.

Ҳамид Олимжон бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, 1927—1930 йиллар давомида «Заҳарли юрак», «Ҳақиқат излаб», «Тонг шабадаси» ва бошқа шеърларини ёзди, «Кўклам» шеърлар тўплами нашр қилинди. 1930—1943 йилларда «Тонг шабадаси» ва бошқа шеърларини ёзди, «Кўклам» шеърлар тўплами нашр қилинди. 1930—1943 йилларда «Тонг шабадаси», «Олов сочлар», «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон», «Она ва ўғил», «Кўлингга қурол ол» шеърлари, «Маликаи Ҳуснобод», «Ойгул билан Бахтиёр», «Паризод ва Бунёд», «Зайнаб ва Омон» дostonларини яратди. Шунингдек, бу йиллар давомида у «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладаларини, «Муқанна» драма асарини ёзди. Унинг «Ҳақиқий шараф», «Файзулла ота Юнусов», «Зайнаб», «Фаргона» тоғининг этакларида» каби бадиий қиссалари нашр этилди.

Ҳамид Олимжон «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман», «Бирлик» каби мақолалар ёзиб, уларда халқлар дўстлигини ифодалади.

Ҳамид Олимжон бу йиллар давомида адабиётшунослик соҳасида ҳам қалам тебратиб, «Ўзбек адабиётининг биринчи даври», «Ўзбек халқининг адабиёти», «Фарҳод ва Ширин», «Алишер Навоий ҳақида», «Навоий ва халқ», «Улуғ ўзбек шоири», «Муҳаммад Амин Муқимий», «Салом Пушкин» каби адабий-танқидий мақолалар эълон қилди. Ҳамид Олимжон А.С. Пушкиннинг «Кавказ асири», «Сув париси», М. Лермонтовнинг «Белла», Н.Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», А. Корнейчукнинг «Пўлат Кречет», М. Горькийнинг «Челкаш» ва бошқа адиблар асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Шоирнинг ўзбек адабиёти ривожига соҳасида қилган хизматлари давлат томонидан унвон ва орденлар билан тақдирланди.

Ҳамид Олимжон 1944 йилда вафот этди.

## **Ҳамид Олимжоннинг халқпарварлик, эрксеварлик, адолат, эзгулик, ватанпарварлик, дўстлик гоялари**

Ҳамид Олимжон ўз бадиий ижодида халқпарварлик, эрксеварлик, адолат, эзгулик, ватанпарварлик гояларини илгари сурди, бу гояларини «Маликаи Хуснобод», «Паризод ва Бунёд», «Ойгул билан Бахтиёр» дostonларида, «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладаларида ҳам ёрқин ифодалади. У ўз дostonларида мардлик, адолат, ҳақиқатнинг абадийлигини узвийликда акс эттирди, адолат, ҳақиқат, эрк учун қаҳрамонна, мардона курашмоқ кераклигини айтди.

## **Ҳамид Олимжон озодлик, эрксеварлик, эзгулик ҳақида**

Ҳамид Олимжон бу хусусидаги педагогик фикрларини «Ойгул билан Бахтиёр» эртак дostonида баён этди. Дostonда яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг зулм, гўзалликнинг худбинлик устидан галаба қозониши муқаррарлигини Ойгул, Дархон, Тарлоннинг Жамбил ва Журжон юрти хонларига қарши курашлари мисолида ифодалади.

Эртакда ҳикоя қилинишича, Жамбил юрти эли қул Дархон бошчилигида хонга қарши исён кўтаради. Лекин галаба қозона олмайди. Хон Дархонни ўлдириб, Ойгулни зиндонга солади. Қул Тарлон уни зиндондан чиқариб, санлиққа солиб, дарёга оқизиб юборади. Ойгул дарёда уч ой оқиб, Жархон юртига боради. Далада ўтин териб юрган чол сандиқни қирғоққа чиқаради, Ойгул овозини эшитиб, эл олдида очишга қарор қилиб, бозорга олиб боради. Одамлар уни ўгри ҳисоблаб, хон олдида олиб борадилар. Сандиқни очишганда хон уни кўриб, ўзига хотин бўлишини айтади. Ойгул уни талабини қабул қилгандай бўлиб, дам олиш баҳонаси билан бир кунга руҳсат олади ва фурсатдан фойдаланиб, ўзини дарёга отади, уни жайхун балиқ ютади. Сусамбил юртида у балиқ овловчининг қармоғига илинади. Балиқ овловчи уни подачи чолнинг ўгли Бахтиёрга беради. Уйда ота, бола балиқ қорнини ёрадилар. Ойгул балиқ қорнидан чиқиб, уларга таъзим қилади. Чол балиқни пиширади, ўтириб бирга ейдилар.

Ойгул Бахтиёр билан турмуш қуради. Жайхун балиқ қорнида топган икки гавҳарни чолга беради. Чол уни бозорга олиб бориб, савдогарга сотиб, икки сандиқ олтинни олиб келади.

Ойгул олтинларни сарфлаб халқ иштирокида Сусамбилни жаннатмакон шаҳарга айлантирди, етим-есирларни парвариш қилди, иш билан таъминлади. Эл тинч, тўқ яшай бошлади, ҳамма хурсанд.

Ҳалойиқ Ойгулни ўлдириш ниятида келган Жархон юрти хонини ўлдириб, қабрга тикади.

Ойгул Сусамбилда хурликни шиор қилиб, Бахтиёр билан қайғу-аламсиз юради. Аммо, доимо тугилиб ўсган юрти Жамбилни, қул Тарлонни ўйлайди, юртида адолат ўрнатиш истагида юради. Шу истак билан қўшинга бош бўлиб Жамбилга келади, эл талабига биноан хонни ўлдиради, Тарлонни элга бошлиқ этиб, Сусамбилга қайтиб келади.

Ҳамид Олимжоннинг фикрича, эрк ва озодлик истаги одамга бахтиёрликка эришишга ишонч, куч багишлайди, у яхши тилак ва орзуда яшайди. Жасурли инсон ор-номусли бўлади, унга кўрқинч бегонадир. Шундай хислатларни ўзида мужассам қилган Дархон хоннинг «не фойда келтирди исён?» деган саволига:

*Бош кўтардик, зулмдан  
Бўлмоқчи эдик озод.  
Лекин бу гал бўлмади,  
Аммо тилак бўлмади.  
Бир кун сени йиқармиз  
Ва қабрга тикармиз.<sup>1</sup>*

деб жавоб берди.

Ҳамид Олимжоннинг маърифий қарашларида эл-юртга муҳаббат, ҳамдардлик, меҳр-оқибатлилик, жасурлик, покдиллик, эл-юртни фаровон қилиш истаги юқори ўринда туради. Унинг таъкидлашича, қалбида эл-юртга, ота-онага меҳр, ёвузликка нафрат ҳисси бўлган одам ўлимни ҳам енгади. Ойгул шундай хислатга эга бўлгани учун зиндонда ҳам, сандиқда уч ой оққанда ҳам, жайхун балиқ ютганда ҳам ўлмади, тирик яшади. Эрксевар, халқпарвар бўлгани учун эл уни севди, эъзозлади, унга кўмакдош бўлди.

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Т., Ўзбекистон давлат бадиий нашриёти, 1958, 104-бет.

Ойгул Жамбил хони талабини рад этиб, унга шундай жавоб қилади:

*Кўзғолон қилиб ўлган  
Шунча қуллар номидан  
Нафратим бордир санга...  
Тақдирим ёр бўлса-ю,  
Фурсат қулай келса-ю,  
Сени агар ўлдирсам,  
Танинга ханжар урсам,  
Дунёда энг бахтиёр  
Одам бўлардим номдор.<sup>1</sup>*

Ҳамид Олимжон камтарликни, ахлоқий гўзаллик ва одоб-лиликни инсонга бахт, обрў, муҳаббат ато этувчи юксак фазилат сифатида қадрлайди. Ойгул шундай инсоний фазилати туфайли одамлар севгисига, покдил ва мард Бахтиёр билан бахтиёр турмуш қуришга муяссар бўлди.

Ойгул Бахтиёрнинг отасига дейди:

*Ота, қабул қилсангиз,  
Ўғлингизга тегайин,  
Сиз ҳар нарса десангиз  
Мен бўйнимни эгайин.<sup>2</sup>*

Ойгул қўшин билан Жамбилга кирганда хон, беклар қочиб кетадилар. Соқчилар хонни огилхонада ушлаб оладилар. Эл «Ойгул! Хонни ўлдир!» деб Ойгулга мурожаат қилиб:

*«Бутун юрт ва барча эл  
Сендан ушбуни тилар» — дейди.<sup>3</sup>*

Ойгул эл талабига биноан хонни ўлдиради.

Ойгул Жамбилда тинчлик ўрнатиб, Тарлонни йўлбошчи қилиб тайинлаган эл хурсанд:

---

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Т., Ўзбекистон давлат бадиий нашриёти, 1958, 105-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 115-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 124-бет.

*Эл барча рози бўлди.  
Қалби шодликка тўлди...  
Қайғуларини отиб,  
Муродига етдилар.<sup>1</sup>*

Ойгул Сусамбилга йўлга чиққанда эл карнай-сурнай чалиб, шод-хуррамлик билан уни кузатади.

## **Ҳамид Олимжон педагогик қарашларининг аҳамияти**

Ҳамид Олимжоннинг халқпарварлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, эзгулик, адолат, эл-юртга муҳаббат, озодлик учун жон фидо этиш ҳақидаги ғоялари ҳозирги ёшлар тарбияси учун ҳам қимматлидир. Дархон, Ойгул, Тарлон, Бахтиёрнинг эрксеварлиги, эл-юртга севгининг ёвузликни енгишда қудратли куч бўлганлиги, Ойгул ва Бахтиёр амалга оширган ишлар ёшлар учун ёрқин ўрнақдир.

## **МАҚСУД ШАЙХЗОДА**

### **Ҳаёти ва маърифатпарварлик фаолияти**

Мақсуд Маъсумбек ўғли Шайхзода 1908 йилда Озарбайжонда Ганжа вилояти Оқтош шаҳарида шифокор оиласида туғилди. Илк саводни ибтидоий мактабда олди. 1921—1925 йилларда Бокуда Дорилмуаллиминда (педагогика билим юрти) ўқиб, уни тугаллагач, Догистоннинг Дарбанд, Бўйнак шаҳарларидаги мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади, 1933 йилда Боку педагогика институтида сиртдан ўқиб адабиёт бўлимини тугаллади.

Шайхзода 1928 йилда Тошкентга келди ва умрининг охиригача шу ерда яшади. У Наримонов номидаги мактабда дарс берди, «Шарқ ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида ишлади, 1933—1935 йилларда Ўзбекистон халқ комиссарлари қошидаги Фан кўмитасида аспирантурада таҳсил олди, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. У 1935—1938 йилларда А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти-

<sup>1</sup> Ўша китоб, 126-бет.

тида илмий ходим бўлиб хизмат қилди, 1938—1967 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўзбек адабиётидан дарс берди.

Шайхзоданинг 1929—1938 йиллар давомида ёзган шеърлари «Жумҳурият», «Ўн икки», «Янги девон», «Сайлов қўшиқлари» номларида тўплам ҳолда нашр этилди. Бу йиллар давомида у «Ўртоқ», «Мерос», «Тупроқ ва ҳақ» каби дostonлар ёзди.

Шайхзода Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Кураш нечун?», «Жанг ва қўшиқ», «Кўнгил дейдики» шеърлий тўпламларини, «Ўн бирлар», «Учинчи ўғил» дostonларини, «Жалолиддин» драмасини яратди. 1948—1964 йилларда унинг «Юрт шеърлари», «Замон торлари», «Олқишларим», «Йиллар ва йўллар», «Шеърлар» тўпламлари нашр этилди.

Шайхзода яратган «Мирзо Улуғбек» фожиа асари ўзбек драматургиясида катта ютуқ бўлди. Шайхзода атоқли шоир, драматург бўлиш билан бирга, адабиётшунос олим сифатида «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида», «Навоий ўз даврининг энг маданий кишиси», «Навоий илмпарвар», «Навоийнинг бадиий услуби ҳақида», «Устоднинг санъатхонасида», «Фазал мулкнинг султони» каби илмий асарлар ёзди.

Шайхзода моҳир таржимон сифатида А.С.Пушкиннинг «Модарт ва Сальери» драмасини, «Мис чавандоз» дostonини, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов шеърларини, Ш.Руставели, Низомий, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, В.Шекспир, Байрон, Гёте, Эсхил, Эзоп ва бошқа адиб, шоирларнинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Шайхзода ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги ривожига қилган хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони, «Буюк хизмати учун» олий нишон ва бошқа нишон, ёрлиқларга сазовор бўлди.

Мақсуд Шайхзода 1967 йилда вафот этди.

### **Шайхзоданинг маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ғоялари**

Шайхзоданинг педагогик қарашларида меҳнатсеварлик, аҳиллик ғояси алоҳида ўринда туради. Шайхзода тинчликни, аҳилликни башарият орзуси ҳисоблайди. Ҳалол меҳнатни элга

бахт, рўшнолик бахш этувчи фазилат сифатида улуғлайди. Унинг фикрича, пахтакорларнинг ҳалол меҳнати эл-юрт байрамига файз ато этади.

Шайхзода халқимизга хос ҳимматлиликини онани қадрлаган-дек қадрлайди. Шу ҳиммат она парвариши билан ҳосил бўлади, вояга етади, ватан ва халқ фаровонлиги ривожланади.

Шайхзоданинг таъкидлашича, халқимизга хос меҳнатсеварлик фазилатининг қудрати шундаки:

*Меҳнатга ихлосманддир, эрк топган киши,  
Биз бинокор бир халқмиз, юртнинг соҳиби,  
Файратландик, ботирлик элнинг лақаби.  
Кошонамиз бўлғувчи яна ҳам улуғ,  
Кўрғонимиз басавлат, еримиз бўлуғ.<sup>1</sup>*

Шайхзоданинг уқтиришича, эрки ўз қўлида бўлган киши меҳнатга ихлосманд бўлади. Ўзбек халқи меҳнатга чинакам ихлос қўйган бинокор халқ, ғайрат ва жасорат ўзбек халқига хос улуғ фазилат. Шу туфайли кошонамиз — маданиятимиз, илм-фанимиз ривожланмоқда, давлатимиз, қудратимиз-ҳимо-ямиз мустаҳкам, еримиз-ҳаётимиз бўлуғ, юртимиз обод.

Шайхзода лафз ҳалолликини гўзал фазилат деб билади. Унинг таъкидлашича, лафзлилиқ ҳалол меҳнатда, эл-юрт вазифаларини сидқидилдан адо этишда намоён бўлади. Лафзли киши эл-юртда шуҳрат топади.

Шайхзода «Лафз» деб аталган шеърда ривоят қилинишича, қуёш одамларни мунаввар қилади, ерга ҳарорат, нарсаларга ранг ва руҳ бағишлайди — буларнинг барини оламни одамлар кўзига ёруғ кўрсатиш учун қилади.

Она ер инсонлар учун неъматлар тўла дастурхон яратади, инсон бу неъматларни олиши фарз ва қарз. Ариқ, сув, фасллар эса, ўз елкаларидаги вазифани адо этганлар.

Табиатнинг бу беназир кучлари: биз ўз бурчимизни адо этдик, сен ўз вазифангни бажардингми? — деб одамларга мурожаат қиладилар.

Шайхзода шеърда қуёш, она ер, сув, фасллар ўртасида бўлиб ўтган диалогни ифодалаш орқали одамларни эл, юрт буйруғи-

<sup>1</sup> Шайхзода. Чорак аср девони. Т. 1958, 115-бет.

ни лафз ҳалоллик билан меҳнатга — иш қилишга чорлайди. У дейди:

*Элнинг, юртнинг, қуёшнинг,  
сувнинг буйруғи...  
Файратда шуҳрат топар  
мardнинг улуғи...  
Йиғиштириб бир ёққа  
қуруқ сўзларни,  
Пахтани йиғмоқликка қилайлик шитоб.  
Лафз ҳалол  
қўлларнинг тилида: Ишдир.<sup>1</sup>*

Зеро, фидокорона қилинган меҳнат роҳатидан афзалроқ ҳеч нарса йўқ. Инсон вужудининг саломатлиги ҳам меҳнат туфайлидир. Доноларнинг уқдиришича, меҳнатни севиш, гайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши.

Шайхзода тинчликни умумхалқ орзуси, башарият умиди, деб билади. Унинг фикрича, яхшилик ҳам, аҳиллик ҳам тинчликдан баҳраманд бўлади. Тинчлик барқарор бўлар экан, ўлкалар орасида дўстлик мустаҳкамланади, халқлар қалбида севинч барқ уради, инсон-инсонга идеал ишончга эга бўлади. «Севги ва тинчлик» шеърисида дейди:

*Истайманки, одам бўлсин боққа намуна,  
Салом бериб, салом олсин ўлкалар иноқ...  
Истайманки, яхшиликлар қолсин эсдалик.  
Йигитга ишқ, қариларга осойишталик.<sup>2</sup>*

Аммо, Шайхзоданинг таъкидлашича, тинчлик фақат орзу, истак билан барқарор бўлмайди. Тинчлик учун тинимсиз фаолият кўрсатиш, ҳаракат қилиш, ҳаракатда эса самара бўлиши керак. Бунинг учун одамлар ҳимматли бўлиши ҳам керак.

*Файз олиб камолинг ёруғларидан  
Юртда ҳар бир киши чароғбон бўлсин.<sup>3</sup> —*

деб уларни шундай фазилат соҳиби бўлишга даъват этади.

<sup>1</sup> Шайхзода. Шеърлар. Т. Ўзадабийнашр, 1964, 255-бет.

<sup>2</sup> Ўша тўплам, 117-бет.

<sup>3</sup> Ўша тўплам, 7-бет.



## Шайхзода покдиллик, камтарлик, мурувват ҳақида

Шайхзоданинг педагогик қарашларида пок кўнгиллилик улуғланади, ёвузлик қораланади. Шайхзода «Болалар ҳомийси — муаззам диёр» шеърида, ҳаётда гулшан боғларни ҳароб қилишни, чироқларни ўчириб тўй аҳлини хуноб қилишни истамайдиган, ўксизлар ҳоли яхши бўлишини хоҳловчи одамлар кўплигини таъкидлайди. Шу билан бирга, кулгидан фарёдни, ҳаётдан ўлимни афзал кўрадиганлар, болалар бахтига заҳар сочмоқчи, дунёнинг равшанлигига зулмат қуймоқчи бўлганлар ҳам борлигини айтади.

Шайхзода ана шу ёвуз ниятдилардан болаларни сақлашга даъват этади. Унинг уқтиришича, ёвуз ниятдилар ўз ниятларига эриша олмайдилар, чунки замон орқага қайтмайди. «Илонга чақдирмас боласин шунқор» дейилганидек, «Боланинг ҳомийси ота-оналар бор». Ота-оналар азалдан ўз фарзандларининг ҳомийлари бўлганлар. Улар болаларини ёвузликдан сақлаб, уларнинг кўнглига шафқат, марҳамат туйғусини солишга ҳаракат қилганлар ва енгилмас диёр яратганлар.

Шу туфайли ҳам Шайхзода:

*Шу ота-оналар бўлишиб ҳамкор  
Зўр диёр яратган — енгилмас диёр.<sup>1</sup> — дейди.*

Шайхзода ўз педагогик қарашларида камтарликни юксак инсоний фазилат ҳисоблайди. У бу ҳақдаги фикрини «Камтарлик» шеърида рамзий тарзда чироқ тимсолида ифодалади.

Ривоят қилишича, сув бўйида баланд устунга осиб қўйилган кичик чироқ сочиб турган ёруғлик кенгликни чулғаб олган.

Чироқ кўнглида дагдага ҳам, манманлик ҳам йўқ. Шунинг учун «... бешак турган жойи, ҳурмати юксак».

Демак, камтарлик фазилатига эга бўлган инсон ҳам, шубҳасиз эл-юрт ҳурмати ва эҳтиромига сазовор бўлади. Зеро, халқ наздида камтарлик инсон учун эскирмайдиган энг кўркам либосдир. Шунга кўра, Шайхзода одамларни ёшларни жаҳон жилвасини ўзида мужассам этган қалб меҳридан баҳраманд этишга даъват қилади.

---

<sup>1</sup> Шайхзода. Асарлар. Олти жилдлик. Иккинчи жилд. Т. Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1971, 108-бет.

*Қалб муштдагу, аммо меҳрида  
Жилваланар бутун бир жаҳон.*<sup>1</sup> — дейди у.

Маълумки, «Ассалому алайкум» ўзбекча «сизга тинчлик бўлсин» демакдир. Бу калиманинг салмоғи шундаки, у инсон дилига мурувват, шафқат бахш этади. Шу сабабли, Шайхзода яхшиларни авайлаб асраб, «салом»нинг салмоғини оқлашга даъват этади. У:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг.  
«Салом» деган сўзнинг салмоғини оқланг.*<sup>2</sup> —

деб, дўстларга яхшилар ўлганда юз соат йиғлагандан, тириклигида уни бир соат йўқлаш афзаллигини уқтиради. Шайхзода дейди:

*Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, —  
Уни тиригида бир соат йўқланг!*<sup>3</sup>

Шайхзода бу сўzlари билан одамларни бир-бирига аҳил, тирикликда бир-бирларини қадрлашга чорлайди.

## **Шайхзода педагогик қарашларининг аҳамияти**

Мақсуд Шайхзоданинг халқимизга хос меҳнатсеварлик, тинчликсеварлик, аҳиллик, лафзҳалоллик, покдиллик, камтарлик фазилатлар ҳақидаги педагогик қарашлари, меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлаш, яхшиларни асраш, тинчликнинг барқарор бўлишига ишонч билан қараш ҳақидаги фикрлари ёшларни баркамол қилиб етиштириш соҳасида олиб борилаётган умумий тарбиявий ишга муносиб ҳиссадир.

## **ЗУЛФИЯ**

### **Ҳаёти, ижтимоий, маърифий фаолияти**

Зулфия Исроилова 1915 йилда Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилди. Бошлангич билимни Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юртида олди, 1933—1935 йилларда Низомий

<sup>1</sup> Ўша китоб, 295-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 324-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 324-бет.

номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиди, 1935—1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси тил ва адабиёт институти аспиранти сифатида таҳсил кўрди.

Зулфия 1938—1940 йилларда Республика болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти муҳаррири, 1941—1950 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриёти бадиий адабиёт бўлими бошлиги, 1950—1953 йилларда «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журна-ли мудири бўлиб хизмат қилди.

Зулфия ижоди 1930 йилдан бошланди. 1930—1939 йилларда «Ҳаёт варақлари», «Қизлар кўшиги», «Шеърлар» тўпламлари босилди. 1943—1945 йилларда «Хулқар», «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон кунларида» каби тўпламлари нашр қилинди. 1950—1958 йилларда шоиранинг «Мен тонгни куйлайман», «Дугоналар билан суҳбат», «Юрагимга яқин кишилар» тўпламлари, «Мушоира» асари босилди. Зулфия 1971 йилда Ойбекка багишланган «Куёшли қалам» достонини яратди.

Зулфия адабиётшунос сифатида «Паранжили хотин билан учрашув», «Дугоналар билан суҳбат» каби мақолалар эълон қилди. У Н.А. Некрасовнинг «Рус аёллари» ва бошқа шоирлар асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Зулфиянинг ўзбек адабиётини ривожлантиришда ва ижтимоий ҳаётда қилган катта хизматлари давлатнинг юксак орденлари, «Ўзбекистон ССР халқ шоири» унвони, Неру, Ҳамза ва Нилуфар номидаги мукофотлар билан тақдирланди.

Зулфия 1996 йил биринчи августда вафот этди.

### **Зулфиянинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик гоялари**

Зулфия Ватанни севиш, инсон бахтини, дўстликни эъзозлаш гояларини олға сурди. У Ватан гўзаллигини, инсон бахти ва дўстликни, Ватан ва халққа садоқатлиликини куйлашни улуғ бахт ва шараф деб билди. У Ватан ҳақидаги гояларини «Менинг Ватаним», «Икки мактуб» каби шеърлари ва «Уни Фарҳод дер эдилар» балладасида ёрқин ифодалади.

Зулфия туғилиб ўсган Ватани гўзаллигини чуқур ҳис қилади: Ватаннинг кўм-кўк боғлари, соф булоқлари, баланд тоғла-

ри, бепоён пахтазорлари, ҳатто қизиб ётган қумлари ажиб жилва ва меҳрибонлик билан унда ўзига нисбатан муҳаббат, севги уйғотади. Шунинг учун шоира Ватанни ҳаёт лаззати, бахт ёри деб билади.

Зулфиянинг фикрича, Ватан меҳри, ишқи ҳар бир инсон қониди кечмоғи керак, инсон қалбига меҳр, севги бахш этган Ватанга ҳужум қилган фашистларга қарши курашмоғи лозим, Ватан билан севги барқарордир.

Зулфия халқимизга хос ватанпарварлик фазилатини «Қўлимда қуролу, устимда шинел» шеърида ҳам йигит ва қиз образида ифодалади.

Йигит фронтдан севгилисига хат ёзади. Қиз сафарга чиқиш олдидан унга шундай жавоб йўллайди:

*«Нега хат ёзмайсан, енгдими ҳижрон,  
Бардош қилолмайин унутдинг тамом?»...  
Дебсан, баҳодирим, хатни кўп ёздим,  
Мендаги муҳаббат сиғмас мактубга.  
Кутдим, ўйламаки севгидан оздим,  
Бардош берар экан севги маҳбубга...<sup>1</sup>  
Ишқинг қанотида сени сўроқлаб,  
Парвоз қилмоқдаман осмонда енгил,  
Тездан етажакман сенинг ёнинга,  
Қўлимда қуролу, устимда шинел.<sup>2</sup>*

Зулфия шеърида ўзбек қизларига хос Ватанни севиш, Ватан олдидаги бурчни ҳис қилиш, бурчни бажариш билан Ватанни, ёрни рози қилиш хислатини, севгининг қудратини улуғлади, барча қизларни шундай фазилатли бўлишга чорлади.

Зулфиянинг педагогик қарашларидаги ватанпарварлик хислати, айниқса, «Уни Фарҳод дер эдилар» балладасида ёрқин намоёндыр. Балладада баён қилинишича:

*Ақл, юрак, санъат, истеъдод,  
Ҳаво, тупроқ, сув — бутун ҳаёт,  
Ҳаёт учун отилди жангга,  
Жонни тикиб она Ватанга.*

---

<sup>1</sup> Зулфия. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Т., Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 48-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 48-бет.

*Жўнай берди ишчи, пахтакор,  
Жўнай берди олим, санъаткор...<sup>1</sup>*

Шу жумладан, Фарҳод образини яратган Қобилжон Сиддиқов ҳам. У жангда ўлим олдидан бутун кучини йигиб қўшиқ айтади:

*«Азиз Ватан, жонажон Ватан,  
Керак бўлса қурбон жону тан.  
Бахт, эркимиз қолсин деб элда,  
Муҳаббатинг, қудратинг дилда  
Кўрсатамиз курашда сабот,  
Ёвдан сени қиламиз озод.  
Халқим учун, санъатим учун  
Яна жангга кираман бу кун!»<sup>2</sup>*

Қобил қори — Фарҳод азот бош кўтаради, лекин қимирлашга мадори йўқ, атрофга назар ташлайди. Шунда ўлим кўздан гойиб, кўз олдида она юрти Ўзбекистон, халқи, ёр-дўстлари, уйи, меҳрибон онаизори, отасининг нуроний юзи намоён бўлади, улар унинг йўлларига интизор.

*Кенг пахтазор, водий, боғ, бўстон  
Бари бўлиб бир Ўзбекистон —  
Гўё унга бағишлади куч,  
Деди: — Ўч ол, душмандан ол ўч!<sup>3</sup>*

Командири унга сув ичиради, ўлим нарига кетгандай туюлади. Жанг зафари унинг руҳини шод этади:

*— Украина туфроғин озод  
Кўриш, дўстлар, тилагим эди.  
Кўрдим!  
Зафар бизники энди,  
Жон дўстларим, хуш қолинг, — деди.  
— Мен учун ҳам ўч олинг, — деди.  
— Мен ўлимдан асло қўрқмайман,  
Лекин яшамоқни истайман...<sup>4</sup>*

---

<sup>1</sup> Зулфия. Асарлар. Иккинчи жилд. Т. 1975. 10-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб 12-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 13-бет

<sup>4</sup> Ўша китоб, 15-бет.

Қобил қори Украина ерларида жанг қилади, украин халқининг озодликка эришишига ишонади.

Ўз халқига мурожаат этиб:

*Азиз халқим, фарзандлик ҳаққи,  
Курашингга руҳим-ла ёрман.  
Душманини енголган халқим  
Зафариди, бағрида борман.<sup>1</sup> —*

дейди у.

Зулфия севги ва бурчни инсоннинг энг олий ҳис-туйғуси ҳисоблайди ва улуғлайди. «Икки мактуб» шеърида фронтда бўлган йигит севгилисига йўллаган мактубида у билан ўтказган ширин дамларни, хайрлашув онларни унга эслатиб дейди:

*Ҳозир мен жангдаман — сендан узоқда,  
Тўплар гумбурлайди, атроф қор оппоқ.  
Кўзларим олдида юртдаги боғлар,  
Ва сен чилвир сочим, йўлимга муштоқ.<sup>2</sup>*

Йўлига муштоқ бўлган севгилиси йўллаган мактубида у билан юрган сув бўйларида райҳонлар кўкаргани, гуллар чаман бўлиб очилгани, унинг синглиси билан доимо бирга бўлаётганини айтиб, йигитнинг қалбида ишонч туйғусини кучайтиради. У дейди:

*Доимо у билан мен, у ўхшар сенга,  
Унинг ҳам сенингдек кўзлари хумор,  
Сенинг табассуминг, сенинг қиёфанг,  
Сенинг суҳбатингдек ширин сўзи бор...  
Фронт ҳам, зафар ҳам эслатар сени,  
Қуёш нафасингни, ой боққшингни,  
Иссиқ юзларингни эслатса синглинг,  
Юрагим эслатар дил ёқшингни.<sup>3</sup>*

Қиз унга етишадиган кунлар яқинлигини изҳор этади, висол умиди ўзига сабр-тоқат багишлаётганини маълум қилади. У шу билан йигитни ҳам сабр-тоқатли бўлишга чорлайди.

<sup>1</sup> Зулфия. Асарлар. Иккинчи жилд. Т. 1975. 16-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 68-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 69-бет.

Зулфия шеърда йигит ва қиз тимсолида ахлоқий поклик, севгида садоқатлилик инсон ҳаётида муҳим омил бўлишини, инсоний севгининг Ватан севгиси билан узвийликда намоён қилиб, ўғил ва қизларни улар каби ватанпарвар, ахлоқий камолот соҳиби бўлишга даъват қилади.

### Зулфия инсонпарварлик ҳақида

Зулфия педагогик қарашларида инсонпарварликни, эл-юрт учун қайгуришни, илмни эъозлашни инсоний улуг хислат сифатида қадрлайди, инсонпарвар инсон элда ҳам, юртда ҳам ҳурмат ва эҳтиромга сазовор эканлигини таъкидлайди.

Шоира бу гоёларини «Раис шундай бўлса» шеърида хўжалик раиси мисолида намоён этади. Шеърда ҳикоя қилинишича, хўжалик раиси пахта, пилла режалари ортиғи билан бажарилганидан хурсанд, хотиржам бўлиш билан бирга, эл ҳол-аҳволини ҳам ўйлайди, у ҳар бир хонадонда бўлаётган хурсандлик ва ташвишдан хабардор. «Эл, қуш тинару у билмас ҳордиқ», «Раис огоҳ ҳар дард, ҳар кимдан». Шоира раис билан дала бўйлаб борар экан, раис тўсатдан қадамини тезлаштиради, қадам ташлашини кўрган одамлар ҳайрон, барчанинг нигоҳи унга боққан.

Раис хўжаликда шуҳрати элга ёйилган сут соғувчи қизнинг уйига боради ва кўрадики: врач бўлишни орзу қилиб, ўқишга кирмоқчи бўлган қиз билан она ўртасида келишмовчилик. Она «Шаҳарга қўймайман. Ўқишинг бас!» — деб насиҳат қилиб, қизнинг ёлбориши, ўтиниши, кўз ёшлари унга кор қилмайди.

Раис онанинг «Қиз кетса, жўнанинг бирга мени ҳам» деб қўйган шартига кўнади, улар билан бирга институтга боради, раҳбарга воқеани тушунтиради. Раҳбар онани иш билан таъминлаб, қизни ўқишга қабул қилади.

Она барча шубҳа-ташвишларни унутиб, соғиниш баҳонаси билан йил ўтмай хўжаликка қайтиб келади.

Шоира дейди:

*Кўриб тургайман яхши раисни,  
Сут соғувчи қизнинг уйи тўрида  
Туғилиш дардидай мушкул онг баҳсин  
Фарзандин идрокнинг вазмин нурида.  
Қоронғу шу дилни эритар зиё,*

*Биламан, қиз бўлар тилакка восил...  
Яхши раис халқнинг хизмат, меҳрида,  
Дарёдай тошади далада ҳосил...<sup>1</sup>*

Демак, ақл-идрок билан ҳар қандай мушкул онг баҳсини ҳал қилиш мумкин. Идрок нури дилни ҳам эритади-юмшатади, инсонни ўйлаган тилагига мушарраф қилади. Шундай ақл-идрокка эга бўлган раис — раҳбар «халқнинг хизмат, меҳрида» бўлади, далада ҳосил ҳам мўл — тўлиб тошади.

Зулфия барча хўжалик раҳбарини идрок соҳиби бўлишини орзу қилади.

### **Зулфия меҳнатсеварлик ҳақида**

Зулфиянинг педагогик қарашларида меҳнат, меҳнатсеварлик ҳам алоҳида ўринда туради. Меҳнат меҳрини инсонга гўзаллик, завқ, шодлик, ором, шуҳрат келтирувчи ноёб гавҳар ҳисоблайди.

«Богбон» шеърисидаги кекса богбон меҳнат меҳри билан боғига кирар экан, унинг гўзаллигига қараб, ҳатто дунёни унутди. Қўлида гулқайчи, белбоғида теша. Қайчи билан қуриган шохчаларни, теша билан патак илдизларни қирқади, тупроқни қурт, чиқиндилардан фориғ этади. Кейин кексалик меҳри билан гулбоғни оралаб юради, завқланиб очилган гуллардан танлаб-танлаб гулдаста ясаб, ҳамроҳи — шоирга туҳфа қилади.

Шоира дейди:

*Бутун ўзи ва қайноқ  
Ҳаётдан қалбида экар ўз боғин.  
Ёт ўт, хасни янчар,  
Терар гул.  
Қачон  
Топдим, — дер гавҳару ой ёнган ноёбни??*

Маълумки, меҳнат гўзаллиги унган ишда, меҳнат аҳлида намоён бўлади. Ўзининг ҳалол меҳнати билан ерни — боғии гўзаллаштиргани учун богбон ҳам гўзал. Ҳалол меҳнат шарофати билан у шод. Меҳнат ўз гўзаллиги билан богбон ҳиссиётига, ҳиссиёти орқали онгига таъсир этган.

<sup>1</sup> Зулфия. Асарлар. Иккинчи жилд. Т. 1975. 231-бет

<sup>2</sup> Ўша китоб, 240-242-бетлар



Зулфия шеърда ана шу фикрни ифодалаган, богбонларни меҳр билан гулбоғлар яратишга чорлаган.

«Лобар қизларга» шеърида айтилишича, Зулфия «Меҳнат ва тинчликнинг мўл ҳосил тўйи»га боради, «Қуёшга ета олгудай» пахта хирмонларини кўриб қувонади, хирмонларда лобар, қалби эзгу умидларга тўлиқ қизлар ҳиссаси борлигидан завқланади ва:

*Кумушдай очилган бу пахталарда,  
Сизнинг қўлингизнинг ҳиссаси улуғ.  
Жон-дилдан ишлайсиз, чунки қалбингиз,  
Эзгу умид билан севгига тўлиқ.<sup>1</sup> — дейди у.*

Зулфиянинг фикрича, қизлар «ажойиб халқнинг» фарзанди ва камтарлик фазилатига эга бўлганликлари билан бахтиёрлар, олга томон ундовчи режаларини ҳам бажарадилар. Шоира қизларга хитобан дейди:

*Тинчлик ва шодликни яратувчи халқ,  
Сизнинг қўлингиздан кийинса гўзал.  
Сизнинг юрагингиз фахр-ла тўлса,  
Азизлар, бахт бундан бўлурми афзал?<sup>2</sup>*

Демак, пахтакор лобар қизлар ўз меҳнати билан элни кийинтирса, унга гўзаллик бахш этса, бу — улар учун беназир фахр ва бахт.

Зулфия қизларни ана шундай бахтга сазовор бўлишга даъват этади.

## **Зулфия педагогик қарашларининг аҳамияти**

Шоиранинг Ватан ва ватанпарварлик, инсонпараварлик, меҳнат ва меҳнатсеварлик фазилатларининг маънавий моҳияти, севги ва ақл-идрокнинг инсонга ҳурмат, шуҳрат бахш этувчилик қудрати ҳақидаги фикрлари XX аср педагогик ривожига қўшилган ҳисса сифатида, ўгил-қизларнинг ва эл-юрт олдидаги бурчни чуқур ҳис қилувчи, ахлоқ-одобли бўлиб етишишларига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 128-бет

<sup>2</sup> Ўша китоб, 129-бет

# ЭРКИН ВОҲИДОВ

## Ҳаёти ва адабий-ижтимоий фаолияти

Эркин Воҳидов 1936 йил 8 декабрда Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилди. Отаси Иккинчи жаҳон урушида жароҳатланиб, 1945 йилда 33 ёшида вафот этади. Бир йилдан кейин онаси ҳам дунёдан ўтади. Эркин Воҳидов тоғаси қўлида тарбияланади. Тоғаси касби юрист бўлса ҳам, адабиёт ва санъатга қизиққан, шеърятни нозик тушунадиган киши бўлган. Уйларига шоир Чустий, хонандалар — ака-ука Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, машҳур олим ва таржимон Алихон Соғуний каби санъат аҳллари тез-тез келиб туришган. Уйда Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий байтлари ҳақида фикрлашув ҳам бўлган. Ана шу муҳитда Эркин Воҳидовда адабиётга қизиқиш уйғонади.

Эркин Воҳидов Тошкентда 22-мактабда ўқиб юрганда «Муштум» журналида биринчи шеъри босилади. Мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетининг филология факультетида ўқиб, уни 1960 йилда тугатади. 1955-60 йилларда «Тонг нафаси» шеърлар тўплами босилади, Сергей Есенин шеърларидан таржима қилади, атоқли адиб, шоирлар Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳор, Миртемир, Шайхзода билан мулоқотда бўлади. 1963—1970 йилларда «Чароғбон», «Нидо», «Палатада ёзилган дoston» шеърый китоблари, «Олтин девор» драма асари нашр этилади.

1970—1987 йиллар орасида буюк немис шоири Гётенинг «Фауст» фожиа драмасини ўзбек тилига ўтиради, жаҳон ва рус адабиётини пухта ўрганади.

Бу йилларда «Ҳозирги ёшлар», «Муҳаббат», «Тирик сайёра-лар», «Рухлар исёни» достони, икки жилдлик «Муҳаббатнома» сайланма шеърый тўпламлари, 1992 йилда «Изтироб», 2000 йилда «Ишқ савдоси» сайланма тўпламлари нашр қилинади.

Эркин Воҳидов 1975 йилдан «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, сўнг бош муҳаррир, кейин «Ёшлик» журна-лида редактор, Фафур Фулом номли адабиёт ва санъат на-шриётида директорлик вазифасини адо этади.

Эркин Воҳидов ўзбек адабиётининг ривожига қўшган улкан ҳиссалари, жамоат ишлари соҳасидаги самарали хизматлари

учун давлатимиз уни орденлар, «Халқ шоири» унвони, «Буюк хизматлари учун» ордени, «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан тақдирлади.

### **Эркин Воҳидовнинг ватанпарварлик ва халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари**

Эркин Воҳидовнинг бадиий ижоди ва маърифий фаолиятида Ватан ва халққа содиқлик, эл-юрт камоли ва равнақи орзусида яшаш, инсоний ғоялари асосий ўринда туради.

Шоир асарларида ўзбек халқига хос инсонийлик, самимият, меҳр-оқибат, Ватан ва халққа муҳаббат ва содиқлик, фидойилик каби фазилатлар фахр билан тараннум этилган. Ватанга хитоб қилиб:

*Бағринг толе нурига тўлсин,  
Она юртим — мунис маконим.  
То тирикман, сеники бўлсин  
Шеърим, умрим, юрагим, жоним.<sup>1</sup>*

дейди Эркин Воҳидов.

Шоирнинг ватанпарварлик, халқпарварлик ғоялари «Она тупроқ», «Ўлка», «Нидо», «Ўзбегим», «Ватандин яхши ёр бўлмас» ва бошқа шеърларида ёрқин ифодаланган.

Эркин Воҳидовнинг фикрича, «Она тупроқ» — ер, тупроқ аслида мўътабар, табаррук эмас. Ер, тупроқ инсоннинг ҳалол пешона тери билан муаззам, инсон ёт назардан асраб, жонини фидо этгани сабабли у муқаддас. Шоир дейди:

*Дастлаб ўша ер узра одам  
Тўкканида ҳалол манглай тер,  
Тавҳар унди она тупроқдан,  
Қутлуғ бўлди муаззам бу ер.  
Муборакдир инсон тўккан тер,  
Мўътабардир қутлуғ тоза қон!<sup>2</sup>*

Демак, инсон пешона тери муборак, унинг тинчлик ва осойишталиги учун тўккан қутлуғ тоза қони мўътабардир.

<sup>1</sup> Э. Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. Т., «Шарқ», 2000, 33-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 33-бет.

Эркин Воҳидов ватандошларини муборак пешона терлари билан муборак заминдан гавҳарлар ундиришга, керак бўлса, мўътабар қутлуғ жонларидан кечиб уни ёвдан асрашга чорлайди.

Эркин Воҳидовнинг уқтиришича, Ватан ишқида ёнган қалб ҳеч қачон хор бўлмайди, юртда яшашнинг завқини туйган одам бахтиёр, юракдан элни суйган одам чин ўғлондир. Наслига куйган тақдирдагина Ватанни севиш саодат ҳисобланади. Ватанни севмаган инсон жаҳонда бахтиёр бўлмайди.

Эркин Воҳидов бу уқтиришлари билан Ватандан яхши ёр бўлмаслигини таъкидлайди, ватандошларини юрт хуснига боқиб, кўнглини чоғ этишга, шу элнинг ўғлиман деб ғурурланиб кўксини тоғдек тутишга, Ватанни кўз қорачиғидай асраб, азиз тупрогини боғ-роғлар этишга даъват этади.

*Ватан ҳар зарра тупроғин.  
Кўзингга сен қароғ этгин.  
Боболар маскан этган  
Бу азиз тупроқни боғ этгин,  
Ярашгай ифтихор этсанги,  
Ортиқ ифтихор бўлмас.<sup>1</sup>*

Эркин Воҳидовнинг ватанпарварлик қарашларида садоқатнинг ёрқин намунаси бўлган қайрағоч ҳақидаги ривоят ғоятда ибратлидир. Шоирнинг ривоят қилишича:

*Кекса қайрағочнинг илдизин очиб,  
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.  
Лекин у тупроққа панжасин солиб,  
Сира кўзғалмади унган еридан.  
Ниҳоят гурс этиб ерга қулади,  
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ —  
У ўз панжасида олиб жўнади  
Яшаган еридан бир сиқим тупроқ.<sup>2</sup>*

Тарбиявий аҳамиятга эга бу ривоят ватанпарварликнинг, ватанга садоқатлилиқнинг жонли тимсоли бўлган Жалолиддин Мангуберди ўлими ҳақидаги воқеани эслатади. Душман Жалолиддинни ўлдириб, белидаги тикмачоқ халтани олади, бир дунё

<sup>1</sup> Э. Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. Т., «Шарқ», 2000, 207-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 99-бет.

бойликка эга бўлдим деб севинади. Аммо бу бойлик Жалолиддин асраб юргани Хоразмнинг бир сиқим тупроги эди.

Эркин Воҳидов баён этган қайрағоч ҳақидаги ривоят ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у ёшларда «садоқат»нинг мазмунини билиб олишга, Ватанга ва халққа садоқат туйғусини ривож топтиришга ёрдам беради.

Маълумки, ўзбек халқи кўп асрлик тарихга эга бўлган халқ. У Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Шоҳ Машраб, Нодира, Фурқат, Муқимий каби алломаларни етиштирган; Александр Македонский, Чингиз, Ботухонлар тигига бардош берган, уларнинг зулмига қарши мардона курашган, аммо «маърифатнинг шуъласига талпиниб яшаган». Мустабид тузум туғиши билан у кўрган жабру жафолар кўҳна тарих орқада қолди. Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Рафуров айтганидек: «Олам узра янги миллий мустақил давлатларнинг озодлик ва демократик қуёши балқиди.

Жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси деган мустақил... давлат қад кўтарди. Халқларнинг ўз-ўзлари ва бир-бирларини янгидан таниши бошланди». Эркин Воҳидов ана шу тарихий ўзгаришлардан, ўзлигини жаҳонга мадҳ қилиш имконини берган давр, буюк юрт ўғли бўлганидан фахрланиб ёзган «Ўзбегим» қасидасида дейди:

*Мен буюк юрт ўғлидирман,  
Мен башар фарзандиман,  
Лекин аввал сенга бўлсам  
Содиқ ўғлон, ўзбегим.<sup>1</sup>*

Эркин Воҳидов ўзбек халқининг миллий одатига кўра, ўз халқига илтижо билан шундай мурожаат қилади:

*Бу қасидам сенга, халқим,  
Оқ суту туз ҳурмати,  
Эркин ўғлингман, қабул эт,  
Ўзбегим, жон ўзбегим.<sup>2</sup>*

Мустабид йилларда Эркин Воҳидов ёзган «Ўзбегим» қасидаси ўзбек халқининг миллий уйғонишига, унутилаётган кўҳна

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 202-203-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 202-203-бетлар.

тарихини, ўтмиш буюк мутафаккир заминдошларини билишга қизиқиш, қалбида фахр-ифтихор уйготди. Қасида ўзбек халқи, ёшлар онгига кўрсатган кучли таъсири билан таълим-тарбияда алоҳида, муҳим аҳамият касб этди, этмоқда.

### **Эркин Воҳидов дўст, дўстлик ҳақида**

Эркин Воҳидов инсонлар ўртасидаги ҳақиқий дўстликни ва моҳиятини улуғлайди. У дейди:

*Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам.  
Дўст қадам қўймас эса,  
Вайронадир кошона ҳам.<sup>1</sup>*

Эркин Воҳидовнинг таъкидлашича, яхши дўстлар дўстга ором, хурсандлик бахш этади. Тўғри сўз, ростгўй дўст берган озоридан қочмаслик, ранжимаслик керак. Ҳақиқий, покдил дўст берган озор йўл қўйилган камчилик, хатонинг такрорланмас-лигига ёрдам беради.

Шоирнинг фикрича, жаҳонда дўстсиз яшаш мумкин эмас. Излаб дўст топиш керак, у юз минг бўлса ҳам оз. Бу йўлда эҳтиёт бўлиш лозим. Битта душман мингтанинг ўрнини босади, мингтага татийди. Эркин Воҳидов дейди:

*Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,  
Дўст юз минг бўлса оз.  
Кўп эрур бисёр душман  
Бўлса у бир дона ҳам.<sup>2</sup>*

Эркин Воҳидов дўст топишнинг асосий йўли меҳрли бўлиш эканини айтади:

*Дўсти содиқ йўқ экан деб  
Ўртаниб куйма ва лек,  
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,  
Дўст бўлур бегона ҳам.<sup>3</sup>*

деб маслаҳат беради у.

<sup>1</sup> Э. Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. Т., «Шарқ», 2000, 151-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 151-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 152-бет.

## Эркин Воҳидов камтарлик ҳақида

Эркин Воҳидов камтарликни улуғ инсоний фазилат деб билади, бу фазилат соҳиби доимо иззат-ҳурматда эканлигини таъкидлайди, у манманлик, кибру ҳаволик ёмон иллат эканлигини айтади.

Эркин Воҳидов ўз фикрини чойнак билан пиёла ҳақидаги нақл мисолда баён этиб дейди:

*Гарчи шунча мағрур турса ҳам,  
Пиёлага эгилар чойнак.  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?*<sup>1</sup>

Шоир, манманлик, кибру ҳавога берилганлар қанчалик мағрур бўлмасинлар, камтаринлар олдида бўйин эгишга мажбур эканликларини уқтириб, уларни пиёласимон камтарин бўлишга даъват этади:

*Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма ғурур остонасидан.  
Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан.*<sup>2</sup>

деб уқтиради Эркин Воҳидов.

Инсон ҳаётида фурсат — вақт энг қимматли саналади. Ўтмишда донишманд ота-боболаримиз фурсатни беназир неъмат билиб, одамларни мақол ва ҳикматли сўзлар воситаси билан вақтнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга, бирор дақиқани ҳам зое ўтказмасликка даъват қилганлар. Фурсатнинг қадрига етмаганларга бахт, шон-шараф насиб бўлмаслигини айтганлар. Улар «Вақтнинг кетди — бахтинг кетди?», «Фурсатни ўтказдинг — ютқаздинг», «Вақт кутиб ўтирмайди», «Ёқут билан вақт топилмас, вақт билан ёқут топилур», «Ҳар бир ишнинг вақти бор, вақтни билганнинг бахти бор» каби мақол ва ҳикматли сўзлар воситасида ёш авлодни тарбиялаганлар. Эркин Воҳидов «Фурсат — олтин» билан бошлаган шеърда бойлик кетидан қувиб фурсатнинг қадрига етмаган, кек-

---

<sup>1</sup> Ўша китоб 15-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб 15-бет.

кайган ёшларга бефойда ўтган ҳаёти учун вақт келганда жавоб бериш — фойдасиз эканини айтиб дейди:

*Фойда бермас  
Минг тавбанг у кун  
Сўрар экан фурсат сарҳисоб.  
Бенаф ўтган  
Ҳаётинг учун  
Вақт олдида берарсан жавоб.<sup>1</sup>*

Эркин Воҳидов ёшларни фурсатни ганимат билиб, ҳар бир дақиқа вақтдан унумли фойдаланишга даъват этади, уларни халқ, жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланишга чорлайди.

Эркин Воҳидовнинг педагогик қарашларида оилада бола тарбиясига ҳам эътибор берганини кўрамиз. Шоир ота-оналарга ёш болани «шайтон» келди, «бобов келди» деб қўрқитмасликни маслаҳат беради. Шоирнинг фикрича, бу зайлда тарбияланган бола улғайиб, ҳаётда учраб турадиган айрим «бобов» кабиларга — қабиҳ одамларга дуч келганда «Итдан қўрққан соқовларга ўхшаб қолмаслигини таъкидлайди.

*То улғайиб, дуч келганда «бобов»ларга,  
Ўхшамасин итдан қўрққан соқовларга».*

— дейди Эркин Воҳидов,

Шоир ота-оналарга болаларни шаддодликка (ўжарликка), раҳмсизлик ва бедодликка (арз-додга қулоқ солмайдиган, адолатсизликка) ўргатмаслик кераклигини ҳам айтади. Бундай хислатга эга бўлган бола улғайиб ҳаётда дуч келган инсонларга беандиша одамларга (шайтонларга) ўхшаб қолажagini уқтиради. У дейди:

*То улғайиб, дуч келганда инсонларга,  
Ўхшамасин андишасиз шайтонларга.*

### **Эркин Воҳидов педагогик қарашларининг аҳамияти**

Эркин Воҳидовнинг Ватан ва халққа содиқлик, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, равнақи ҳақидаги ғоялари, Ватан ишқида ёнган қалбнинг абадийлиги, Ватанга садоқатлилик, мус-

---

<sup>1</sup> Э. Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. Т., «Шарқ», 2000, 66-бет.



тақиллик шарофати билан эришилган неъматлар, дўст ва дўстлик, инсоний меҳр, инсон фазилати, камтарлик, фурсат — вақтни ганимат билиш, оила муҳотида бола тарбияси, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги бурчи, гўзал ахлоқ хусусидаги педагогик қарашлари ёш авлодни гўзал ахлоқ соҳиби қилиб етиштиришга хизмат қилади, миллий педагогика тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

## **АБДУЛЛА ОРИПОВ**

Ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Абдулла Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Нукўз қишлоғида туғилди, ёшлиғида Алишер Навоий, А.С. Пушкин ва таниқли ўзбек шоирларининг асарларини ўқиди. 1948 йилда ўрта мактабга кириб, 1958 йилда битирди. Сўнгра Тошкент давлат университетининг филология факультетида таълим олди, талабалик йилларидаёқ истеъдодли шоир сифатида эътибор қозонди. «Митти юлдуз» деб аталган биринчи шеърлар тўпламидан кейин унинг бир неча тўпламлари, «Жиноятга йўл», «Ҳаким ва аёл» каби достонлари нашр этилди. У соҳибқирон Амир Темур ҳақида пьеса ёзди, улуғ италян шоири Дантенинг «Илоҳий комедия» («Дўзах») асарини ўзбек тилида чоп этди. У фақат Ўзбекистонда эмас, хорижий мамлакатларда ҳам талантили шоир сифатида шуҳрат қозонди.

Абдулла Орипов ўзбек адабиётининг ривожига улкан хизматлари учун давлатнинг орденлари, жумладан, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди, «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

### **Абдулла Ориповнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари**

Абдулла Ориповнинг педагогик қарашларида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуси асосий ўринда туради. Абдулла Орипов учун еру осмон муқаддас Ватан. Аммо, Ўзбекистон тупроғи Абдулла Орипов учун тўтиё, халқи эса Бухорий, Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фарғоний, Марғилоний, Аҳмад Ясавий, Беруний, Ибн Сино, Ғоробий, Навоий, Нақшбанд,

Улугбек, Бобур каби алломаларни, Кубро, Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларни етиштирган халқ. Шунинг учун Абдулла Орипов шу халққа, шу Ватанга таъзим бажо этади. Шоир «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърида Ўзбекистонни севишининг сабабини изҳор этиб дейди:

*Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга.<sup>1</sup>*

Абдулла Орипов жаҳон маданияти, илм-фани ривожига муносиб ўринни эгаллаган буюк зотлар — боболаримизни етиштирган халқ, Ватан фарзанди бўлгани билан фахрланади, заминдошларини шундай ҳис-туйғу соҳиби бўлишга даъват этади. Шоирнинг фикрича, Ўзбекистонни фақат унинг бойликлари учун эмас, буюк алломалар Ватани бўлганлиги учун севиш керак. Бу Абдулла Ориповнинг асосий ватанпарварлик ғояси.

Абдулла Орипов Ўзбекистонни азалдан Она, сингил, ёр тимсолида кўради. Ўзбекистонни жони-жаҳони, насибаси шу диёрда бўлганини ўзи учун шон-шараф деб билади. У дейди:

*Юртим сенда экан насибам тугал,  
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.  
Сен онам, сен синглим, ёримсан асал,  
Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним.<sup>2</sup>*

Шоир ўз истагини изҳор этиб Ватанга мурожаат қилади:

*Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,  
Болангдай эргашиб кета олсам бас.  
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,  
Сени танимаган мени ҳам билмас.<sup>3</sup>*

«Изҳор» шеърида айтилган изҳор фақат Абдулла Орипов эмас, бутун борлиғи билан Ўзбекистонни севган, шу азиз диёр фарзанди бўлгани билан фахрланган ҳар бир ўзбекнинг дил изҳоридир. Абдулла Ориповнинг таъкидлашича, насиба ато этган, сий-

---

<sup>1</sup> Абдулла Орипов, Ўйлар армони. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1984, 57-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 360-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 360-бет.

лаган, пири комил тимсоли бўлган Ўзбекистонни танимаган инсон шу заминда яшаётган одамларни ҳам танимайди.

Буюк аллома Абу Носр Форобий айтганидек, инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир. Абдулла Орипов Ўзбекистонда яшаб олий бахт-саодатга эришгани билан фахрланади.

Атоқли шоир вафодорликни юксак инсоний фазилат ҳисоблайди: «Аёл» шеърида умр йўлдошини фронтга кузатиб, ҳаётнинг барча кулфатларига бардош берган, садоқатли, вафодор аёлни шундай инсоний фазилат соҳибаси, тимсоли сифатида кўрсатади. Абдулла Орипов одамларни шундай аёлларга сажда ва эҳтиром этишга ундайди. Шоир дейди:

*Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,  
Буюк зот қошида айлангиз салом.  
Шу содиқ бевага саждалар қилинг.  
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.  
Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,  
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл,  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.<sup>1</sup>*

### **Абдулла Орипов дўст ва дўстлик тарбияси ҳақида**

Абдулла Орипов ўзбек халқига хос хайрихоҳликни беназир фазилат ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, ҳар бир инсон учун хайрихоҳ — дўст керак. Ҳақиқий хайрихоҳ «Мунис кўзларини тикиб, мўлтираб турган болакай, «Кўзда таважжуҳи, дуоси тилда», «барака, иқбол» тилаб турган кекса чол» дир. Ҳаётда таъма қилмайдиган, дардли кунларда кўмаклашадиган хайрихоҳлар ҳам бор. Аммо одамлар уларни пайқамайдилар, уларни ғаним биладилар. Аслида шулар ҳам ҳақиқий хайрихоҳ дўстлардир. Абдулла Орипов одамларга хитоб қилади:

*Дўст излаб беҳуда кезгунча олам,  
Оёғинг остига боқсангчи, инсон!  
Мунис кўзларини тикиб, мўлтираб,  
Болакай юзингдан излайди нигоҳ...  
Мунис термулиб қолди кекса чол,*

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 105-бет.

*Кўзда таважжухи, дуоси тилда  
У сенга тилади барака, иқбол.  
Сен ғаним атаган қай битта инсон  
Сен учун қайдадир чекди танҳо оҳ.<sup>1</sup>*

Абдулла Орипов ҳасрат ҳаққи иймон келтириб, шу одамлар чин хайрихоҳ эканлигига иймон келтиради. Шоир олам шундай иноқлик туфайли бир бутунлигини айтади. Зеро, муҳаббат ҳам, дўстлик ҳам шу хайрихоҳликдан бошланган, бошланади. Абдулла Ориповнинг фикрича, шундай хайрихоҳлар борлиги туфайли инсон, шоҳ ёки гадо бўлишидан қатъий назар, руҳига гам ғолиб бўла олмайди. Шу сабабли ҳам, шоир юртдошларига муурожаат этиб:

*Гар дўст йиқитса ҳам оёғинг чалиб,  
Бошингни силайди ўша хайрихоҳ.<sup>2</sup>*

дейди.

### **Абдулла Орипов ахлоқий фазилатлар ҳақида**

Абдулла Ориповнинг уқтиришича, инсон туғилади, ўсади, улгаяди. У ўзидан олдин яратилганлардан фойдаланади. Ўтганлар ўз манфаатларини ўйлаб эмас, балки келгуси авлодни ўйлаб ўзларидан ёдгорлик қолдирганлар, савобли ишлар қилганлар. Абдулла Орипов «Савоб» номли шеърида одамларни ўтганлар каби келгуси авлодга ўзларидан ёдгорлик қолдиришга даъват этиб:

*Авжи саратонда ҳансираб, ёниб,  
Қовирилиб оловли йўллар тафтида  
Муздайин булоқдан сув ичгач қониб,  
Ҳордиқ олганмисан чинор тагида?<sup>3</sup>*

*Руҳингда сафо-ю танингда мадор  
Умидбахш қўшиқлар куйлаганмисан?  
Ўша пайт, ўша он ҳеч қурса бир бор  
Чинорни ким эккан — ўйлаганмисан?<sup>4</sup>*

деб уларни савобли иш қилишга чорлайди.

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Йиллар армони. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1984, 363-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 363-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 334-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 334-бет.

Шоир ҳаётда яратилган барча нарсалар — соя-салқини билан инсонга роҳат бахш этаётган чинор ҳам, мамлакатларни, шаҳар ва қишлоқларни бир-бирига боғлаган йўлларнинг барчаси кимларнидир меҳнати эвазига юзага келганлигини айтар экан, ўз замондошига мурожаат қилиб: «Хўш, сен нима қиляпсан? Жуда бўлмаса, оддийгина инсонлик бурчингни адо этияпсанми?», «собит кимсага насиба узатганмисан», «Кўчангдан лопиллаб ўтганда тобут, сен уни тўрт қадам кузатганмисан?», «Чорасиз бир инсон учраган дамда, унсиз сўрогига қилдингми жавоб» деб ундан сўрайди ва қилган бўлса, бу ишларининг барчаси савоб эканлигини уқтиради.

Абдулла Ориповнинг фикрича, ана шу оддий бурчларни амалга оширган кишилар улуг ишларга ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар — шоир шуни истади.

Абдулла Орипов ўзининг «Одамлар» деб номлаган шеърида ўзбек халқига хос меҳмондўстлик фазилатини улуғлайди. Эмиш, бир одам қош қорайган пайтда йўл йироқлигини ҳис этиб, ўтиб бораётган одамга: «Эй, йўловчи, бўла қол кўноқ, уйда борин кўрамиз баҳам» деб уйига таклиф қилади. Меҳмон таклифини қабул қилиб, уйда қолади. Мезбон топган-тутганини меҳмон олдига ёзади. Икковлари ўтган-кетганни эслашиб отамлашади. Ҳориган йўловчи ва мезбон ухлашади. Йўловчи эрта тонгда уйқудан туриб «Ҳой, мен кетдим. — Қол! — Раҳмат» — деб йўлга тушади.

Ҳатто бир-бирининг исмини ҳам сўрашмаган, бир-бири билан қайта кўришадими-йўқми, бундан қатъий назар, уй эгаси учун меҳмон айтган шу бир калима «Раҳмат» сўзи катта мукофот эди:

*Ажралишар, улар ҳаттоки  
Исмларин сўрашмаслар ҳам.  
Улар қайта учрашар балки,  
Балки қайта учрашмаслар ҳам.<sup>1</sup>*

Меҳмон мезбоннинг меҳр-оқибатлигини бир умр унутмайди, эслаб юради.

Абдулла Орипов халқимизда: «Меҳмон азиз», «Меҳмон отангдан улуғ» деган мақолларни шеър мазмунига сингдирган ҳолда одамларни миллий урф-одатимиз бўлган меҳмондўстликни унутмасликка даъват этади.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 41-бет.

Абдулла Орипов ўз педагогик қарашларида ўзбек халқининг меҳр-оқибатлилик фазилатини миллий қадрият сифатида улуғлайди. У айрим муаммоларни фақат илм-фан эмас, балки меҳр билан ҳал қилиш мумкинлигини айтади. Масалан, «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси»да тасвирланишича, самодан тирик жон ерга тушгани хусусида шовшув тарқалади. Билагон олимлар йигилишади... бу зот сирини англашмоқчи бўладилар. Замонавий фан-техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиб кўрадилар. Аммо самовий меҳмон қилт этмасдан ётади.. олимлар унинг бепарволигидан ҳайрон. Ниҳоят муаммо илм доирасидан ташқарида, ақл мантиқидан ҳоли равишда ҳал бўлади:

*Бир фаррош кампир:  
Азбаройи меҳр билан  
Бошгинасин силади.  
Тиканакдек тикка ўсган  
Сочгинасин силади.<sup>1</sup>*

Сирли мавжудотга жон кирди, ҳатто кўзига ёш келади, бир оздан кейин оёққа туриб юради, нималарнидир гапиргандек, жилмайгандек бўлади.

Демак, ҳаётда илм-фан инсон ҳаётида содир бўладиган барча муаммони ҳал қилиб, ечиб беравермайди. Ҳаётда шундай муаммо борки, уни инсоний меҳр билан ҳал қилиш мумкин. Шу туфайли ҳам, Абдулла Орипов одамларни меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Шоирнинг таъкидлашича, ҳаётда савобли иш қилмайдиганлар ҳам бор. Айрим одамлар борки, улар тузалганларни бузадилар, яратилганларни барбод этадилар. Бу — ёмон иллат, Инсон қилган савобли ишлари билан азиздир:

*Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун,  
Фақат савоб борки, азиздир Инсон.<sup>2</sup>*

—дейди Абдулла Орипов.

---

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Йиллар армони. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1984, 391-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 391-бет.

## **Абдулла Ориповнинг педагогик қарашларининг аҳамияти**

Абдулла Ориповнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, Она замин ҳақидаги фикрлари, Ўзбекистон фарзанди бўлиш билан фахрланиш, вафодорлик, инсоний фазилат, дўст ва дўстлик, чин инсон келгуси авлодни ўйлаб ўзидан унга ёдгорлик қолдириши кераклиги, инсон қудрати, меҳмондўстлик фазилати, меҳр-оқибатлилик, савобли ишларни қилиш ва бу фазилат соҳибларининг ҳаётда инсон тақдирида тутган ўрни ҳақидаги фикр-ғоялари бутунги кунда камол топаётган ёшлар тарбиясига хизмат қилади, миллий педагогика тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

## **ПЎЛАТ МЎМИН**

### **Ҳаёти, ижтимоий ва маърифатпарварлик фаолияти**

Пўлат Мўмин 1922 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилди, 22-ўрта мактабда ўқиди, уни битиргандан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олди, 1944 йилда тугаллади. У ўқишни Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида аспирантурада давом эттирди.

Пўлат Мўмин 1946—1951 йилларда «Ленин учқуни» газетасида, 1951—1964 йилларда Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири, Ўзбекистон ёзувчилар союзида адабий маслаҳатчи, Ўзбекистон маданият вазирлигида санъат ишлари бошқармасида драматургия бўйича бош муҳаррир бўлиб хизмат қилди.

1949 йилда унинг «Сайранг қушлар» шеърий тўплами, кейин «Бўл тайёр!», «Тиш чўткаси эртаги», «Ҳунардан унар», «Тўғри ўсган гул бўлар», «Ақл қаерда бўлар?», «Олтин най», «Раҳматга раҳмат!», «Эсон ва Омон», «Одоб ва офтоб», «Яхшиларга ўхшасам», «Гул ва пиёз», «Кулди хиёл», «Мен севаман, сен севасанми?», «Олтин бошоқлар» китоблари нашр этилди, «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Суқатой-Конфетвой», «Баҳодирнинг жасорати» драмалари босилди.

Пўлат Мўмин Пушкин, Маяковский, Маршак, Милаков, Барто, Носов каби қардош шоирларнинг болаларга атаб ёзган асарларидан айримларини ўзбек тилига таржима қилди.

Пўлат Мўмин республикада болалар адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонлари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

## Пўлат Мўминнинг маърифий-тарбиявий ғоялари

Пўлат Мўмин ўз асарларида одоблилик, яхшилик, камтарлик, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ ғояларини олдинга сурди. Бу ғояларни «Офтоб яхши, одоб ҳам яхши», «Ақлни кўп ишлатса...», «Баҳорнинг шарти», «Салимжон-нимжон», «Кутқарилган баҳодир» шеърларида, «Тўрт тўғри ва тўрт ўғри» ҳикояси ва бошқа асарларида ҳам баён этди.

Пўлат Мўмин «Офтоб яхши, одоб ҳам яхши» шеърида болаларга офтоб ва одобнинг хислатини тушунтиради. У офтобнинг тоғ-тошларга нур сочиб оламни иситишини, одоб саломалиқда, яхши сўзда, юз-кўзда намоён бўлишини уқтиради. Шоир дейди:

*Оламнинг юзи  
Офтобдан исир.  
Одамнинг юзи  
Одобдан исир.<sup>1</sup>*

Пўлат Мўмин шу хислатлари билан офтоб олам учун, одоб одамларда, болаларда доимо барқарор бўлишини таъкидлайди.

Пўлат Мўминнинг фикрича, ақл инсон зийнати. Бош ақл хазинаси. Ақл фақат нарсани асраш, аяш-эҳтиёт қилишга хизмат қилмайди. Бу хизмати билан у камайиб ҳам қолмайди. Ақлни доимо ҳаракатлантириб туриш керак.

*Ҳаракатсиз қолган нарса  
Бўлгандай майиб,  
Ишламаса ақл, бошда  
Қолар камайиб!<sup>2</sup>*

дейди шоир.

Пўлат Мўмин болаларни ақл хазинаси бошни билим, меҳнат, ишлаш билан тўлдириб туришга чорлади.

<sup>1</sup> Пўлат Мўмин. Чамандаги чаманим. Т., «Чўлпон», 1992, 56-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 94-95-бетлар.



Пўлат Мўмин яхшилик қилишни улугъ фазилат ҳисоблайди. Яхшилик ҳақидаги гоёсини «Тўрт тўғри ва тўрт ўғри» эртагида ифодалади. Эртақда баён этилишича, бир куни тўртта ўғри йўловчиларни тунаш мақсадида кўчага чиқадилар. Ўтиб бораётган бир одамни тўхтатадилар. Улардан бири оғир аҳволга тушганда бу одам овқат билан боқади, у шу ошпазнинг инсонийлигидан ҳайратланиб, ўзининг тубанлашганини тушунади, ҳис қилади ва шу ондан эътиборан ўғрилиқни, текинхўрликни тарк этади. Ўзи ким эканлигини англаб олишга сабабчи бўлган ошпазга миннатдорчилик изҳор этади. Ўғри ошпаз билан бирлашиб, ундан ҳунар ўрганади. Бошқа ўғрилар ҳам ўзларига ёрдам берганларни эслаб, қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга киришадилар.

Пўлат Мўмин бу эртақ орқали яхшилик яхши фазилат эканлигини, яхшилик ёмонлик устидан голиб чиқишини уқтириб, болаларни тўғрилиқка, одамларга доимо яхшилик қилишга, яхшилик соҳиби бўлишга даъват этади.

Пўлат Мўмин копток каби семизликни, баданнинг хамирдай юмшоқлигини, рангнинг синиқишини, кўзнинг доимо уйқу босгандай бўлиб китобга қаролмай қолишини ялқовлик иллати ҳисоблайди. Болада бу иллат меҳнатдан қочиш, баданни чиниқтирмаслик оқибатида ҳосил бўлади. Шоир бу гоёни «Салимжон-нимжон» ҳазил қўшиғида баён этади.

Салимжон ялқовлиги туфайли нимжон ҳолига келган, ҳатто китоб ўқиёлмайди.

*Салим, Салим, Салимжон,  
Бунча бўлдинг сен нимжон?  
Копток мисол семирдинг,  
Гўё танинг хамиржон,  
Салимжон-нимжон.*

Пўлат Мўмин ўқувчилар номидан Салимжонга маслаҳат бериб шундай дейди:

*Бизлар каби куч йиққин,  
Тур, ўртоқжон тез чиққин.  
Бўларсан полвон!<sup>1</sup>*

Пўлат Мўмин меҳнат инсонни жисмонан чиниқтириш, билимга қизиқиш уйғотиш, куч-қувват бағишлаш хислатига эгаллигини айтади, болаларни меҳнатни севишга чорлайди.

<sup>1</sup> Пўлат Мўмин. Устозлар изидан. Т., 1980, 157-бет.

Пўлат Мўмин баҳорни гўзаллик тимсоли, инсонга завқ бахш этувчи фасл деб билади. Ҳар бир инсон у баҳор бахш этган роҳатдан баҳраманд бўлиш билан бирга, унинг гўзаллигини янада оширишга ҳаракат қилиши керак. Бу — баҳорнинг шарти.

«Баҳорнинг шарти» шеърида баҳор билан болани суҳбатлаштиради. Баҳор ўзига нисбатан қандай ҳурмат ва ҳимматли эканлигини боладан сўрайди. Бола: «Номингни қўшиқ қилиб куйлайман, боғларингдан гулдасталар ясаб, устозларга совға қиламан» — деб жавоб беради. Баҳор бола жавобидан қаноатланмаганини айтади. Шунда бола ўйга толиб, кўчатлар ўтқазганини эслаб, бу ишдан баҳорни хабардор қилади. Боланинг бу жавоби баҳорни қувонтиради. Бу тафсилот орқали Пўлат Мўмин болаларни ўз меҳнатлари билан баҳорни, демак Ватани янада гўзаллаштиришга даъват этади.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ, МАКТАБ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, ПЕДАГОГИК ФИКР РИВОЖИ

98 1991 йил 31-августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган кундан бошлаб мустақилликни, мамлакат фаровонлигини, халқнинг тинчлигини, осойишталигини сақлаш асосий мақсад, ўсиб келаётган авлодга эътибор устувор вазифа қилиб қўйилди.

~ 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун асо­сида ишлаб чиқилган таълим тизимига кўра:

— таълимнинг узлуксиз бўлиши ўзаро мутаносибликда таш­кил этилиши;

— таълим ва тарбияни комплекс равишда уюштириш;

— таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш;

— таълим системасини фан ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялаштириш;

— умумий ўрта таълим негизида ёшларни махсус таълим муассасалари ўқишга, мутахассисликка, касб-хунарга тайёрлаш деб белгиланди.

Республикада амалга оширилган узлуксиз таълим барча таъ­лим босқичлари: мактабгача тарбия, умумий ўрта, ўрта махсус,

касб-хунар, олий таълим ҳамда олий таълим туридан кейинги таълим турлари ўртасида узвийлик ва ўзаро мутаносиблик бўлишида, таълимни илм-фан, ишлаб чиқариш ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим омил бўлди. 98,

Тарбияга қамровли ёндашилганлиги натижасида ақлий меҳнат, ахлоқий нафосат ва жисмоний тарбия ўртасида узвийлик мустақамлана бошлади, ўқувчилар фаолиятининг мазмунли бўлишини, таълимий вазифаларнинг ҳам қамровли тарзда амалга оширилишини таъминлади.

Тарбияга қамровли ёндашиш оила, мактаб, жамоатчилик ўртасидаги алоқани кучайтиришда, бу алоқанинг педагогик хусусият касб этишида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Республикада яратилган давлат стандартларида уларнинг ижтимоий мақсадни ифода этувчи бўлишига эътибор берилди, уларда мустақиллик даври талаб этаётган таълим мазмуни, усул ва шакллари белгиланди.

Таълимда қўлланган тест усули иқтидорли болаларни аниқлашга, уларнинг илм-фан асосларини эгаллашларида муҳим усул сифатида хизмат қилди.

1997 йил 29-30 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ IX сессиясида Президент Ислон Каримов 1997 йилга қадар бўлган даврда таълим тизимида эришилган ютуқларни қайд қилган ҳолда, таълим соҳасида қилинадиган ишларни, кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислоҳотлар қилиш зарурлигини айтди ва ислоҳотларни амалга ошириш йўлларини кўрсатди.

Президент «Бугунги замон талаби, эртанги келажакимизнинг таълимлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда» деб ислоҳот қилиш давр талаби эканлигини алоҳида уқтирди.

Сессияда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Қонун ва дастур асосида республикада амалга оширилаётган таълим-тарбияда тубдан, кескин ўзгариш бўла бошлади. Бу қонун ва дастур ёш авлодни Ватанга садоқатли, унинг мустақиллигини асраб-авайлашга тайёр, кенг тафаккурли, мустақил фикрлаш қобилиятига эга, жисмонан соғлом, маънавий ва маданий, маърифий жиҳатдан баркамол қилиб етиштиришда муҳим омил бўлди.

Қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари аниқ кўрсатилди, таълим Ўзбекистон Республикаси

ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор эканлиги қайд қилинган ҳолда, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатлиги айтилди:

— таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

— таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

— таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

— давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

— таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

— билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда:

— ўқувчиларнинг билим ва қобилиятларини ўстиришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга эътиқодли бўлиш руҳида тарбиялашга, шахе ва жамият, жамоа ўрталаридаги муносабатларни уйғунлаштиришга, ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатини «Устоз ва шогирд» асосида бўлишига;

— ўқувчиларда юксак эстетик ҳис-туйғуни, билим олиш маданиятини шакллантиришга, шахсий ва ижтимоий фаолиятини ривожлантиришга, тарбиялашнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган таълим-тарбия дастурларини такомиллаштиришга;

— узлуксиз таълим тизимида таълимни дифференциациялаш принцип ва механизмларини жорий этишга;

— ўқувчилар, умуман ёшларда миллий истиқлол гоясини шакллантиришга, бунинг миллий ва умуминсоний қадриятлар акс эттирилган ўқув қўлланмалар, бадий асарлар яратишга;

— таълим-тарбияда санъат асарлари — адабиёт ва тасвирий, амалий санъат намуналаридан фойдаланишга аҳамият берилди.

Узлуксиз таълим:

— таълимнинг устуворлиги — ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузлиги;

— демократлашуви — таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқариш давлат-жамият тизимига ўтказилганлиги;

— инсонпарварлашуви — инсон қобилиятларини очиш ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларини қондирилиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигини таъминланиш, инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш;

— ижтимоийлашуви — таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

— миллий йўналтирилиши — таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

— таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтириш;

— иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш асосида ташкил этилди ва ривожлантирилди.

Миллий дастурда қўйилган мақсадни — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш учун республикада қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

— «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизими ислоҳ қилинди, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантирила бошланди;

— таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштирилди;

— кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақоми кўтарилди;

— кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари асосида ривожлантирилмоқда;

— таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда усуллари ишлаб чиқилди;

— таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялаштирилмоқда, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатининг давлат талаблари даражасида бўлиши шаклларининг механизми ишлаб чиқилди;

— кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда таълим турлари: мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат қилиб белгиланди.

Мактабгача таълимда бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилди.

Умумий ўрта таълим: бошланғич таълим (I-IV синфлар); умумий ўрта таълим (I-IX синфлар)дан иборат бўлди.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилди. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинди. Умумий ўрта таълимда ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажми берилади, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмалари ривожлантирилади, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига эгаллаган касб-хунари бўйича ишлаш ҳуқуқи берилди, улар ўз билимларини навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълимини ҳам эгалладилар.

Академик лицейда ўқувчилар интеллектуал қобилиятларини жадал ўстириб, улар уч йил давомида чуқурлаштирилган билим олдилар.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юрти бўлди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим турини тамомлаган битирувчиларга ўрта махсус маълумоти ҳақида диплом топширилиши белгиланади.

Олий таълим юқори малакали мутахассислар: бакалавр ва магистрлар тайёрлашни таъминлайди.

Умуман таълимнинг янги тизимини ташкил қилган барча ўқув масканларида асосий эътибор ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмасини ҳосил қилишга, эгаллаган кўникмаларини тажрибада намоён этишларига қаратилди. Шунингдек, ўз Ватанининг фидойиси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этишга, мамлакат тақдири учун ўз зиммасига масъулият олишга қодир. Шахсни камол топтириш учун шарт-шароит яратилди.

Республикада тарбия мазмуни, шакли тубдан ўзгарди, тарбиявий ишлар аниқ мақсад томон йўналтирилди, бу жараёнда субъектларнинг ўзаро самарали ҳамкорликда бўлишлари учун узвийликда бўлган тарбия шакли, восита ва усуллари ишлаб чиқилди, амалиётга татбиқ этилди. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахс қилиб етиштиришда миллий маданият, маънавият, илгор миллий анъана, урф-одат ва миллий ва умумбашарий қадриятлар асос бўлди.

Ислом Каримов Олий Мажлис сессияларида қилган маърузаларида, газета мухбир ва муҳаррирлари билан ўтказган суҳбатларида, ёдгорлик мажмуаларининг очилиши маросимларида, турли анжуман ва йигилишларда миллий урф-одат, анъаналарни, қадриятларни тадқиқ этиш, буюк аждодларимиз қолдирган беназир таълимотларни чуқур эгаллашни, қатагон йиллар қурбони бўлганлар руҳини шод этишни таъкидлади. У ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш гоёларини ўз маъ-

рузаларида, асарларида мунтазам баён этиб, илм-фан аҳлини, педагог олимларни бу соҳада фидойи бўлишга даъват этади.

Ислом Каримов Олий Мажлис биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқида ҳар бир инсон бу дунёда халқ хотирасида доимий қоладиган яхши, эзгу ишлар қилиши кераклигини айтиб;

«...бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шухрат ҳам ўтиб кетади, фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг заҳматкаш ва олижаноб халқимиз бугун сизу биздан — ўзи ишонч билдирган инсонлардан шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда»<sup>1</sup> — дейди.

Ислом Каримов маънавий баркамоллик, яратувчиликни улук фазилат ҳисоблайди, ана шундай фазилатга эга бўлмасликни хиёнат деб билади. «Инсон ахлоқи, — дейди Ислом Каримов, — шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсон ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир иш у қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқармасин, барибир Ватанга хиёнатдир».<sup>2</sup>

Президент Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда одамларни беназир зот Алишер Навойдан ибрат олиб, етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатишга, эл-юрт мактаблар, шифохона, бог-роғлар бунёд этишга, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлишга даъват этди.<sup>3</sup>

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида Ислом Каримов: «Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим»<sup>4</sup>-лигини таъкидлади.

Президент Тошкент Ислом Университетининг очилишига бағишланган йиғилишда диёримизда етишган буюк алломалар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози. 2000 й. 12-феврал, 19-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000, 57-бет.

<sup>3</sup> «Маърифат» газетаси, 2001 й. 25-август.

<sup>4</sup> Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000, 33-бет.



нинг ислом назарияси, фалсафаси, маданияти ривожига қўшган беназир ҳиссаларини, қолдирган меросларини чуқур ўрганиш, уни мужассамлаштириб, халқимизга, энг аввало, ёш авлодга етказиш талабалар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини айтиб, уларни ана шу вазифани адо этадиган комил инсон бўлиб етишишга даъват этди.

Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида «...озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз. Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас»<sup>1</sup> — деб, одамларни Ватан ва халқ бахт-саодати учун жон фидо этганлар руҳини доимо шод этишга чорлади.

Ислом Каримов вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашувда республикада, ҳаётимиздаги барча соҳаларда амалга ошириладиган вазифалар кадрларга боғлиқлигини айтиб, фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги асосий бурчимиз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашдан иборатлигини айтди. Президентнинг таъкидлашича, уларни биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли қилишдек эзгу мақсад ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор. Ислом Каримов яна шуни айтдики, ҳақиқатдан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-этиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига ишонимиз лозимлигини таъкидлади.

Республика педагог олимлари бу масалаларни жиддий тадқиқ этиб, XXI асргача педагогик фикр ривожланишини ўз тадқиқотларида ёритмоқдалар.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, жамиятда янгича онг, янгича тафаккурга эга бўлган, миллий истиқлол гоёси негизида шаклланган шахснинг тайёрланиши мустақиллигимизни мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлади.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2000, 13-май, 91 сон.

# АСҚАР ЗУННУНОВ

## Ҳаёти ва ижтимоий-маърифий фаолияти

Асқар Зуннунов 1915 йилда Тошкент шаҳрида савдогар оила-сида туғилди. 1923—1929 йилларда эски усул ва янги турдаги бошланғич мактабда таълим олди, 1929—1933 йилларда 9 йил-лик билим юртида ўқиди, 1938—1943 йилларда Тошкент кечки давлат педагогика институтининг филология факультетида таъ-сил олди. У 1952 йилда К. Д. Ушинский номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида ташкил қилинган номзодлик курсида ўқиб, 1955 йилда тугаллади, 1961 йилда «Ғафур Ғулумнинг ҳаёти ва ижодини 10-синфда ўрга-ниш» мавзuida номзодлик, 1975 йилда «Ўзбекистон мактабла-рида адабиёт ўқитиш методикасининг ривожланиши» мавзуи-да докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Асқар Зуннунов ўз меҳнат фаолиятини 1933 йилда Тошкент шаҳрида 19-тўлиқсиз ўрта мактабда котибликдан бошлади, бош-ланғич синфларда ишлади, сўнгра 5—7 синфларда она тили ва адабиётдан дарс берди. У 1961 йилга қадар Тошкент шаҳрида-ги 16, 20, 143, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 17, Тош-кент вилояти Тошкент туманидаги 33-мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудир, директор, Қашқадарё вилояти Шаҳри-сабз туманида халқ маорифи мудир бўлиб хизмат қилди.

Асқар Зуннунов 1961 йилда Ўзбекистон педагогика фанла-ри илмий-тадқиқот институтига ишга ўтди. Бу ерда ишни му-ҳаррирликдан бошлаб, 1962—1991 йиллар давомида илмий хо-дим, она тили ва адабиёт ўқитиш усули бўлими мудир, илмий котиб, директор ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. У 1992—1993 йилларда «Халқ педагогикасини ўрганиш» бўлими мудир, институт директори, 1994 йили «Педагогика ва Мил-лий истиқлол мафқураси» бўлими мудир бўлиб ишлади.

Асқар Зуннунов 1963—1990 йиллар давомида ижодий иш билан шуғулланиб, ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш методи-каси бўйича «4—10 синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш», «Мактабда Ғафур Ғулум ҳаёти ва ижодини ўрганиш», «Адабиёт назарияси» қўлланмаси, «Ифодали ўқиш асослари» (ҳамкорликда), «Бадий асар таҳлили», «Адабиёт ўқитиш ме-тодикаси», «Баёнлар тўплами» (ҳамкорликда), «Ўзбек адабиё-ти тарихидан очерклар» каби қўлланма, монографиялар яратди.

Асқар Зуннунов ўрта мактабнинг 5—7 синфлари учун дарслик-мажмуалар, кечки мактабнинг 10, 11, 12-синфлари учун адабиёт дарсликлари яратишда иштирок этди.

У ўз педагогик фаолиятида ўрта ва олий ўқув юртлари учун миллий педагогика тарихи бўйича қўлланма ва дарсликлар яратишга ҳам алоҳида эътибор берди: «Донишмандлар тарбия хусусида» 1992—2002 йилларда, «Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси», «Ҳаёт — ибрат манбаи» китобларини ёзди. Унинг раҳбарлигида «Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» қўлланмаси, олий ўқув юртлари учун «Педагогика тарихи», академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун «Педагогика тарихи» дарсликлари нашр этилди.

Асқар Зуннунов ёш авлод тарбияси, адабий таълим ва педагогика фани соҳасида қилган хизматлари давлат томонидан Олий Совет Президиумининг «Фахрий ёрлиғи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва нишонлар билан тақдирланди.

### **Асқар Зуннуновнинг тажрибага асосланиш, шахсни шакллантириш гоёлари**

Асқар Зуннунов тадқиқотларида адабиёт методикасининг педагогик тажрибаларга асосланиши, таълимда ўқувчиларнинг ҳам тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлиши, бадиий адабиётни ўқитишда унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш, ўқувчиларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни шахс сифатида тарбиялаш гоёларини илгари сурди.

### **Асқар Зуннунов таълим-тарбияда ибратнинг моҳияти ҳақида**

Бу ҳақда Асқар Зуннунов шундай дейди:

«Боқий оламнинг ўзи ибрат манбаидир. Ҳаётдаги яхшилик ва ёмонлик, поклик ибрат намунасидир. Инсон яхшилик одамга қувонч бахш этишини кўриб яхшилик қилишга интилади, ёмонлик одамни бадном қилишини кўриб ундан йироқлашишга ҳаракат қилади. Ибрат шу жиҳатлари билан инсон тарбиясида алоҳида ўринда туради.

Асрлар давомида ақлий ва жисмоний тарбияда ибрат бўлиш, намуна кўрсатиш асосий ўринда турган. Донишманд ота-болаларимиз, маърифатпарвар алломалар ўз фаолиятларида болаларга ўрнатилган бўлишга ҳаракат қилганлар, ижод этган нарсаларини инсон ақл-заковатининг яратувчилик қудратига эга эканлигига намуна қилиб кўрсатганлар, болаларни кўпроқ табиат бағрида бўлишга чорлаганлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан таништирганлар. Улар қўллаган бу усуллар болаларда табиатга, унинг гўзаллигига ҳавас уйғотган, уларда яхшилик қилиш ҳиссининг шаклланишига хизмат қилган. Ота-болалар ана шу амалий ишлари билан ёшларга ибрат бўлганлар».<sup>1</sup>

Асқар Зуннуновнинг таъкидлашича, таълим ва тарбияда иккинчи даражали иш бўлмайди. Барча ишнинг самарали бўлиши уларни оқилона амалга оширилишига, ўқитувчилар ўртасида аҳиллик барқарор бўлишига, уларнинг ижодкорлигига, ўқувчилар билан одилона мулоқотда бўлишларига боғлиқдир. Табиийки, бунда раҳбарнинг раҳбарлик маҳоратига эгаллиги фоятда муҳим омил бўлади, албатта. Чунки раҳбар — директор ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини асосий мақсад томон йўналтирувчи шахсдир.

Олимнинг фикрича: «Идеал инсон бўлмаганидек, идеал раҳбар — директор ҳам бўлмайди. Аммо, таълим-тарбияга раҳбарлик қилувчи шахс билимдон, педагогик маҳорат соҳиби, маданий-маънавий жиҳатдан етук, педагогика ва психология бўйича билимга эга ва бу соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши керак. Инсонпарварлик раҳбарнинг асосий фазилати бўлмоғи лозим. Зеро, у маданий-ахлоқий инсон тимсолидир».<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, мактаб раҳбари ўзининг юксак маданийлиги, таълим-тарбияга доир билим ва малакага эгаллиги билан ўқитувчиларда фан янгиликлари таълим-тарбияда янгича усулларни қўллашга интилиш уйғотади, улар билан ўқувчилар ўртасида самимий мулоқотни мазмунан барқарорлаштиради. Зеро, «Ўқитувчи ўқувчининг руҳияти, фикрлаш қобилияти, ҳавасистаклари, ахлоқ-одоби ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Уларнинг ана шундай сифатга эга бўлиши таълим-тарбия сифатининг юқори даражада бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади»<sup>3</sup> — дейди Зуннунов.

<sup>1</sup> А. Зуннунов. Ҳаёт — ибрат манбаи. Т. «Фан» нашриёти, 2000 йил, 6-7-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 66-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 71-бет.

Асқар Зуннунов педагогик тажрибада, мактабда, таълим-тарбияда ишни қамровли ташкил этиш кераклигини айтади. Зотан, бу тадбир замон талаби бўлиб, таълим-тарбияни ўзаро боғлиқ тарзда, яъни ўқитувчилар жамоаси эришган илгор усулларни ҳаётга татбиқ этиш билан такомиллаштириб бориш, мактабдаги тарбия билан оиладаги тарбиянинг узвийликда бўлишига эришиш ўқувчининг шахе сифатида шаклланишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Ана шу илмий, амалий фаолияти билан педагогик жамоа ота-оналар — оила учун ибрат бўлиши табиийдир.

### **Асқар Зуннуновнинг тарбияда онанинг тутган ўрни ҳақида**

Асқар Зуннуновнинг фикрича, тарбияда билим ва тажрибага эга бўлган, миллий қадриятлардан хабардор ўқитувчи болаларни билимли, гўзал хулқли қилиб етиштириши шубҳасиздир.

Аммо, уларнинг болаларга берадиган тарбияси тарбиянинг асосий замини бўлган оила, тарбия илмидан хабардор ота-она, айниқса, иффат, шарм-ҳаё, ор-номус либосини кийган, сабр дурдоналари билан зийнатланган, бахт-саодатнинг мужассам тимсоли бўлган она тарбияси даражасида бўлмайди.

Олимнинг фикрича, инсонни бахтли этадиган нарса, фақат, билим эмас, балки инсоний фазилат, гўзал ахлоқ ва одобдир. Илм ва инсоний фазилатга эга бўлган инсонгина жамият, жамоат олдидаги бурчини тўлиқ ва ҳалол адо этиб, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади.

Инсон ана шундай бахт ва шон-шуҳратга онанинг беназир хизмати, тарбияси орқалигина эришади. Зеро, «Оиланинг асл таянчи — хотиндир. Чунки инсонлар ахлоқ, тарбия хусусида хотинлардан бошқа ҳеч кимга тобе бўлмайдилар. Ҳатто олий мартабаларда ва олий фикрли одамлар ҳузурида илм олувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшайдилар».<sup>1</sup>

Демак, инсонларнинг саодати тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия эса хотинлар қўлидадир. Оналар ана шу ибратли фазилатлари билан инсон тарбиясида алоҳида ўринда турадилар.

---

<sup>1</sup> Донишмандлар тарбия хусусида. Шарқ тилларидан Ш. Зуннун таржимаси. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А. Зуннун.

## **Асқар Зуннунов бахтиёр инсон ҳақида**

Асқар Зуннуновнинг педагогик қарашларида Ватан туйғуси, мустақил, озод Ўзбекистонни шарафлаш алоҳида ўринда туради. У ўзбек халқи жамият тарихи ва жаҳон маданиятининг юксалишига беназир ҳисса қўшган Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар шуҳрати тикланган, педагогик гоёлари ҳаётга татбиқ этилаётган эркин, озод ҳаётда яшаш муяссар бўлган инсонни бахтиёр инсон ҳисоблайди. «Донолар айтганидек, келажакда ўз халқининг ифтихори бўлиш насиб этган ҳар бир инсоннинг, давлат раҳбарининг умри боқийдир. Инсоннинг асосий хислати башариятни севишдир. Бу хислатга эга бўлган инсон халқнинг осойишталиги учун ҳаётини бахшида этишга ҳам тайёрдир»<sup>1</sup> — дейди Асқар Зуннунов.

### **Асқар Зуннунов педагогик қарашларининг аҳамияти**

Ҳаётий тажрибалар, кузатишлар, изланишлар асосида таълим ва тарбияга раҳбарлик қилувчи шахснинг ўз фаолияти, амалий ишлари билан жамоага ибрат бўлиши, илгор тажрибаларни ҳаётга тадбиқ этиб бориш, мактаб таълим-тарбиясининг оила таълим-тарбияси билан узвийликда бўлиши, Ватанни шарафлаш ҳақидаги фикрлари ривожланаётган миллий педагогикага қўшилган ҳиссадир.

## **МАЛЛА ОЧИЛОВ**

### **Ҳаёти, ижтимоий, илмий-маърифий фаолияти**

Малла Очилов 1931 йилда Қашқадарё вилояти Касби тумани Хўжаҳайрон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Бошланғич маълумотни қишлоқдаги бошланғич мактабда олди. 1946-1949 йилларда Қарши педагогика билим юртида, 1951—1955

---

<sup>1</sup> Донишмандлар тарбия хусусида. Шарқ тилларидан Ш. Зуннун таржимаси. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А. Зуннун, 128-129 бетлар.

йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат институтида таҳсил олди, 1955—1958 йилларда аспирантурада ўқиди.

Малла Очилов 1968 йилда Тошкент Давлат университетида педагогика фанлари номзодлиги, 1968 йилда Москва давлат педагогика институтида «Ўқитувчи одобининг шаклланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Малла Очилов 1976—2001 йиллар давомида Сирдарё вилоятида бошланғич синф ўқитувчиси, Қарши давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, бошланғич таълим педагогикаси ва психологияси кафедраси, педагогика кафедраси, «Олий мактаб ва таълим мазмунини замонавийлаштириш» илмий-тадқиқот лабораторияси мудири бўлиб хизмат қилди.

Малла Очилов 1958—1990 йилларда бошланғич таълим, ўқитувчи касби, ахлоқий тарбия, тарбиявий ишлар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига доир йигирмадан ортиқ рисола, 1991—2001 йилларда педагогикадан курс иши, педагогика дастури, таълим стандарти, концепцияси, ўқув қўлланмалар билан бир қаторда, «Янги педагогик технологиялар», «Ўқитувчи одоби», «Муаллим — касб меъмори» номларида йирик асарлар яратди.

Унинг таълим-тарбияга оид юздан ортиқ мақолалари газета, журнал ва илмий тўпламларда эълон қилинди. У Я.А. Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарини ўзбек тилига таржима қилди.

Малла Очиловнинг педагогика ривожига, таълим-тарбия соҳасида қилган самарали хизматлари давлатнинг орден ва медаллари, нишонлари ҳамда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланди.

## **Малла Очиловнинг ўқитувчи шаъни, одоб ва ахлоқи ҳақидаги гоялари**

Малла Очиловнинг фикрича, инсоннинг шаъни — юксак фазилатдир. Инсон шаънининг юксаклиги унинг ўз-ўзига, атрофидаги кишиларга, жамиятнинг унга бўлган муносабатларида ёрқин сезилади, хизматлари ва ахлоқий фазилатлари жамоатчиликка маъқул бўлгандагина юксак эъзозланади.

Малла Очиловнинг таъкидлашича, ўқитувчи одобида шаън, тушунча ўқитувчилар жамоасида, ўқувчи ва ота-оналар ўртасидаги эгаллаган ҳурмати ифодаланади. Ўқитувчи ўқувчиларни ҳурмат қилса, унинг ҳурмати ортади. Педагогик бурч ўқитув-

чидан ўқувчиларда шаън ва қадр-қиммат ҳиссини ўстиришни талаб этади. Бу, ўз навбатида, болаларга бўлган ҳурмат, ишонч ва талабчанлик билан узвийликда бўлиши керак.

### **Малла Очилов ўқитувчининг адолатлилиги ҳақида**

Малла Очиловнинг педагогик қарашларида адолатлилик инсоний энг гўзал хислат ҳисобланади. У ўқитувчининг касбий-ахлоқий фазилатларида адолатлиликни юқори ўринга қўяди, адолатлиликни ақл ва соф мулоҳаза билан иш юритишни жасорат ва қатъийлик ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, адолатлилик инсонпарварликнинг асосидир. Одобли ва инсонийлик кишини ёмон ишлардан сақлаш, хатоликлардан асраш, яхши ва тўғри йўлга солишда муҳим омилдир.

Малла Очилов ўқитувчининг адолатлилиги ҳақида сўзлар экан, шундай дейди:

«Ўқитувчи одобида адолатлилик фазилати педагогик фазилатнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўқитувчи одобида адолатлилик муаллимнинг холислигида, ахлоқий тарбияланганлик даражасида, ўқувчилар хулқини, жамоат ишларига муносабатини, билимини баҳолашда кўринади».<sup>1</sup>

### **Малла Очилов билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик ҳақида**

Малла Очилов билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйликни ўқитувчининг муҳим фазилати, маънавий бойлиги ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу фазилатлар инсоний муносабатларни гўзаллаштиради.

Инсоннинг моддий эҳтиёжи қондирилиши мумкин, аммо маънавий эҳтиёжлар маънавий бойликлар каби чексиздир. Олимнинг таъкидлашича, «Киши инсоният яратган маънавий бойликларни қанчалик кўп ўзлаштира, унинг шахси шунчалик баркамол бўлади».<sup>2</sup>

Малла Очилов эгаллаган маънавий бойлиги, билимдонлиги халқ манфаати, ёш авлод бахти, истиқболи, келажаги учун хизмат қилган ўқитувчини бахтиёр ўқитувчи деб билади. Ҳар бир

<sup>1</sup> Малла Очилов. Муаллим — қалб меъмори. Т. «Ўқитувчи», 2001 й. 47-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 47-бет.



инсон буюк инсон бўлиши учун, аввало жамият тараққиёти йўлида, инсониятнинг буюк орзу-истакларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилмоғи ва бунинг учун, зарур бўлса, ўз ҳаёти-ни ҳам қурбон қилишга тайёр турмоғи керак.

Малла Очилов ҳар бир ўқитувчидан ўз билимдонлигини, инсоният бойликлар яратувчи эканлигини ёшлар онгига сингдиришга, улар шахсини шакллантиришга даъват этади. Унинг уқтиришича, ўқувчининг маънавий қиёфасида ҳалоллик, рост-гўйлик, ахлоқий поклик ва камтарлик фазилатлари барқарор бўлиши керак. Чунки: «Бу фазилатлар кишига ички гўзаллик, маънавий поклик бағишлайди, кишининг қадр-қимматини оширади». <sup>1</sup> Ўқитувчини ҳалоллиги ўз вазифасини виждонан ва онгли равишда бажаришда намоён бўлади.

### **Малла Очилов ахлоқий идеал ҳақида**

Малла Очилов ахлоқий эътиқоднинг асосини ахлоқий идеал ташкил этишини айтади. Олимнинг фикрича, ўқитувчи одо-бида ахлоқий идеал унинг шахсиятида бўлган юксак фазилатлар ҳақидаги гоёлар тизимидир. Ахлоқий идеал ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги хатти-ҳаракатларини тартибга солади ва ёшларни ахлоқий баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Ахлоқий идеалда жамиятнинг ўқитувчига кўядиган талаблари ифодаланadi. Бу талаблар ўқитувчининг ўз педагог-лик бурчини самарали бажариши учун зарур бўлган ахлоқий фазилатларни унда мужассамлаштиради. «Ахлоқий идеалнинг, — дейди Малла Очилов, — ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўқитувчи эришиши лозим бўлган мақсадни ҳам назарда тутadi. Ахлоқий идеал келажакка йўналтирилган бўлади. Шу билан бирга, у реал борлиққа ҳам асосланади». <sup>2</sup>

### **Малла Очилов эътиқодли ва ибратли бўлиш ҳақида**

Малла Очиловнинг фикрича, ўқитувчининг эътиқодли ва ибрат-намунали бўлиши таълим-тарбиянинг самарали бўлишини таъминловчи асосий омилдир.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 52-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 96-бет.

Малла Очиловнинг уқтиришича, онгли равишда ҳосил қилинган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ва ўз-ўзига нисбатан талабчанликка асосланган эътиқодгина педагогик одоб деб ҳисобланиши мумкин. Ўз касбини севган, эътиқодли ўқитувчи баркамол шахсни шакллантира олади.

Олимнинг таъкидлашича: «Ўқитувчининг ахлоқий қиёфаси, ибрат-намунаси болага ҳар қандай насиҳатдан кўра кучлироқ таъсир этади. Ўқитувчининг фидойи ишларини, меҳнати, яхши хатти-ҳаракатларини кўрган ўқувчи унга эргашади... Кимки ўзига нимани раво кўрса, бошқалардан ҳам ўшани талаб этиши ахлоқий таъсир ўтказишнинг самарали усулидир».<sup>1</sup>

## **Малла Очилов педагогик қарашининг аҳамияти**

Малла Очиловнинг ўқитувчи шаъни, ахлоқ-одоби, адолатлилик, билимдонлилик, ростгўйлик, ахлоқий идеаллик, эътиқодлилик ва ибрат-намуна каби миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўқитувчига хос фазилат эканлиги, ана шу фазилатларга эга бўлиш таълим-тарбияда асосий омил бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги фикрлари педагогика тарихи ривожига бир ҳисса сифатида қўшилиши шубҳасиздир.

## **ШАВКАТ ҚУРБОНОВ**

### **Ҳаёти, меҳнат ва илмий фаолияти**

Шавкат Эргашевич Қурбонов 1951 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1959—1969 йилларда Миробод маҳалласидаги 40-ўрта мактабда ўқиди. 1969—74 йилларда Тошкент политехника институтини битириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг механика ва иншоотлар мустақамлиги илмий-текшириш институтида хизмат қилди.

1979—1983 йилларда Москва давлат университетида аспирантурани тугаллаб, 1984 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шавкат Қурбонов 1986 йилдан 1996 йилга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида инспектор, бош инспектор,

<sup>1</sup> Малла Очилов. Муаллим — қалб меъмори. Т. «Ўқитувчи», 2001 й. 103-бет.

бўлим ва бошқарма бошлиғи, 1996—1997 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида етакчи, бош мутахассис, 1997—1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бош консултант, 1999—2000 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

Шавкат Қурбонов 2000 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг педагогик асослари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 2000 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш шўъбаси мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

1999—2003 йиллар давомида унинг педагогика йўналишига доир «Педагогик илмий-тадқиқот муаммолари ва йўналишлари», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Жамият ривожига таъсири», «Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: стратегик мақсадга эришиш», «National program for personnel training: the basis for the achievement of strategic goals», «Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури», «Мустақиллик берган имконият», «Миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар», «Формирование национальной идеи независимости в сознании молодёжи», «Замон чақириқ ва талабларини олдини олишда таълимнинг маъсулияти» асарлари чоп этилди.

### **Шавкат Қурбоновнинг миллий истиқлол гоёсини амалга ошириш гоёлари**

Шавкат Қурбоновнинг асарларида миллий истиқлол гоёсини «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га боғлиқ ҳолда ёш авлод қалбига сингдириш гоёси илгари сурилади ва унинг назарий-методик ҳамда ташкилий тамойилларини тақдим этилади. Қурбонов миллий истиқлол гоёсининг асосий мақсади ҳақида фикр билдириб дейди: «Миллий тараққиёт йўлидаги асосий гоё — Ватан равнақи, озодлик ва халқ фаровонлиги гоёси. Ушбу гоё халқимизнинг асрий интилишларининг моҳиятини, унинг гуманистик қадриятлар билан чамбарчас боғланган бунёдкорлик фаолиятига интилишини акс эттиради.

Миллий истиқлол гоёси шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, жонажон мамлакатимиз тинч ва хавфсиз келажагига ишонч гоёсини биринчи ўринга қўяди».<sup>1</sup>

Шавкат Қурбоновнинг таъкидлашича, Ватан — ҳар бир одам учун муқаддасдир. Ҳар бир одам Ватанда яшаш билан ўз ҳаётининг маъносини англаб олади, дунёни ҳис қилади, тушунади, шу зайлда унда дунёқараш шаклланади. Бу йўл буюк ажодлар бизга қолдирган беназир меросдир.

Шавкат Қурбоновнинг фикрича, Ватан равнақининг асоси куйидагилардан иборат:

- давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий фаолият эркинлиги, иқтисодиётни илгор технологиялар асосида модернизациялаш;
- халқнинг маънавий бойлиги, унинг интеллектуал салоҳиятини ва профессионализмини ошириш;
- халқнинг бунёдкорлик қобилиятларидан ҳар томонлама ва тўла-тўқис фойдаланиш;
- маънавий бой, интеллектуал ва юксак маданиятли, ахлоқан ҳамда жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш.<sup>2</sup>

### **Шавкат Қурбонов миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида**

Шавкат Қурбоновнинг таъкидлашича, миллий ва умуминсоний қадриятлар халқнинг иродаси, орзу-умидлари, озодлик ва фаровонликка интилишларини акс эттиради ва бойитади. Миллий истиқлол гоёсига хос бу хусусиятлар куйидагилардир:

- халқ онгида устувор бўлган фикр — дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш;
- «оила», «маҳалла», «Ватан» деган тушунчаларни муқаддас деб билиш;
- ота-она, қўшнилар, бутун жамиятни шубҳасиз ҳурмат қилиш;
- миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилини севиш;
- катталарга — эҳтиром, кичикларга — ҳурмат, деган эътиқодга амал қилиш;

<sup>1</sup> Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, М. Қуронов, Р. Аҳлиддинов, И. Мажилов. Миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т. «Академия», 2002, 220-221-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 221-бет.

— муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш;

— сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

— ҳалоллик, «меҳр-оқибат».<sup>1</sup>

Миллий истиқлол ғояси қуйидаги умуминсоний қадриятларни эътироф этади ва ўзида акс эттирган:

— қонуннинг устуворлиги;

— инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

— турли миллат вакилларини, уларнинг маданиятини ва қадриятларини ҳурмат қилиш, улар билан ҳамкорлик қилиш, дўстлик ва яхши қўшничилик;

— динлараро бағрикенглик;

— дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;

— турли халқларнинг илғор тажрибасини, инсоният маданияти ютуқларини ўрганиш ва эгаллаб олиш ва ҳоказо.<sup>2</sup>

## **Шавкат Қурбонов қадрият ва уларни билиш ҳақида**

Шавкат Қурбонов ўз педагогик қарашларида миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаб, уларнинг хусусиятлари ҳақида фикр билдиради. Унинг уқтиришича, қадрият инсон ҳаётининг мазмунидир. Қадрият учта ижод (шу жумладан меҳнат), кечинмалар (севги) ва муносабат қадриятларидан иборат қадриятларнинг асосий манбаи «ўн минг ноёб вазият» олами ва вазиятларнинг ҳар биридан ноёб маъно топишга қодир бўлган «маъно органи» сифатидаги инсон виждонидир. «Қадрият» оддий онг соҳасида ҳам, илмий, методологик ва фалсафий билим соҳасида ҳам кенг ёйилган, кенг маънони ифодаловчи тушунчалар мужассамидир.

Шавкат Қурбонов қадриятлар инсон амалий тажрибасини мавжуд маънавий ва маданий намуналар билан таққослаш-қиёслаш асосида вужудга келишини ва қадрият инсоннинг яшашдан мақсади, кўзлаган, афзал деб ҳисоблаган нарсаларини, тасаввури ва эстетик дидини аниқ тушуниш омили эканини айтади. У қадриятларни билиш:

«— таълим тизимидаги барча субъектларнинг ўзлигини белгилаши ва ўзини рўёбга чиқариш механизми учун;

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 204-205 бетлар

<sup>2</sup> Ўша китоб, 205- бет

— педагоглар фаолиятидаги янги маъноларни танлаб олишнинг психологик механизмини тушуниш учун»<sup>1</sup> гоят муҳим эканлигини таъкидлайди.

## **Шавкат Курбонов таълим ва тарбия ҳақида**

Шавкат Курбоновнинг фикрича, таълим ижтимоий ҳаётнинг махсус соҳаси. Таълим, болалар ва катта ёшдагиларнинг ўзаро ҳамкорликда ва яқка ҳолда, маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёнида ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади, ўқитиш ва ўқишнинг, тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг, ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг, улгайиш ва ижтимоийлашишнинг синтезидир. Мажозий маънода таълим — одам образини яратишдир.

Таълимда кўзланган мақсадга — шахсни, жамиятни ривожлантириш, ҳаётнинг маданий ва цивилизацион шакллари сақлаш ва ривожлантириш, шахснинг фаолият турларини ўзлаштириши воситасида эришилади.

Тарбия кенг маънода ижтимоий-маданий соҳада тажрибалар ташкил этиш йўллари билан боланинг ички ҳис-туйғуларини юзага чиқариш жараёнидир.

Шавкат Курбоновнинг таъкидлашича, ўз-ўзини ривожлантириш — ўзини такомиллаштириш, ўзини ҳаракатлантириш, ўзини шахс сифатида шакллантиришдир. Таълим ва тарбия болага ҳамма вақт ички шароит орқали таъсир қилади. Ҳар бир бола ўзини-ўзи ривожлантиришда ўқитувчи ва ота-оналар ёрдами зарурлигини ҳис қилади. Бунга алоҳида эътибор бериш ўқитувчи ва оталарнинг биринчи даражали вазифасидир.

## **Шавкат Курбонов йўналтирилган таълим ҳақида**

Шавкат Курбонов ўз педагогик қарашларида ўқувчини шахс сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишда ўқитувчи ва ўқувчининг эркин ва мустақил фаолият кўрсатиши муҳим омилдир. Ўқитувчининг таълимнинг устувор мақсадга эришувига қаратилган ҳаракати таълим технологияси қисмларини узвийликда бўлишини таъминлайди.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 273-бет.

Билимдонлик, билим ва қобилиятлар мажмуи сифатида, ўқувчида маънавий ва интеллектуал фазилатларнинг қарор топишида ғоят муҳимдир. Таълимнинг асосий мақсади ҳам шу.

### **Шавкат Қурбонов таълимни инсонпарварлаштириш ва инсонпарварлаш ҳақида**

Шавкат Қурбонов ўз педагогик қарашларида таълимни инсонпарварлаштириш ва инсонпарварлашга (гуманитарлаш) алоҳида эътибор беради.

Унинг уқтиришича, таълимни инсонпарварлаштириш кенг қамровли муаммодир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ана шу муаммони ҳал қилишга боғлиқдир. Зеро, ҳозирги мустақиллик давр таълимни инсонпарварлаштириш асосларини аниқлашни, таълимни ислоҳ қилишнинг инсонпарварлик стратегиясини, инсонпарварлашни шахнинг мустақил ривожланиши, унинг дунёқарашини шакллантиришнинг усули эканлигини асослашни тақозо этмоқда.

Шавкат Қурбоновнинг фикрича, таълимни инсонпарварлаштириш — бу инсонпарвар ғоя ва мақсадларни одамлар дунёқарашада, уларнинг ўзаро муносабатларида ва ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатишида ҳосил қилиш жараёнидир.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш таълим олувчининг ахлоқий имкониятини аниқлаш усули, бу имкониятда онгли муносабатни шакллантириш ҳамда шу муносабатни юзага чиқариш йўллари ушлаштиришдир.

Инсонпарварлаштириш таълим олувчини, бўлажак мутахассисни эркин, мустақил фикрловчи шахс қилиб тайёрлайди, шу йўл орқали таълим билан ижтимоий муносабатлар ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилади.

Шавкат Қурбоновнинг таъкидлашича, инсонпарварлаштиришга асосланган таълимда инсон мукамал шахс бўлиб ривожланади, ўзини шахсий-ижтимоий (социал) жиҳатдан намоён этиш асослари механизмларига эга бўлади. Шунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг инсонпарварлик моҳияти ҳам намоён бўлади.

«Бундай ҳолда таълим бериш ва тарбиялаш мақсадлари, мазмуни ва усулларини, шунингдек, воситаларини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. У таълим жараёнида ўқитувчилар билан

таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро алоқанинг характери ўзгаришига — таълим олувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ошишига ёрдам бериб, таълим жараёни мустақил билим олишга айланишига олиб борадики, бу жараён ўқувчи таълим бериш ва тарбиялаш объекти сифатида ўзини-ўзи бунёд этувчи субъектга айланади»<sup>1</sup> — деб уқтиради Қурбонов. Демак, таълимни инсонпарварлаштиришдан мақсад — таълим субъекти бўлган ўқувчига ўзини, ўз имкониятларини, ўз ички имкониятларига мос қилиб кашф этишда ёрдам беришдир.

## **Шавкат Қурбонов педагогик қарашларининг аҳамияти**

Шавкат Қурбоновнинг миллий истиқлол гоёсини ёш авлод онгига сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўқувчи шахсини шакллантириш, таълим ва тарбия, ўқитувчи ва ўқувчи эркинлиги ва мустақиллиги ҳақида билдирган фикрлари, тавсиялари мустақил республикада ривож топаётган педагогика тарихига қўшилган салмоқли ҳиссадир.

## **МУҲАММАД ҚУРОНОВ**

### **Ҳаёти, меҳнат ва илмий фаолияти**

Муҳаммад Қуронов 1957 йилда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида тугилди. Ўрта мактабда ўқиди, Самарқанд Давлат Педагогика институтининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетида ўқиб, уни 1979 йилда битирди.

1998 йилда Москвада Педагогика фанлари академиясининг «Тарбиянинг умумий муаммолари» институтининг «Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси» лабораториясининг кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олди, «Мактабдан ташқари тарбия муассасалари бадиий тўғарақларида ўсмирларнинг миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1992 йилда «Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 170-171-бетлар.



Муҳаммад Қуронов илмий-педагогик фаолиятида Самарқанд Давлат университетидида маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида илмий-тадқиқот бўлими бош мутахассиси, сўнгра Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлими бошлиғи, Миллий мафкура илмий тарғибот марказида директор бўлиб хизмат қилди. 2003 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бош мутахассиси бўлиб ишламоқда.

Муҳаммад Қуронов Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини тайёрлашда иштирок этди. 1994—2003 йилларда унинг «Мактаб маънавияти ва миллий тарбия», «Мафкуравий тарғибот: таъсирчанлик ва услуб», «Инсон омили», «Миллий истиқлол гоёси: кўрғазмали воситалар» асарлари нашр этилди.

### **Муҳаммад Қуроновнинг миллийлик ва миллий тарбияни юксалтириш гоёлари**

Муҳаммад Қуронов ўз асарларида миллийликни қадрият, миллийликни ўзида мужассамлантира олган ҳар бир инсонни миллий донишмандлик вакили деб билади. Унинг фикрича, миллийликни ўзида мужассам қилган инсон ота-боболардан мерос бўлиб қолган ўз миллий қадриятларига чуқур ҳурмат билан қарайди, уни одамлар орасида кенг тарғибот қилади. Чунки, ота-онаси унинг онгига миллийликни сингдирган.

### **Муҳаммад Қуронов миллий тарбиянинг назарий асоси ҳақида**

Муҳаммад Қуроновнинг таъкидлашича, ҳар бир «Инсон ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиши жараёнида ўз аждодларининг миллий қадриятларини ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи ва бойитувчидир. Ўзининг ана шундай инсоний бурчларининг ҳар бир шахс томонидан мукамал бажарилиши ижтимоий тараққиётнинг маданий оқимларини ҳосил қилади. Ана шу нуқтаи-назардан ҳар бир инсон ўзида

тарихий, ижтимоий, маданий-миллий кўрсаткичларни мужас-самлаштирувчи тарбиянинг маҳсулидир».<sup>1</sup>

## **Муҳаммад Куронов таълимнинг миллий тарбиявий имкониятлари ҳақида**

Муҳаммад Куронов ўз педагогик қарашларида таълимнинг миллий тарбиявий имкониятларига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, мактабларда таълим ва тарбия мазмуни, мақсади, тамойиллари ўзаро мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Бу мувофиқлаштириш ўқувчиларни янги ижтимоий шароитда яшашга тайёрлашга, уларнинг миллий гурур, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий ахлоқ-одоб, ватанпарвар, миллий истиқлол мафкурасининг соҳиби бўлишларига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ўқувчилар бу тушунчаларнинг мазмуни ва таркиби ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Шундагина улар бу тушунчаларнинг илоҳий моҳиятини англаб, билиб оладилар, ўзларида бу фазилатлар шаклланаётганини ҳис қила бошлайдилар.

Муҳаммад Куроновнинг фикрича: «Ҳис қилинмаган фазилат... Шахснинг хулқ-атворида онгли, устувор равишда намоён бўлмайди».<sup>2</sup>

## **Муҳаммад Куронов миллий тарбия мезонлари ҳақида**

Муҳаммад Куронов таълим-тарбияда, аввало, уни амалга ошириш мезонларини аниқлаб олишни тавсия этади. Маълумки, тарбия назариясида янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ижтимоий-сиёсий, маданий, мафкуравий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар билан белгиланади. Ўзгаришларни билиш эса, ўқувчиларнинг «Ўзбекистон ватанпарварлиги», «миллий гурури», «миллий одоби», «виждони», «миллатлараро мулоқот маданияти», «миллий мафкуравий онглилиги» каби тушунчаларнинг мезонларини илмий асослашни талаб этади.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Куронов. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т., «Фан», 1995, 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 61-бет.

Муҳаммад Қуроновиқнинг фикрича, ўқувчиларнинг миллий тарбиявий фазилатларининг мезонини илмий жиҳатдан асослаш керак. Бу илмий асослаш:

«— замонавий педагогика фанининг илғор усули — моделлаштиришни самарали қўллаш имконини беради;

— жаҳон тарбиявий тажрибалари намуналарига асосланиш имконини беради;

— миллий тарбиявий фазилатларнинг Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли талабларидан келиб чиқиб белгиланишини кафолатлайди;

— мезонлар мазмунида миллийлик, аждодларга, замондошларга ҳурмат, маданий ворислик тамойиллари сақланади, рағбатлантирилади;

— системалилик, комплекслилик, яхлитлилик, функционаллик, шахсий хусусиятларга асосланувчи ёндашувлар уйғунлигига эришиш учун имкон яратилади».<sup>1</sup>

Муҳаммад Қуроновиқнинг таъкидлашича, миллий тарбия мезонлари ўқувчи шахнининг миллий туйғусига бевосита алоқадор бўлган фазилатлари ва уларнинг ўзаро алоқада бўлиши ҳисобга олинган ҳолда асосланади, ўқувчиларнинг ёши, ақлий, маҳаллий хусусиятлари эътиборга олинади.

Муҳаммад Қуроновиқ ўқувчиларнинг миллий жиҳатдан тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонларини уч босқичда кўрсатади: биринчи босқич (I-синфлар) ватанни англаш, миллий гуруҳ асослари, миллий одоб, виждонийлик, миллий мафкуравий дунёқараш асосларидан; иккинчи босқич (V синфлар) ватанпарварлик, миллий гуруҳ, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, виждонийлик, миллий мафкуравий онглилик; учинчи босқич (X-XI синфлар) Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий гуруҳ, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, виждонийлик, миллий мафкуравий онглиликдан иборат эканлигини айтади.

Муҳаммад Қуроновиқнинг фикрича, Ўзбекистон ватанпарварлиги: «Миллий давлат — Ўзбекистоннинг бир ва бутунлигини тушуниш ва ишаш, қўллаб-қувватлаш; ягона фуқаролик масъулиятини тушуниш; Ўзбекистоннинг тарихи ҳозирги ва келажикга муносабат билдира олиш; ватанпарварликка даҳлдор ишларда, тадбирларда онгли қатнашиш; Ўзбекистон учун жонқуярлик; ватан манфаатига йўналтирилган уйғун шахсий мақ-

<sup>1</sup> Ўша китоб, 52-53-бетлар.

садларга эгалик; Ўзбекистоннинг келажигига, унинг буюклигига эътиқод; шаккоклик, Она-Ватан, Ўзбекистонни, ватандошларни камситилишига, ватанни севмасликка салбий муносабатини намоён қила олиш»дан иборатдир.

### **Муҳаммад Қуронон мактаб, оила ва маҳалланинг миллий тарбиядаги ҳамкорлиги ҳақида**

Муҳаммад Қурононнинг педагогик қарашларида бу масала алоҳида ўринда туради. Зеро, ўзбек оиласига хос илгор миллий тарбиявий анъаналар, урф-одатларни тиклаш, бойитиш, мактаб тарбияси билан уйғунлаштириш нафақат ҳар бир оила, балки республика ижтимоий-маданий ҳаётини маънан бойитишга хизмат қилади. Миллий истиқлолнинг муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштиришга боғлиқдир.

Муҳаммад Қурононнинг уқтиришича, ўзбек оиласи — миллий дунёқараш манбаидир. Бу ҳозир ўқувчиларда миллий мафкуравий онглиликни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. «Ўтмишда бўлажак ота-оналар ўз ота-оналаридан ўзлаштирган дунёқарашни синтез қилиб, ўз оилавий дунёқарашларига айлантирар ва шу асосда фарзандларида миллий дунёқарашни шакллантириб келардилар. Дунёқарашнинг бирлиги — миллийлиги туфайли авлодлар орасида ҳамфикрлик, ўзаро ишонч, иззат, мақсад бирлиги, самимийлик тантана қилди».<sup>1</sup>

Ҳозирги мустақилликда ўқувчиларда миллий тарбиявий фазилатларни шакллантиришда мактаб, маҳалла, оилаларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги фоят муҳимдир.

### **Муҳаммад Қуронон таълим-тарбия ҳақидаги қарашларининг аҳамияти**

Муҳаммад Қурононнинг асарларида ифодаланган миллий тарбия, миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик, миллий мафкуравий онглилик, ўзбек оиласи, мактаб ва маҳалла, оила ҳамкорлиги, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти ҳақидаги фикрлари ёш авлодни шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Қуронон. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т., «Фан», 1995, 91-бет.

## **ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПЕДАГОГИК ФИКР**

### **БИРИНЧИ БОБ**

#### **ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН (ГРЕЦИЯ)ДА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ, ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, САНЪАТ**

##### **ДЕМОКРИТ**

Юнонистонда милоддан олдинги V асрларда болалар гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитила бошланди, шу зайдда мактаб таркиб топди. Таълимда болани муносиб фуқаро қилиб тайёрлаш, ахлоқли қилиб етиштириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Юнонистонда Спарта ва Афина давлатида таълим ва тарбия ўзига хос тартибда амалга оширилди.

Спартада давлат тарбия тизими таркиб топиши билан тарбиянинг мақсади ўғил болаларни бақувват ва чиниққан жангчи қилиб етиштиришдан иборат бўлди. Давлат бола туғилган кунидан бошлаб, уларнинг оилада тарбияланишини назорат қилиб борди, кичик болаларни энага-канизаклар ёрдамида оналари тарбияладилар. Ўғил болалар 7 ёшдан 18 ёшгача махсус тарбия муассасалари — агелларда ўқидилар. Агелларда таълим болаларни ёзиш ва ҳисобга ўргатишдан иборат бўлди. Болаларда саволларга аниқ ва қисқа жавоб бериш малакасини ривожлантиришга эътибор берилди. Тарбия бутун жамоанинг иши ҳисобланди, лашкарбошилар, давлат арбоблари болалар билан ахлоқий ва сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турдилар.

18 дан 20 ёшгача бўлган йигитлар эфебияда махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтдилар, сўнгра қўшин сафига ўтдилар ва тўла ҳуқуқли фуқаро ҳисобландилар.

Қизлар уйда тарбияландилар, тарбияда уларнинг ҳам жисмонан соғлом бўлишларига, ҳарбий тайёргарликка эга бўлиб етишувларига эътибор берилди.

Афинада милоддан олдинги V асрларда фалсафа, санъат, адабиёт, педагогика ривожланди.

Афинада ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия қамровли равишда — узвий бирликда амалга оширилади, асосий

этибор болани маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топган инсон қилиб етиштиришга қаратилади.

Болаларни 7 ёшгача оилада энага тарбиялади, энага болаларга бадий асарларни ўқиб беради, улар билан турли ўйинлар ўтказди, мусиқа эшиттиради.

Болалар 7 ёшдан бошлаб турли хил мактабларда ўқийдилар, 13 ёшдан 14 ёшгача грамматист ёки кифарист мактабида таълим оладилар, грамматист мактабда ўқиш, ёзиш ва санашни ўргандилар.

Кифарист мактабида ўғил болаларга адабий маълумот, эстетик тарбия берилади, улар ашула айтишга, нотиклик санъатини, мусиқа асбобларини чалишни ўргандилар.

Палестда деб аталган ўқув юртида ўқиган болалар, асосан, жисмоний машқ билан шугулландилар, улар билан сиёсий, ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

Афинада қул эгалари ўз болаларини гимназийлар (гимназиялар)да ўқитдилар. Болаларга фалсафа, адабиётдан таълим берилди, улар давлатни бошқаришга ўргатилди. 18 ёшга етганларида ҳарбий-жисмоний тайёргарликни давом эттирдилар.

Умуман, Афинада тарбия тизими жисмоний меҳнатдан иборат бўлди. Қадимги Юнонистонда педагогик назария педагогик фалсафанинг узвий қисми сифатида ривожланди, Сукрот, Платон, Демокрит, Аристотел ва бошқа мутафаккирлар таълимотида муҳим ўрнини эгаллади. Бу мутафаккирлар таълим-тарбия назариясини ишлаб чиқдилар. Юнонистондаги педагогик таълимот ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Демокрит (460—370) — фалсафа, математика, физика, биология, тиббиёт, руҳият, санъатга доир асарлар яратиб, инсон шахсининг қарор топиши унинг табиати ва тарбиясига боғлиқ деб ҳисоблади. У агар инсон ўқимаса, маҳорат ва донишмандликка эриша олмайди. Инсон машқ қилиш туфайли камолотга эришади. Ёшларга ақл-идроклик, кексаларга донолик хосдир. Ақл-идрокни уларга вақт эмас, балки тегишли тарбия ва табиат бахш этади, деган фикрни олга сурди.

Демокрит болаларга ташқи муҳит, намуна бўлиш, сўз орқали таъсир кўрсатиш, ишонтириш ва далиллар билан тарбиялашга, уларни меҳнат қилишга одатлантиришга алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, меҳнат қилишга одатлантириш орқалигина болаларни ёзувга, мусиқага, жисмоний машққа ўргатиш мумкин. Демокрит жамият олдидаги бурчига садоқат-

ли, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этувчи кишини ахлоқли инсон деб ҳисоблади.

Демокрит ақлни ифодали сўзлар билан ривожлантириш кераклигини айтади.

## **СУҚРОТ**

### **Ҳаёти, маърифий фаолияти**

Сукрот милоддан олдин 469 йилда Афинада ҳайкалтарош оиласида дунёга келди. У бирон бир асар ёзмаган, мактабда дарс бермаган, лекин ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган. У ҳақиқатни баҳс орқали, суҳбат йўли билан билиш, англаш мумкин деган ғояни олга сурган, суҳбатда асосий эътиборни инсон онги ва тафаккурини таҳлил қилишга қаратиш зарурлигини айтган. У тавсия этган бу усул ўз даврида «Сукрот усули» деб аталган. Сукрот милоддан олдинги 399 йилда демократия душманлари томонидан ўлдирилди.

### **Сукротнинг билим ва ахлоқ ҳақидаги таълимоти**

Сукротнинг фалсафий ва педагогик қарашларида тарбиядан кутилган мақсад инсонни билимларни билиб олишга эриштириш, уни юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдир. Сукрот ўз таълимотида мардлик, донолик, мўътадиллик, адолатлилик тушунчаларини изоҳлаб беради. Унинг фикрича, мардлик қўрқувни даф қилиш, донолик — жамият қонунларига риоя қилиш, мўътадиллик — ўз ҳиссиётларига эрк бермаслик, адолат — яхшиликни амалга ошириш йўлларини ўрганишдир.

Сукротнинг таълимотича, инсон энг аввало, умумий ахлоқ мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган фазилатларни англаб олиши керак. Инсоний фазилат эгаси яхши фазилатларни намоён эта олади. Инсон ахлоқий фазилатларни илм-фан, таълим орқали эгаллайди, ахлоқнинг ягона соҳиби бўлади. Ақл билан ахлоқ ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас. Ҳунардан яхшироқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ. Шарму ҳаёдан яхшироқ безак, зебу зийнат йўқ, бадфёълликдан ёмонроқ душман йўқдир.

Сукротнинг ахлоқ хусусидаги таълимотига кўра, эзгулик — билим, донишмандлик — яхшиликни билувчига яхшилик

қилишдир. Оқил, доно одамлар ҳалол қасб билан шуғулланиб, шу қасбларидан топган мол-дунёларидан муҳтожларга инъом-эҳсон қиладилар. Аччиғланган вақтларида тилларини ёмон сўзлардан, қўлларини одамларга озор беришдан сақлайдилар.

Сукрот, агар бир одам сенинг айбингни юзингга солса, камчиликларингни танқид қилса, уни дўст деб бил, гўзал хулқ-атворли бўлишга, ярамас ишлардан сақланишга гайрат қил, деб маслаҳат беради.

Сукрот тадбиркорликни улуғлаб, уни энг гўзал инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар даврасига, бадахлоқ фосиқларни панд, насихат билан ислоҳ этиб яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардандир.

Сукрот ўзининг педагогик қарашларида меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор беради, меҳнатни ахлоқий гўзаллик деб билади.

Сукротнинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимоти, қадимги Юнонистонда фалсафий-педагогик фикр ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

## ПЛАТОН

### Ҳаёти, ижтимоий, маърифий фаолияти

Платон — машҳур юнон мумтоз файласуфи. У милоддан олдин 428 йилда Афинада аристократ оиласида дунёга келган.

Платон Жанубий Италия ва Сицилияларни кезиб, 388 йилда Афинага қайтиб келади. IV асрнинг саксонинчи йилларида Сицилия ҳукмдори Тўнгич Дионисий саройида унинг ўғлини тарбиялаш билан шуғулланади... Платон ўзи ўйлаб чиққан «идеал қулдорлик давлати» тузишни шу шаҳарда амалга оширмақчи бўлади. Аммо унинг гоёси ҳукмдорга мақбул бўлмади ва уни денгизчилар қўлига топшириб, ўлдиришни буюради. Денгизчилар уни Эгин шаҳрида бир савдогарга қул қилиб сотадилар. Савдогар дўсти бўлгани туфайли Платон яна Афинага қайтиб келади ва ўз фалсафий мактабини тузади, мактабни Афина қаҳрамони Академа шарафига «Академия» деб атади, илмий фаолиятини давом эттиради. У «идеал қулдорлик давлати»



ҳақидаги ғоясини амалга ошириш ниятида ўзи тарбиялаган шаҳзода Кенжа Дионисий ҳукмронлик қилаётган Сицилия шаҳрига боради. Лекин орзуси бу ерда ҳам амалга ошмагач, ноумид бўлиб ўз Ватани Афинага қайтади, 368 йилда вафот этади.

## **Платоннинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари**

Платон тарбияни ташкил этиш ҳақидаги фикрларини «Давлат» ва «Қонунлар» асарларида баён этади. Платоннинг фикрича, катталарнинг болаларга кўрсатган таъсири, болаларда ахлоқий сифатларнинг таркиб топишида кўринади.

Платон ҳис-туйғуга таъсир этишни кичик ёшдаги болаларни тарбиялашнинг асоси ҳисоблайди. Кичик ёшдаги болалар ҳузур қилиш, завқланиш, қайғуриш орқали яхшилик ва бахтсаодат тушунчалари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўладилар.

Платон ўйинни, адабий асарлардан ўқиб беришни, афсоналарни ҳикоя қилишни тарбия воситаси ҳисоблайди.

Платон кичик ёшдаги болаларга нимани ўқитиш, нимани ҳикоя қилишни қонунлаштириш кераклигини айтади. Унинг таъкидлашича, катталар болалар ўйинини кузатиб туришлари, лекин уларнинг ўйинига қандайдир янгилик киритмасликлари керак. Фанларни болаларга зўрлаб эмас, балки осон йўл билан ўқитиш лозим. Чунки эркин одам ҳар қандай фанни қулларча ўрганмаслиги керак.

Платон «Давлат» асарида болаларни ёшлигидан бошлаб ижтимоий тарбиялаш ғоясини олга сурди ва уни ташкил этишнинг муайян тизимини таклиф этди. Унинг таклифига кўра, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалари махсус жойда ўйнаши керак. Бу жойда давлат томонидан тайинланган аёллар тартибни кузатиб туришлари ва ўйинга раҳбарлик қилишлари лозим. 6-12 ёшдан бошлаб болалар мактабда ўқиш, ёзиш ва ҳисобни, шунингдек, ашула айтиш ва муסיқа асбобларини чалишни ўрганадилар. 12 ёшдан 16 ёшгача палестрада ўқийдилар. Палестрада жисмоний тарбияга аҳамият берилади. 16 ёшдан бошлаб йигитлар арифметика, геометрия, астрономияни ўрганадилар. 18 ёшдан 20 ёшгача улар эфебияда махсус ҳарбий-жисмоний тайёргарликни ўтайдилар. Бу босқичда улар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, жангчи-

лар, ҳунармандлар, деҳқонлар, савдогарлар гуруҳида қоладилар, таълим олишлари тугалланади.

Платон ўз фаолиятида биринчилардан бўлиб, болаларни изчилликда тарбиялаш гоёсини олға суради. Унинг бу гоёвий таклифи мактабгача тарбия назариясининг кейинги тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

## **Платон педагогик таълимотнинг аҳамияти**

Буюк файласуф Платоннинг «фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир» — деган ҳикматлари ҳозирги даврда ота-оналар, мураббийлар учун ҳам қимматлидир.

## **АРИСТОТЕЛ**

### **Ҳаёти, педагогик фаолияти**

Аристотел — Арасту қадимги Юнон фалсафаси ва фани тараққиётида янги давр яратган буюк мутафаккир. Арасту милоддан аввалги 384 йилда Стагир шаҳрида табиб оиласида туғилди, 322 йилда вафот этди.

Аристотел 20 йил давомида Афина шаҳридаги Платон академиясида таълим олади, 343 йилда Македония тахтининг воҳисиси Александр Македонскийнинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилади. 335 йилда у Афинада Ликей номида шахсий мактабини ташкил қилади. У мантиқ илмига оид «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи ва иккинчи аналитика», «Тоника», биологияга доир «Жон тўғрисида», «Ҳайвонлар тарихи», «Ҳайвонларнинг келиб чиқиши», фалсафага доир «Математика», ахлоққа оид «Никомах этикаси», «Эндем этикаси», ижтимоий-сиёсий ва тарихий масалаларга оид «Политика», «Полития», санъат, поэтика ва риторикага доир «Риторика», «Поэтика» асарларини ёзади. У яратган бу илмий асарлар антик дунёнинг энг улуғ ютуғи сифатида маънавий маданият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## Аристотелнинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари

Аристотел ўзининг ахлоққа оид асарларида тарбиянинг мақсади табиат билан боғлиқ бўлган инсонни тадрижий ривожлантиришдан иборат, деб билади, ақл ва иродани ривожлантириш муҳим эканлигини айтади. Унинг таълимотига кўра, болаларнинг ёш хусусияти ҳисобга олинган ҳолда жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия узвий бирликда амалга оширилиши керак.

Аристотел тарбия муддатини 21 йил: бола туғилгандан 7 ёшгача, 7 ёшдан 14 ёшгача, 14 ёшдан 21 ёшгача деб белгилади. У боланинг ҳар бир даврдаги ўзига хос хусусиятини кўрсатди, ҳар бир даврда амалга ошириладиган тарбиянинг мақсади, мазмуни ва усуллари баён этди.

Аристотел болаларни мактабгача ёшда тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, болани ўргатиш мумкин бўлган барча нарсага гўдаклигидан ўргатиш керак. Бола 7 ёшгача оилада тарбияланиши лозим. 7 ёшгача давр ўсиш даври ҳисобланади. Шунга кўра, биринчи навбатда, уларни жисмонан ривожлантиришга эътибор берилади. Бу ёшдаги болаларни ўз вақтида овқатлантириш, ҳаракатда бўлишларига эътибор бериш, чиниқтириш зарур. Болалар ёшларига мос ўйинлар билан шуғулланиши керак. Уларга эртак ва ҳикоялар айтиб бериш орқали нутқларини ўстириш, 5 ёшдан бошлаб улар оилада мактабга тайёрланиши лозим. Бола 7 ёшдан бошлаб давлат ҳузуридаги мактабларда ўқиши керак.

Аристотел бола тарбияси давлат ихтиёрида ва барча фуқаролар учун бир хилда бўлишини ҳимоя қилади. Чунки давлат тарбияда ўз олдига аниқ бир мақсадни қўяди. Шунинг учун ҳам тарбияга, ўз хоҳишига кўра ўқитиш ва тарбиялашни истаган ота-оналар эмас, давлат раҳбарлик қилиши керак. Ҳар бир фуқаро ўз-ўзича яшамайди, у барча фуқаро каби, шу давлатга мансубдир, давлатнинг узвий бўлагидир. Давлат унинг ҳақида гамхўрлик қилади.

Фуқаро фақат ўз шахсий иши билан шуғулланмай, фуқароларнинг тинчликда яшаши, фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиши керак.

Аристотелнинг таъкидлашича, «бола 5 ёшдан бошлаб 7 ёшгача келгусида ўрганиши зарур бўлган фанлар бўйича дарсларга қатнашиши керак». Бу ўқув предметлари она тили (қоида-

лар — грамматиканинг асоси), гимнастика, муסיқа ва расмдир. Тарбия гимнастикага боғлиқ ҳолда бошланади. Аммо, бунда, жисмоний тарбияга ҳаддан ташқари берилиб кетмаслик керак. Тарбиянинг мақсади болани ўз бўш вақтини онгли равишда ўтказишга ўргатишдир.

Муסיқа бу мақсадга эриштирувчи муҳим воситадир. Муסיқа фақат онгли кўнгил очишга эмас, инсоннинг ахлоқий сифатига ҳам таъсир этади. Чунки мусиқада инсон хулқи, орзумидлари мавжуддир.

Аристотел дўст орттириш, дўстларга нисбатан шафқатли ва марҳаматли бўлишга даъват этади. Унинг таъкидлашича, киши иложи борица ўзига душман орттирмаслиги керак. Душманлик кўрсатганга марҳамат назари билан қараш, дилозор бўлмаслиги керак. Шундагина у дўстлари қаторидан жой олади. Дўстларни шафқат ва марҳамат билан сарафроз қилиш лозим, шунда улар самимий дўст бўлиб қоладилар. Ёлгончи кишидан вафо кутмаслик керак. Кишининг асли пок бўлса, у одам элга манфаат еткази.

### **Аристотелнинг педагогик таълим олишнинг аҳамияти**

Аристотел «Эй мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, очиқ чеҳрали, ширин сўзли бўл» деб, одамларни баркамол фазилат соҳиби бўлишга даъват этади. Буюк олимнинг бу даъвати ўз даври педагогик ривожда қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, ҳозирда ҳам муҳимдир.

## **КВИНТИЛИАН**

### **Қадимги Римда таълим-тарбия, мактаб, илм-фан, санъат**

Қадимги Римда милоддан олдинги III-I асрларда илм-фан, адабиёт, тарих фанлари, меъморлик ва тасвирий санъат ривожлана бошлади. Табиий фан соҳасида милодий II асрда Птоломей «Альмагест» асарини ёзиб, унда оламнинг геоцентрик тизимини баён этади. Диофант «Арифметика», Папп Александрийский «Математика тўплами», Витрувий «Архитектура ҳақида 10 китоб»ини яратади.

Тарих фани соҳасида Тит Ливийнинг «Рим тарихи», Корнелий Тацитнинг бадий-дидактик руҳдаги «Анналлар» ва «Тарих» асарлари юзага келади.

Бадий адабиётда Овидийнинг «Муҳаббат илми», «Метаморфозалар» каби машҳур асарлар ёзилади.

Қадимги Римда ҳосил байрамлари билан боғлиқ ҳолда театр, цирк санъати вужудга келади, муסיқасида, айниқса, тўй, диний маросим кўшиқлари яратилади. Турли чолғу асбоблари ижод этилади.

Қадимги Рим меъморлигида Пантеон каби улғувор бинолар қурилади, безак рассомлигида энгил нақшлар, қисқа сюжетли расмлар ишланади. Ҳайкалтарошликда шартлилик кенг ўрин олади, христиан афсоналари акс эттирилган сюжетли рельефлар билан безатилган мрамар саркофаглар тайёрлаш санъати ривож топади.

Марк Фабий Квинтилиан мактабга асос солган олим сифатида танилади, «Нотиқни тарбиялаш ҳақида» ги асарида педагогик қарашларини ёритади.

Табиийки, Қадимги Римда илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида юз берган бу ютуқлар педагогик фикр ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Римда милоддан олдинги II аср ўрталарида болаларни гуруҳларга бўлиб ўқитиш бошланади. Ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам 7 ёшдан ўқидилар. Бадавлат оилаларда қизлар она раҳбарлигида билим оладилар, ўғил болаларни уйда муаллимлар ўқитадилар.

### **Квинтилианнинг педагогик ғоялари**

Квинтилиан ўқитувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлишларини талаб этади. У дейди: «Фанда дастлабки маълумотдан нарига силжимайдиган, қалби қалбаки ишонч билан тўлган, фақат ўзларини олим деб билган кишилардан ёмони йўқ».

Квинтилиан ҳар бир илм аҳларини, шу жумладан, ўқитувчиларни доимий равишда ўз билимларини ошириб боришга даъват этади. Квинтилиан болаларни уйда эмас, мактабда ўқитиш ғоясини олга суради. У мактабнинг тарбиявий таъсирини қайд қилган ҳолда, уй муҳитида болада ёмон хулқ ҳосил бўлиши мумкинлигини айтади: болалик чоғида ота-оналар уни

эркалайдилар, натижада бола ақлий ва жисмоний тарбиядан маҳрум бўлади. У катталардан ноўрин сўзларни ўрганади. Болалари бу сўзларни такрорлаб, ноўрин ҳаракатлар қилса, катталар хафа бўлиб, уни койидилар. Ваҳоланки, бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари айбдор эканликларини ўйламайдилар. Бола катталардан ўрганиб олган ноўрин сўзларнинг ўзига ёмонлик, нафрат келтиришини ўйламаган ҳолда, уларни мактабда ҳам такрорлайди, бошқалар ўртасида ёйилади. Шу сабабли ҳам, Квинтилиан болаларни мактабда ўқитишни талаб қилади.

Римда милоддан олдинги II аср бошларида Медиоланс (Милан), Аугустодунуме (Отэн), Бордигале (Бордо), Карфаген, Антиохи ва бошқа шаҳарларда мактаблар очилиши билан «Ювенестъ» ёки «Ювентус» («Ёшлар», «Ёшлик») деб аталган ёшлар ташкилотлари ҳам юзага келади.

Мактабларда қизлар ўғил болалар билан бирга ўқидилар, умумий дастур асосида мажбурий равишда ўқишни давом эттирадилар.

Квинтилиан ўз педагогик қарашларида инсоннинг табиий белгиларига эътибор беради, болаларнинг туғма қобилиятини юқори баҳолади, тарбия билан кўп нарсага эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилади. Квинтилианнинг фикрича, инсон шахсининг шаклланиши учун болани ёшлигидан бошлаб тарбиялаш керак. Чунки болада тез берилиш хусусияти мавжуддир, тарбияда бу масалага доимо аҳамият бериш керак.

Квинтилиан, Аристотел каби, 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни мактабга тайёргарлик даври ҳисоблади. Унинг фикрича, бола 7 ёшгача оилада тарбияланиб, она тили ва грек тилини эгаллаши керак, болалар билан мунтазам равишда турли қизиқарли машғулотлар ташкил этиш лозим. Ёш болани мақташ билан кўнглини кўтариш, мукофотлар, тарбияда ижодий фаолиятни ривожлантириш гоят муҳимдир.

Квинтилиан таълимда кўрғазмалиликка эътибор беради, таълимда узвийлик ва изчиллик бўлишини талаб этади. Унинг таъкидлашича, болага кўп нарсани ўргатишга ҳаракат қилмаслик керак, аммо билганини пухталаш лозим. Бўлажак нотиқ хотирали бўлиши, бадий сўзлаш малакасини эгаллаши керак. Болаларда бу малакани мактабгача ёшидан бошлаб ривожлантириш зарур. Квинтилиан шеърларни ёд олдиришни болани нотиқ қилиб етиштиришда муҳим восита ҳисоблайди.

Умуман, Римда Квинтилиан мактабга асос солган, антик педагогиканинг биринчи назарийётчи ва амалиётчи олими сифатида шуҳрат қозонади, ҳар йили Веспасиана императорининг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланади.

## КОНФУЦИ

### Қадимги Хитойда таълим-тарбия

Хитойда фалсафа милоддан аввалги VI-V асрларда пайдо бўлиб, фалсафий тафаккур — конфуцилик, легизм, даосизм, моизм тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу таълимотлар, асосан, ахлоқий-сиёсий хусусиятга эга бўлган. Мамлакатда давлат қурилишини қайта қуриш, идора тизимини яхшилашга бўлган ҳаракат туфайли фалсафа ҳам сиёсий тус олди. Мана шу ҳаракат жараёнида Конфуци ўз таълимотлари билан сиёсат майдонига чиқди. Унинг таълимотлари шогирдлари томонидан «Лунь ой» («Сухбат ва муҳокамалар») асарида баён қилинди, ривожлантирилди, кейинчалик расмий идеологияга айланди.

Асосий негизи «Дао дэ цзин» ва «Чжуан-цзи» асарларида акс эттирилган даосизм таълимотида инсон фаолиятини чеклаб қўядиган ҳар қандай қонун ва қоидалар қораланади, цивилизация ютуқларидан воз кечиш тарғиб этилади, табиат ва олам шарафланади, кишилар табиийликка чақирилади.

Конфуцилик — қадимги Хитойда юзага келган ахлоқий-сиёсий таълимот. Унинг асосчиси Конфуцидир.

Конфуци ва унинг таълимотини ҳимоя қилганлар инсонпарварликка эришиш учун ҳар бир киши хулқ-одоб меъёрига амал қилган ҳолда ўз-ўзини тарбиялаш, шу асосда маънавий камолотга эришиш гоёсини тарғиб қилганлар. Конфуци таълимотига кўра, инсонпарварликка фақат жамиятнинг юқори табақа вакиллари, мумтоз кишиларигина эришиши мумкин.

Хитойда Конфуци тузган мактаб кўп аср давом этди. Милоддан аввалги 136 йилда император У Ди ҳукмронлик қилган даврда Конфуци қарашлари расмий равишда таълимот-тизим деб эълон қилинди. Шундан кейин Конфуци таълимоти икки минг йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳукмрон идеология сифатида давом этди.

Конфуци (Кунцзи) — Хитойнинг таниқли мутафаккири. У эрамиздан олдинги 551 йилда камбагал оилада туғилди. Ёшлигидан етимликда ўсади, Лу подшолигида кичик бир мансабда ишлайди, қобилиятли хизматчи сифатида танилади.

Конфуци сиёсий ҳаётда ҳам иштирок этади. Мамлакат бўйлаб сафарларда бўлади, халқ ҳаёти билан яқиндан танишади, турли тоифа одамлар билан учрашади, суҳбатда бўлади. Орадан 14 йил ўтгач, сафардан қайтиб, қолган умрини сиёсий ҳаётдан четда, ўз шогирдлари, издошлари билан бирликда ўтказди. У давлат идораларида ишламаган ҳолда, халқ орасида катта шуҳрат қозонади. У эрамиздан олдинги 479 йилда вафот этади. Унинг таълимотини шогирдлари давом эттирадилар.

Ўрта асрда Хитой билан чегарадош бўлган Япония, Корея, Вьетнам давлати, халқи Конфуци таълимоти таъсирида бўлади.

Конфуци ахлоқий-сиёсий ғояларининг негизи давлатни ахлоқ қоидалари асосида бошқариш таълимотидир. Унинг таъкидлашича, ахлоқ қоидаларига асосланган давлатни бошқарувни қўллаш ва ҳимоя қилиш керак. Бунинг учун номлар ўзгартирилиши лозим. Давлатни шафқат, саховат билан бошқариш яхши усулдир.

Конфуцининг уқтиришича, давлатни бошқарувчи саховатли, эзгу ниятли бўлиши керак. У бундай бошқарувчини осмондаги шимолий ёруғ юлдузга ўхшатади. Унинг уқтиришича, ахлоқий жиҳатдан қайта тарбияланган бошқарувчигина ёруғ юлдуз бўла олади. Юлдузлар ёруғ юлдузни ўраб олгани каби халқ унинг атрофида бўлади.

Ўзини тута билиш, ахлоқ қоидаларига риоя қилиш — Конфуцининг «инсоний севги», «ўзини тута билиш» ҳақидаги таълимотининг асосий мазмунидир. Конфуцининг фикрича, ҳар бир инсон ўзидан бошқа одамларни севмаса, у ахлоқ қоидаларига риоя қила олмайди, ахлоқ қоидаларига тўғри муносабатда бўла олмайди.

Конфуци таълимотича, кичикларнинг ота-она ва акаларга доимо ҳурматда бўлиши инсонни севишнинг асосидир. Инсонпарварлик одамларга муҳаббат демакдир. Фақат инсонпарваргина одамларни сева олади, севиш ва нафратланиш хислатига эга бўлади. Демак, Конфуцининг фикрича, барча одамларни севиш, уларга бир хил муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас. Конфуци «ҳурматли», «мурувватли», «тўғрисўзли», «ўткир зеҳнлик» ва «раҳмдиллик» фазилатларига эга бўлганларни ин-



сонпарвар ҳисоблайди. Конфуци давлатни шундай одамлар бошқаришини талаб этади. Унинг таъкидлашича, мурувватли раҳбаргина халқ хурматига сазовор бўлади, халқнинг хурмати унинг зафарларга эришувини таъминлайди.

Конфуцининг ахлоқий-ғоявий қарашларида давлатни бошқаришда халқни қадрлаш муҳим ўринда туради. Унинг фикрича, халққа мурувват билан раҳбарлик қилиш, олдин уни бойитиш, сўнгра уни инсонпарварликка ўргатиш керак. Шунда инсонпарварликда халқни қадрлаш намоён бўлади.

Конфуци умри давомида, асосан, ўқитувчилик билан шуғулланди. У ўқитувчилик фаолиятида ўқиш, ўрганиш билан билимларни эгаллашга эътибор берди. Унинг таъкидлашича, бола жиддий ва сабот билан меҳнат қилиш орқали билимларни эгаллаши, кўп тинглаши, эшитганларидан энг муҳимини билиб олиши ва унга риоя қилиши керак.

Бола кўп нарсани кўриш ва кўрганини хотирасида сақлаши лозим. Конфуцининг уқтиришича, инсонда қобилият, донолик ва ақл ўқиш, ўрганиш, кўриш, меҳнат орқали ривож топади. Конфуци фақат яхши одамдан эмас, балки ёмондан ҳам ўрганишни тавсия этади.

У таълимда ўқиш ва фикрлаш, ўйлаш муҳимлигини айтади. Унингча, ўқимаслик ва фикр юритмаслик, бу — ҳалокатдир, ўқишни фикрлаш билан бирлаштириш лозим. Ўқилган китоб ҳақида фикр қилинмаса, бундай ўқишнинг фойдаси бўлмайди, бундай ўқиш кишини толиқтиради. Конфуци ўз тажрибасини умумлаштирар экан, бутун кун бўйи овқатланмай, тун бўйи ухламай, ўқигани ҳақида ўйлаганини, лекин бундан фойда бўлмаганини айтади. Шунга кўра, Конфуци ўқишни ўйлаш, фикрлаш билан узвий бирликда, ўз вақтида амалга оширишни тавсия этади.

Конфуци таълимотига кўра, ўқишда амалда қўллаш зарур бўлганни аниқлаб олиш гоят муҳимдир. Конфуци китобни ўқиш ва ўқилганни вақти-вақти билан такрорлаш кераклигини уқтиради. Унинг таъкидлашича, кишининг одамларга муносабати унинг мақтовга сазовор бўлган ишларида ёрқин кўринади. Кимдир мақталса, у ҳаётда, амалда синаб кўрилади, яхши муносабати бошқалар учун намуна бўлади. Муносабат ҳақидаги бу фикрлар ҳам Конфуцининг билимни амалда синаб кўриш ғояларининг ифодасидир.

Конфуци, ўзининг педагогик фаолиятида тажрибага алоҳида эътибор берди, илғор ғояларни олга сурди.

Масалан, киши ниманидир билади ва ҳисоблайди. Билмас, ҳисоблай олмайди. Бу — билимга тўғри муносабатдир. Ўқитувчи тўрт нарсадан — қуруқ фойдасиз фикрлашдан, ўз мулоҳазасида қатъий туриб олишдан, қайсарлик қилишдан, фақат ўзи ҳақида ўйлашдан қатъий сақланиши керак. Бу гоёларнинг биринчиси соф кўнгил билан муносабатда бўлиш, иккинчиси шахсиятга берилмаслик ва қайсарлик қилмасликдир.

Конфуцининг уқтиришича, соф кўнгилли одам одамларнинг сўзига қараб эмас, ҳаракатига қарайди, лекин яхши сўзларини ҳам маъқуллайди. Бу билан у одамни ва унинг сўзларини таҳлил қилиш моҳиятини билиб олиши кераклигини таъкидлайди.

Конфуци иккиюзламачиликни саховатликнинг душмани деб билади. Унинг фикрича, иккиюзламачи, одамлар орасида гўё тўғри — олтин йўлда бораётгандек бўлади, ҳақиқатда эса ахлоқий қондани бузади. Шунинг учун иккиюзламачилар «паст одам»лардир.

Конфуци дўст танлашда олдин уни синаб кўришни тавсия этади.

Умуман, Конфуци гоёвий-ахлоқий, маърифий ва англаш, билиш ҳақидаги қарашларида илғор фикрларни олға сурди, унинг гоёлари илғор фикрлилар томонидан давом эттирилди, хитой маданиятига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

## **И К К И Н Ч И Б О Б**

### **ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА**

#### **САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ**

##### **Ҳаёти, адабий-маърифий фаолияти**

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намояндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шероз шаҳрида 1184 йилда туғилди. Саъдий мўғул босқинчилари Ўрта Осиё ва Эронда ҳукмронлик қилаётган, халқ уларнинг зулмига қарши курашга отланган даврда яшади, ижод этди. Саъдий озодлик учун олиб борилган курашда халқнинг галаба қилишига ишонди, ўз асарларида акс эттирди.

Саъдий бошлангич маълумотни Шероздаги мактабда олади, уни тамом қилгач, Боғдод шаҳридаги Низомия мадрасасига ўқишга киради, ўқишни тугаллагач, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқади. У шу саёҳати даврида ҳаётда юз берган воқеаларни кўради, катта ҳаётий тажрибага эга бўлади. У 1255 йилда ўз она шаҳри Шерозга қайтиб келади ва ҳаётининг сўнгги йилларини ёлғизликда ўтказди. Саъдий ёши 70 га борганда, 1257 йилда ўзининг машҳур «Бўстон», 1258 йилда «Гулистон» асарларини ёзади. У газаллардан иборат бўлган «Куллиёт» тўпламидан ўрин олган бу икки асарларида халқни бирлашишга, ҳаётни севишга, ҳаётни яхшилаш учун меҳнат қилишга даъват этади.

Саъдийнинг «Гулистон» асари тарбиявий панд-насиҳатдан иборат ҳикоялар ва ҳикматлар тўпламидир. Адиб бу асарида жаҳонгашталиқ йилларида ҳаётда кўрган, билган воқеаларни баён этди, улардан ахлоқий хулосалар чиқарди, ҳаётда йўлдан адашганларга тўғри йўл кўрсатди, бунини ўзининг инсоний бурчи деб билди.

### **Саъдийнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари**

Саъдий Шерозий инсоний қадр-қимматни меҳнатда, ҳунарга таянишда деб тушунади ва шундай деб таълим беради:

*Ўз меҳнатидан нон еган киши,  
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.<sup>1</sup>*

— дейди у.

Саъдий ватанпарварлик, халқпарварликни юксак қадрлади ва оталар тилидан ёшларни халққа содиқ бўлишга чақиради.

*Ўз элига вафо қилмаган киши,  
На севимли бўлур ва на донишманд.<sup>2</sup>*

Саъдий одамлар ўртасида инсоний алоқа бўлишини тарғиб қилади. У инсониятни бир бутун тана деб билади, ҳар бир одамни унинг бир қисми ҳисоблайди. Унинг фикрича, тана-инсо-

---

<sup>1</sup> Саъдий. Гулистон. Ғ. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1968, 6-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 150-бет.

ният-соғлом, барча аъзолари соғ бўлиши керак, ёш болани камол топтириш учун, тарбия жараёнида унда ҳаёт учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш керак. Сифат эса, инсонда аста-секин, аввало оилада ва мактабда тарбия йўли билан, катта бўлганда ҳаётий тажриба ёки ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида шаклланади.

## Саъдий оилада бола тарбияси ҳақида

Саъдийнинг фикрича, оила боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У масъулиятли тарбиячидир. Ота ўз болаларини тарбиялаши, ўқитиши, ҳунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтириши керак. Боладаги қобилиятни ривожлантириши керак. Бунинг учун, болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги қобилият сўнади.

Саъдий ўз педагогик қарашларида тарбияни уч асосий кўринишга — ақлий, нафосат ва жисмоний, меҳнат тарбиясига бўлади. Адиб болани тарбиялаш вазифасини уларнинг ота-оналарига, айниқса, отага юклайди, яъни оилавий тарбияга катта эътибор беради, ота, ота-оналарга муурожаат қилади. У ёзади:

*Ўтай яхши ном билан десанг агар,  
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.  
Агар бўлмаса ақлу фикри унинг  
Нишон қолмагай сендан ўлган кунинг.  
Ота-онаси эркалатса нуқул,  
Жуда кўп қийинчиликни кўргай ўғил.  
Ақл ўргату, тўғрилиқ, поклик.  
Севиб эркалатма, қил идроклик.  
Ўз ўғлингни қолдирмагил беҳунар.<sup>1</sup>*

— дейди Саъдий.

Саъдий ота-оналарга, ҳар бирининг характерини ҳисобга олган ҳолда, ахлоқий тарбияни боланинг ёшлигидан бошлашни тавсия этади, характер шакллангач, болага тарбия таъсир этмайди.

---

<sup>1</sup> Саъдий. Гулистон. Ғ. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1968, 145-бет.

## Саъдий ақлий тарбия ҳақида

Ақлий тарбия, Саъдийнинг назарида, билимни эгаллаш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлиқдир, ақлий тарбия уни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида ривожланиб боради.

Саъдий билимни ҳаётга татбиқ этишни ташвиқ этар экан, унинг ҳаётий моҳиятини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, билимни эгаллаган одам ақлли ва ахлоқлидир. Бундай одам жамиятда қадрланади, қаерда бўлмасин уни ҳамма ҳурмат қилади, у ҳамма ерда шуҳрат қозонади.

Саъдийнинг фикрича, «...икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб унга амал қилмаган одам».

*Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,  
Агар амал қилмадинг, нодонсан.<sup>1</sup>*

Одам билимни турмушда фойдаланиш учун эгаллайди, тажрибада қўлланмаган билим фойдасиздир.

Саъдий тажрибани ахлоқий маънода тушунади. У одамлардан ахлоқ меъёрини билишни ва ҳаётда унга риоя қилишни талаб этади. Шу билан бирга, у билимни барча соҳада одамларда гўзал инсоний фазилатларни шакллантиришга йўналтиришни талаб этади. Унинг уқтиришича, билимни эгаллаш ва унинг чўққисига кўтарилиш, билимга қизиқувчан, ҳамма ерда ва ҳамма вақт изланувчан, янгиликларни олға сурувчан бўлиш йўли билан унинг ҳақиқийлигига ишониб, онгли суратда ўзлаштириш керак. Мунозарасиз билим ривож топмайди. Одамни ҳаётга тайёрлаш учун, аввало, ақлий тарбияни тажриба билан боғлаш, мустақил ўқиш йўли билан амалга ошириш керак. Ақлий ривожланиш ахлоқий камолот учун зарур, у ахлоқий тарбия билан боғланиши керак.

## Саъдий ахлоқий тарбия ҳақида

Саъдийнинг педагогик қарашларида ёш авлоднинг ахлоқий тарбияси марказий ўринда туради. Бу масалани ечишда Саъдий инсонпарварлик принциpidан келиб чиқади. Унинг таъ-

---

<sup>1</sup> Ўша китоб, 157-бет.

лимотига кўра, инсоний муҳаббат ва ҳурмат туйғуси инсон қадриятида, ахлоқий тарбияда асосий ўринни эгаллайди. Шу маънода, у ёшларга мурожаат қилиб, уларни билимларни эгаллашга, ахлоқли бўлишга даъват этади.

Муҳтожларга ёрдам беришни Саъдий биринчи даражали инсоний фазилат ҳисоблади. Айниқса, у етим болаларга ота-оналари каби гамхўрлик қилиш, инсонпарварлик ва одамийлик муҳтожлар ҳаётини яхши билган меҳнат аҳлига хос хусусиятдир.

*Етимлар бошига мудом соя сол,  
Арит гарду чангин, тикан кирса ол.  
Етим турса олдинда маъюддил,  
Ўз ўғлингни ҳатто ўпиб суймагил..  
Арит раҳм этиб, оқиб кўз ёшини,  
Юзин чангин арту сила бошини,  
Агар унда йўқдир қариндош, таниш,  
Ўзинг парвариш қил, ўзинг парвариш.<sup>1</sup>*

Саъдий ахлоқли одамдаги ростгўйлик хислатини энг муҳим фазилат деб биледи. Бу фазилатга эга бўлган одам бошқаларнинг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлади.

### **Саъдий тарбия усуллари ҳақида**

Саъдий ишонтиришни тарбиянинг асосий усули ҳисоблайди. Адиб ишонтириш билан бирга қаттиққўл бўлишни таклиф этади. Шу билан бирга, у ёшлигидан болада хушфезллик, дўстлик фазилатларини тарбиялашни тавсия қилади.

Инсон бошқаларнинг ишончига фақат ўзининг ростгўйлиги билан эришади. Шунинг учун ҳар қандай вазиятда рост гапириш, ҳатто, ростгўйлиги ўзига нохушлик келтирганда ҳам ростгўй бўлиши керак. Гийбатчилик, чақимчилик, ёлғончилик — инсон учун ёмон хислатдир.

Саъдий ёшларни одамлар билан мулоқотда бўлиш қоидаларидан хабардор бўлишга, ўйлаб, ҳар бир сўзни ўлчаб гапиришга ўргатишга даъват этади. Ақли одам кўп ва ўйламасдан гапирмайди, ўз сўзи-фикрини худди қимматбаҳо ёқут каби дилда сақлайди.

<sup>1</sup> Саъдий. Бўстон. Ўзбек давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1960, 54-бет.

## Саъдий камтарлик, дўстлик ҳақида

Саъдий камтарликни кенг маънода тушунади, камтар одам хушмуомала, тавозели бўлади, яхши ва самимий маслаҳатларга эътибор беради, унга мақтанчоқлик, хушомадгўйлик, чақимчилик бегонадир. Камтарлик ҳақиқий бўлиши, кўз-кўз қилинмаслиги керак.

Саъдийнинг фикрича, ҳақиқий камтар одам ўзини ўзи мақтамайди ва бошқаларнинг мақтовига муҳтож ҳам бўлмайди. Агар у яхши одам бўлса, бу сифатининг ўзи унинг яхшилигидан далолатдир.

Саъдий дўстликни одамнинг шахс сифатида шаклланишида асосий омил деб билади. Унинг назарида ҳақиқий, самимий дўстлик инсон қалбида ўчмас из қолдиради, унинг ахлоқий қиёфасига таъсир этади. Агар одам ўз хатти-ҳаракатига кўра ёмон бўлса, унинг дўстлиги бошқаларга салбий таъсир этади.

Саъдий дўстликнинг тарбиявий аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда, ота-оналарни огоҳлантириб, ўз болаларининг ёмонлар билан мулоқотда бўлишига йўл қўймасликни айтади.

Саъдийнинг уқтиришича, дўстлик икки муҳим хусусиятга — самимийлик ва тарбиявийлик хусусиятига эга. Адиб бошига кулфат тушган одамга мурувват кўрсатган, унинг душманлари билан алоқада бўлмаган одамни ҳақиқий дўст деб билади.

*...Агар оқил эсанг, дўстдан кечмагил,  
Ўшанда ғаним кўз очолмайди бил...  
Агар сен эсанг дўст билан жону тан,  
Ғаним емирилур шоҳу илдиз билан.<sup>1</sup>*

дейди шоир.

## Саъдий педагогик қарашларининг аҳамияти

Саъдий Шерозийнинг юқорида баён этилган таълим-тарбия ҳақидаги фикрларининг негизи ҳаётий тажрибалари, халқ оғзаки ижодидир.

Саъдий одамларни меҳнатни севишга, инсониятга фойда келтирадиган бўлишга, дини, эътиқоди, жинси, миллатидан қатъ-

<sup>1</sup> Ўша китоб, 136-бет.

ий назар, одамларга нисбатан ҳурматда бўлишга даъват этди. Саъдий ушбу педагогик қарашлари билан кейинги авлодларга ўлмас мерос қолдирди. У қолдирган бу мерос ҳозирги ёшлар тарбиясига ҳам хизмат қилиши табиийдир.

## **ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ<sup>1</sup>**

### **Румийнинг ҳаёти, педагогик қарашлари**

Жалолиддин Румий 604 ҳижрий сананинг раббиул аввал ойининг олтинчи кунда — милодий 30 сентябр 1207 йилда Балх шаҳрида туғилди. Отаси Муҳаммад Баҳовуддин Валад ўз замонининг машҳур сўфийси бўлган, Султон-ул уламо аталган.

Баҳовуддин Валад беш яшар ўгли Жалолиддин билан Балхдан кетиб Нишопурдан ўтаётганларида улуғ шайхлардан бири, машҳур шоир Фаридиддин Аттор билан кўришадилар. Фаридиддин Аттор Жалолиддинга ўзининг «Асрорнома» асарини туҳфа қилади.

Баҳовуддин Валад Нишопурдан Туркия ерларига ўтиб, Арзиндонда, сўнгра Оқшеҳирга келади ва шу шаҳардаги мадрасада тўрт йил дарс беради. Сўнгра Оқшеҳирдан Лоранда шаҳрига (ҳозирги Караман) боради. Шаҳар ҳокими Амир Муса унга атаб махсус мадраса қурдиради ва уни мадрасанинг бош мударриси этиб тайинлайди. Кейин Баҳовуддин Валад турк султони Аловуддин Кайкубоднинг таклифи билан Кунёда шаҳрига бориб, шу ердаги Олтин мадрасасида истиқомат қилади.

Жалолиддин илмларни, асосан отасидан ўрганади, Лоранда шаҳрида илмини камолга етказди, отаси Кунёдага кетгач, унинг ўрнига бош мударрис этиб сайланади, ваъзхонликда шуҳрат қозонади.

### **Румийнинг инсонпарварлик гоялари**

Румий бутун умри давомида ирқи, тили ва диний мазҳабидан қатъий назар, инсонлар тенглигини ҳимоя қилди, инсон иродасини озодликнинг муҳим воситаси деб ҳисоблаб, шу асос-

---

<sup>1</sup> Румий ҳақидаги мақолани тайёрлашда унинг «Учмоққа қанот йўқ вале учайман» асари ва «Сўнги сўз» (Руҳият шоири)дан фойдаланилди. «Шарқ юлдузи», 3–4 сон.



да ахлоқ-одоб масалалари ҳақида фикр баён этди. У инсонларни меҳр-шафқатли, боадаб бўлишга даъват этади. Унинг фикрича, адаб билан жаҳон нурга тўлади, малак пок, мусаффо бўлади.

*Нурга тўлгай, боқ, адаб бирлан фалак,  
Пок, мусаффордир адаб бирлан малак.<sup>1</sup>*

дейди Румий.

### **Румийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари**

Румий вафодорликни, севгида садоқатли бўлишни ташвиқ этади. Адиб ҳамзабонлик — дўстликни дилни дилга ошно — бегонани пайванд этувчи восита деб билади. Ҳамдил бўлиш ундан ҳам яхшидир. Унинг фикрича, агарда одамлар ўзаро аҳил бўлсалар, нутқбозликқа ҳожат йўқ, қалблар — юракнинг ўзи таржимонлик вазифасини бажаради. Шоир дейди:

*Ҳамзабонлик дилни дилга банд этар,  
Ошно-бегонани пайванд этар.<sup>2</sup>*

Турли тилда сўзлашувчи, миллатлари турлича бўлган одамлар ўзаро дўст бўлсалар, ўртада воситачи бўлишига ҳожат йўқ:

*Ўртада ул нутқи бийрон не керак,  
Таржима қилмоққа қодирдир юрак...<sup>2</sup>*

Румий ҳасадни қоралайди, бу хусусиятга эга бўлган ҳасадгўйлар ақлли бўлсалар ҳам аслида мусулмон эмаслар.

Румий жаҳолатни нохушлик, низо ҳосил қилувчи иллат ҳисоблайди, инсонларни бирликка, сулҳга даъват этади.

Румий дўстлик ва инсонийликни улуғлаб, ҳақиқий дўст бамисоли кўзгу бўлишини уқтириб, уни қусурдан холи бўлишга даъват этади. Унинг уқтиришича, «Севги бор жойда ситам ҳам бўлади». Бегоналарга эмас, дўстларга ситам қилинади. Аммо ситамда ҳам ситам бор. Ситам ундан мухтасир бўлганга, унинг ўзи учун яхшилик ва севги эканлигини билганга қилинади... «Шунинг учун, — дейди Румий, — модомики, сен ўзингда бир

<sup>1</sup> Ўша китоб, 8-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 16-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 16-бет.

дарё ёки пушаймонлик ҳис этаркансан, билгилки, бу сенга Аллоҳнинг инояти ва севгисидан бир далилдир. Агар сен оғанингда бир қусур кўрсанг, бу сендаги нуқсоннинг аксидан иборатдир. Одам ҳам худди шундай ойнадир. Сен ўша қусурни ўзингдан узоқлаштир. Чунки ундан ҳосил бўлган сендаги изтироб ўзингдан чиққан гамдир. Ундан хафа бўлганинг замон ўзингдан ҳам инжийсан».<sup>1</sup>

Румий қаноатсизлик кўнгилсизлик ҳолатлар келтиришини айтиб, кишиларни сабр-қаноатли бўлишга, мол-дунёда ҳам маълум ўлчов борлигига риоя қилишга чақиради.

У дейди: «...аттор дўконига боришинг билан у ерда шакарнинг жуда кўп эканини кўрасан. Бироқ аттор сенинг пулингга яраша шакар беради... Худди шундай одам борки, денгизларга қонмайди, одам бўладики, бир томчи сув билан кифояланади, ортиқчаси унга зарар келтиради. Бу фақат маъно олаmidан, яъни илм ва ҳикматда эмас, балки ҳамма нарсада шундай.

Дунёдаги мол-мулклар, олтинлар, қимматбаҳо тошлар конлари сўнгсиз ўлчовлардир. Бироқ, улар инсонга баҳоси миқдо-рида келади, ортиқчасини эса, кўтаролмай, ақлдан озади».<sup>2</sup>

Румий иймонни улуғлаб, уни, ҳатто, намоздан юқори ҳисоблайди, унингча, иймон одамлар учун абадийдир: «...Намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан яхшироқдир. Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир.

Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин.

Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари».<sup>3</sup>

Жалолиддин Румий одамларга мурожаат қилиб, уларни бу дунёда бирга бўлишга даъват этади: «Одамлар, — дейди шоир, — биз бу дунё уйида бирга эдик, дейишлари ва бир-бирлари билан гўзал бир тарзда келишиб, боғланишлари керак. Одамнинг яхши ва ёмонлигини бир четга қўйиб, унинг шахсияти аслига

---

<sup>1</sup> Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. «Шарқ юлдузи», 1995, 3-сон, 192-193 бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 196-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 196-197 бетлар.

этибор бермоқ керакки, кўрамиз, ул зотнинг қандай ўзлиги ва жавҳари бордир. Кўрмоқ ва билмоқ мана шунақа бўлади».<sup>1</sup>

Демак, дўст танлашда инсон шахсиятини, унинг кимлигини билиш, уни кўриш ва билиш — муҳимдир.

Румийнинг таъкидлашича, ҳар бир одам аввало ўзини синаши ва кўриш, рўза, намоз, ёлгизлик, биргалик ва шунга ўхшаш нарсаларнинг қай бири ўзига фойдали эканлигини, қайси йўлдан борса, аҳволи тез яхшиланишини билиши, ўйлаб кўриши лозим, унинг илгариланишини қайси иш таъмин этса, шу йўлдан бориши, муфтийлар ҳар қанча фатво берсалар ҳам, олимлар фатвосига қулоқ солиши лозим. Румий олимларни, илм аҳлини орифдан устун қўяди ва маъноли инсон ҳисоблайди, инсонни буюк бир мўъжиза ва ичида ҳамма нарса ёзилган деб билади.

Жалолиддин Румий ақл ҳақида сўз юритар экан, уни инсон вужудида бир амр деб билади. Унинг таъкидлашича, «Мабодо вужуд раиятлари унга бўйсунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан бу қўлу оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаълумликни кутса бўлади».<sup>2</sup>

Румийнинг фикрича, инсон ва шундай ҳолатга тушмаслиги учун, вужуд раиятлари ақлга бош эгишлари зурур. «Чунончи, тикувчилик дўконига берилган ёш бола устага итоат қилиши лозим. Модомики, боланинг мақсади ушбу касбни ўрганмоқ экан, демак, у ўз тасарруфидан воз кечиб, устанинг амрига «лаббай» деб жавоб бериши шарт».<sup>3</sup>

Румий ўз педагогик қарашларида амал ва илм ҳамда икки-сига эга бўлган инсоннинг ҳаётда тутган мавқеига алоҳида этибор беради, илмни ҳамма нарсадан устун қўяди, одамларни илмларни эгаллашга даъват этади. «Амал ҳамда илм мавжуддир, — дейди шоир. — Баъзиларнинг амали бору, илми йўқ. Баъзиларда эса аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир. Бунга ўхшаган нарса шудир: бир одам йўл юради, аммо бу унинг йўлими-йўқми, билмайди, кўр-кўрона ҳаракат этади.

---

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1995, 5-6 сонлар, 198-бет.

<sup>2</sup> Ўша журнал, 197-бет.

<sup>3</sup> Ўша журнал, 208-бет.

Бошқа биров эса, йўлни ҳам, манзилни ҳам билади. Унинг учун аломату ишоратга ҳожат йўқ. Иш унинг қўлидан келади. Энди қиёсланг, бу одам қаерда-ю, наригиси қаерда? Демак, илм ҳамма нарсадан устундир».<sup>1</sup>

## Румий инсон руҳияти ва китобхонлик ҳақида

Румийнинг инсон руҳияти, унга хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлари ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бу буюк шоир одамларни ўз умрларини беҳуда ўтказмай, гофилликни ташлаб, инсонлар учун фойдали иш қилишга чорлайди. «Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимайди. У машғул бўлган ишида, санъатда, илми нужумда, ҳақимликда... ҳамма-ҳамма фойда ҳам ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Ёр дилоромдир, яъни кўнгилни тинчлантирувчи, демакдир. Шундай экан, кўнгил бошқа билан қандай хотиржам бўлсин. Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зинапояларда беҳуда ўтказмаслик учун гофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!».<sup>2</sup>

Улуғ мутафаккир ҳар бир инсоннинг сеvimли бўлишини истади, сеvimли бўлган кишида гўзаллик бўлади. Унинг уқтиришича, «Севилган киши гўзалдир. Ҳамма гўзаллар севилавермайди ва севилиши шарт ҳам эмас. Гўзаллик сеvimлиликнинг бир жузъидир. Сеvimли бўлмоқ аслдир. Бу бўлгандан кейин гўзаллик ҳам мавжуддир».<sup>3</sup>

Жалолиддин Румий таълимда ҳар бир ўқилган китобнинг маъносини билиш муҳимлигини таъкидлайди, маънога эътибор бермаслик кўр-кўрона ўқишдир. Олимнинг таъкидлашича ўқувчи Куръонни тўғри ўқийди, маъносидан хабари бўлмайди, унга маъно англатилса ҳам, барибир, кўр-кўрона ўқийверади. Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик сеvмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жараён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки шакл бошда хуш ва латиф туюлади,

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1995, 5-6 сонлар, 208-бет.

<sup>2</sup> Ўша журнал, 212-бет.

<sup>3</sup> Ўша журнал, 216-бет.

биروق у билан қанчалик кўп бирга бўлингани сари ўқувчи ундан совиб боради. Куръоннинг шакли қайда-ю, маъноси қайда! Худди шундай, агар инсон шаклидан маъноси кетса, жасадни қолади. Жасадни эса, ҳеч ким ушлаб турмайди».

Демак, китоб ўқишдаги асосий мақсад маънодир, уни англаш, билишдир.

## **Румий маърифий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти**

Ўз даврининг буюк мутафаккирларидан бўлган Жалолиддин Румий ўз асарларида зулмни қоралади, адолатни тараннум этди. Румий инсон иродасини озодлик, эркинликка эришишнинг муҳим воситаси ҳисоблади. У инсон ўз ҳуқуқини идора этишда озод бўлишини айтди, инсон шахсиятига ҳурматда бўлишни, халқ ва миллатлар ўртасида аҳиллик, дўстлик бўлиши ғоясини олға сурди.

Румий баён этган бу маърифий-ахлоқий фикрлар инсонпарварликдан иборат бўлиб, педагогик фикр тараққиётига қўшилган муҳим ҳиссадир.

## **АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ**

### **Ҳаёти ва педагогик қарашлари**

Абулқосим Фирдавсий — жаҳон адабиёти, маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сўз санъаткори.

Абулқосим Фирдавсий Тусий номи билан шуҳрат қозонган. Фирдавс (жаннат боғи) сўзидан олинган бўлиб, шоир Тусда (Эронда ҳозирги Фирдавс шаҳри) туғилгани учун Тусий деб юритилган.

Абулқосим Фирдавсий 940—941 йилда Табарон вилоятининг Тус шаҳрига яқин Бож қишлоғида дунёга келди. Ёшлиқдан халқ отзаки ижодини, ёзма адабиёт ва тарихни, қадимги афсона ва ривоятларни, араб ва паҳлавий (қадимги эрон) тилларини мукамал ўрганди. 35 ёшида (975 й.) «Шоҳнома» асарини ёзишга киришади, ҳижрий 400 (милодий 1010—1011) йилда тугаллайди. 60 минг байтдан иборат бўлган «Шоҳнома»ни эрон шоҳи Султон Маҳмудга тақдим этади. Аммо асар Султон Маҳ-

мудга маъқул бўлмайди. Шундан кейин Фирдавсий Табаристон (Мазондарон)дан Ироққа ўтиб, Бағдодда яшайди, умрининг охирида ватани Божга қайтиб келади, бир неча йил ўз боғида яшаб, шу ерда ҳижрий ҳисоби билан тахминан 411—416 (милодий 1020—1026) йиллар орасида вафот этади.

«Шоҳнома» миф ва афсона, ривоят ва дostonлардан иборат бўлиб, унда «халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик, чет эл босқинчиларига қарши мардона кураш, марказлашган феодал давлатни вужудга келтириш гоёси, адолатли шоҳ орзуси, яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги зиддият, самимий севги ва садоқат, маърифатпарварлик, одоб-ахлоққа доир насиҳатлар..», «Фирдавсийнинг дунёқарашини, истак-орзуларини, хусусан эпоснинг бош қаҳрамони Рустам образида мужассамлашган».<sup>1</sup>

### Фирдавсийнинг дидактик қарашлари

Фирдавсий меҳнат ва меҳнатсеварлик, илм ва билим, ақл ва ҳикмат, саховат ва ҳиммат ҳақида фикр билдириб, кишиларни одил ва оқил бўлишга чорлайди, золимлик, қонхўрлик, танбаллик ва ҳимматсизликни қоралайди.

Фирдавсий меҳнат ва ғайратни улуғлайди. Унинг фикрича, ишдан қочган кишидан ном, ор-номус ва жанговарлик ҳам йироқлашади. Жаҳонда меҳнатсиз фойда йўқдир, кимки дангаса бўлса, унга бойлик келмайди... Ёш киши дангаса бўлса, ҳаётнинг қалби ундан тўяди (безор бўлади).

Фирдавсий меҳнат қилиш билан ҳунарни эгаллашни тарғиб қилади, ҳунарнинг моҳиятини таърифлаб, одамларга уч нарсани орзу қилишни маслаҳат беради. У дейди:

*Пок зоту ҳунару насабинг агар  
Бирлашса ажойиб мевалар берар...  
Яздон инояти киши гавҳари,  
Ёмонга йўламас, қочар у нари..  
Ҳунар ўрганурсан ҳар хил кишидан,  
Қочмасанг меҳнату, ранж ташвишидан...  
Бу учликни топсанг сўнг керак аҳл  
Уни наст-баландни ажратгувчи бил.*

---

<sup>1</sup> Н.М.Маллаев. Абулқосим Фирдавсий, Т. 1962, 55-бет.

*Бу тўрт нарса танда бўлса мужассам,  
Таъмадан қутулгай, тортмас ғам-алам.<sup>1</sup>*

Фирдавсий ҳунарни эъзозлайди, ҳунар энг аввало гавҳардан яхши, ҳунар тажриба ва матонат билан қўлга киритилишини айтади. Фирдавсийнинг таъкидлашича, инсон қанча бойлик эгаси бўлса ҳам, агар у тажрибасиз бўлса, у ҳунар эгаллай олмайди.

Фирдавсийнинг уқтиришича, ақл ва билим ҳар бир инсоннинг фазилати ва бойлигидир. У ақлни улуғлаб дейди:

*Худо неъматларин олийси идрок,  
Ақлни васф этар кимки дили пок.  
Ақл бир тирик жон, билмайди завол,  
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.  
Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,  
Ҳар икки оламда ақлли обод.  
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,  
Ақлдан борлигу-йўғлигу, камлик.  
Агар ақли хира бўлса ҳар инсон,  
Шодликка эриша олмас бир замон!<sup>1</sup>  
Ақл ва идрокдан безак топса дил,  
Уни гавҳар тўла ганжга қиёс қил.<sup>2</sup>*

Улуғ шоирнинг фикрича, ақл раҳнамодир, кўнгилни шод қилувчидир, шодлик ва одамийлик ақл туфайлидир, кўплик ва озлик ундандир. Кимки ақлсиз бўлса, унинг бағри ўз қилмишидан яраланади.

Фирдавсий илмни қудратли қуч ҳисоблайди. У тож-тахт учун ҳам, шодлик учун ҳам билим бўлиши шарт эканлигини айтади, илмларни эгаллашга даъват этади:

*Ҳар нечук илмдан эшитсанг бир сўз,  
Уни тинмай ўрган кечаю-кундуз.  
Илмдан бир шуъла дилга тушган он,  
Шунда билурсан, илм бепоён.<sup>4</sup>*

Фирдавсий ҳар бир инсонга панд-насиҳатга ва ибратли хатти-ҳаракатларга амал қилишни маслаҳат беради. Унинг таъ-

---

<sup>1</sup>Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома». Иккинчи китоб. Т. 1976, 7-8 бетлар.

<sup>2</sup>Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Т. 1975, 35-бет.

<sup>3</sup>Ўша китоб, 37-бет.

<sup>4</sup>Ўша китоб, 37-бет.

кидлашича, ҳар бир киши эшитган фойдали сўзларини унут-маслиги керак.

Умуман, Абулқосим Фирдавсийнинг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий-таълимий қарашлари ўз даври ва ундан кейинги давр учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди, унинг панд-насихатлари ҳозир ҳам катта аҳамиятга эгадир.

## **МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ<sup>1</sup>**

Шарқнинг буюк шоири, файласуфи, мутафаккири Мирзо Абдуқодир Бедил Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида 1664 йилда ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. Бир ёшида отасидан етим қолади, онаси тарбиясида вояга етади. Беш ярим ёшида уни мактабга берадилар. Абдулқодир 7 ёшидаёқ саводли бўлиб, 10 ёшида араб тили грамматикасига оид «Қофия» китобини пухта ўзлаштиради.

Абдулқодир билимини, асосан, уйда эгаллайди. Амакиси Мирза Қаландар, тогаси Мирза Зарифнинг ёрдами туфайли тасаввуф фалсафасини, ҳинд ва урду тилларини, юнон, айниқса, Аристотел фалсафасини ўрганadi. Шоҳ Камол, шоҳ Фозил ва Мирза Абулқосим каби олимлардан таълим олади, ўз даврининг олим, шоир ва санъаткорлари билан самимий мулоқотда, муносабатда бўлади, ижод қилади.

Бедил шоҳ Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ навкарлигида ҳам хизмат қилади. Аммо, у ҳарбий хизматда узоқ вақт бўлмади, ўзини севикли ишига — илм-фан ва адабиёт соҳасида ишлашга бағишлади.

Бедил туғилган шаҳри Азимободдан Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий пойтахти Деҳлига кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1721 йилда вафот этади.

Бедил Ҳиндистон халқлари — ҳинд ва мусулмонларнинг турмушини, диний ва миллий урф-одатларини, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганadi.

У Низомий, Агтор, Саъдий, Жомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур каби буюк алломаларнинг бадиий ва илмий асарларини зўр қизиқиш, меҳр билан ўқиб, ўрганadi. Ўзи «Бедил» (яъни «Дилсиз») тахаллуси

<sup>1</sup> Ушбу мақола академик Иброҳим Мўминовнинг «Мирзо Бедил» асари ва «Ўзбек совет энциклопедияси»да берилган маълумот асосида тайёрланди.



билан 130 мингдан ортиқ шеърӣй, 50 босма табоқдан зиёд насрий асарлар ёзади. Жумладан, «Тилсими ҳайрат» (1669), «Таркибот ва таржибот», «Муҳими аъзам» (1681), «Тури маърифат» (1687), «Ишорат ва ҳикоёт», «Риқаъот» («Мактублар»), «Разаллар», «Рубоийлар», «Қасидалар», «Чор унсур» («Тўрт унсур», 1703), «Ирфон» («Билим», 1721) ва бошқалар.

Бедил ўзининг «Ирфон» асарида табиёт, ижтимоиёт, адабиёт, фалсафа масалалари хусусида фикр баён қилиб, кишиларни, бинобарин ёшларни ҳам илм-маърифатга, адолатга даъват этди, хунар, санъат, шахс эканлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолатни мадҳ этди. Бедил «Ирфон» асаридан ўрин олган «Комде ва Мудан» достони билан ўз замонасининг педагогик фикрлар тарихида ҳам янгилик яратди.

Достонда Бедил адолатсизлик устидан адолат, жаҳолат устидан илм-маърифат, ўлим устидан ҳаётнинг тантана қилишини ифодалаш билан, шоҳларни, бинобарин барча инсонларни адолатли бўлишга ундади, зулмнинг фожиасини кўрсатди.

*«Қаерда бўлса золим бадқирдор,  
Бир кунӣ у энгилиб, сўнг бўлар хор».<sup>1</sup>*

дейди у.

Бедил инсонларни раҳм-шафқатли бўлишга даъват этар экан, гарибу ожизларга ёрдам бериш, бу — иқболли бўлиш, қора кунларни бартараф этиш эканлигини айтиб, шундай дейди:

*Гарибларга кимки кўрсатса ёрдам,  
Қора кундан қутулғуси у ҳар дам.  
Қаердаки бўлса иқбол кўрғони,  
Ожизларга ёрдам унинг нарвони.<sup>2</sup>*

Улуғ шоир ҳар бир иш-ҳаракатда сабрли, ташвишли кунларда бардам бўлишни маслаҳат беради. Бедил сабр — севинч ойнаси, висол, таскин йўли, кишини мурод мақсадга эриштириш йўли эканлигини уқтиради, ҳар бир ишда шошмасликни, сабрли бўлишни маслаҳат беради. У Мудан тилидан дейди:

*Сабр билан ҳар ким дилга берса қўл,  
Севинч ойнаси кўргай албат ул...*

---

<sup>1</sup> Бедил. Комде ва Мудан. Т. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960, 44-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 44-бет.

*Сабри билан киши мақсадга етар,  
Чунки у сабр ташвишлардан ор этар.  
Сабр жойида ҳовлиқишга йўл бўлмас,  
У — висолдир, у ҳар кимга қўл келмас.  
Сабр йўлини таскин йўли дегайлар  
Мурод-мақсадга у билан етгайлар.<sup>1</sup>*

Бедил мардликни юқори баҳолайди. Мардлик, жасорат кишига бахт, иқбол, орзуларга эриштирувчи омил эканлигини айтиб, инсонларни, бинобарин ёшларни мардлик фазилатини эгаллашга даъват этиб:

*Мардлар чиндан бел боғласа ҳар маҳал,  
Бахти кулиб, топгай орзуси амал.  
Қатъий бўлса марднинг аҳду журъати,  
Кўкни ерга туташтирар ғайрати.<sup>2</sup> —*

дейди шоир.

Бедил, Шарқнинг алломалари каби, инсоний муҳаббатни улуғлайди. Унинг фикрича, соф севги-муҳаббат инсонга шуҳрат, камолот бахш этади, ҳар қандай зулм, золимликдан, бойликдан юксакдир. Бу гоё «Комде ва Мудан» достонида ўз ифодасини топган.

Бедил «Ирфон» асарида инсонларни улуғлади, уларни яхшиликка, ёмонликни бартараф этишга даъват этади, ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар, ҳамма инсон ҳурмат ва эҳтиромга сазоворлигини айтади.

Бедил инсонни севади, унинг меҳрибони бўлади. У инсонни ҳазрат деб билади. Унинг уқтиришича, ҳамма инсон ҳурматга лойиқ, эҳтиромга сазовор, меҳрибонликка муҳтождир. Айни вақтда инсон ўз ватанининг содиқ фарзанди, ўз элининг ғамхўри бўлмоғи керак.

Бедил ижтимоий ҳаётдаги, инсонлар ўртасидаги салбий ҳолларни дангасалик, макр-ҳийла, хиёнат, қаллоблик, ифвогарлик, ёлгончилик, очкўзлик, хасислик, кибр-кеккайишни қоралади. У инсонларни меҳнатсеварликка ундади, камтарликда камол топишни, яхшилар билан дўстлашиб, ёмонлардан йироқ бўлишни маслаҳат беради.

---

<sup>1</sup> Бедил. Комде ва Мудан. Т. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960, 28-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 29-бет.

Бедил, кўнгли очиқ ва сахий кишилар ойнадек ёруғ нурафшон бўлсалар, макр-ҳийлали, кўнгли қоралар қоронгу, зулмат-симон эканлигини уқтиради. У дейди:

*Агар табиати касеро моили нифоқ даръёби,  
Ба яқин шиноси, ки суҳбати акобир дарнаёфти.<sup>1</sup>*

Маъноси: агар бир киши табиатида нифоқликка — икки юзламачиликка, алдамчиликка мойиллик топсанг, шуни аниқ билгинки, у кишидан яхшилик кўрмайсан, ундан яхшилик олмайсан.

Бедил «Комде ва Мудан» достонида инсонни қадрламайдиганларнинг мунофиқлиги хулқида, хатти-ҳаракатида намоёнлигини уқтириб, ёшларни бу иллат билан мағрурланмасликка, иззат, ҳурмат қадрин билишга ундайди. Шоир дейди:

*Иззат, ҳурмат қадрин билмай ҳар киши,  
Тартибсизлик бўлса унинг ўй, иши.  
Холи узрин излаш керак хулқидан,  
Одоб келмас хушсизларнинг қўлидан.  
Телбалик ҳам одобдир муҳаббатда,  
Лекин мағрурли кўз бўлур ғафлатда.<sup>2</sup>*

Бедил ҳунармандчиликни, айниқса, деҳқончиликни юксак баҳолайди. У деҳқончиликни инсон ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Бедил жамиятдаги ҳаёт, тирикчилик лаззатларининг барчаси деҳқончиликнинг самараси деб билади, шу сабабли зироатчиликни фавқулудда баланд баҳолайди. Бедилнинг фикрича, зироатчилик жамият тирикчилигининг пойдевори, у тарқоқ инсон ҳаётининг ўртоқлашувининг биринчи шартидир.

Бедил жамиятда деҳқончиликда бўлган таъмағирликни, текинхўрликни қоралайди.

Бедил одамнинг қадр-қиммати ва фазилати диний эътиқодда, ирқда, миллатда эмас, балки меҳнатида деб билади. У ҳунарсиз, бирор меҳнат билан шуғулланмайдиган кишиларни қайси табақадан бўлмасин қоралайди.

Бедилнинг фикрича, сув ўсимлик оламига қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шунчалик зарур. Меҳнат билан банд

<sup>1</sup> Ўша китоб, Ирфон, 74-бет.

<sup>2</sup> Бедил. Комде ва Мудан. Т. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 39-бет.

бўлмаган одам марваридсиз чиганоқдек бефойдадир. Ҳар бир касб ўз хусусиятига ва хосиятига эга, бирор хунарга эътиборсиз қараш пасткашлиқдир. Олимнинг таъкидлашича, кишилар темирчилик, тўқувчилик, уст-бош ва пойафзал тикувчилик ва бошқа хунарларни эгаллаши, ҳар бир киши қандай бўлмасин бирор фойдали иш билан шуғулланиши керак. Бедилнинг фикрича, ипакдан ёки қўпол матодан қилинган уст-бош кишининг хатти-ҳаракатида кўзга ташланадиган ҳақиқий қиёфасини яширмайди. Масалан, қалам қора бўлганлиги билан зиёнли эмас, аксинча, у инсон учун жуда муҳим ва фойдалидир.

Кишининг қиёфаси хатти-ҳаракатида соф рангдек равшан кўринади. Хат қоралиги билан уятли эмас.

Демак, инсон, қандай бир хунари, касб-кори билан бўлмасин, у жамият учун қадр-қимматли бўлиши керак.

Умуман, Мирзо Абдулқодир Бедил ўз даврининг буюк, илғор мутафаккири сифатида шуҳрат қозонди. Унинг гоёлари маърифатга, илмга, педагогик фикр ривожига илҳомбахш манбалардан бири бўлиб хизмат қилди, қилмоқда.

## **У Ч И Н Ч И Б О Б**

### **ОВРУПО МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА**

### **ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ<sup>1</sup>**

#### **Ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти**

Буюк славян педагоги Ян Амос Коменский 1592 йилда Чех диний жамоасида тегирмончи оиласида туғилди, жамоадаги мактабда ўқиди.

Коменский ота-онасидан эрта жудо бўлади, жамоа аъзоларининг ёрдами билан университетга кириб, ўқишни тамомлагандан кейин, Фулкеннс шаҳридаги қардошлиқ мактабида ўқитувчи бўлиб хизмат қилди. Сўнгра маҳаллий жамоада раҳбарлик вазифасида ишлайди, илмий ишлар билан шуғулланиб, чех тилининг хусусиятларини, халқ оғзаки ижодини ўрганади,

---

<sup>1</sup> Бу мақола М.Ф.Шобоева мақоласи асосида қайта ишланган ҳолда тайёрланди. «Педагогика тарихи» (Т. Ўқитувчи). 1985. 25-28 бетлар.

қардошлик мактабларидаги ўқитиш мазмуни ва усулларини такомиллаштириш устида иш олиб боради. 1628 йилда чех халқи билан бирга Польшанинг Лешно шаҳрига кўчиб келади, бу шаҳарда ҳам қардошлик мактабини очиб, ўқитувчи бўлиб ишлайди, ўзига оламшумул шуҳрат келтирган «Буюк дидактика» ва «Оналар мактаби» асарларини нашр қилдиради. Бу даврда у табиат ва жамият ҳақидаги билимлар энциклопедияси — «Пансофия»ни яратиш устида иш олиб боради. Коменский 1641 йилда инглиз олимларининг таклифига биноан Лондонга боради, катта тантана билан кутиб олинади. Швеция ва Венгрияда бўлганда ҳам мактабларни ислоҳ қилиш билан шуғулланади, «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» дарслигини, «Инсоний ишларни тузатиш ҳақида умумий маслаҳатлар» асарларини ёзади.

Коменский 1670 йилда вафот этади.

### **Коменский бола тарбияси, инсоннинг табиат билан уйғунлиги ҳақида**

Коменский ўрта асрдаги тарбиядан фарқли ўлароқ, туғилганидан бошлаб бола эгаллаган қобилиятини худонинг туҳфаси ҳисоблади ва, айти пайтда, бу қобилият фақат тарбия жараёнида ривожланишини уқтирди. Коменский инсоннинг ривожланишида тарбиянинг ўрни бениҳоя эканлигига ишонади ва тарбия туфайлигина ҳар қандай болани юксак ахлоқли, маълумотли қилиб етиштириш мумкин деган фикрни билдирди, болани ёшлик чоғидан жисмонан соғлом, маънавиятли қилиб тарбиялашни талаб қилди.

Коменскийнинг фикрича, тарбия табиатга уйғун бўлиши, тарбияда боланинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Коменский ўз педагогик қарашларида инсонни табиатни бир қисми деб ҳисоблади ва табиатдаги барча мавжудотни ягона бир қонунга бўйсунди, деган ғояни олға суради. Унинг фикрича, таълимни болаларни нарса ва мавжудотлар билан таништиришдан, уларни идрок қилдиришдан бошлаш, ундан кейин уларга хос хусусиятларни ўрганишга ўтиш зарур. Коменскийнинг уқтиришича, рассом ҳам шу зайлда иш кўради. У аввал

тасвирлайдиган буюмнинг умумий, хомаки расмини чизади, кейин унинг айрим қисмларини тасвирлайди.

Бу уқтиришда Коменскийнинг ўз педагогик қоидаларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур бўлган ўзига хос усул ўз ифодасини топган. Бу усул ўз даврида Коменскийга ўзининг шахеий тажрибасини асослашга ёрдам берган.

Коменскийнинг фикрича, боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосига қурилган таълимгина уйғун бўлади.

## **Коменский таълим ва унинг узвийлиги ҳақида**

Коменский барча болаларни билимларни идрок қилишга қодир деб ҳисоблаб, «барчани ҳамма нарсага ўргатиш» зарурлигини, таълимнинг умумий бўлишини талаб қилади. Бу таълим барчага, жумладан, ўғил болалар ва қизларга ҳам тааллуқли бўлиши лозим.

Коменский мактаб болаларига ҳар томонлама билим бериши, уларнинг ақл-идроки, ахлоқи, ҳис-туйғулари ва иродасини ривожлантириши лозимлигини таъкидлайди.

Коменский инсон ривожланишини тўрт босқичга: гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик даврларга бўлади. Коменский туғилганидан бошлаб 6 ёшгача бўлган болалар учун алоҳида оналар мактабини очишни, уларга оналар раҳбарлигида таълим ва тарбия беришни тавсия этади. Унинг тавсияси бўйича, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқиш она тилида олиб бориладиган мактабда таълим оладилар. Бу турдаги мактаб ҳар бир жамоада очилиши керак. Илм олишга мойиллиги сезилган 12-18 ёшли ўсмир ва йигитлар шаҳарда ташкил этиладиган лотин мактаби ёки гимназияга боришлари лозим. Коменский олим бўлишни хоҳлаган 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар учун ҳар бир давлатда академиялар ташкил этишни таклиф қилади.

Унинг фикрича, ёш авлоднинг ҳар томонлама тарбияли бўлишини таъминлайдиган таълим босқичларида изчиллик ва ўзаро бирлик бўлиши, қатъий ва ягона тизим қарор топиши даркор.

Коменский барча босқичлар учун (академиядан ташқари) таълимнинг мазмунини ишлаб чиқади. У ҳар бир фаннинг ўқитилишини «энг оддий элементлардан» бошлаб, болалар билими ривожини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб боришини тавсия этади.

# ЖАН-ЖАК РУССО

## Ижтимоий, фалсафий қарашлари

Жан-Жак Руссо 1712 йилда Женевада хунарманд-соатсоз оиласида туғилди. У ёшлик, ўсмирлик йилларида изчилликда билим олмади, кўп вақтини Франция ва Швейцарияда ўтказди, турли хунарларни ўрганишга уринди. 30 ёшга тўлган пайтида Парижга келиб, ўша давр адиб ва файласуфлари, табиатшунослари билан танишди, мулоқотда бўлди. 1754 йилда у «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши», 1762 йилда «Ижтимоий шартнома» асарларини ёзди. Руссо бу асарларида инсон ҳуқуқини ҳимоя қилади, давлат халққа хизмат қилиши гоёсини илгари сурди.

Руссо 1762 йилда яратган «Эмил ёки тарбия тўғрисида» номли романида озод янги одамни тарбиялаш йўллари кўрсатди.

Руссо 1778 йилда Парижда вафот этди.

## Руссо табиий ва эркин тарбия ҳақида

Табиий тарбия назарияси Руссо педагогик қарашларининг асосини ташкил этади. Унинг фикрича, тарбия табиийлик, табиат билан узвийликда бўлгандагина болаларнинг ривожланишларига ёрдам беради. Тарбияни белгиловчи ана шу учта омилнинг ҳаммаси бир-бирига мувофиқ ҳаракат қилсагина, тарбия ўз вазифасини бажаради.

Руссонинг таъкидлашича, тарбияни табиатга боғлиқ ҳолда амалга ошириш — боланинг табиий ривожланиб боришига риоя қилиш демакдир. Руссо болани синчиклаб ўрганишни, унинг ёши ва ўзига хос хусусиятларига эътибор беришни таъкидлайди.

Руссо бола тугилган кунидан бошлаб истеъдоднинг ривожланиши учун яхши шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигини айтади. Тарбиячи болага ўзининг фикр-мулоҳазаларини, тайёр ахлоқий қоидаларни мажбуран қабул қилдирмаслиги, табиатига кўра унинг ўсиши ва эркин ривожланишига имконият яратиш керак. Табиий тарбия — бу эркин тарбиядир. Бола ўзининг нотўғри ишлари натижасини, шу ишлар

туфайли пайдо бўладиган зарарли оқибатларни ҳис қилиши лозим.

Тарбиячи ўз олдидан турган вазифа ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Руссо боланинг шахс сифатида таркиб топишида тарбиячининг мавқеи катталигини айтади. Тарбиячи тарбияланувчига умуминсоний қадриятлар асосида тарбия бериши керак.

Руссо боланинг ёшлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тарбияни тўрт даврга бўлади.

Биринчи давр — туғилганидан 2 ёшгача, нутқ пайдо бўлган давр. Бу даврда болани жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак.

Иккинчи давр — 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр. Бу даврни Руссо образли қилиб «ақл-идрок уйқуси» деб атади. Унинг фикрича, бу даврда асосан, боланинг ташқи оламни ҳис қилиш қобилиятини ривожлантириши лозим.

Учинчи давр — 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр. Бу ёшдаги боланинг ақлий ва меҳнат тарбиясига эътибор бериш керак.

Тўртинчи давр — 15 ёшдан балоғатга етгунча бўлган давр. Руссонинг фикрича, бу даврда боланинг хулқ-атворида турлича ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Шунга кўра, бу даврда ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Руссо икки ёшгача бўлган болани парвариш қилиш — овқатлантириш, тозалигини сақлаш, чиниқтиришдан иборат эканлигини айтади. Бу даврда бола ҳақида, асосан, она гамхўрлик қилади. Она уни ўз сути билан боқиб катта қилади. «Она бўлмас, бола ҳам бўлмайди!». Бу даврда бола эркин ҳаракатлар қилади. Бунда унинг жисмоний чиниқишига эътибор бериллади.

Бола соғлом бўлиши, табиий эҳтиёжлари қондирилиши лозим. Аммо боланинг ҳар қандай истакларини бажармаслик керак. Барча истакларни бажариш бу унда раҳмсизлик, жоҳиллик хислатларининг ривож топишига сабаб бўлиши мумкин.

Икки ёшдан бошлаб бола ҳаётида янги давр бошланади. Бу даврда асосий эътиборни унинг сезги аъзоларини ривожлантиришга қаратиш зарур.

Руссонинг фикрича, бола нутқини ривожлантиришни сунъий равишда тезлаштираш керак. Бу ҳолат сўзни нотўғри талаффуз қилишга, гап мазмунини тушунмасликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли боланинг билган нарсаларини гапириш-



ларига эришиш ғоят муҳимдир. Бола 2 ёшдан 12 ёшгача табиий ҳолда ва шахсий тажрибаси асосида ижтимоий ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, ўйин ва жисмоний машқлар жараёнида фаоллик кўрсатиш, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиши керак.

Бола учун 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр, Руссонинг фикрича, ўқиш учун энг яхши вақтдир. Бу даврда унда билим олишга қизиқиш кучаяди. Бу даврда у ўзи қизиққан фанларни танлайди. Руссонинг фикрича, бола бу даврда табиат ҳақидаги фанлар — география, астрономия, физика, табиатшунослик фанларини ўрганиши лозим.

Руссонинг фикрича, ахлоқий тарбиянинг мақсади болада фанларга қизиқиш ва муҳаббат уйғотишдан, унга билимларни эгаллаш усуллари ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бунинг устига боланинг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш асосида таълим мазмунини ва ўқитиш усуллари тубдан ўзгартириш лозим. Бола ўзи яшаётган жой, қишлоқ ва шаҳар билан танишиб, географияга оид билимларни эгаллайди: юлдузлар ҳаракати, қуёшнинг чиқиши ва ботишини кузатиб астрономияни ўрганади: тажрибалар ўтказиб физикани билиб олади. Тарбияланувчи илмий тадқиқотларни кашф этадиган, билимларни тарбиячи орқали эмас, балки ўз кучи билан эгаллаши, фанларни қуруқ ёд олмасдан, уларни ўзи ихтиро қилиши керак. Руссонинг болаларда кузатувчанлик, қизиқувчанлик, фаоллик қобилиятини ривожлантириш, мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилиш ғоялари, шубҳасиз, ўз даврида илгор ғоя ҳисобланиди, улар ҳозир ҳам муҳимдир.

12-15 ёшдаги ўсмир ўқиш билан бирга меҳнат тарбиясини ҳам олиши керак, чунки меҳнат ҳар бир кишининг ижтимоий бурчидир.

Руссонинг таъкидлашича, бола катталар меҳнатида иштирок этиши керак. Шундагина у, меҳнат аҳлларига ҳурматда бўлади.

Руссо меҳнатни боланинг ақлий ривожланиши учун амалий восита деб билди, болаларнинг турли касбларни эгаллашини, болани ижодкор шахс қилиб тарбиялашни, етиштиришни тавсия этди.

15 ёш — боланинг яшаш ва ишлашга, ҳаётга тайёрланган давридир.

Руссо ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашларида болани яхши фазилатли, иродали қилиб тарбиялашни талаб этади, ижобий ҳис-туйғуларни ривожлантиришни биринчи ўринга қўйди. Руссонинг фикрича, бу ҳис-туйғуни ривожлантириш болада катталарга инсоний муносабатда бўлиш туйғусини ҳосил қилишга ёрдам беради.

## **ИОГАНН ГЕНРИХ ПЕСТАЛОЦЦИ**

### **Ҳаёти ва педагогик фаолияти**

Иоганн Генрих Песталоцци 1746 йилда Швейцариянинг Цюрих шаҳрида врач оиласида туғилди. У отадан ёшлигида жудо бўлиб, онаси тарбиясида ўсди, бошлангич, сўнгра ўрта мактабда ўқиди, ижтимоий йўналишдаги олий ўқув юртида таълим олди.

Песталоцци 1774 йилда Нейгоф шаҳрида «Камбагаллар муассасаси»ни ташкил қилиб, унга турли ёшдаги болаларни жалб қилди, уларга ўқиш, ёзиш ва ҳисобни ўргатди. Болалар ўқишдан ташқари вақтда қишлоқ хўжалик фермасида, йигирув ва тўқув устахоналарида ишладилар.

Песталоцци Бургдорф шаҳрида кичик ёшдаги ўғил ва қиз болалар учун очган мактабида тажрибалар ўтказиб, таълим назариясини, ўқув предметларини ўрганиш, болаларда математик тасаввур ҳосил қилиш ва ўстириш, нутқ малакасини ривожлантириш усулларини ишлаб чиқди.

Песталоцци ташаббуси ва ҳокимиятнинг ёрдами билан 1800 йилда шаҳарда институт ташкил топди. Институтга ўрта мактаб ва ўқитувчилар тайёрлаш муассасаси бирлаштирилди. Кўп вақт ўтмай, институт Швейцариянинг французлар яшайдиган Ивердонга кўчирилди, бу жойда ўқиш 1825 йилга қадар давом этди ва жаҳонга машҳур бўлди.

Песталоцци 1818 йилда Нейгоф шаҳрига қайтиб келди, ўзининг сўнгги «Оққуш қўшиғи» асарини ёзиб тугаллади.

Песталоцци «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади», «Оналар китоби», «Лингард ва Гертруда» каби асарлар муаллифи ҳамдир.

И. Г. Песталоцци 1827 йилда вафот этди.

## **Песталоцци тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида**

Песталоцци тарбиянинг мақсади болаларда «Ҳақиқий инсонийликни» намоён эттиришдан иборатлигини айтади. Бунинг учун ҳар бир болада унинг табиий кучи ва қобилиятларини изчил ривожлантириб бориш керак. Песталоццининг таъқидлашича, тарбия уйғун тарзда, яъни тарбия боланинг табиати, руҳиятига уйғун ҳолда амалга оширилиши керак. «Кўз, — дейди Песталоцци, — кўришни, қулоқ эшитишни, оёқ юришни, ушлашни истайди. Шунингдек, қалб ҳам ишонишни ва севишни истайди. Ақл фикрлашни истайди.» Тарбиячининг вазифаси тўғри ташкил этилган машқлар тизими билан уларнинг истакларини ривожлантиришдан иборатдир.

Болани тарбиялашни энг оддийдан бошланиб, аста-секин ва изчиллик билан мураккабга ўтиш керак.

## **Песталоцци жисмоний ва меҳнат тарбияси ҳақида**

Песталоццининг фикрича, жисмоний тарбиянинг мақсади боланинг табиий жисмоний истеъдодини ривожлантиришдан, унда кўникма ва малакалар ҳосил қилишдан ва шу йўл билан унинг жисмоний куч-қудратини ўстиришдан иборатдир. Песталоцци бу мақсад амалга оширилса, жисмоний тарбия инсоннинг шахс сифатида шаклланишига, ақл-идроки, ахлоқий ҳис-туйғуси ва иродасининг ривож топишига ишонди.

Песталоцци боланинг ҳаракат қилишга табиий интилиши, бу — уларни жисмоний тарбиялаш асоси эканлигини таъқидлади. У жисмоний тарбияни меҳнат тарбияси билан узвий биргаликда амалга оширишни тавсия этди. Бунинг аҳамиятини Песталоцци, фақат боланинг жисмоний эмас, балки ахлоқий ривожланишида ҳам кўрди. У боланинг қўлидан келадиган ишларни кўрди. У боланинг қўлидан келадиган ишларни бажарилиши уларда инсоний қадр-қиммат, меҳнатсеварлик, қатъийлик, виждоний поклик каби фазилатларни ривожланишида асосий бўлишига эътибор беришни талаб этди.

## **Песталоцци ахлоқий тарбия ҳақида**

Песталоццининг фикрича, ахлоқий тарбиянинг мақсади болаларда кишиларга муҳаббат уйғотишдан иборат. У боланинг ўз онасига бўлган муҳаббатини ахлоқий тарбиянинг узвий қисми ҳисоблайди. Онанинг ғамхўрлиги унда онага нисбатан миннатдорлик ва муҳаббат ҳиссини ҳосил қилади. Бу ўзаро муҳаббат ривожланиб, мустақамланиб бориши билан она ва бола ўртасида самимий алоқа юзага келади.

Ахлоқий тарбиядаги асосий вазифа болада бошқалар билан ҳам шундай алоқада бўлиш ҳиссини ривож топтиришдан иборатдир.

Песталоцци ахлоқий тарбияда тарбиячининг болаларга шахсий намуна бўлишига алоҳида аҳамият беради. Тарбиячи гўзал ахлоқли, ахлоқий тарбия ҳақида тўлиқ тушунча ва билимга эга бўлган бўлиши керак.

## **Песталоцци таълим мазмуни ва усули ҳақида**

Песталоццининг таъкидлашича, таълим вазифаси болани муайян билимларга эга қилишдангина эмас, балки унда ақлий қобилиятни ҳам ривожлантиришдан иборатдир.

Песталоцци таълим аниқ ҳаётий кузатишларга асосланишини тавсия қилади, кўргазмаликни таълимнинг олий шарти ҳисоблайди. Таълимда болаларда аниқ тушунчалар ҳосил қилиш керак. Тарбиячи болаларда кузатувчанлик қобилиятини ўстириб, уларни ҳаёт ҳодисаларини, таълим жараёнини кузатишга ўргатиши лозим.

Песталоцци таълим жараёнини соддалаштиришга ҳаракат қилди, ҳар қандай билимнинг кичик — оддий қисмлардан иборатлигини, инсон уларни ўзлаштириб олам, борлиқ ҳақида тасаввурга эга бўлишини аниқлади, ҳамма нарсанинг сони, шакли, номи борлигини кўрсатди, билимнинг сон, шакл ва сўз каби қисмларини белгилади, бу қисмлар боланинг санаш, ўлчаш ва сўзлашиш (гапириш) малакаларидан иборатлигини айтди. Песталоцци бир сонни — соннинг, тўғри чизиқни — шаклнинг, товушни — сўзнинг оддий бир қисми ҳисоблади.

Песталоцци бошланғич таълимни оsonдан мураккабга, яъни индуктив усул асосида ташкил этди, бунда узлуксизликка эъти-

бор берди. У ана шу дидактик қоидага асосланиб, таълимда биринчи бор болаларни она тили, санаш ва ўлчашга ўргатиш усулини ишлаб чиқди. У яратган бу усулдан бола тарбияси билан шуғулланган ҳар бир она, тарбиячи ўз фаолиятида муваффақиятли фойдаланди.

Песталоцци болага она тилини ўргатишда аввал унинг оғзаки нутқини ўстириш, сўнгра ўқишни ўргатишни тавсия қилди. Унинг таъкидлашича, нутқни ўстириш товушларни машқ қилишдан бошланади: кичик ёшдаги бола онаси нутқига тақлид қилиб, аввал унли товушларни, кейин сўз бўғинларидаги ундош товушларни, сўнгра ҳарфларни ўрганадилар ва теварак-атрофдаги нарсаларнинг номини, шунингдек, табиатшунослик, география ва тарих соҳасида бўлган ҳодисалар (расмлар орқали) ифодаланган бўғин ва сўзларни ўқишни бошлайдилар. Ҳар нарса отининг (номининг) сифатини белгиловчи сифатларини қўшиш ва, аксинча, муайян сифатларга эга бўлган отларни топиш машқлари болалар нутқини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Песталоцци болаларни санашга ўргатишда ўз шахсий тажрибасига асосланади. У бирликларни ва биринчи ўнлик сонларни қўшиш ва айириш воситасида кўплик нисбатларини болалар онгига сингдиришга эришди. Болаларнинг рақам нисбатларини аниқ тасаввур қилишларига эришиш ва уларни арифметик амалларга ўргатиш учун, ҳамма амалларни аниқ материал мисолида бажариб кўрсатишни таклиф қилди.

Песталоцци мактабда болаларга арифметикани ўргатиш учун керак бўлган жадвал кўринишидаги дидактик материал яратди. Унинг издошлари бу материални «арифметика яшиги» номи билан мактаб тажрибасига жорий этдилар.

Тарбияда она ва оиланинг ўрни ҳақида Песталоцци она ўз боласининг нимани ҳис қилишини, нимага қодирлигини, нимани хоҳлашини бошқалардан кўра яхши билади. Шу сабабли ҳам, у ёшлигидан бошлаб, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, боласига тўғри тарбия бериши керак. Песталоцци оилада болага ёшлигидан бошлаб бериладиган тарбия мазмунини, вазифаларини, усулларини ишлаб чиқди. У ёшлигидан бошлаб бола жисмонан бақувват, соғлом қилиб тарбияланиши кераклигини таъкидлади, оналарни болани жисмонан етук қилиб ўстиришга даъват этди, бола тарбиясида оила бола қобилиятини гармоник ривожлантиришга масъул эканлигини таъкидлади.

Умуман, Песталоцци ўз фаолиятида таълим жараёнида болалар қобилиятини ривожлантириш ва уларни ҳаётда фаолият кўрсатишга тайёрлашга алоҳида эътибор берди. У билдирган дидактик фикрлар педагогика тарихи ривожига қўшилган салмоқли ҳиссадир.

## **КОНСТАНТИН ДМИТРИЕВИЧ УШИНСКИЙ<sup>1</sup>**

### **Ҳаёти ва педагогик фаолияти**

К. Д. Ушинский 1824 йилда Тула шаҳарида туғилди. У Новгород-Северскдаги гимназияда ўрта маълумот олгач, 1840 йилда Москва университетининг адлия (юримдик) факультетида ўқиди, мустақил равишда рус, немис, француз тилларини ўрганди. Университетни тамом қилгандан кейин Ярославлдаги адлия лицейида қомус (энциклопедия), қонуншунослик, давлат ҳуқуқи ва молия фанлари кафедрасига профессор лавозимини бажарувчи қилиб тайинланди.

Ушинский бу даврда талабаларда илм-фанга ҳавас уйғотишга, халққа муҳаббат туйғусини шакллантиришга эътибор берди.

«Ҳаётимнинг бирдан-бир мақсади — ўз ватанимга мумкин қадар кўпроқ фойда етказишдир; бинобарин мен ўзимнинг бутун қобилиятимни шу мақсадга қаратишим керак», — деб ёзади ўз кундалигида Ушинский.

Ушинский 1854—1859 йилларда Гатчина етимхоналар институтига ишга кирди: рус тилидан катта ўқитувчи, синфлар инспектори бўлиб ишлади. Бу ерда у институтдаги таълим-тарбиявий ишларнинг яхшиланишига доир тадбирларни амалга оширди. Чунончи, у ўқув режаси ва дастурларига, таълим жараёнига жиддий ўзгартиришлар киритди, методик йўлланма берди.

Ушинский 1857 йилдан эътиборан «Журнал для воспитания» саҳифаларида ўз мақолалари билан ҳамкорлик қила бошлади. Ушинский саройга қарашли қизлар институтида дворян қизлар учун ташкил этилган бўлимларни бирлаштирди, ўқув

---

<sup>1</sup> Бу мақолани ёзишда Қ.Д.Ушинскийнинг «Танланган педагогик асарлар»ига М.Ф.Думинко ёзган муқаддимасидан (1959) ва «Педагогика тарихи» дарслигидаги М.Ф.Шабаеванинг мақоласидан фойдаланилди.

фанларини рус тилида ўқитилишини жорий қилди, педагогика синфи очди, институтга истеъдодли ўқитувчиларни таклиф қилди.

Ушинский Смольний институтида ишлаш билан бирга, «Журнал Министерства просвещения»га («Маориф министрлиги журнали»га) муҳаррирлик қилди, уни назарий-методика журналига айлантирди, бутун диққатини педагогика, дидактика ва психология масалаларига қаратди.

Ушинский 1861 йилда қуйи синфлар учун «Детский мир» номида хрестоматия нашр қилдирди. 1862 йилда институт раҳбарияти Ушинскийни даҳрийликда айблаб, бошланғич таълим ва хотин-қизлар маорифининг қўшилишини ўрганиш баҳонаси билан чет элга юборди.

Ушинский Германия ва Швецариядаги хотин-қизлар ўқув юртларини, болалар боғчалари, етимхоналар ва мактабларни синчиклаб ўрганди; 1884 йилда «Родное слово» ҳамда ўқитувчи ва ота-оналарга мўлжалланган «Родное слово» га қўлланма» китобларини, 1867 йилда «Инсон тарбия предмети сифатида» номли асарини ёзди.

К. Д. Ушинский 1870 йилда вафот этди.

### **Ушинский педагогикада халқчиллик тарбияси гояси ҳақида**

Ушинский педагогика тизимида халқчиллик принципини асос қилиб олди, халқ манфаатларига мувофиқ тузилган тарбия тизими болаларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор, меҳнатга муҳаббат, ахлоқий сифатларни ривожлантириш ва мустақамлашини исботлади. У болаларнинг илк ёшлик чоғидан халқ маданияти элементларини ўзлаштиришларига, она тилини эгаллаб олишларига, халқ оғзаки ижоди асарлари билан таниш бўлишларига аҳамият берди. Ушинский тарбиянинг халқчиллиги деганда, у халқ фарзандларини мактабда ўқитиш, она тилини таълимнинг асоси қилиб олиш, болаларга ўз ватанларининг тарихи, географиясидан ва тиббиётидан етарли даражада билим беришни тушунди. Шу боис Ушинский оилада, боғчада ва мактабдаги таълим-тарбия ишлари она тилида олиб борилиши учун курашди.

## **Ушинский тарбиянинг мақсади ва вазифалари ҳақида**

Ушинскийнинг фикрича, тарбиянинг муҳим хусусияти барча воситалар ва усуллар ёрдами билан болага унинг камол топишига, ирода ва хулқ-атворининг мустаҳкамланишига таъсир этишидир. Шунга қўра, у ўз олдига тарбия ишларининг энг яхши методларини яратмоқ учун боланинг ва жисмоний табиатини яхши пайқаб олишни, боланинг табиатига мос келадиган тарбия усулларини ишлаб чиқишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Ушинский тавсия этган тарбия вазифалари боланинг эркин ижодий фаолият билан шуғулланишига йўл қўйиб бериш, шу фаолиятнинг ўсиб бориши учун зарур бўлган табиий ва ижтимоий муҳитни бошқариб бориш, боланинг фаолиятига шахсан тарбиячи раҳбарлик қилиб туришини, аммо бунда боланинг эркини бўғиб қўймаслик, болада фойдали одат ва ахлоқ масалаларини тўпланиб боришига имкон яратишдан иборат бўлди.

## **Ушинский бола фаолиятида меҳнат ва унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида**

Ушинскийнинг фикрича, меҳнат кишининг ақлий ва жисмоний жиҳатдан камол топиши учун замин яратади. Тарбия таълим билан боғланган тақдирдагина, ўзининг улуғ вазифасини бажара олади; ёш авлодни энг қисқа бир муддат давомида инсоният эришган даражага ўстириб бора олади. Шунинг учун ҳам, Ушинский таълимнинг умумпедагогик асосларидан бири — таълимнинг тарбиявий моҳиятга эга эканини таъкидлади. Унинг фикрича, ўқитиладиган ҳар бир фан, айниқса, тил адабиёт, тарих, ватан географияси тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ушинский таълимни тарбия билан боғлаб бориш зарурлигини, аввало, болаларда бир бугун дунёқараш ва мустаҳкам эътиқодни тарбиялаш зарурлигини уқтирди.

## **Ушинскийнинг дидактик таълимоти**

Ушинский дидактика ўқитиш назариясининг психологик асосларини ўша вақтдаги илмий муваффақиятларга мувофиқ равишда баён қилиб берди. Унинг таълимотида диққат, ирода,



хотира ва хисютрларни тарбиялаш тўғрисида ва бу психик ҳодисалар қонуниятларини таълимга тадбиқ этиш тўғрисида қимматли кўрсатмалар борлигини кўрамиз. Чунончи, у ҳар қандай таълим жараёнида шакллар йўли билан болаларнинг фаол диққатини ривожлантириш, қандай қилиб онгли хотирани тарбиялаш, такрорлаш йўли билан ўқув материалларини ўқувчилар онгида мустаҳкамлашни тавсия қилди. Такрорлаш, деб ҳисоблайди Ушинский, «унутилган нарсаларни қайта тиклаш (агар бирор нарса унутилган бўлса, ёмон-да) учунгина керак эмас, балки унутиб қўйиш мумкинлигини олдини олиш учун ҳам» зарурдир; ё ўқиш ишида олға қўйилган ҳар бир қадамда ўтилган олимларга таяниш керак.

Ушинский ўқув-ўқитув ишларида хотиранинг аҳамиятини таъкидлаб, болалар хотирасини ва бу хотиранинг таълим жараёнида ўсиб бориш қонуниятларини педагоглар чуқур ўрганишлари лозимлигини алоҳида уқтириб ўтади. Ушинскийнинг фикрича, ўқитувчиларга билимни эсда қолдириш учун таклиф этишдан аввал, уларда шу билимни эсда олиб қолиш зарурлигини тушунтирмақ керак, улар эсда қолдиришдан кузатилган мақсадни англаб олишлари лозим.

Ушинский «билим оламан десанг, такрор қил» деган, қадимдан қолган мақолни таълимнинг ўзгармас қонуни деб ҳисоблайди. «Такрорлаш одатларини мустаҳкамлаш учун ҳам, ҳар бир нарсанинг хотирада маҳкам сақланиб қолиши учун ҳам умумий қонундир», дейди Ушинский.

Ушинский ирода ва унинг аҳамиятини изоҳлаб, таълимни ирода билан боғланган, ихтиёрий бир жараён деб таърифлайди. Бу жараённинг асосини мақсадга интилиш, ўқишга бўлган эҳтиёжни қондиришга интилиш ташкил этади. Ушинский бундай деб ёзади: «Ёлғиз қизиқишгагина асосланган ўқиш ўқувчининг ўз-ўзини тута билиши ва иродасини мустаҳкамлашини таъминлай олмайди, чунки ҳамма билимлар ҳам қизиқтирадиган бўлавермайди, бинобарин, жуда кўп нарсалар учрайдики, ирода кучи билан билиб олиш лозим бўлади».

### **Ушинский дарс ва ўқитиш усуллари ҳақида**

Ушинский таълим-тарбия ишида ўқувчиларнинг фаоллигига ва ташаббускорлигига таяниш кераклигини уқтирар экан,

таълим болаларга мукамал билим бермоги ва малакалар ҳосил қилиши учун аниқ-равшан, шу билан бирга, тартибли ва изчил бўлмоги лозим, деб таъкидлайди.

Ушинский билим тўғрисидаги ўз назариясига ҳамоҳанг бир суратда, билим тизимини ташқи олам тўғрисидаги ўзаро узвий боғланган бир бутун билим деб тушунди. Унингча, тизим билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

Ушинский таълим жараёнидаги кўрғазмалилик бола бево-сита идрок этадиган аниқ образлар асосига бўлинишини таъкидлади.

Ушинский кўрғазмалилик тушунчасига суратлар, коллекциялар, моделлар, жадваллар ва бошқа кўрғазма қуролларини, биз кўриб турган оламдаги буюмлар ва ҳодисаларни, шунингдек, боланинг турмуш тажрибасини ва бадий асарлардан аниқ образлар орқали ифодаланган ҳаётий воқеаларни ҳам киритган.

Ушинский кўрғазмали таълим усулини мукамаллаштирди, суратлардан фойдаланиб, болаларга ҳикоя қилиб бериш ва болаларнинг суратларга қараб сўзлаб беришлари усулларини асослаб, бу усулнинг бир қанча аниқ қоидаларини яратди. Сухбат учун фойдаланилган суратларни синф деворида осиглик қолдириш лозимлигини, бу суратлар ўтилган дарсларнинг кўчирмаси бўлишини ва болаларнинг ўқиб ўрганиб олишларини, хотирлашларига ёрдам беришини уқтирди.

Ушинский тарбиянинг халқчиллиги гоёсини мактабгача тарбия назариясига асос қилиб олди, бошлангич таълим асосларини ва методикасини ишлаб чиқди; бу унинг педагогикани ривожлантиришдаги улкан хизматларидан бири бўлди.

Ушинский бошлангич таълимнинг мукамал ўқув режасини таклиф қилди: бу ўқув режаси ўз ичига кўрғазмалилик ўқитиш; ёзув, расм, болаларнинг қўл ишлари, ўқиш (география, тиббиёт, тарих элементлари билан бирга), санок, ҳикоя қилиб бериш, ашула, гимнастика машғулотларини олади.

### **Ушинскийнинг педагогикани ривожлантиришда тутган ўрни**

Ушинский ўзининг барча назарий ва амалий ишларини бошлангич мактабни умумий маълумотнинг пойдевори бўла оладиган қилиб ташкил этилишига йўналтирди. Бинобарин, Ушин-

ский ўз хизматлари билан Россияда бошланғич таълимга, мактабгача тарбия педагогикасига асос солди, жаҳон педагогикаси гоёларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Ушинскийнинг кўпгина фикрлари ҳозирги вақтда ҳам ўз моҳиятини йўқотган эмас.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МАКТАБ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ**

Мустақил Ўзбекистонда ёш авлодни шахс сифатида етиштиришда Америка, Франция, Германия, Япония, Англия каби ривожланган мамлакатларда таълим ва тарбия соҳасида эришилган илгор тажрибаларни ўрганиш «Таълим тўғрисида»ги қонунда ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишда гоёт муҳимдир.

Америка Қўшма Штатларида таълим тизими уч босқичдан иборат:

— болалар 3 ёшдан 5 ёшгача мактабгача тарбия муассасаларида; 6 ёшдан 13 ёшгача 1-8-синфгача бўлган бошланғич мактабларда ўқийдилар;

— 14-17 ёшгача бўлган болалар 9-12-синфлардан иборат ўрта мактабларда таълим оладилар.

Навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунларда амалга оширилади.

Сўнгги босқич, дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ва докторантуралардир.

Америкада таълим-тарбия жараёни 5 ёшлилардан бошланади. 5 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ота-оналар ва болалар боғчаларининг вазифаси ҳисобланади.

Бошланғич мактабларнинг асосий вазифаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга тўлақонли билим, таълим бериш, уларнинг умуминсоний, ахлоқий хислатларга эга бўлиб шаклланишини таъминлашдан иборатдир.

Америка мактабларида ўқиш ҳар бир ўқувчи учун фахр-ифтихор бўлишига, ўқувчида ўз билими имкониятига ишонч

ҳиссини тарбиялашга катта эътибор берилади. Ўқувчиларни мактабдан бездириш, уларни дарсларга иштиёқсиз ва лоқайд бўлиб қолишлари фавқулодда салбий ҳолат ҳисобланади.

Америкада тўла ўрта мактаб сирасига 10, 11, 12-синфлар киради. 7, 8, 9-синфларни аксарият ҳолда қуйи ўрта мактаб деб ҳам юритилади. Қуйи ўрта мактаб курсини муваффақиятли ўтаганлар юқори босқичга — тўлақонли ўрта мактабга қабул қилинадилар.

Ўқувчилар маълум бир синфни, курс ёки мактабни битиришда тест синовлари топширадилар.

Ўрта мактабларда ўқувчиларга ўзлари танлаган йўналишларига мос ҳолда предметлар танлашда маълум эркинлик берилди.

Ўрта мактаб ўқувчилари кундалик фаолиятларидан ярмини кутубхонада, лаборатория, тажриба участкалари, амалиёт учун мўлжалланган жойларда ўтказадилар. 10, 11, 12-синфларда мактабнинг оила билан ҳамкорлиги, айниқса, кучаяди. Чунки айти шу босқичда ўқувчиларнинг касб-корларига мойиллиги тўла қарор топади.

Америкада ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари яқунланган аттестат берилади. Мактаблар таълимида электрон ёзув аппаратлари, таълим телевиденияси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратлар, компьютердан асосий восита сифатида фойдаланилади.

Японияда таълим тизимларининг таркиби: болалар боғчалари, бошлангич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълимдан иборат.

Болалар боғчаларига 3-5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Мажбурий таълимга 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб, улар 6 йиллик бошлангич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар. Ота-оналар ўз болаларини хусусий мактабларга бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Юқори босқич ўрта мактабида кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқич мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Бу турдаги мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Бу юқори босқич ўрта мактабларга кириш синовларидан муваф-

фақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчилар қабул қилинади. Унда умумий таълим (академик) фанлари, техник билимлар, тижорат, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, кemasозлик ва бошқа соҳаларга оид билимлар ўргатилади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади.

Японияда бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртлиридан ташқари, «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб, турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа муддатли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касб ўргатилади. Японияда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган мактаблар мавжуд.

Япония мактабларида асосий эътибор ўқитувчи фаолиятига ва дарсликка қаратилган, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида жонли мулоқот муҳим аҳамиятга эга.

Японияда оилавий бюджетнинг катта қисми болаларнинг сара мактабларда пухта билим олишларига, университетларга кириб билим олишларига сарфланади. Оилада бола яхши билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

Болалар тарбиясида оналарнинг мавқеи ва масъулияти айниқса каттадир. Улар фарзандларининг оқил, доно, мулойим, одил ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун оила сулоласи ва давлат олдида ўзларини масъул деб ҳисоблайдилар.

Японлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини қадрлайдилар. 1-синфдан то 9-синфгача ахлоқ тарбияси мактаб фаолиятида зарурий шартдир.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, тадбиркорликка, ишбилармонликка ва омилкорликка ўргатиш, муносиб касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Мактаблар давлат, хусусий, оралиқ мактабларига бўлинади. Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, уларга ажратилган вақт умумий вақтнинг 30 фоизини ташкил этади. Ўқув ре-

жасидаги 45 фоиз дарслар гуманитар йўналишдаги, қолганлари табиий фанлардир.

Франция таълим тизимининг дастлабки босқичини мактабгача тарбия ташкил этади. Бу босқич «Оналар мактаби» деб ҳам юритилади, таълимда болаларнинг мактабда ўқитишга тайёрлаш муҳим масала ҳисобланади.

Бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактабларда ўқиш мажбурий ва бепулдир.

Бошланғич мактаб босқичига қўйилган асосий талаб ўқувчиларга ифодали ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдан иборатдир.

Бошланғич синфларда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, шу муддат ичида ўқиш асосан 3 босқичга бўлинади:

— Тайёрлов босқичи — 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйинга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

— Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб, бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклидаги предметлар бўйича олган билимлари янада такомиллаштирилади.

— Бошланғич мактабнинг 3 босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади.

Францияда мактабларнинг бошланғич босқичида «Гражданлик таълими», «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа, тасвирий санъат, спорт киритилган.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксизлик ва ворисликни таъминлаб бориш бошланғич синф ўқитувчиларига қўйилган бош талабдир. Ўқитувчи фаолиятига кенг эркинликлар ҳам берилади, унинг педагогик масъулиятини оширади.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Ўқитувчи болалар билимига тўла масъул бўлиб, унинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошлангич мактабни тугаллаб, ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим 2 босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, кичик, катта синф ҳисобланади.

Ўқувчилар биринчи босқични тугатгач, касбий йўналишлар бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этади: 2 синф кичик, 1 синф ўрта ва якунловчи синф ҳисобланади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатгандан кейин сўнг бакалавр унвони ва диплом учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Германия таълим тизимида мактабгача тарбия тизими муҳим босқич ҳисобланади. Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлиб, 12 йил давом этади.

Германияда бошлангич мактабда ўқиш 6 ёшдан бошланади ва 4 йил давом этади.

Ўқувчилар бошлангич мактабда тўла тўрт йил ўқигандан кейин турли йўналишдаги мактабга ўтадилар, бу мактаблар асосий махсус мактаб, реал билим юрти, гимназия ва умумтаълим мактабларидир.

Болалар мактабда ўқийдилар. 9 ёки 10 йиллик ўқишни тугатгандан кейин касбий тайёргарликка ўтадилар, мактабни муваффақиятли тугатганлар ҳунармандчилик ва саноат корхоналарида турли касбни эгаллашлари мумкин. Асосий мактабда ҳамма хорижий тил (асосан инглиз тили)ни ўрганадилар, таълимнинг бўлишига, жиҳатларига аҳамият берилади.

Германияда реал билим юрти асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасидаги ўқув юрти ҳисобланади. Қоидага кўра, бу билим юртида ўқиш 6 йил давом этади (5-синфдан 10-синфгача), ўқувчилар тўла ўрта маълумотга эга бўладилар.

Билим юртини тугатувчилар махсус ўрта ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Иқтисодиёт ёки давлат хизматида ўртача мансабни эгаллайдилар.

Тўққиз йиллик гимназия (ўқиш 5-13 йиллик) Германиядаги юқори босқич, анъанавий мактаб ҳисобланади. Германияда мах-

сус типдаги, масалан, иқтисодий, политехник ва бошқа гимназиялар ҳам мавжуд.

Гимназияни битирганлиги ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имкониятини беради.

Умуман, Америка, Япония, Франция ва Германия мамлакатларининг таълим-тарбиядаги тажрибаларида мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ва эришилган ютуқларга ўхшаш жиҳатлар борлиги ёрқин кўринади. Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида, жаҳон андозаларига мос тарзда амалга оширилаётганлигига ёрқин далилдир.



# **БОБЛАР БЎЙИЧА САВОЛ, ТОПШИРИҚ, РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ, АДАБИЁТЛАР**

## **Тушунтириш**

Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишлари учун дарслик қисмларидаги ҳар бир боб бўйича минимал сонда савол ва топшириқлар берилди. Ҳурматли ўқитувчилар машғулот жараёнида уларни кенгайтиришлари мумкин. Айрим бобларда ўқитувчиларнинг эътиборига реферат ва назорат ишлари мавзулари ҳам ҳавола этилди. Табиийки, бажариш зарур бўлган ҳар бир мустақил ишнинг бажарилишида асосий шарт — далилнинг исботланишидир. Мавзунинг далили тадқиқ этилаётган муаммо материаллари, бадиий-адабиёт матнлари, ўқув-тарбиявий бўлиши мумкин. Муассасалар тажрибаси бўлиши мумкин.

## *Биринчи қисм*

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПЕДАГОГИК ФИКР**

#### **БИРИНЧИ БОБ**

##### **Савол ва топшириқлар**

1. Энг қадимги даврда таълим-тарбияда қандай усуллар қўлланди, қандай педагогик гоялар шаклланди?
2. Бола ривожига меҳнат қандай аҳамият касб этди?
3. Болалар тарбиясида фойдаланилган халқ оғзаки ижоди намуналарини айтинг.
4. Ўзбек халқининг анъанавий тарбия асослари қандай омиллар асосида шаклланди?
5. Ота-оналар ва қатта ёшдагилар оилада, жамоада қандай ахлоқий хислатлари билан ёшларга ибрат бўлишди?

6. Энг қадимги даврга хос бўлган оилавий (эркак, аёл, фарзандларга хос) фазилатлар рўйхатини тузинг.

7. Ўтмишда болалар тарбиясида қўлланган қайси анъана, урф-одатларни ҳозирги ҳаётда қўллаш мумкин деб биламиз?

8. Халқ огзаки ижодидан қайси эртақ, дostonларни ўқидингиз? Улардан нималарни билиб олдингиз?

### Адабиётлар

1. Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси. 1-ки-тоб. Т., 1992.

2. З. *Миртурсунов*. Халқ педагогикаси ва халқ огзаки ижоди. Т., 1989.

3. Тафаккур гулшани. Т.1989.

4. Ҳикматлар хазинаси Т.1977.

5. *И. Сувонқулов*. Маънавият илдизлари. Самарқанд, 2000.

### ИККИНЧИ БОБ

#### Савол ва топшириқлар

1. Ислом дини тарбияда қандай аҳамият касб этди?

2. Халқнинг динига эътиқоди тарбияда қандай тарзда акс этди?

3. Бу даврда илгари сурилган педагогик гоълар ёш авлод тарбиясида қандай аҳамиятга эга бўлди?

4. Бу давр мутафаккирларининг педагогика фани ривожига қўшган ҳиссаларини тавсифлаб берини (масалан, Беруний, Ибн Сино, Нақшбанд).

5. Бу давр мутафаккирларининг педагогик қарашларидаги умумийликни сўзланг.

#### Реферат мавзулари

1. Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши.

2. Нажмиддин Кубро асос солган «Кубровия» тариқатининг қоидалари.

### Адабиётлар

1. *А. Зуннунов, М. Хайруллаев, Н. Ҳотамов, Д. Шодиев*. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т. «Фан», 1996.

2. *М. Хайруллаев*. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., «Фан», 1994.

3. *Ҳ. Жонматова*. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т., «Ўқитувчи», 1980.

4. *Р. Баҳодиров, Д. Расулов*. Ислом илмларининг буюк алломалари. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.

## УЧИНЧИ БОБ

### Савол ва топшириқлар

1. Темурийлар даврида маданият, таълим-тарбия, илм-фан ривожини сўзлаб беринг.

2. Алишер Навоийнинг маърифатпарварлик ғоялари ижтимоий ҳаёт, маданият, педагогик фикр ривожига қандай аҳамият касб этди?

3. Заҳириддин Бобур илм-фан ҳақида қандай фикрлар билдирди?

### Реферат мавзулари

XIV-XV асрларда таълим-тарбияга нисбатан билдирилган ғоялар.

### Адабиётлар

1. *И. Мўминов*. Амир Темурнинг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва роли. Т.: «Фан», 1993.

2. Маънавият юлдузлари. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.

3. *И. Султонов*. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1969.

4. 100 буюк сиймо. Т, 2001.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### Савол ва топшириқлар

1. XVI—XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Туркистон ижтимоий, маданий ҳаётида юз берган ўзгаришларнинг педагогик фикр ривожига таъсирини тавсифланг.

2. Бу давр мутафаккирлари таълим-тарбия, илм-хунар ҳақида қандай гояларни илгари сурдилар?

3. Халқ, Ватан фаровонлиги хусусида билдирган педагогик қарашларининг аҳамиятини сўзланг.

### **Реферат мавзулари**

1. Бердақнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик гоялари.
2. Абай Қўнонбоев бола тарбияси ва тарбия воситалари ҳақида.

### **Адабиётлар**

1. *А. Зуннунов, М. Хайруллаев, Б. Тўхлиев, Н. Хотамов.* Педагогика тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.

2. *М. Абдурасулов.* Ўзбек маърифатпарвар шоири илм-маърифат ҳақида. Т. «Ўқитувчи», 1972.

3. *А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов.* Ўрта Осиёлик қирқ олим. Т.: «Фан», 1961.

### **БЕШИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида маърифатпарварлик гояларининг ривожланиши ва унинг жамият маданият ҳаёти ва таълим-тарбия таъсирини сўзланг (Аҳмад Дониш, Фурқат фаолияти мисолида).

2. Бу даврда мактаб таълим қандай ўзгаришлар юз бера бошлади?

### **ОЛТИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. XX аср бошида ташкил топган янги усулдаги мактаблар қандай хусусиятлари билан эски усулдаги мактабдан фарқ қилади?

2. Янги усулдаги мактаблардаги таълим мазмунини сўзлаб беринг.

3. XX аср бошларидаги маърифатпарварларнинг қандай педагогик қарашларида умумийлик, фикрида бирлик бор?

4. XX аср биринчи ярмида Туркистонда бошланган жадидлик ҳаракати намояндалари қандай маърифатпарварлик гояларини илгари сурдилар?

5. Бу маърифатпарварлар илгари сурган қайси педагогик фикр, гояларини ҳозирги таълим-тарбия учун ҳам аҳамиятли деб ҳисоблайсиз?

### **Реферат мавзулари**

1. Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги гоялари.
2. Беҳбудийнинг миллий мустақиллик гоялари.
3. Миллий анъана ва урф-одатларнинг *А. Қодирийнинг* «Ўтган кунлар» романида ифодаланиши.

### **Адабиётлар**

1. *Т. Қаҳҳор*. Ҳур Туркистон учун. Т.: «Чўлпон», 1994.
2. *Н. А. Абдуазизова*. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Т. «Академия», 2000.

### **ЕГТИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. XX аср иккинчи ярмида қандай маърифатпарварлик гоялари илгари сурилди?

2. Қори Ниёзий ёш авлод тарбияси ҳақида қандай фикрлар билдирди?

3. «Навой» романида Ойбек ўзининг қандай педагогик гояларини баён этди?

4. XX аср иккинчи ярмидаги таълим-тарбияни сўзлаб беринг (Ғафур Ғулом, Зулфия, Эркин Воҳидовнинг педагогик фикрлари мисолида).

### **Реферат мавзулари**

1. Шайхзоданинг инсонпарварлик гоялари.

### **Адабиётлар**

## САККИЗИНЧИ БОБ

### Савол ва топшириқлар

1. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ёш авлод тарбиясида қандай аҳамиятга эга бўлди?

2. «Таълим тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини айтиб беринг.

3. Таълим тизимини инсонпарварлаштириш; демократлаштириш, узлуксиз таълим тушунчаларини изоҳланг.

4. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим-тарбия олдига қандай мақсад ва вазифалар қўйилди?

5. Мустақилликдаги таълим турларини ва ҳар бир турда амалга ошириладиган мақсадни айтиб беринг.

6. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг вазифалари ва ҳар бирига хос хусусият нимадан иборат?

### Реферат мавзулари

1. Ўзбекистон — муқаддас Ватан.
2. Баркамол авлод орзуси.
3. Шайхзоданинг инсонпарварлик ғоялари.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
2. «Таълим тўғрисида» қонун. Т, 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т, 1997.
4. *Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов.* Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари.
5. *Б. Аминов, Т. Расулов.* Ватан — юракдаги жавоҳир. Т.: «Ўқитувчи», 1996.

## **ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПЕДАГОГИК ФИКР**

### **БИРИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Милоддан олдинги V асрларда Юнонистондаги таълим-тарбия тизими, тарбияни қамровли равишда амалга оширилишини сўзлаб беринг.

2. Аристотелнинг педагогик гоялари баркамол фазилат соҳиби қилиб етиштириш ҳақидаги фикрларнинг ҳозирги давр учун ҳам нималардан иборат?

3. Мутафаккир Конфуци қандай педагогик фикрлари билан хитой маданияти, маърифати ривожда муҳим ўринни эгаллади?

#### **Реферат мавзулари**

1. *Н. А. Константинов, Е. Н. Мединский, М. Ф. Шабаета.* История педагогики. М.: «Просвещение», 1966.

2. *Д. Ушинский.* Танланган педагогик асарлар. Т.: «Ўзбекистон» ўқув-педагогика нашриёти, 1959.

3. *Ш. Шомухамедов.* Саъдий Шерозий. Т.: «Фан», 1961.

4. *Н. М. Маллаев.* Абулқосим Фирдавсий. Т.: Ўздавбадий адабиёт нашриёти, 1962.

5. *И. Мўминов.* Мирзо Бедил. Т.: «Фан», 1964.

### **УЧИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Я. А. Коменский инсон моҳияти ва ҳаётдаги вазифаси ҳақида қандай фикрлар билдирди?

2. Я. А. Коменскийнинг қандай гоялари мактабдаги амалий ишларда ўз ифодасини топди?

3. Ж. Ж. Руссо тарбиянинг мақсади, босқичлари, мазмуни ҳақида нималар деди?

4. И. Г. Песталоцци таълим-тарбияда қандай педагогик гояларни илгари сурди?

5. К. Д. Ушинскийнинг бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган педагогик гояларини айтинг.

### **Реферат мавзулари**

1. Я. А. Коменский асослаган ўқув-тарбиявий жараён ва унинг хусусиятлари.

2. И. Г. Песталоццининг ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим ҳақидаги гоялари.

### **ТўРТИНЧИ БОБ**

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Ривожланган мамлакатлардаги таълим тизимини тавсифлаб беринг.

2. У мамлакатлардаги таълим тизими билан Мустақил Ўзбекистондаги таълим тизими ўртасида нималарда ўхшашлик бор?

3. XXI аср мактаб, ўқув юртлари қандай шакл ва турда бўлишини орзу қиласиз?



## ХОТИМА ЎРНИДА

Ўзбек халқининг бола тарбиясида кўп асрлар давомида ортирган тажрибасини ўрганиш ва тиклаш жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифалардандир. Президентимиз Ислом Каримов жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этиши кераклигини айтар экан, «Миллий гоё биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»<sup>1</sup>лигини таъкидлайди.

Миллий педагогика тарихимизни, умумбашарий педагогика тараққиёти ривожига беназир ҳисса қўшган буюк аллома олимуму шоирларимизнинг таълимотлари, гоёларини ҳар томонлама ўрганиш ҳам мустақил фикрловчи, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни шакллантириш ва етиштиришда гоёт муҳимдир.

Президент Ислом Каримовнинг: «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоёт муҳим ўрин тутди»<sup>2</sup> — деган сўзлари миллий педагогика тарихини тиклашга ҳам дахлдор кўрсатмадир.

Миллий педагогикамиз тарихи ҳам ёшларнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Президент Ислом Каримов айтганидек, Марка-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. «Миллий тикланиш», 1998, 16-июн.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 526-бет.

зий Осиёда яшаб ижод этган, диний дунёқараш билан қому- сий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк аждодлари- мизнинг таълим-тарбия ҳақида айтган фикрлари, қилган иш- лари ҳозирги кунда ҳам ахлоқий тарбия ва ибрат манбаидир. Уларнинг мерос қилиб қолдирган маънавий қадриятларини, педагогик гояларини ҳозирги демократик жамиятнинг қадри- ятлари билан уйғунлаштириш биз педагог — олимлар олдида турган асосий, муқаддас вазифа бўлиб турибди.

Ёш авлод миллий анъаналар, миллий урф-одатлар, умумин- соний қадриятлар асосида тарбияланиб, келгуси порлоқ ис- тикбол хусусида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи, Ўзбекистоннинг буюк истиқболи йўлида фидойи курашчи сифатида ўз қобили- ятини намоён этмоғи керак.

Ўзбек халқи мустақиллик шарофати билан маънавият, ма- даният соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди. Одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга эъти- бор кучайди. Бунда асосий эътибор Ватанимиз мустақиллиги- ни, эл эркинлиги ва бахт-саодати учун жонини фидо қилган улуғ маърифатпарварлар фаолиятини холисона ёритишга қара- тилди. Бу мустақил, демократик давлатимиз талабидир.

Энг қадимги даврдан XXI асрнинг бешинчи йилларига қадар миллий педагогикамизнинг ривожини ифодаланган мазкур «Пе- дагогика тарихи» дарслиги давлат талабларини амалга оши- риш йўлида олиб борилаётган ишга кичик бир ҳисса бўлиб қўшилади, деган ниятда яратилди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2. Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. *Каримов И. А.* Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3. Т., «Ўзбекистон», 1996.
6. *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996.
7. *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
8. *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998.
9. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
10. *Каримов И. А.* Миллий давлатчилик, истиқлол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 1999.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.Т., 1997.
12. Ўзбекистон Республикаси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., 1997.
13. *Абай.* Танланган асарлар. Т., 1961.
14. *Абдурашулов М.* Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1972.
15. *Абдурауф Фитрат.* Чин севги. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.
16. *Абдурахмон Жомий.* «Баҳористон», Т., 1979.
17. *Абдурашидхонов М.* Бадий асарлар тўплами, Т., 1908.
18. *Абдулла Қодирий.* Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
19. *Абдуллаев Х. Д.* Узбекско-каракалпакские фольклорные связи. Т., «Фан», 1991.

20. *Абу Али ибн Сино*. Ҳикматлар, Т., «Ўзбекистон», 1980.
21. *Абулқосим Фирдавсий*. Шоҳнома. Биринчи китоб, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
22. *Абулқосим Фирдавсий*. Шоҳнома. Иккинчи китоб. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
23. *Абулқосим Фирдавсий*. Шоҳнома. Учинчи китоб. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
24. *Абдуазизова Н. А.* Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) Т., «Академия», 2000.
25. *Авлоний А.* Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи», 1972.
26. *Авлоний А.* Тошкент тоғи. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979.
27. *Айний С.* Асарлар. Саккиз томлик, 1 том, Т., 1963.
28. *Ал-Бухорий*. Ал-Адаб ал-муфрад. Т., «Ўзбекистон», 1990.
29. *Алишер Навоий*. Хамса, Т., 1960.
30. *Алишер Навоий*. Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1939.
31. *Алишер Навоий*. Арбаин ҳадис. Қирқ ҳадис, Т., «Ёзувчи», 1991.
32. *Алиқулов Х.* Эстетические воззрения Средней Азии и Хуросона. Т., «Фан», 1992.
33. *Алиқулов Х., Омонова Г.* Жомий ва Довоний таълим-тарбия ҳақида. «Ўқитувчи». Т., 1981.
34. *Амир Темур*. Темурийлар ҳақида. Қоҳира шаҳри. 1996.
35. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., «Фан», 1980.
36. «Аҳмад ал- Фаргоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти. «Халқ сўзи», 1998.
37. *Аҳмад Дониш*. Наводур-ул-вақое. Т., 1984.
38. Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., «Шарқ», 1997.
39. Барқамол авлод орзуси. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000.
40. *Баратов М.* Абу Али ибн Сино — буюк мутафаккир. Т., «Фан», 1980.
41. *Баратов Н., Алиқулов Х.* Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Т., «Ўзбекистон», 1974.
42. Бердақ шеърларидан. Т., 1983.
43. Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари. Т., «Фан» нашриёти, 1950.
44. *Беҳбудий М.* Баёни соний. (Ўқиш китоби), Т., 1907.
45. *Беҳбудий М.* Баёни ҳақиқат. «Улуғ Туркистон» газетаси. 1971, 12-июн.
46. *Беҳбудий М.* Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! «Хуррият» газетаси, 1918, 26-январ.
47. *Бобобеков Ҳ. Н.* Қўқон хонлигида халқ ҳаракатлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллари (рус тилида), Т., «Фан». 1990.
48. *Бозоров О., Шодиев Р.* Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд, Зарафшон. 1992.

49. *Бобур З. М.* Бобурнома. Т., «Фан», 1960.
50. *Бобур З. М.* Махрами асрор топмадим. Т., «Ёзувчи», 1993.
51. *Бобур З. М.* Танланган асарлар. Т., «Фан», 1958.
52. *Бабаханов Ш. З.* Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. Издательство народного наследия им. Абдуллы Кадыри. Т., 1998.
53. *Воҳидов Ҳ.* Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Т., 1962.
54. *Воҳидов Э.* Муҳаббатнома. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.
55. *Воҳидов Э.* Садоқатнома. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.
56. *Воҳидов Э.* Изтироб. Т., «Ўзбекистон», 1992.
57. *Воҳидов Э.* «Ишқ савдоси». Т., «Шарқ», 2002.
58. *Донишмандлар тарбия хусусида.* Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1982.
59. *Ёқубов Ҳ.* Ойбек. Т., «Фан», 1955.
60. *Ёқубов Ҳ.* Фафур Фулом. Т., Ўздавбадийнашр, 1959.
61. *Жан-Жак Руссо.* Педагогические сочинения. Том 1, М., «Педагогика». 1981.
62. *Жирмунский В. Н., Зарипов Х. Т.* Узбекский народный героический эпос. М., Госизд. художественной литературы. 1974.
63. *Жуманазаров У.* Тарих, афсона ва дин. Т., «Ўзбекистон», 1990.
64. *Жўраев Н.* Агар огоҳ сен... Т., «Ёзувчи», 1998.
65. *Жониматова Х.* Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1990.
66. *Зулфия.* Шеърлар. Икки жилдлик. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1 жилдлик. 1974. Иккинчи жилд 1975.
67. *Зуннунов А., Тўхлиев Б., Маъсудов Х.* Педагогика тарихи. Т., «Шарқ», 2002.
68. *Имом-ал Бухорий.* Ал-адаб ал-Муфрад. Т., «Ўзбекистон», 1990.
69. «Имом-ал Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. ЎзР. ФА. «Фан», 1998.
70. *Измайлов А. Э.* Народная педагогика: Педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М., «Педагогика», 1991.
71. *Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И.* Ўрта Осиёлик қирқ олим. Т., «Фан», 1961.
72. *Ирисов А.* Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижоди мероси. Т., «Фан», 1990.
73. *Йўлдошев Ж.* Ҳаёт ва тафаккур сайёраси. Т., «Фан», 1991.
74. *Каримов Н.* Ойбек. Т., «Ёш гвардия», 1985.
75. *Конфуцианство в Китае.* Проблемы теории и практики. М., «Наука», 1982.
76. *Константинов Н. А., Медянский Е. Н., Шабалева Л. Ф.* История педагогики. М., «Просвещение», 1982.
77. *Куръони Карим.* Т., «Чўлпон». Ўзбекча изоҳли таржима, 1992.
78. *Мабоди ул-ислом* (Ислом асослари). Т., 1991.
79. *Маллаев Н.М.* Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Т., «Ўқитувчи», 1973.

80. *Маллаев Н.М.* Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
81. *Маҳмуд Қошғарий.* Девону луготит-турк.Т., «Фан» . 3 томлик. 1 том. 1980.
82. *Маҳмудов Т.* Авесто ҳақида. Т., «Шарқ», 2000.
83. *Маҳмудов Т.* Эстетика живописи Узбекистана. Т., 1983.
84. *Маҳмудов Т.* Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001.
85. Маънавият юлдузлари. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
86. *Матжонов С.* Тириклик суви. Т., «Ёш гвардия», 1986.
87. Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
88. *Мўмин П.* Бу жуда соз. Т., «Ёш гвардия», 1978.
89. *Мўмин П.* Устозлар изидан Т., «Ёш гвардия», 1980.
90. Махтумқули шеърларидан. Т., 1976.
91. *Муҳаммад ат-Термизий.* Китоб аш-шамоил ан-набавия. Т., 1990.
92. Муҳаммад пайгамбар алайҳиссалом қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991.
93. *Мўминов И.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. «Фан» нашриёти, 1993.
94. *Нуриддинов Н.Г.* Педагогические идеи Абу Райхана Беруний. Т., «Фан», 1989.
95. *Обидов А.* Абу Райҳон Беруний ва Янги назария. Т., «Фан», 1991.
96. *Обидов М.* Одоб-ахлоқ-маънавият булоғи, Т., 1991.
97. *Огаҳий.* Асарлар. VI жилдлик. Т., Ф Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1 жилд. Девон. 1971. 2 жилд. Девон.
98. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. Тузувчи: Зуннунов Ш.
99. *Ойбек.* Навоий. Роман. Т., Ўздавнашр. 1944.
100. Ойбек замондошлари хотирасида Т., Ф Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
101. *Орипов А.* Йиллар армони. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
102. *Орипов А.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Т., 2000.
103. *Очилов М.* Муаллим — қалб меъмори. Т., «Ўқитувчи», 2001.
104. *Очилов М.* Ўқитувчи одоби. Т., 2002.
105. *Раҳимов С.Р.* Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сино. Т., «Ўқитувчи», 1979.
106. *Ризаев Ш.* Жадид драмаси. Т., «Шарқ», 1997.
107. *Румий Ж.* Ичингдаги ичингдадир. Т., «Шарқ юлдузи» журнали, 3-4, 5-6-7-8 сонлар. 1995.
108. *Румий Ж.* Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман. Т., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
109. *Ражабов С.* Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари. Т., «Ўқитувчи», 1990.

110. *Саъдий*. Бўстон. Т., 1960.
111. *Саъдий*. Гулистон. Т., 1960.
112. *Султонов И.* Баҳоуддин Нақшбанд абадиёти. Т., «Фан» нашриёти. 1994.
113. *Сухомлинский В.* Тарбия ҳақида. Т., «Ёш гвардия», 1977.
114. *Суюмов А., Жумабоев М.* Болалар адабиёти. — Т., «Ўқитувчи», 1955.
115. Туркистон матбуоти тарихи. Тузувчи А. А. Абдуазизова. Т., «Академия», 2000.
116. *Тухлиев Б.* Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1991.
117. *Умар Хайём*. Наврўзнама. — Т., «Меҳнат», 1990.
118. *Усмон Носир*. Унутмас мани боғим. — Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
119. *Ушинский К.Д.* Танланган асарлар. Т., 1959.
120. *Философский словарь*. М., изд. полит. лит. 1963.
121. *Фитрат А.А.* Раҳбари нажот. Истамбул, 1915.
122. *Фитрат А.А.* Оила. Боку, 1915.
123. *Фитрат А.А.* Тарихи ислом. Истамбул, 1908.
124. *Фитрат А.А.* Чин севги. Т., 1996.
125. *Форобий А.Н.* Рисолалар. Т., «Фан», 1995.
126. *Форобий А.Н.* Шеър санъати. Т., 1979.
127. *Хайруллаев М.* Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1967.
128. *Хайруллаев М., Баҳодиров Р.М.* Абу Абдуллах ал-Хоразми. М., «Наука», 1988.
129. Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси. Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ офсет лабораторияси, 1992.
130. *Хондамир*. Макоримул-ахлоқ. Т., «Фан», 1941.
131. *Чўлпон*. Яна олдим созимни. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
132. *Шайхзода*. Асарлар. Олти жилдлик. Иккинчи жилд. Т., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
133. *Шарифхўжаев М.* Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. Т., «Шарқ», 2002.
134. *Юсуф Хос Ҳожиб*. Қутадғу билиг. Т., «Юлдузча», 1990.
135. Ўзбек педагогикаси тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1997.
136. Ўзбек халқ ижоди: Муродхон. Рустамхон. Кўп томлик. Т., Тошкент, 1965.
137. Ўзбек халқ ижоди. Ширин билан Шакар. Кунтугмиш. Орзигул. Т., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
138. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т., «Фан» нашриёти, 1996.
139. *Қуронов Д.* Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Т., «Ўқитувчи», 1997.
140. *Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э.* Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Т., «Фан», 1999.

141. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қуронов М., Аҳлиддинов Р., Мажи-дов И. Миллий истиқлол гоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ён-дашувлар. Т., «Академик», 2002.
142. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т., «Фан», 1995.
143. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. Т., «Маънавият», 2000.
144. Фуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Т., «Меҳнат», 2001.
145. Фафуров И. Ўртоқ шоир. Т., «Ёш гвардия», 1975.
146. Фафуров И. Жозиба. Т., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат на-шриёти, 1970.
147. Фафур Фулом. Асарлар. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
148. Ҳайдаров К. Муслмонларнинг миллий урф-одатлари. Самарқанд. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
149. Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч жилдлик. Т., Ўздавбадий нашр, 1-жилд, 1957, 2-жилд, 1958.
150. Ҳамза. Асарлар. Икки томлик. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.
151. Ҳикматлар гулдастаси. Тўпловчи М. Азаматов. Т., Ф. Фулом номида-ги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши ..... 3

### *Биринчи қисм*

#### Марказий Осиёда педагогик фикр

**Биринчи боб.** Марказий Осиёда энг қадимги даврда ижтимоий ҳаёт,  
тарбия. «Авесто», «Алломиш» ва «Манас» дostonлари ..... 8

**Иккинчи боб.** Марказий Осиёда VIII-XIII асрларда ижтимоий ҳаёт,  
маданият, таълим тарбия ..... 19

Ислолда таълим-тарбия ..... 25

Имом ал-Бухорий ..... 30

Исо ат-Термизий ..... 37

Абу Наср Форобий ..... 39

Абу Райҳон Беруний ..... 43

Абу Али ибн Сино ..... 46

Юсуф Хос Ҳожиб ..... 50

Умар аз-Замаҳшарий ..... 54

Маҳмуд Қошғарий ..... 56

Аҳмад Яссавий ҳаёти ..... 62

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ..... 65

**Учинчи боб.** Марказий Осиёда XIV-XV асрларда Темур ва теурийлар  
даврида ижтимоий ҳаёт, маданият, мактаб ва таълим-тарбия ..... 67

Муҳаммад Мирзо Улуғбек ..... 72

Абдураҳмон Жомий ..... 77

Алишер Навоий ..... 82

Ҳусайн Воиз Кошифий ..... 87

Жалолиддин Давоний ..... 91

Заҳририддин Муҳаммад Бобур ..... 95

**Тўртинчи боб.** Марказий Осиёда XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида  
ижтимоий ҳаёт, маданият, мактаб ва таълим-тарбия ..... 98

Комил Хоразмий .....	99
Мунис Хоразмий .....	102
Нодира .....	104
Муҳаммад Ризо Огаҳий .....	106
Бердимурод Бердақ .....	108
Махтумқули .....	112
Абай Қўнонбоев .....	115
<b>Бе ш и н ч и б об. Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида</b>	
<b>ижтимоий ҳаёт, маърифат, мактаб ва таълим-тарбия .....</b>	<b>119</b>
Аҳмад Дониш .....	120
Фурқат .....	122
Дилшод Барно .....	124
<b>О л т и н ч и б о б. XIX аср биринчи ярмида ижтимоий ҳаёт, мактаб,</b>	
<b>таълим-тарбия .....</b>	<b>126</b>
Абдуқодир Шакурий .....	127
Исҳоқхон Тўра—Ибрат .....	128
Муҳаммадшариф Сўфизода .....	128
Маҳмудхўжа Беҳбудий .....	133
Садриддин Айний .....	137
Мунавварқори Абдурашидхонов .....	140
Абдулла Авлоний .....	143
Абдурауф Фитрат .....	148
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий .....	153
Абдулла Қодирий .....	155
Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон .....	165
Элбек .....	169
<b>Е т т и н ч и б об. XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаёт,</b>	
<b>таълим-тарбия, педагогик фикр .....</b>	<b>171</b>
Қори Ниёзий .....	172
Сиддиқ Ражабов .....	178
Шорасул Зуннун .....	181
Ғафур Фулом .....	186
Ойбек .....	193
Ҳамид Олимжон .....	200
Мақсуд Шайхзода .....	205
Зулфия .....	210
Эркин Воҳидов .....	218
Абдулла Орипов .....	225
Пўлат Мўмин .....	231

<b>Саққизинчи б об. Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, мактаб, таълим-тарбия, педагогик фикр ривож</b> .....	234
Асқар Зуннунов .....	242
Малла Очилов .....	246
Шавкат Қурбонов .....	250
Муҳаммад Қуронов .....	256

*Иккинчи қисм*

**Хорижий мамлакатларда педагогик фикр**

<b>Биринчи б об. Қадимги Юнонистон (Греция)да таълим-тарбия, илм-фан, адабиёт, санъат</b> .....	261
Демокрит .....	261
Сукрот .....	263
Платон .....	264
Аристотел .....	266
Квинтилиан .....	268
Конфуци .....	271
<b>Иккинчи б об. Шарқ мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида</b> .....	274
Саъдий Шерозий .....	274
Жалололдин Румий .....	280
Абулқосим Фирдавсий .....	285
Мирзо Абдулқодир Бедил .....	288
<b>Учинчи б об. Оврупо мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида</b> .....	292
Ян Амос Коменский .....	292
Жан-Жак Руссо .....	299
Иоганн Генрих Песталоцци .....	302
Константин Дмитриевич Ушинский .....	306
<b>Тўртинчи б об. Ривожланган хорижий мамлакатларда мактаб ва таълим-тарбия тизими</b> .....	311
Боблар бўйича савол, топшириқ, реферат мавзулари, адабиётлар .....	317
Хотима ўрнида .....	325
Адабиётлар рўйхати .....	327

*Асқар Зуннунов*

## **ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ**

Муҳаррир *А. Зиёдов*

Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*

Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

Босишга рухсат этилди 28.06.04. Бичими 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Шартли б.т. 21,0.  
Нашр б.т. 22,2. Адади 300. Буюртма № 98.

«Arnaprint» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент, Ҳ. Бойқаро кўч., 51.